



«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» КУТУБХОНАСИ

# Амиргулиниг тиқони

*Хикоялар*



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2016

УЎК: 821-822(100)

КБК 84(0)

А 87

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Ушбу китоб бир неча йиллар бадалида топиб танланган, сараланган, зўр ҳавас ва ҳафсала билан ўзбекчага ўтирилиб, кўплаб нозиктаъб мухлисларнинг эътирофига сазовор бўлган чинакам дурдоналардан таркиб топган. Мавзуси, ифодавий шакли, услуби ва борингки, жугофиясига кўра ранг-баранг, лекин ҳар бири ўзича дурдона бўлмиш мазкур ҳикоялар бир муқова ичига жамланиб, ажидадабий дунё воқе этганки, уларни ўқиган китобхон нечоғлиқ ноёб маънавий мулкка эга бўлади.

ISBN 978-9943-28-690-0

© Тўпл. С. Ёқубов

© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016

## **ҲАР БИРИ – ДУРДОНА**

Сезиб турибман, ҳазилакам китобга сўзбоши ёзилмаётир!

Бундай китоб ҳар куни дунёга келмайди, ҳар куни чоп этилавермайди. Камида йигирма йиллик тарихи бор бу китобнинг. Тӯғри, жаҳон адабиёти намуналаридан иборат турли тўпламу баёзлар она тилимизда илгари ҳам чиққан. Уларнинг аксари бирон бир расмий тадбир ёхуд тарихий сана баҳонасида апил-тапил тайёрланиб, нашр қилингани маълум. Кўлингиздаги мажмуа эса неча йиллар бадалида топиб танланган, сараланган, зўр ҳавас ва ҳафсала билан ўзбекчага ўтирилиб, кўплаб нозиктаб мухлисларнинг эътирофига сазовор бўлган чинакам дурданалардан таркиб топди.

Азалдан шундай – яхшироқ нарса ўқиб қолсан дархол бошқаларга ҳам етказишга ошиқман, юрган йўлимда уни таърифлаб, тарғиб этиб юраман; шу тариқа зимдан ўзимга ҳамфир, маслақдош ахтарсан керак-да. Дейлик, ўша асар ўзга тилда бўлса, таржи-мон ёр-дўстнинг дилига ўт ёқиб, тезроқ ўзбек тилида жаранглатиш пайига тушаман. Ўзим таржима иши билан астойдил шуғулланмаган эсам-да, бу серзахмат соҳани олийжаноб санъат деб биламан, унинг фидойиларига ихлосим баланд – адабиётимизни, демакки, тилимизни ҳам бойитишида, ифода имкониятларини кенгайтиришида уларнинг хизмати бекиёс.

«Тафаккур» мажалласида фаолият бошлаганим кўнгилдаги ана шу ниятларнинг күшойишига йўл очди. Ҳолбуки, бу ишим бориб турган ўзбошимчалик эди: «Тафаккур» бевосита адабий-бадиий нашр бўлмаса! Лекин устоз Саид Ахмад таъбирича, «хўмрайган журнал»нинг қиёфасини бир қадар мулоиймлаштириш ҳам гуноҳи азим эмасдир.

Ўша кезларда ким нима деган бўлса дегандир, аммо бугун жаҳон адабиётининг кўркам намуналарини мунтазам ёритиб келаётгани учун «Тафаккур» журналини бирор ёмонламаса керак. Аксинча, илк бор мажалламиз сахифаларида кўринган сара асарлар мамлакат матбуотида қайта-қайта кўчириб босилмоқда, айримлари ўқув хрестоматияларидан ҳам ўрин олган. Хуллас, улар адабий-маданий ҳаётимизнинг ўғай эмас, ўз фуқаросига айланниб кетди.

Бугун ана шу ҳикояларнинг умумий рўйхатига кўз ташлар эканмиз, ҳар бирининг танланиш ва таржима этилиш жараёни, журналда чиққач билдирилган фикр-мулоҳазалар, эътирофлар ёдга тушади. Чунончи, мажмуага ном бўлган «Атиргулнинг тикони» ҳикоясининг «йўқолиб қолиши»ю топилишига доир тафсилотларни камина журналдаги сўзбошида ёзганман, такрорламоққа ҳожат йўқ – шундай ноёб асарнинг йўқолиб-топилтани эмас, мана неча йилдирки, адабий бисотимизни безаб, ўқиган кишини ҳаяжонга солиб келаётгани муҳим.

Мавзуси, ифодавий шакли, услуби ва борингки, жукрофиясига кўра ранг-баранг, лекин ҳар бири ўзича дурдона бўлмиш ушбу асарлар бир муқова ичига жамланиб, ажид адабий дунё воқе этадики, дадил айтганда, унинг жаҳон маданий майдонида мавжуд бехисоб адабий антологиялар даврасига кўрк бағишлиб туражагига шубҳа йўқ.

Китобхон эса тўпламни ўқиб чиққач, нечоғлиқ ноёб маънавий мулкка эга бўлганини англаб етади.

**Эркин АЪЗАМ,**  
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси  
«Тафаккур» журнали  
бош муҳаррири

---

---

**Оноре де БАЛЬЗАК**  
**Француз ёзувчиси**  
**(1799-1850)**

---

---



## ФОЙИБ БҮЛГАН ДУРДОНА

### 1. Жиллетта

1612 йил адогидаги аёзли декабрь тонгида энгилбoshi юпунгина йигитча Парижнинг Катта Августинчилар кўчасида жойлашган бир уй олдида тараддудланиб, нари-бери бориб келарди. Илк бор севиб қолган-у, аммо маъшуқасига дил изҳори қилмоққа ботинолмаган бўзболадек роса кўча тепкилагач, у ниҳоят, остона ҳатлаб, мэтр Франсуа Порбус<sup>1</sup> уйда бор-йўқлигини сўрамоққа жазм этди. Даҳлиз супураётган кампирдан «Ҳа, уйдалар», деган жавобни олгач, қирол ҳазратлари қандай қабул қиласканлар, дея юраги така-пуга бўлган янги сарой аъёни мисол, айланма зинапоянинг ҳар бир поғонасида тўхтай-тўхтай, имиллаб юқорига чиқди. Чиқди-ю, устахона эшигига зеб бериб турган фаройиб болғачага қўл теккизолмай, майдончада тағин туриб қолди. Эҳтимол, бу чоқ Рубенс даҳоси порлаб, Мария Медичи назаридан қолган Генрих Еттинчининг хос мусаввири ичкарида ижод килиб ўтиргандир. Айни дамда, йигит ҳам бўлажак буюк рассомлар ёшлик шавқи ва санъат ишқи билан ёниб яшаётган кезлар бирор даҳо ижодкор ёхуд дурдона асарга ёвуқ келган пайт бошдан кечирадиган жўшқин туйгулар исканжасида эди. Инсондаги ҳис-туйгуларнинг ҳам олийжаноб

---

<sup>1</sup> Порбус – Кичик Франсуа Порбус (1570–1622) – Парижда яшаб ижод қилган фламанд мусаввири.

интилишларга дохил баҳор чечаклариңек гул очиш фасли бўладики, баҳт хотирага, шуҳрат эса рўёга айланиши билан улар секин-аста кузги боғлар каби заъфарон тортади. Қалбнинг ўткинчи ҳаяжонлари орасида ҳеч бири шуҳрат ва кулфат йўлида эндигина ижоднинг илк ажиб қийноқларини totaётган ёш рассомнинг журъату журъатсизликка, умиду умидсизликка лиммолим эҳтиросичалик муҳаббатга уйқаш эмас. Чўнтағида бир мириям йўғ-у, аммо кўнгли ойни тусаган кезлари улкан санъаткорга дуч келиб, юраги дукиллаб уриб кетмаган рассомнинг қалби, албатта, жиндек кемтиқ бўлади, мўйқаламида бирон бир бўёқ, ижодида бирон бир туйфу, яратиғида бирон бир жило етишмайди доим. Мен бўлғуси даҳоман деб подадан олдин чанг кўтарган мақтанчоқлар эса аҳмоқлар кўзигагина оқил бўлиб кўринади, холос. Гўзал хонимлар ноз-карашмани машқ қила-қила тортинчоқлик ҳиссини йўқотиб кўйгани каби, истеъдод эгалари ҳам санъат атрофида айланана осон бой бериб қўядиган уятчанлик ҳисси жиҳатидан қаралса, худо йигитчани бу неъматдан асти қисмаган эди. Ишингиз бароридан кела бошлагач, журъатсизлик ҳам йўқолади, тортинчоқлик, уятчанлик эса, эҳтимол, журъатсизликнинг бир туридир.

Агар тасодиф рўй бермаганида, муҳтоҗлиқдан боши гангиган ва айни дамдаги дадиллигидан ўзи ҳам ҳайратда турган бечора йигитча Генрих Тўртинчининг ажойиб портретини чизган рассом ҳузурига киришга жазм этолмас эди. Ҳайриятки, ортидан бир чол чиқиб келди. Аломат кийим-боши, ҳашамдор тўр ёқаси, сипо ва ўқтам қадам олишидан бу одам устанинг ҳомийси ёхуд дўсти эканини пайқаб, йигит йўл бермоқ учун ўзини бир қадам орқага олди-да, бу зотда санъат аҳлига хос ҳамият ёхуд санъат шайдосига хос илтифот аломатини кўриш умидида уни қизиқиб кузата бошлади, аммо чолнинг юзида иблисона бир ифода, боз устига мусаввирни жалб этадиган мубҳам ва ғалати бир жозибами-ей бор эди. Рабле ёхуд Сукротникидек ихчам, япасқи, учи қанқайган бурунга туташ сийқа

бошли кенг дүңг пешонани, атрофини ажин қоплаган истехзоли лабни, кибр-ла олдинга туртган кичкина иякни, оппоқ чўққи соқолни, кариликдан хира тортган, аммо fazab ёки қувонч дамлари ҳали ҳам одамни сеҳрлаб қўювчи нигоҳ ташламоқка қодир денгиз су-видек ям-яшил кўзларни тасаввур қилинг-а! Дарвоқе, бу турқ қариликдан кўра кўпроқ рух ва танани кемиравчи ўй-хаёллардан сўлғинлашгандек эди. Киприклар буткул тўқилиб битган, қош ўрнида яккам-дуккам мўйлар кўзга чалинади. Шу каллани заиф ва дардманд гавдага қўндирилган холда тасаввур этинг-да, уни оппоқ нафис тўр билан ўраб, чолнинг қора нимчасига йўғон тилла занжир осиб қўйинг, қарабисизки, бу кимсанинг нотугалроқ сурати тап-тайёр – фақат шуни ҳам қўшимча қилиш жоизки, айни дамда, зинапоядаги хира ёруғда у хаёлий тусга кирган. Гўёки Рембрандт мўйқаламидан чиққан бу портрет қасноини тарқ этиб, улуғ рассом хуш кўрган нимқоронфиликда сассиз кезиб юрибдими, деб қоласиз. Чол йигитга синчков назар ташлаб, эшикни уч маротаба тақиллатди ва уни очган кирқ ёшлардаги рангпар кишига:

– Хайрли кун, мэтр, – деди.

Порбус назокат ила чолга таъзим қилди ва йигитчани ҳам у билан келган деб фахмлаб, ичкарига олди. Кейин эса улар йигитга деярли эътибор ҳам қилишмади. Ҳолбуки, йигитча рассомлик сир-асорини ўрганиш мумкин бўлган устахонага илк дафъа кириб қолган барча туфма мусавиirlар каби ҳайратдан қотган эди. Уста Порбус ижодхонасини равоқдаги очик дераза ёритиб турарди. Ёруғлик тўппа-тўғри мольбертга ва ундаги оқ бўёқ чапланган полотнога келиб тушар – зулматга чўмган бу катта хонанинг бурчак-бурчагигача етиб боролмас эди; аммо унинг ўжар шуълалари нимқоронфилик аро gox деворга осилган суворий совутининг бўртиқларида кумушдек жилва қилар, gox ноёб идиш-оёқлар териб қўйилган қўхна жавоннинг ўймакор нақшли ялтироқ карнизини тарам-тарам бўлиб ёритар, gox ҳафсала билан қат-қат тах бериб тикилган

ва чамаси битта-яримта картина учун натура ўрнида хизмат қилган эски зарбоф парда ғуддаларини ялтиллатиб юборар эди.

Токча ва тагликларда яланғоч мушакларнинг ганчга тушириб олинган нусхаларию антик давр илоҳаларининг гавдалари уюлиб ётарди. Қалам ёки перо билан чизилган ҳисобсиз хомаки расмлару этюдлар деворни шифтга қадар тўлдириб ташлаган. Бўёқ солинган қутилар, мой ва эритмалар қўйилган шишалар, тўнкариб қўйилган узун ҳарракалар орасидан баланд дераза сари фақат тор бир йўлакча қолдирилган, шу деразадан Порбуснинг рангпар юзию анови ғалати одамнинг сарғимтири дўнг пешонасига тик ёруғлик тушиб турар эди. Йигит ўша таҳликали, олағовур йилларда жуда машҳур бўлган бир картина га бутун вужуди билан сингиб кетган – бу картинани томоша қилгани яккаш қайсар, чўрткесар одамлар келардики, бугун ўша қабоҳат даврида ҳам илоҳий оташ сақланиб қолгани учун айнан шулар олдиди қарздормиз. Картинада дарёдан ўтказиб қўйгани учун қайиқчига кира ҳақи беришга чоғланган Миср кизи Марям тасвириланган эди.

– Авлиё аёлинг менга ёқади, – деди чол Порбусга. – Қиролича сенга тўлайдиган ҳақ устига яна ўн тилла экю қўшиб берган бўлардим-у, аммо зоти олияларига тенглашаман деб боқ-чи... ҳолинг не кечаркан!

– Бу ишим сизга ёқадими?

– Хе-хе, – дея тўнfillади чол, – ёқадими эмиш! Ёқадиям, ёқмайдиям. Аёлинг хўб хушбичим-у, аммо жонсиз. Сиз мусавиirlар, одам аъзоларини анатомия қонунларига мувофиқ жой-жойига қўйиб чизсак бас, деб ҳисоблайсиз. Сўнг бу шакл-шамойилни палитрада тап-тайёр турган тана рангидаги бўёқ билан бўяшга тутинаркансиз, бир тарафини бошқасига қараганда тўқроқ қилиш пайида бўласиз ва қаршингизда турган яланғоч аёлга фақат шу мақсаддагина ахён-ахён назар ташлаб қўйиб, камина табиатни қайта бунёд этяпти, мен худодан санъаткорлик сирини ўйирлаб олган зотман, дея хаёл қиласиз ўзингизни... Бе, қўйсангиз-чи!

Буюк шоир бўлмоқ учун гапни чаппа тузишу зўр кофия топишнинг ўзи кифоя эмас-да! Авлиё аёлингга қара, Порбус! Бир қарашда, у оғатижон бўлиб кўринади, аммо сер солиб тикилсанг, полотнога чиппа ёпишиб қолганини англайсан: унинг гирдида айланиб бўлмайди. У – фақат олд томонигина бор, ёрти бир тасвир, холос. На у ёқ-бу ёққа ўгирилиши, на-да им қоқиши маҳол бўлган аёлсимон бир кўланка. Мен мана бу кўллар билан орқа манзара оралиғида ҳаво сезмаяпман, картинада бўшлиқ йўқ, ҳолбуки, олислашиш қонуни тўлиқ-тугал сақланган, орқа манзара қоидасига ҳам худди шундай риоя этилган, аммо мақтовга лойиқ бундай тиришқоқлигингга қарамай, бу гўзал вужудга ҳаётнинг қайноқ нафаси-ла жон уфурилганига асло ишонолмайман. Дейлик, унинг олмадек шу кўкрагига кўл теккисам, мармардек совуқлигидан сесканиб кетаман! Ҳа, дўстгинам, бу буғдоиранг баданда қон гурираётгани йўқ, чакка ва кўкрагининг тиниқ териси остида тўр бўлиб таралган томирларда ҳаёт алвон чашма каби жўш урмайтири. Қара, мана бу жойи нафас олаётгандек – худди тирик одамницидек, мана бу жойи эса қилт этмайди, картинашнинг ҳар бир бўлагида ҳаёт билан ўлим олишиб ётипти; мана бу ерда аёллик латофати намоён, бу ерда эса у қўфиричоқнинг ўзи. Хуллас, асаринг номукаммал. Сен севимли асарингга қалбингнинг бир бўлагинигина бағишилагансан, холос. Кўлингда Прометей машъяласи неча бор ўчиб қолган, самовий оташ картинашнинг кўп жойига тегмаган ҳам.

– Сабаби нима, кадрли устоз? – деб сўради Порбус тавозе билан, йигит эса чолга мушт тушириб қолишдан ўзини аранг тийиб турарди.

– Боиси шуки, – деди чол, – сен икки услуб ўртасида – расм билан бўёқ танловида, эски олмон усталарига хос бўлган икир-чикирларгача ўта аниқ тасвирлашдек совуққонлик билан итальян мусаввирларининг ҳайратомуз эҳтироси ва олийжаноб хотамтойлиги орасида каловланиб қолгансан. Сен бир вақтнинг ўзида Ҳанс Ҳолбейн ва Тицианга, Альбрехт Дюрер ва

Паоло Веронезега эргашмоқчи бўлгансан. Албатта, бу жуда зўр даъво! Бироқ натижа қандай бўлди, хўш? На совукконликнинг тунд мафтункорлигига, на нур билан соянинг алдоқчи ўйинига эриша олдинг. Худди қайноқ мис мўрт қолипни ёриб ташлаганидек, мана бу ерда Тицианнинг серҳашам ва сержило бўёқлари Альбрехт Дюернинг сипо контурини бузиб, тошиб чиқсан. Расмнинг бошқа жойлари-ку дуруст, Венеция палитрасининг бой бисотига ҳам дош берган. Юз тасвирида эса на расм, на колоритни беками кўст деб бўлади, бу ерда машъум журъатсизлигинг излари аён кўриниб турибди. Модомики, бир-бирига терс бўлган бу икки ижод услубини истеъдодинг алангасида эритиб, кориштириб юборишга кўзинг етмадими, жонли натуранинг ҳечқурса бирон бир хусусиятини тугал ифода этадиган яхлитликка эришмоқ учун иккovidан бирини танлашинг зарур эди. Сен фақат оралиқ қисмларнигина ҳакқоний тасвирлагансан, контурлар бўлса ҳаётий чиқмаган, улар охирига етказилмаган ва, демакки, бундан бирор маъно қутиш ҳам нораво. Мана бу ери табиий чиқибди, – деди чол авлиё аёлнинг кўкрагини кўрсатиб. – Мана бу ери ҳам, – деб давом этди у елканинг тугаш жойига ишора қилиб. – Аммо бу ери, – деди кўкрак оралиғига қайтиб, – сирайм ўхшамаган... Кел, сарак-пучак деб ажратишга нуқта қўя қолайлик, акс ҳолда, ижоддан ҳафсаланг совиши ҳеч гапмас...

Чол курсичага ўтириб, қўлинини чаккасига тираганча, сукутга чўмди.

– Устоз, – деди Порбус унга, – мен, ҳарқалай, бу кўкракни яланғоч танада обдан ўрганганман, лекин баҳтга қарши, табиат шундай таассуротлар туғидирадики, улар полотнода ноҳақконийдек бўлиб чиқади...

– Санъатнинг вазифаси табиатдан нусха кўчириш эмас, балки уни ифодалай билишдир. Сен аянч бир нусхакаш эмас, чинакам санъаткорсан! – дея завқка тўлиб хитоб қилди чол Порбуснинг гапини шарт бўлиб. – Акс ҳолда, ҳайкалтарош ҳам ганчдан аёл

шаклини оларди-да, шу билан иш тугади, деб қўли-даги юкни кетказишга уннарди. Қани, ганчдан севгилингнинг қўл шаклини ол-да, қара-чи, заррача ўхашалик топармикансан, йўқ, бу – айни мурданинг қўли бўлади, оқибатда сен ҳайкалтарош олдига юкиниб боришига мажбур бўласан, у эса қўлдан аниқ нусха қўчирмаса-да, унга ҳаракат ва ҳаёт баҳш этади. Биз жонлию жонсиз мавжудотларнинг рухи ва моҳиятини, ўзигагина хос бўлган қиёфасини илғаб олмоғимиз лозим. Таассурот, таассурот дейсан! Уқиб ол, таассурот бу – ҳаётнинг ўзи эмас, ундаги бир тасодиф, холос! Модомики, қўлни мисол қилдимми, шуни ҳам айтай, қўл нафақат инсон танасидаги бир аъзо, айни чоғда, илғаб олиниши ва акс эттирилиши керак бўлган фикр ифодаси ҳам. На мусаввир, на шоир, на ҳайкалтарош таассуротни сабабиятдан ажратмаслиги лозим, чунки бу иккиси – ялакат, бири бошқасисиз мавжуд эмас. Курашдан асл мақсад ҳам ана шу. Аксарият мусаввирлар санъатнинг шу қоидасидан бехабар бўлатуриб, ўзи ҳам билмаган ҳолда ғалаба қозонади. Сиз аёлнинг расмини чизасиз-у, бироқ унинг қалбини кўролмайсиз. Бу аҳволда табиатдан сир ўғирлаб бўлар эканми? Сиз ўзингиз сезмаган ҳолда устозингиздан кўчириб олган битта қолипни ҳадеб тасвирлайверасиз. Сиз шаклни қалбдан туя билмайсиз, ундаги ҳар бир четлашиш ва чекинишни зўр ихлос ва сабот билан кузата олмайсиз. Гўзаллик бу – сипо ва қайсар хилқат – оппа-осон таслим бўлмайди, уни бўйсундириш учун қулай фурсатни кутиш, изма-из таъқиб этиш ва фафлатда қолдириш даркор. Шакл бу – Протей<sup>1</sup>, бироқ афсонадаги Протейдан юз карра абжир ва хийлакор! Қаттиқ олишувдан сўнггина уни асл қиёфасида кўринишга мажбур этиш мумкин. Сизлар эса, унинг ўзи қай қиёфада кўринишни хоҳласа, шу биргина қиёфаси, нари борса, иккин-

<sup>1</sup> Протей – юнон мифологиясидаги денгиз илоҳаси, Посейдоннинг ўғли, турли мавжудотлар қиёфасига кириш қобилиятига эга бўлган. У асл қиёфасини кўрмаган ва билмаганлардан ба-шпоратчилик қобилиятини яширган.

чи, учинчи қиёфасини кўриш билан қаноатланасиз; ғалабага муносиб курашчи эса бунга кўнмайди. Бу толмас мусаввирлар турли ҳийла-найрангларга алданниб қолмайди, табиатни яланғоч холда асл моҳиятила намоён бўлмоққа мажбур қилмагунча ахдидан қайтмайди. Рафаэль айнан шундай қилган, – деди чол санъат киролига бўлган хурматини ифодалаш учун бошидан қора баҳмал қалпоғини ечиб. – Рафаэлнинг бошқалардан бекиёс устунлиги – шаклни қалбан тушиб ва табиатни мажбурлай билиш қобилиятидир. Унинг ижодидаги шакл – бор-йўғи фоя, туйфу ва нафосатни етказиш воситасидирки, бизнинг «чизги»ларимизда ҳам айнан шундай бўлиши зарур. Ҳар бир тасвир – бутун бошли олам, мана шу дунёмиздан манба оловчи тасвир воситалариға Парвардигорнинг ўзи ишорат бериб турган онлар қалб қўзи-ла илғанадиган ва бизга дафъатан юз кўрсатадиган муazzам нурли рӯёдан андоза олиб чизиладиган портретдир. Сиз вужуднинг чиройли либосини кийдириб, латофатли кўнғироқ соchlар чодраси билан зийнатлайсиз аёлингизни, бироқ унинг томирлари бўйлаб қалбларга ҳаловат ёхуд эҳтирос солароқ жўшиб оқувчи ва зўр таассуротлар ҳадя этувчи ўша қон қани? Сенинг авлиё аёлинг – қорасоч, аммо мана бу бўёқлар, нотавон Порбус,mallasoch аёлдан олинган! Шу сабаб ҳам сизлар матога тушириб олдимизга тизиб ташлаган бу қиёфалар бўёқ чапланган кўланкадан бошка нарса эмас, шуларни рангтасвир ва санъат асари деб атайсизми?.. Чизганингиз ажинани эмас, аёлни эслатгани учунгина қойиллатдим деб ҳаволанасиз, қадимги мусаввирлар каби расмларингиз тагига *currsus venustus*<sup>1</sup> ёхуд *pulcher homo*<sup>2</sup> деб ёзиб қўйишга эҳтиёж йўқлигидан фуурланасиз-да, ўзингизни зўр мусаввир хаёл қиласиз!.. Ҳо-ҳо... Йўқ, сиз ҳали бу даражага етганингиз йўқ, қадрли биродарларим, асл расом бўлиш учун ҳали қанча мўйқаламнинг бошига

<sup>1</sup> Кўркам арава (лотинча).

<sup>2</sup> Чиройли киши (лотинча).

етишингиз, қанча матога қирон келтиришингиз керак! Жуда түғри, аёл киши бошини шундай тутади, этагини шундай күтәради, чарчоқ босган күзлари ҳам шундай малоҳат-ла йилтиллайди, узун қайрилма киприкларининг титроқ сояси ёноқларида худди шундай липиллайди. Ҳаммаси айнан шундай ва... шундай эмас ҳам! Ҳўш, топинг-чи, нима камлик қиляпти? Арзимас бир чизги! Аммо шу арзимас чизгида гап кўп. Сиз ҳаётни фақат зохирдан кўра оласиз, холос, ботиндаги тошқинни бўзга туширомайсиз, ҳолбуки, бу тошқин кўкни қоплаган булат янглиғ жисмга ҳарорат бағишлаб турган жон-ку! Бошқача айтганда, сиз Тициан ва Рафаэлдан фарқ этарок, барқ уриб турган ҳаёт нафосатини тасвирлаб беролмайсиз. Сиз турган шу мавқедан яна олға ҳаракат қилинса, балки гўзал рангтасвир асари яратса бўлар, аммо сиз тез орада ҳолдан тойиб қоласиз. Оддий одамлар асарингизга қойил қолиб, тасанно ҳам айтар, лекин чинакам билимдон мийифида кулибгина қўяди. О, Мабузе!<sup>1</sup> О, устозим! – дея хитоб этди қўққис бу аломат одам. – Сен – ўғрисан, ҳаётни ўзинг билан ола кетдинг!.. Шунга қарамай, бу асар бетамиз Рубенснинг қизил бўёқ чапланган фламандча юзлар, малла соchlару тумтароқ ранглар тошқинидан иборат полотносидан афзал. Асарингда ҳарқалай колорит, хис-туйфу ва расмчилик – санъатнинг уч муҳим узви тугал.

– Бироқ авлиё аёл фоят жозибали, жаноб! – деди ҳаёлот оламида кезиб юрган йигит бирдан ўзига келиб баралла. – Ҳар иккала чехрада – авлиё аёлнинг ҳам, қайиқчи эркакнинг ҳам юзида итальян усталарига номаълум бўлган бир нозиклик барқ уриб турибди. Қайиқчининг юзидаги тараддуд ифодасини улардан бирортаси ҳам акс эттириб беролмасди, буниси – аниқ.

– Бу йигитча сизнинг ҳамроҳингизми? – деб сўради Порбус чолдан.

<sup>1</sup> Мабузе – ҳолланд мусаввири Ян Хоссарт (XV асрнинг 70-йиллари – XVI асрнинг 30-йиллари). Мабузе шаҳрида туғилгани учун шу лақабни олган.

— Ох, устоз, одобсизлигим учун афв этинг, — деди йигит қизарыб-бўзариб. — Каминангиз расм чишишга озроқ ҳавасманд. Илму санъат ўчоғи бўлган бу шаҳарга яқиндагина келганман.

— Қани, бир кўрайлик-чи! — деди Порбус унга қизил қалам билан қофоз тутқазиб.

Йигит чаққонлик билан Марям тасвиридан нусха кўчириб берди.

— Ў-хў! — дея хитоб қилди чол. — Исминг нима?

Йигит расм тагига «Никола Пуссен»<sup>1</sup> деб имзо чекди.

— Ёш рассомчамиз чаккимас, — деди гап-сўзи телбанамо бу аломат чол. — Рангтасвирдан унча-мунча хабаринг борга ўхшайди. Майли, Порбуснинг авлиё аёлидан бу қадар ҳайратга тушганинг учун сени коиймайман. Ҳа, барчага бу асар — буюк ижод маҳсули, санъатнинг энг чуқур сирларидан воқиф кишиларгина ундаги қусурни кўра олади, холос. Аммо сен биздан сабоқ олишга лойик экансан, қолаверса, фаҳм-фаросатинг ҳам бинойидек, шу боис сенга ҳозир бу картинани тугалламоқ учун нималар қилиш кераклигини кўрсатаман. Кўзингни каттароқ оч, дикқатингни жамла, эҳтимол, сабоқ олишга бундай қулай фурсат қайта насиб этмас сенга. Порбус, қани, менга палитрангни узат-чи.

Порбус палитра билан мўйқаламларни унга тутқазди. Чол бир даста катта-кичик мўйқаламни унинг қўлидан қарийб юлқиб олди, чаққон енг шимариб, зилдек ола-чипор палитра тешигига бошмалдоғини сукди. Чолнинг чўққи соқоли жўшқин хаёл долғаларини ифодалаган каби туйқус қаҳрли силкиниб кетди. У мўйқаламни бўёққа ботиаркан, тишлари орасидан жаврар эди:

— Мана бу бўёқларга қўшиб, уни кориштирган одамни ҳам деразадан улоқтириб юбориш керак, ранглар беҳузур қилар даражада ёрқин ва қалбаки — шулар билан бир иш қилиб бўладими, ахир?

---

<sup>1</sup> Никола Пуссен (1594–1665) – машҳур француз мусаввири.

Чол жазавакор шиддат билан мүйқаламни ҳар хил бүёқларга шундай чақкон ботира кетдики, унинг кўли гамма устида O filii<sup>1</sup> пасха мадхиясини ижро этиши пайтида клавишлар узра сузган черков орғанунчиси бармоқларидан ҳам абжирроқ югуарар эди.

Порбус билан Пуссен полотонинг икки томонида унга маҳлиё бўлганча турарди.

– Кўряпсанми, йигитча, – деди чол бошини ишдан кўттармай, – кўряпсанми, иккита ё учта чизгию битта тиниқ ложувард бўёқ билан шундай бўғиқ ҳавода нафаси қайтиб, сал бўлмаса ўлаёзган авлиё аёлнинг боши атрофида енгил шабада эса бошлади. Қара, либос бурмалари энди қандай тебраниб-ҳилпирамоқда, гўё шабада улар билан ўйнаётгандек! Ваҳоланки, у илгари худди нина тўғнаб қўйилган охорли бўзга ўҳшаб турган эди. Пайқаяпсанми, ҳозиргина кўкрагига мана бу ёрқин шуълани югуртиридим ва у аёл баданининг майин таранглигига нақадар ҳакконийлик бахш этиб юборди? Ёки қон жўш уриш ўрнига тўнгири қотиб қолган мана бу қулранг ва совуқ бўшлиққа қизғиши жигарранг билан қизғиши сариқ ранг аралашмаси нечоғли ҳарорат уфурди? Йигитча, уқиб ол, шу тобда сенга кўрсатаётгандаримни бошқа бирорта устоз ўргата олмайди! Танага ҳаёт бахш этиши йўлини ёлғиз Мабузегина биларди. Мабузе фақат битта шогирд чиқарган – у ҳам бўлса менман. Менинг эса қартайиб қолганимга қарамай, битта ҳам шогирдим йўқ. Нимага шама қилаётганимни тушунган бўлсанг керак...

Бу фалати кариянинг чакаги билан бирга қўли ҳам тинмас, картиналинг ҳар хил қисмларига тузатишлар киритар эди; мана, у бу ерга икки марта, бошқа ерга бир марта бўёқ урди. Ҳар гал бўёқ суртганида гўё янги бир рангтасвир асари пайдо бўлиб борарди. Чол шундай эхтирос, шундай шиддат билан ишлар эдики, тақир бошига тер тепчиди; у мўйқаламни кескин, эпчил ва бесабр юргизаркан, навқирон Пуссенга худди

---

<sup>1</sup> О ўғлонлар (лотинча).

бу аломат одамнинг ичига иблис кириб олгану унинг кўлларини ўз майлича харакатлантираётгандек туюлиб кетди. Кўзларининг мажхул бир кучни даф этаётгандек сингари файритабий чакнаши, кўлларининг асабий силтаниши йигитча кўнглида фимиirlаган бу гапнинг бир қадар ростлигини тасдиқлаётгандек эди. Чолнинг қўли ишда-ю, чакаги ҳам ёпилмасди:

— Box! Box! Box! Бўёқни мана бундай чаплайдилар, йигитча! Қани, бўёқларим, шу совуқ чизгиларни жонлантириб юборинг-чи. Қани, қани! Шундай, шундай! — дея бир-икки бўёқ суртиш билан Марямнинг қадди-бастидаги баъзи ғалатликларни бартараф этар, ҳаёт асари сезилмаяпти, дея бармоқ никтаб кўрсатган жойларини жонлантириб юборар, қизнинг эҳтиросли табиатига мос рангларни йўқдан бино этар экан, хитоб қиласади қария: — Кўряпсанми, азизим, ҳамма гап сўнгти бўёқни қандай бериша! Порбус юз марталаб бўёқ суртган бўлса, мен бир мартагина мўйқалам юргиздим. Сўнгги бўёқ тагида қолиб кетган рангларни эса ҳеч ким ҳатто эсламайди ҳам. Буни ёдингда тут!

Нихоят, қария ишини тугатиб, хайратдан донг қотган Порбус билан Пуссенга юзланди-да:

— Бу асарнинг «Гўзал Нуазеза»мга етишига ҳали анча бор, аммо тагига имзо чексам арзиди. Ҳа, шу асар тагига имзо қўйсам ярашади, — деди у кўзгу олиш учун жойидан қўзғалиб. Сўнгра картинани кўзгуга солиб, томоша қила бошлади. — Энди, юринг, нонушта қиласиз, — деб қолди қария дабдурустдан. — Иккалангиз уйимга марҳамат қиласиз. Дудланган сон гўштию хуштаъм шароб билан меҳмон қиласан сизларни. Ҳе-хе, шундай таҳликали замонларда ҳам биз рангтасвир ҳакида баҳслашсак-а! Ҳа, чакана одамлар эмасмиз! Мана бу йигитчанинг ҳам қобилияти чаккимас, — деб қўшиб қўйди у Пуссеннинг кифтига қоқиб.

Шунда чолнинг назари йигитчанинг униқиб кетган камзулига тушди-ю, камарига осиглиқ чарм ҳамённи пайпаслаб топди-да, ичини ковлаб икки тилла танга олди ва Пуссенга узатиб:

– Боя чизган расмингни сотиб оламан, – деди.

– Олавер, – деди Порбус Пуссенга унинг титраб ва қизариб кетганини кўриб: ёш мусаввир қалбида камбағаллик ори түғён урар эди. – Олаверсанг-чи, бунинг ҳамёни киролникидан ҳам каттароқ!

Учовлон устахонадан чиқишида, санъат ҳақида сұхбат қила-қила, Сен-Мишель кўприги яқинидаги кўркам ёғоч уйга етиб келишди. Уйнинг жимжима безакларию эшигидаги болғачаси, деразасининг панжарасию нақш-нигорлари Пуссенни маҳлиё этди-кўйди. У эсини йиғиб олган чоғда анвойи ноз-неъматга тўла дастурхонга ёндош чарс-чурс ёниб турган камин олдида, не ажиб баҳтки, бир-биридан сұхбати ширин икки буюк мусаввир даврасида ўтиради.

– Йигитча, – деди Порбус унинг бир картинадан кўз узолмай қолганини кўриб, – бу полотнога кўпам тикилиб қараманг, акс ҳолда, кайфиятингиз бузилади.

Бу – Мабузенинг «Одам Ато» картинаси бўлиб, рассом ўзига қарз берган кимсалар уни узоқ вақт қамоққа тиқиб кўйганида хибсдан озод бўлиш учун чизган эди. Одам Атонинг қадди-бasti шу қадар табиий, шу қадар ҳаққоний кўринардики, Пуссен чолнинг дудмал сўзларидаги туб маънони шу дақиқадаёқ англаб етди. Чол эса картинага қониқиши билан, аммо завқ-шавқсиз боқиб турар, гўё кўнглидан «Мен бундан яхши чизаман», деган ўйни ўтказар эди.

– Унда ҳаёт уфуриб турибди, – деди чол, – бу асарни чизганда боёқиши устозим ўзидан илгарилаб кетган, бироқ туб моҳиятда ҳаққониятга етиша олмаган. Одам Ато гўё тирик, у ҳозир ўрнидан туриб, сиз томон юриб келадигандек. Аммо биз нафас олаётган ҳаво, биз боқиб турган само, биз ҳис этаётган шабада йўқ бу асарда! Қолаверса, ундаги одам ҳам – шунчаки бир одам. Вахоланки, Парвардигор эндинигина йўқдан бор этган бу илк одамда бирор илоҳий белги ниш бериб турмоги зарур эди, унда бўлса айнан шу нарса йўқ. Мабузенинг ўзи ҳам шароб тотмаган ҳушёр чоғлари ҳасрат билан иқрор бўларди бунга.

Пуссен тийиқсиз бир қизиқиши билан гоҳ чолга, гоҳ Порбусга термилар эди. У ҳатто бир гал уй сохибининг исмини сўраш учун Порбуснинг ёнига ҳам борди, аммо Порбус юзига сирли тус бериб, бармоғини лабига босди, қизиқиши баттар аллангаланган йигитча бу исмни эртами ё кеч тасодифан оғиздан чиқиб кетадиган бирор лукмадан билиб олишга умид боғлаб, мум тишлиб қолди. Порбус сидқидилдан бажо келтираётган хурмат-эҳтиром ҳам, хонани тўлдирган ажойиб асарлар ҳам уй сохибининг, ҳеч шубҳасиз, катта бойлик ва зўр истеъодод эгаси эканидан гувоҳлик берарди.

Қорамтири эман ёғочидан ясалган панелда аёлнинг серҳашам портретини кўриб, Пуссен ҳаяжон ичида:

– Қандай гўзал! Жоржоне! – дея ҳайқириб юборди.

– Йўқ! – дея эътиroz билдириди чол. – Қаршингизда – каминанинг илк асарларидан бири, холос.

– Ё Парвардигор, демак, мен кимсан – рангтасвир худосининг уйида меҳмон эканман-да! – деди Пуссен соддадиллик билан.

Бундай илтифотларга аллақачон кўникиб кетган чол фақат жилмайибгина қўйди.

– Френхофер, азиз устозим, – деди Порбус, – менга асл Рейн шаробидан озроқ беролмайсизми?

– Икки бочка берганим бўлсин, – деди чол хотамтойлиги қўзиб, – бирини мисрлик Марямингдан олган завқим ҳаққи, иккинчисини эса дўстлигимиз ҳаққи тортиқ этаман.

– Ох, агарда уззукун хасталик қийнамаганида, – деди Порбус, – қолаверса, «Гўзал Нуазеза»нгизни бир кўришимга ижозат этганингизда, мен катта-катта жозибадор асарлар яратган, одамларни бўйи баравар қилиб чизган бўлардим.

– Асарингизни кўрсайдим, дейсанми? – деди ҳаяжондан титраб чол. – Йўқ, асло! Мен ҳали уни якунлаганим йўқ. Кеча оқшом, – дея давом этди у, – Нуазезамга нуқта қўйдим деб ўйлаган эдим. Унинг мижжаларида ёш қалқигандек, вужудига эса

жон киргандек күринган эди. Кокиллари түлкүн уарди. Нафас оларди у! Гарчанд силлиқ матода натуранинг дўнг ва думалоқ жойларини қандай тасвирилаш йўлини топган бўлсам-да, бугун эрталаб, ёруғда хатомни пайқадим. Эҳ, Нуазезани тириқдек чизмоқ учун қанча-қанча буюк колорит усталари ижодини қунт билан ўрганмадим, ёруғлик туширишнинг пири бўлган Тициан картиналарини қатламма-қатлам кўриб чиқмадим, таҳлил қилмадим! Мен шу буюк мусаввир сингари, юзга илк бўёқ беришда ёрқин ва қуюқ рангларни қўлладим, чунки соя – факат бир тасодиф, холос, буни ёдингда тут, қарофим. Сўнг ишимни етган жойидан давом эттириб, нимсоя ва ёрқин рангларни оз-оздан қуюқлаштириш эвазига қора ва тимқора сояларни туширдим; ахир ҳамма мусаввирлар чизган асарларда натуранинг соя тушган жойлари нур тушган жойларидан бошқачароқ ашёдан: дейлик, ёғочми, биринжми ёки бошқа бирор нарсадан яралгандек туюлади, аммо соя тушиб турган танага ўхшамайди, асло! Бу асарларда мабодо тана ҳолати ўзгарса ҳам, аввал соя тушган жойлари ўша-ўша – ёришмай қолавериши билиниб туради. Кўпгина машхур мусаввирлар ҳам йўл қўйган бу хатони мен четлаб ўтдим – картиналаримда энг қуюқ соя ортида ҳам жуда ёрқин ранг кўпириб туради. Мен, ҳар бир чизгини ҳафсала билан чизгани учунгина ўз ишимнинг устасиман деб мақтандувчи кўпгина нодон мусаввирларга ўхшаб, гавдани аниқ чизиқлар билан тасвирламаганман, анатомик майдა-чуйдаларгача ижикилаб ўтирганман, негаки, инсон танаси чизиқларгагина қараб қолган эмас. Бу борада ҳайкалтарошлар, биз мусаввирлардан кўра, ҳакиқатга ёвукроқ боради. Натура биридан бошқасига ўтиб турувчи дўнгликлардан таркиб топган. Нафси-ламри, расм деган нарса йўқ ўзи дунёда! Кулманг, йигитча. Бу сўзлар сизга ҳар қанча фалати туюмасин, бир кун келиб, албатта, мағзини чақасиз. Чизиқ дегани шундай бир воситаки, инсон унинг кўмагида жисм сиртида ёруғлик жилвасини пайқаб олади. Аммо

бошдан-оёқ бўртиқ табиатда асли чизиқ деган нарса йўқ: расм фақат намуна олиш, яъни бирор жисмни ўз мухитидан ажратиб кўрсатиш билан яратилади. Фақат ёруғликнинг тарқалишигина жисмларга намоён бўлиш имконини беради! Шунинг учун мен яққол чизгидан қочиб, контурни очиқ ва илиқ нимтатир ранглар тумани билан яширганман, бинобарин, ҳеч ким картинаамда контур билан фон туташиб кетган жойни бармоқ нуқаб кўрсатиб беролмайди. Яқин бориб қарасангиз, бу асар гўё паҳмоқ бир нарсадек кўринади, бироқ икки қадам орқага чекинсангиз, ҳаммаси аниқ ва яққол бўлади-қолади – вужуд ҳаракатга келади, шакллар бўртиб чиқади, хаво эпкин таратади. Бироқ, шунга қарамай, ҳали асардан кўнглим тўлгани йўқ, гумон эзмоқда мени. Балки бирорта ҳам чизиқ тортмаслигим керакмиди, аввал нурга чулғанган бўртиқ жойларга уннаб, кейин, аксинча, соя тушиб турган жойларга ўтсам – ишни Нуазеза қадди-бастининг қоқ ўртасидан бошласам дурустмиди? Ахир, дунёнинг назаркарда мусаввири – қуёш айнан шундай йўл тутмайдими? О табиат, табиат! Сенинг лип этиб кўриниб, сўнг ғойиб бўлувчи этагингдан тутиш бирор марта бирор кишига насиб этганимкан? Ўзинг ҳам тан ол – ортиқча билим, худди нодонлик каби кишини гумон ва инкор йўлига етаклайди. О, асарим мукаммал эканига шубҳам бор!

Чол бир лаҳза тин олиб, сўнг яна сўзида давом этди:

– Шу асарни бошлаганимга ўн йил бўлди, йигитча. Бироқ гап тирик табиатни забт этиш ҳақида борар экан, ўн йил нима бўлибди! Пигмалиондек қудрат сохиби биргина хайкал яратиб, уни тирилтириш учун қанча вақт сарф этгани бизга қоронфи, ахир!

Чол қаттиқ ўйга чўмди, у қўзини бир нуқтага қадаганча, қўлида беихтиёр пакки ўйнатарди.

– У ўз руҳи билан сухбат қуряпти, – деди Порбус пицирлаб.

Шу он Никола Пуссен борлигини сўз билан таърифлаб бўлмас қизиқиши эгаллаб олди. Маъносиз кўзларини

бир нуқтага қадаганча донг қотган чол, Пуссен наздида, инсондан-да олийроқ бир хилқат, бошқа бир оламга дохил гаройиб даҳо эди. У кўнгилда минглаб мавхум фикрлар уйғотарди. Ватан ҳақидаги қўшиқ бадарға этилган одамда қандай таассурот қўзғатишини сўз билан ифодалаш қанчалик қийин бўлса, шу қабилдаги жодуловчи таъсирда ўзини намоён этадиган руҳий ҳаёт ҳодисотларини аниқ таърифлаш ҳам шунчалик мушкул. Чолнинг санъатдаги энг зўр кашфиётларга ошкора нафрати, ҳеч кимникига ўхшамаган феъл-авори, Порбуснинг унга бўлган эҳтиромию узоқ вақт пинҳон тутилган, катта сабр ва қунт эвазига яратилиб, ёш Пуссенни қаттиқ ҳаяжонга солган ва ҳатто Мабузенинг «Одам Ато»сидан ҳам зўр чиққан Биби Марямнинг боши эскизини кўргач айтилса, шубҳасизки, буларнинг бари санъат мулки султонларидан бирининг илоҳий мўйқаламидан шаҳодат берар, бу чолдаги жамики хислат инсон табиатининг чек-чегарасини бузиб чиққан эди. Никола Пуссеннинг жўшқин хаёлида шу ажаб зотнинг биргина жихати аниқ, ёрқин акс этди: бу – туғма мусаввирнинг баркамол тимсоли эди, одатда бундай зотлар ихтиёрига буюк куч-кудрат берилган бўлади ва улар баъзан шу куч-кудратни суистеъмол қилишгacha бориб етадики, оқибатда наинки оддий одамлар, ҳатто санъат шайдолари ҳам уларга бутун ақл-идрокини топшириб қўйиб, ҳеч вақо тошиб бўлмас минглаб тошкўчаларга эргашиб кетади, ваҳоланки, илоҳсифат, девонаваш бу қалбнинг қўзига ўша тошкўчаларда оламшумул воқеалар, маҳобатли саройлар, санъат мўъжизалари кўринади. У табиатан ҳазилкаш ва қўнгилчан, бой ва факир бир хилқат! Шундай қилиб, серзавқ Пуссен наздида, бу чол дафъатан санъатнинг нақ ўзига – сиру асрорлар, туғёну тўлғонишлар, орзую хаёллар билан тўлиб-тошган санъатга айланди-қолди.

– Ҳа, азизим Порбус, – дея яна гапга тушиб кетди Френхофер, – шу вақтгача чеҳрасиу танаси бенихоя чиройли, бенуқсон бўлган соҳибжамолни уч-

ратиш насиб этмади менга. Айниқса, унинг териси шундай бўлсаки... Лекин қадимги одамлар хаёлоти яратган илохий Венеранинг тиригини қайдан топай? Биз бу гўзалликни қанчалик иштиёқ билан излайлик, фақат бўлакларнигина топамиз, холос! Оҳ, ўша илохий санамни, гўзаллик фариштасини, хуллас калом, идеални фақат бир марта ва бир лаҳза кўрмоқ учун бутун мол-дунёмни нисор этган бўлардим. О, самовий гўзаллик, сени ахтариб нариги дунёга боришга ҳам розиман! Сени олиб келиш учун, Орфей сингари, санъат жаҳаннамига тушишга ҳам тайёрман!

— Энди кетсак ҳам бўлар, — деди Порбус Пуссенга, — бу ёғига у бизни эшитмайди ҳам, кўрмайди ҳам.

— Устахонасига кирсак-чи? — деди ҳануз ҳаяжонини босолмаган йигитча.

— О, кари туллак олдиндан бунинг эҳтиёт чорасини кўриб қўйган. Унинг хазинаси қаттиқ муҳофаза қилинади, кириб бўпмиз у ерга! Бу фикр, бу истак фақат сиздагина пайдо бўлган эмас, мен ҳам аввал бу асрорхонага киришга уриниб кўрганман...

— Демак, сир яширилган экан-да, у ерга?

— Ҳа, — деди Порбус. — Мабузе шогирдликка олган яккаю ягона одам шу — кекса Френхофер бўлади. Френхофер Мабузега ҳам дўст, ҳам ҳомий, ҳам падар эди, унинг бетийиқ эҳтироси йўлида озмунча бойлигини сарфламаган бу чол. Мабузе эвазига унга рельеф сирини очган, бизга фақат орзу бўлиб қолаётган — танага фавқулодда ҳаётийлик ва табиийлик бағишлиш маҳоратини ўргатган. Дарвоқе, Мабузе бу маҳоратни шу қадар пухта эгаллаганки, Карл Бешинчининг саройидаги маросимга тикириб кийиб бориши керак бўлган гулдор шохи матони сотиб, ичиб қўйиб, у ерга қофоздан либос кийиб борганини бирор пайқамаган ҳам. Чунки Мабузе қофозни нақ гулдор шохи матога айлантириб юборган ва гаройиб либос, ҳатто, императорнинг назарига тушиб, у қари пиёнистанинг ҳомийсига бундан фоят завқланганини шипшиб ўтган. Бироқ баъзи «хира» киборлар либосни ушлаб кўрмоқчи

бўлганлар-у, окибатда ёлғон фош бўлиб қолган... Френхофер – тасвирий санъатга зўр эҳтирос билан ёндашувчи одам, унинг қаравшлари бошқа ҳамкасларига қараганда кенг ва чуқур. У бўёқлар ва чизиқларнинг ҳаққоний чиқиши устида кўп бош қотирган, натижада, ўз фикр-ўйларига ҳам шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолган. У ноумид бўлган чоғларида расм – аслида йўқ нарса, чизиқлар билан фақат хандасавий шаклларни гина ифодалаш мумкин, деб жаворайди. Бу шуниси билан ҳам янгилиш фикрки, яккаш чизик ва қора доғлар ёрдамида ҳам тасвир яратса бўлади. Ахир, тасвирий санъат ҳам табиатнинг ўзидек қўпгина унсурлардан ташкил топган: расм бу – моя, колорит эса – ҳаёт, лекин моясиз ҳаёт ҳаёtsиз мояга қараганда нотугалдир. Ва нихоят, мусаввирга энг зарури – бетиним кузатиш ва машқ қилишдир – агар ақл ва туйфу мўйқаламга эш бўлолмаса, зўр мусаввир, шу билан бирга, телба ҳам бўлган чолимиз мисол, шубҳалар гирдобига тушиб қолиш ҳеч гап эмас. Бу гаройиб мусаввир, таассуфки, бой бўлиб туғилган, шу сабаб ҳам унинг ортиқча ўйлашга имкони бор. Сиз унга тақлид қилманг! Ишланг, тер тўкинг! Мусаввир қўлда мўйқалам билангина ўй-хаёлга берилиши керак.

– Биз ўша хонага албатта кирамиз! – дея бирдан хитоб қилди Пуссен. Шу дамда Порбуснинг гапи унинг қулоғига кирмас, ўзининг қалтис нияти йўлида ҳар нега-да, шай эди.

Порбус йигитчанинг завқ-шавқига шунчаки жилмайиб қўйди ва келиб туринг, дея у билан хайрлаши.

Никола Пуссен секин қадам ташлаб, де-ля-Арп қўчасига қайтди ва хаёл сурганича ўзи яшаб турган одми меҳмонхонага қандай етиб келганини сезмай қолди. У омонат зинадан шоша-пиша энг юқори қаватга чиқди ва барча эски Париж ўйлари каби ёғоч тўсинлари очилиб турган, беҳафсола ёпилган том остидаги ғаригина ҳужрага кирди. Шу заҳотиёқ ягона хира дераза олдида турган қизга кўзи тушди; эшик фичирлаши биланоқ бу севгидан энтиккан қиз, сапчиб

оёкқа турган, мусаввирни эшик бандини тутишидан оқтаниган эди.

— Сенга нима бўлди? — деди у Пуссенни кўрар-кўрмас.

— Мен, мен, — дея қичқириб юборди йигит азбаройи қувониб кетганидан нафаси қайтиб, — ўзимни мусаввир деб хис этдим! Шу вақтгача шубҳаланиб юрардим, аммо бугун эрталаб ўзимга ишонч пайдо бўлди. Мендан буюк мусаввир чиқса, эҳтимол! Ҳа, Жиллетта, биз бойлик ва баҳтга эга бўламиз! Бу мўйқаламлар ҳали бизни олtingа кўмиб ташлайди!

Шундай дея йигит бирдан жим бўлиб қолди. У ўзининг буюк орзуларини аянчли ахволи билан таққослар экан, жиддият ва шижоат уфуриб турган чехрасидан шодлик ифодаси ариди. Хона деворларига ёпиширилган силлиқ гулқоғозга қалам билан эскизлар чизиб ташланган эди. Йигитнинг ҳатто тўрт дона охорли полотноси ҳам йўқ эди. Бўёқ ўша даврларда ўта қиммат бўлиб, боёқишининг палитраси ҳам деярли бўм-бўш турарди. Гарчи шундай муҳтоҷликда қун кечирса-да, у ўзини катта маънавий хазина эгаси, ҳар ишга қурби етадиган зўр истеъдод соҳиби деб биларди. Бир зодагон таниши, тўғрироғи, ўз таланти орқасидан Парижга келиб қолган Пуссен аксар аёллар бу ерда ҳашам кетидан қувиб, ҳиссизлигини кўз-кўзлаб юрган бир вақтда, ёш жонини улуғ бир инсонга баҳшида этиб, барча жабру жафоларни сўзсиз бўйнига олган, муҳтоҷлик азобини бирга-бирга тортадиган, қашшоқлик ва муҳаббат синовларига дош берадиган аёллар тоифасидан бўлган олийжаноб ва танти бир қиз билан тасодифан танишиб, уни севиб қолди. Жиллеттанинг лабларида ўйнаган табассум қуёш шуълалари билан баҳс бойлаб, чордоқдаги бу хужрани тилла мисол товлантириб юборди. Қуёш-ку ҳар доим ҳам чараклайвермайди, аммо бутун борлигини ёлғиз муҳаббатга баҳш этган, ўзининг баҳту кулфатига бирдек кўникиб кетган бу қиз доим шу ерда — санъат

сирларини эгаллашдан ҳам бурун севги дунёсига ғарқ бўлган истеъдод эгасига таскин бериб чарчамайди.

– Кел бағримга, Жиллетта, сўзимни эшиш, – деди йигит.

Қиз қувончдан ял-ял ёниб йигит сари отилди-да, унинг тиззасига ўтириб олди. У мафтункор, ҳам жозибадор эди; баҳор мисол гўзал бу парига покиза қалб нури билан йўғрилган аёл латофати бус-бутун бахш этилган эди...

– Ё худойим, – дея оҳ урди йигит, – қандай қилиб айтаман...

– Қандай гап у? – деб сўради қиз. – Қани, айтсанг-чи! – Пуссен хаёлга чўмиб турарди. – Нега жимсан? – деди қиз бетоқатланиб.

– Жиллетта, гўзалим!

– Ох, нима қиласай сенга, айт?

– Мен...

– Агарда сен аввалги сафаргидек менга қараб расм солмоқчи бўлсанг, – деди қиз лабини чўччайтириб, – бунга сира кўнмайман, чунки бундай дамларда қўзинг лоқайд бўлиб қолади, менга бокиб турасан-у, хаёлинг менда эмас...

– Демак, менга бошқа аёл натурачи бўлса, шу ёқар экан-да, сенга?

– Эҳтимол. Жуда хунук бўлсагина.

– Айт, келажакда шон-шуҳратга бурканишим, буюк мусаввир бўлиб танилишим учун, – деди Пуссен бирдан жиддийлашиб, – бошқа мусаввир олдида яланғоч туришга рози бўлармидинг?

– Нима, мени синааб кўрмоқчимисан? – деб сўради қиз. – Хечам рози бўлмайман-да, буни ўзинг ҳам биласан-ку.

Пуссен жуда катта шодлик ёки қайғуга дуч келган одамдек бошини эгиб олди.

– Қулоқ сол, – деди Жиллетта Пуссеннинг эски камзули енгидан тортиб, – Ник, сен учун ўзимни ҳатто курбон қилишга тайёрман, аммо хали тирик эканман, муҳаббатимдан воз кеча олмайман...

– Мұхаббатдан воз кечиш?! – деб бақириб юборди Пуссен.

– Бошқанинг олдида яланоч бўлсам, мени севмай қўясан-да! Кейин ўзим ҳам ўзимни сенга муносиб кўрмай қоламан. Сенинг инжиқлигингга итоат этиш, бу – табиий ва жўнгина ҳол, шундай эмасми? Ҳар қандай вазиятда ҳам сенинг хоҳишингни мамнунлик билан ва ҳатто фахрланиб адо этаман. Аммо бошқа одам учун... Қандай разолат!

– Кечир мени, азизам Жиллетта! – дея ўтина кетди мусаввир тиз чўкиб. – Шуҳрат қозонгандан кўра, мұхаббатингни асраб қолганим афзал. Сен мен учун мол-дунёю шон-шуҳратдан баланд турасан! Қани, мўйқаламларимни улоқтири, эскизларимни ёқиб юбор. О, қаттиқ янглишдим! Мен асли сени севиш учун яралганман. Мен – мусаввир эмас, мұхаббат гадосиман. Санъати ҳам, унинг сирлари ҳам ордона қолмайдими!

Киз қувонч ва ҳайратга кўмилганча ошиғига маҳлиё бўлиб қолди. Қиз голиб келган эди, уни деб санъатдан воз кечилди, санъат унинг оёқлари остига нисор этилди, буни ич-ичидан хис қилиб турарди у.

– Ҳарқалай, ўша мусаввир – мункиллаб қолган чол, – деди Пуссен яна авалги хаёлларига қайтиб, – сенинг вужудингда баркамол шаклнигина кўради. Сен-даги гўзалик шу қадар мукаммалки...

– Мұхаббатни деб нималарга рози бўлмайсан! – дея хитоб қилди қиз, уни деб бор-будидан кечгани учун, севгилисини тақдирламоқ учун бояги гапларини қайтиб олишга ҳам тайёр бўлиб. – Аммо унда мен адои тамом бўламан. – Оҳ, сени деб адои тамом бўлиш! Ахир, бундан ортиқ баҳт бор эканми! Бироқ, сен мени унубиб юборасан... О, жуда чакки ўйлабсан буни!

– Сени севатуриб ҳам шундай хаёлга бордим-а, – деди йигит пушаймонлик билан. – Палид одамман!

– Кел, Ардуэн амакига маслаҳат солиб кўрамиз, – деди қиз гўё чорасини топгандек.

– Э, йўқ! Бу гап иккимизнинг ўртамиизда қолиши керак!

– Унда... майли, борганим бўлсин, аммо сен мен билан устахонага кирмайсан, – деди қиз қатъий оҳангда. – Эшик ортида ханжар билан ҳушёр бўлиб тур. Мабодо қичкирсам, чопиб кирасан-да, мусаввирни ўлдирасан.

Сирни очиш иштиёқи билан ёнган Пуссен Жиллеттани суйиб, бағрига тортди.

«Энди мендан қўнгли қолади», деб ўйлади Жиллетта йигит кетгандан кейин.

Қиз рози бўлганига афсус чекди. Аммо тезда уни бу пушаймондан ҳам кучлироқ ваҳима босди. У хаёлида бош кўтарган даҳшатли фикрни асабий тарзда ҳайдамоқчи бўларди. Никола унчалик ҳам ҳурматга лойиқ эмас экан, деган фикр Жиллеттанинг хаёлига келган онданоқ гўё уни аввалгидай қаттиқ севмаётган-дек туюлмоқда эди.

## II. Катрин Леско

Пуссен билан учрашувидан уч ой ўтгач, Порбус устоз Френховерни қўргани борди. Чол яна иттифоқо қаттиқ умидсизликка тушиб қолган, бунинг сабаби, табиблар таъбирича, ҳазми таомнинг бузилиши ёки об-ҳаво таъсирида, спиритуалистлар таъбирича эса, маънавий табиатимизнинг номукаммаллигига эди. Чол барчадан сир тутаётган картинасини тугатаман деб, толикиб қолган эди. У эмандан ясалган кора чарм қопламали кенг оромкурсида маъюсгина ўтирас, Порбусга ҳам фуссанишин киши назари билан боқар эди.

– Нима гап, устоз? – деди Порбус унга. – Брюггадан келтирган оч кўк бўёғингиз яхши чиқмадими? Ёхуд ўзингизнинг оқ бўёғингизни майда қилиб түёлмадингизми? Ёки мой айниган эканми? Ё мўйқалам дағал чиқдими?

– Эвоҳ! – дея хитоб қилди чол. – Асаримни якунладим деб ўйлаган эдим, бироқ хулосага шошибман чофи, лекин барибир нима камлик қиляпти, шуни аниқламагунча тинчимайман. Мен энг гўзал аёллар орасидан моделлар топиш ва уларни картина-

га таққослаш учун Туркия, Юнонистон ҳамда Осиёга саёҳат қилмоқчиман. Эҳтимол, юқоридаги санам, – деди у лабига табассум югуриб ва кўрсаткич бармоғи билан устаҳонасига ишора қилиб, – гўзалликнинг жонли тимсолидир. Мен гоҳида дайди шабада эсиб, аёлни уйғотиб юборсаю у гойиб бўлиб қолмаса эди деб, ваҳимага тушаман...

Чол гўё хозир йўлга отланадигандек сапчиб ўрнидан турди.

– Ўхў, – дея хитоб қилди Порбус, – сизни йўл чиқими ва заҳматидан халос этиш учун заб вақтида келибман-да.

– Қандай қилиб? – деб сўради Френхофер ажабланиб.

– Эшитишимча, навқирон Пуссенни ҳусну малоҳатда бекиёс бир аёл севар экан. Бироқ, қадрли устоз, Пуссен уни сизнинг хузурингизга юборишга рози бўлса, сиз ҳам у ҳолда полотнонгизни бизга кўрсатишингизга тўғри келади.

Чол бу гапдан гўё караҳт бўлиб қолди.

– Нима?! – деди у нихоят аянчли овозда. – Ўз санъатим, ўз рафиқамни сизларга кўрсатайми? Бахтимни бокира асрраган пардани чок-чок қилиб йиртиб ташлайми? Ахир, бу жирканч фаҳш эмасми! Мана, ўн йилдирки, мен шу аёл билан тирикман, у меники, фақат меники, у мени севади. Ҳар гал жило берганимда у менга табассум ҳадя этади. Унинг қалби бор, мен ато этганман бу қалбни. Агар мендан бошқа киши унга назар ташласа борми, уятдан лов-лов ёнади у. Уни бизга кўрсатинг дейсан-а? Айт-чи, қайси эркак шундай тубанликка боради, маҳбубаси ё жуфти ҳалолини шармандаи шармисор қиласи? Сен саройга атаб расмлар ишлаганингда, уларга қалбинг қўрини бермайсан, аъёнларга бўёқ чапланган қурчоқларни соиласан, холос. Менинг рангтасвири – рангтасвир эмас, туйғунинг, эҳтироснинг ўзгинаси! Менинг ижодхонамда дунёга келган Нуазеза хаё-иффатини сақлаб, ўша ерда қолади, ташқарига эса фақат либостга бурканиб

чикиши мумкин. Гўзаллик ва аёл фақат севгилиси олдида ялангоч ҳолда намоён бўла олади. Нахотки, биз Рафаэлнинг моделини ёхуд Ариосто яратган Анжелика, Данте яратган Беатриче сиймосини билолсак! Йўқ! Бизга фақат бу аёлларнинг тасвири етиб келган, холос. Маҳкам тамбаланган анови хонада асрәётган асарим эса мусаввирлик тарихида якка-ягонадир. Бу – картина эмас, бу – аёл, мен у билан йиғлайман, куламан, сухбат қураман, хаёл сураман. Сен ўн йиллик баҳтимдан, ҳеч гап бўлмагандек, оппа-осон воз кечишимни истаяпсанми? Мен бир зумда ҳам оталик, ҳам жазманлик, ҳам худоликдан айрилайми? Бу аёл – оддий тасвир эмас, у – санъат. Майли, келсин ўша йигитчанг, мен унга бор хазинамни, кимсан Коррежо, Микеланжело, Тициан картиналарини берай, хоки пойини ўпай; аммо уни ўзимга шерик қилмайман! Хоҳо, мен мусаввирдан кўра кўпроқ ошиқман. Ҳа, сўнгги нафасимни олаётганда гўзал Нуазезамни ёндириб ташлашга курбим етади, лекин унга ёт эркак – йигит ё мусаввир нигоҳи тушишига йўл қўймайман – йўқ, асло! Кимки уни нигоҳи билан тахкирласа, эртасигаёқ ажалини кутсин! Агар унинг қаршисида тиз чўкмасанг борми, сени – дўстимни ҳам ўша лаҳзадаёқ бўғиб ўлдираман. Нахотки, сен тентаклар малагимга совук нигоҳ ташлаши ва нодонларча танқид қилишига йўл беришимни хоҳлаётган бўлсанг! Эвоҳ! Мухабbat бу – сир, у қалбнинг туб-тубида яшай олади, холос, эркак ҳатто дўстига ҳам мана, мен севган аёл – шу, дея сирни очса, шу оннинг ўзидаёқ мухабbat ўлади, йўқ бўлади.

Чол гўёки яшариб кетди: кўзлари чақнаб, жонланди, сўлгин ёноқларига қизил югурди. Унинг кўллари асабий титрар эди. Зўр ҳаяжон ила айтилган гаплардан ақли шошган Порбус чолнинг бундай фаройиб, теран хисларига нима дейишни билолмай турарди. Френхофернинг эс-хуши жойидами ё ақлдан озғанми у? Нима, уни ижодкор тахайюли домига тортганми ёхуд бу зўр бир асарга «ҳомиладор» бўлгандаги кучли фанатизм асоратими? Бундай бемаъни эҳтиросга фарқ

бўлган савдои билан бир битимга келишдан умид қиласа бўладими ёки йўқми?

Шундай фикрлар исканжасида қолган Порбус чолга:

– Сиз бизга бир аёлни кўрсатсангиз, биз ҳам сизга бир аёлни кўрсатяпмиз-ку! – деди. – Ахир Пуссен маъшуқасини сизнинг нигохингизга шунчаки ҳавола қилаётгани йўқ!

– Маъшуқасимиш! – дея эътиroz билдириди Френхофер. – Бу қиз эртами-кечми йигитчага албатта хиёнат қилади. Нуазезам эса менга бир умр вафодор бўлиб қолади.

– Келинг, – деди Порбус, – бу ҳақда бошқа сўзлашмайлик. Аммо гўзалликда бенуқсон аёлни Осиёда тополмасдан аввал ҳам асарингизни якунлаёлмай бу дунё билан хайрлашишингиз мумкин.

– О, картинам якунланган, – деди Френхофер. – Агар унга нигоҳ ташлаш бирор кимсага насиб этса, у парда ортидан баҳмал тўشاқда ётган аёлни кўради. Унинг ёнида эса муаттар бўй таратувчи сепоя тилла мужмар. Шунда чийратма иш шокиласидан тортиб пардани очиб юборгиси келади кишининг, «Соҳибжамол Нуазеза» лақабли гўзал ишрат париси Катрин Леско худди нафас олаётгандек – сийнаси кўтарилиб тушаётгандек туюлади унга. Аммо мен шунга ишонч ҳосил қилмоқчиманки...

– Майли, майли, Осиёдан қолманг, – дея Френхофернинг сўзини бўлди Порбус унинг кўзларида саросима кўриб.

Сўнг у эшик томон йўналди.

Айни пайтда, Жиллетта билан Никола Пуссен Френхофернинг уйи қаршисида туарди.

Ичкарига киришга чоғланганларида қиз мусаввирнинг қўлини қўйиб юборди-да, кўнгли бир нохушликни сезгандек қўққис ортига тисарилди.

– Нега келдим ўзи бу ерга? – деди у ҳадик билан кўзларини йигитга тикиб.

– Жиллетта, ихтиёринг ўзингда дедим-ку, қандай қарорга келма – мен розиман. Сен – менинг орномусим, шон-шуҳратимсан. Уйингга қайтиб кет, балки шунда баҳтиёрроқ бўларман, сен агар...

— О, сен шундай деб турган бир пайтда менда ихтиёр қоларканми? Ёш болага айланаман-қоламан. Майли, кирайлик, — деди у, чамаси, ўзини ўзи мажбурлаб. — Ҳатто муҳаббатимиз завол топиб, қаттиқ пушаймон чексам ҳам — хоҳишиңгни бажарганим сенга машхурлик олиб келади-ку, тўғрими? Кирамиз! Агар расмларингда мендан бирор асар қолса ҳам, демак, мен яшашда давом этаман!

Эшикни очган ошиқ-маъшуқлар Порбусга тўқнаш келишди. Порбус кўзлари жиққа ёш Жиллеттанинг гўзаллигига лол қолган кўйи бу вужуди титраб турган қизни чолнинг ёнига етаклаб кирди.

— Мана у! Наҳотки, бу қиз дунёning бутун дурданаларига арзимаса! — деди у Жиллеттанинг кўрсатиб.

Френхофер сапчиб тушди. Қароқчилар ўғирлаб, кулфурушга келтирган гуржи қиздек ҳуркак ва маъсума Жиллетта унинг қаршисида қимтиниб турарди. Қизнинг юзи ҳаёдан алвонланди, кўзларини ерга қадади, кўллари bemажол осилиб қолди. Ибосига қилингган тажовузга унсиз таънаси — шашқатор ёшлиари унинг юзларини юварди. Айни дамда, Пуссен бу бебаҳо хазинани кулбасидан олиб чиққани учун ўзини ўзи лаънатларди. Чол, мусаввирлар одатича, қизни нигоҳи билан ечинтириб, баданидаги ҳар бир аъзони ҳатто сир тутиладиган жойигача чамалаганда, кўзлари яшнаб-яшариб кетдики, буни кўрган Пуссенning юрагига азобли шубҳалар ханжар бўлиб санчилди, ботинидаги курашда ошиқ мусаввирни енгди. Шу тобда у чин муҳаббатнинг ўртагувчи рашкини туйди.

— Жилетта, кетдик бу ердан! — деди жонҳолатда.

Бу хитобдан қувониб кетган қиз бошини кўтарди, Пуссенning чехрасига кўзи тушдию ўзини унинг бағрига отди.

— Мени севаркансан-да! — деди у кўзёшлиарини оқизиб.

Изтиробини яшириш лозим бўлганда шу қадар матонат кўрсатган қиз қувончини пинҳон тутишга қолганда куч тополмаган эди.

— Оҳ, уни бир лаҳза менинг ихтиёrimга берсангиз, — деди қари мусаввир илтижо-ла, — уни Катрин Леском билан қиёслаб кўришни истардим. Майли, шартингизга розиман!

Френхофернинг бу хитобида ўзи яратган аёлга муҳаббати ҳамон аён сезилиб турарди. Чол, менинг Нуазезам гўзалроқ деб астойдил ишоняпти ва ижоди тирик қиз устидан ғалаба қозонишига ҳеч шубҳа қилмаяпти, деб ўйлаш мумкин эди.

— Имконни қўлдан берманг! — деди Порбус Пуссеннинг кифтига қоқиб. — Муҳаббат гуллари фоний, санъат мевалари эса абадийдир.

— Наҳотки, у менга шунчаки бир аёл деб қараса! — деди Жиллетта Пуссен билан Порбусга синчков кўз ташлаб.

Сўнгра у бошини мағурур кўтариб, Френхоферга чақмоқдек назар ташлади, аммо шу пайт ногоҳ ошифи бу ерга илк бор келганида Жоржоненинг асари деб ўйлаган картинага маҳлиё боқиб турганини пайқаб қолди-ю, қатъий деди:

— Юринг, тепага чиқамиз. У менга ҳеч қачон шунчалик мафтун бўлиб тикилмаган.

— Ҳой қария, — деди Жиллеттанинг ғазабидан хаёли тумтарақай бўлиб Пуссен, — мана бу ханжарни кўряпсанми? Агар қизнинг зорланган овозини эшитсам, бу юрагингга санчилади, уйингни ўтда ёқаман, бирор тирик жонни омон қўймайман! Тушундинг-а?

Шу онда Пуссеннинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Унинг хитоби ваҳимали эди. Навқирон мусаввирнинг сўзлари ва, айниқса, сўзларига монанд қўл силташлари Жиллеттани хотиржам қилди, қиз севгилиси уни санъат ўйлида, шавкатли келажаги ўйлида қурбон қилганини ҳатто кечирди ҳам.

Порбус билан Пуссен устахона эшиги олдида мумтишлаганча бир-бирига тикилиб турарди. Миср Марямининг муаллифи аввалига, «Оҳ, қиз ечиняпти... У қизга ёрунга ўтирил деди! У қизни Катрин Лескоси билан солиштиряпти...» дея шивирлашга журъят

этди, аммо кейин Пуссеннинг юзидағи аяңчли ғам-ғүссані күриб, қайтиб оғиз очмади. Гарчанд мұсавиirlар қарилік чоғи санъят билан қиёслаганда бир пулга ҳам арзимайдын бундай хурофотларға бефарқ бўлиб қолса-да, Порбус, ҳарқалай, Пуссенга завқланиб тикилди: ёқимтой ва содда эди у. Йигит ханжар дастасини маҳкам сиққанча эшикка қулоқ тутиб турарди. Икковлон шу тобда мустабидни ўлдириш учун панада пайт пойлаб турган фитначиларга ўхшарди.

— Киринг, киринглар! — деди эшикни қия очган чол баҳтдан оғзи қулогига етиб. — Асарим — tengsiz, энди уни ғуурүр билан кўрсатсан бўлади. Ҳеч қайси мұсаввир ҳеч қачон гўзал ишрат париси — менинг Катрин Лескомга тенг рақиб яратолмайди!

Сабрсиз иштиёқ алансасида қоврилаётган Порбус билан Пуссен устахонага отилиб кирди — ҳар тўртала деворига ҳам картиналар осилган, чанг-чунг босган кенг бир ивирисиқ хона. Улар олдин яримяланғоч аёлнинг бўй баравар тасвири қаршисида маҳлиё бўлганча туриб қолишиди.

— О, бунга ахамият бермасангиз ҳам бўлади, — деди Френхофер. — Мен тик турган аёл қоматини ўрганиш учунгина чизганман буни, ўзи сариқ чақага ҳам арзимайди. Мана булар эса каминанинг хатолари, — дея сўзида давом этди чол деворларни қоплаган ажойиб асарларни кўрсатиб.

Френхофернинг шундай картиналарга нафрат билан беписанд қараётганидан ажабланган Порбус билан Пуссен энди чол бебаҳо деб таъриф этган асарни ахтармоққа тушишди. Аммо уни топа олишмади.

— Мана, қаранг! — деди сочи хурпайган, юзи бўғриққан, кўзлари чакнаган чол ишқ шаробидан маст йигитдек энтика-энтика нафас олар экан. — Ҳа, — дея хитоб қилди у, — бундай баркамолликни кутмаган эдингизми? Қаршингизда турган аёлга боқмай ҳадеб бир нимани ахтарасиз! О, бу полотнода шу қадар теранлик борки! Ҳаво-чи, ҳаво? У сиз нафас олаётган ҳаводан сира фарқ қилмайди. Санъят қаерда, дейсиз-

ми? Санъат йўқ – фойиб бўлган. Мана – қизнинг бадани. Мана – ҳаво! У қиз баданини сийпалаб, чирмаб олмоқда, буни сезяпсизми? Осмондаги юлдузлар ҳам ахир мана шундай – сувдаги балиқлар каби тасаввур уйғотмайдими? Аёл ва бошқа буюмлар бир-биридан ажралиб турганига нима дейсиз? Бу қадди-коматни қучиб олиш мумкиндек туюлмаяптими сизга? Қўёш нури бирор жисмга тушганида у қандай кўриниш олишини бекорга етти йил ўрганмадим, ахир. Ёки мана бу сочларга бокинг, нақадар нурга йўғрилган у! Карап, аёл хўрсиниб қўйгандек бўлди!.. Кўкрагини... қаранг! Ох, унинг қаршисида тиз чўкмайдиган одам бормикан дунёда? Бадани титраб кетди! Мана кўрасиз, у хозир ўрнидан туради!..

– Бирор нимани кўряпсизми? – деб сўради Пуссен Порбусдан.

– Йўқ. Сиз-чи?

– Ҳеч нарсани...

Чол ўзига такрор-такрор ҳамду сано ўқиши учун имкон бериб, икки мусаввир полотнога тик тушаётган нур таассуротни бузмаётганмикан, дея текшира бошлишди. Улар дам ўнгга, дам сўлга ўтиб, гоҳ эгилиб, гоҳ ростланиб картинага обдон тикилишди.

– Ҳа, ха, бу – картинанинг ўзи, ўзгинаси, – деди Френхофер уларнинг бундай синчковлигини янглиш тушуниб. – Карап, мана бу – қасноқ, мана бу – мольберт, мана булар эса менинг бўёқларим ва мўйқаламларим...

У ҳатто мўйқаламлардан бирини олиб, соддадилларча мусаввирларга кўрсатиб ҳам қўйди.

– Қари туллак устимиздан куляпти, – деди Пуссен яна полотно қаршисига келиб. – Бу ерда факат гирди кўплаб ғалати чизиқлар билан ўралган, пала-партиш суркалган бўёқ чапланмаларини кўряпман, холос.

– Йўқ, биз хато қилибмиз, қаранг! – дея эътироз билдириди Порбус. Улар яқинроқ бориб картинанинг бир чеккасида бўёқларнинг мажхул тумани аро яланғоч оёқ учини кўриб ҳайратдан анграйиб қолишибди. Ақл бовар қилмасди: жиндай-жиндайдан қадам-бақадам яксон этилган асарнинг бу парчаси қандай омон колди

экан?! Ёниб кул бўлган шаҳар вайроналари орасидан топилган Венера ҳайкалининг қолдиги кишида қандай таассурот уйғотса, картинадаги оёқ ҳам худди шундай таассурот уйғотарди.

– Бунинг тагига аёл яширилган! – деди Порбус картинани якунлаш ниятида қари рассом устма-уст чаплаган бўёқлар қатламини Пуссенга кўрсатиб.

Френхофер тушиб қолган жазавани сал-пал англай бошлаган икки мусаввир иттифоқо чолга ўтирилиб қаради.

– У оғзидан чиқаётган гапларга чиппа-чин ишонади, – деди Порбус.

– Ҳа, дўстгинам, – деди чол бирдан ўзига келиб, – ишониш зарур. Шундай санъат асари яратиш учун зўр ишонч-ла ишга киришишинг, ёлғиз унинг оламида яшашинг лозим. Мана бу сояни тасвиirlаш озмунча вақтимни олганми, ахир! Қаранг, мана бу ер – ёноғига, кўз остига тушган нимсояга, ваҳоланки, табиатдаги бу хил ҳолатни қўчириш деярли амримаҳол. Сизнингча, мен бундай кўланкани чизишга осонликча эришдимми? Йўқ, асло! Қадрдон дўстим Порбус, ана энди асаримга дикқат билан боқсанг, дўнглик ва думалоқлик ҳақида айтган сўзларим сенга аён бўлади-қолади. Аёл кўкрагига қандай табиий ёруғлик туширганимга разм сол, мен ёрқин шуъла ва қуюқ бўёқ орқали бу ерда мана шундай ёруғликни жамлай олдим, уни баданинг кунгай жойларидаги жилвакор оқлик билан қўшиб юбориш ва, аксинча, сояки жойларидаги бўёқ бўртиқлиги ва дағаллигини силлиқлаш эвазига киз вужудидаги ҳар қандай расм изи ва нотабийликни бартараф этдим ва қарабсанки, тана чизиклари ҳам жонли шаклни олди. Энди яқинроқ келинг-да, услугуга дикқат қилинг. Буни узоқдан туриб кўриб бўлмайди. Мана бу ер, менимча, шоён дикқатга лойиқ! – У мусаввирларга мўйқалам учи билан ёрқин бўёқларнинг қуюқ қатламини кўрсатди.

Порбус чолнинг кифтини қоқиб қўйди-да, Пуссенга ўтирилиб:

— Бизнинг наздимизда, у — буюк мусаввир, биласизми шуни? — деди.

— У мусаввир эмас, кўпроқ шоир, шекилли, — деди Пуссен жиддий тортиб.

— Мана бу ерда, — деди Порбус картинага бармоқ теккизиб, — курраи арздаги санъатимиз ниҳоя топади.

— Кейин эса арши аълога фарқ бўлади, — дея қўшимча қилиди Пуссен.

— Қария бу полотно устида не-не хузурбахш онларни бошдан кечирмаган!

Бироқ, ўз фикр-хаёлига фарқ бўлган чол бу икки мусаввир суҳбатига қулоқ солмас, у тасаввурида гавдалантирган аёлга жилмайган кўйи термилиб турар эди.

— Эртами-кечми полотнода ҳеч вақо йўқлигини сезади у! — деди Пуссен.

— Полотномда ҳеч вақо йўқ дейсизми? — деб қичкириб юборди қўққис ўзига келган Френхофер бир мусаввирга, бир картинасига қараб.

— Нима қилиб қўйдингиз? — деди Порбус Пуссенга зарда билан.

Чол йигитнинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

— Сен нимани ҳам кўрардинг, қишлоқи, тирмизак, нодон, хумкалла! Бу ерга нега келдинг ўзи? Ох, кўнгилчан Порбусим, — деди у кейин мусаввирга ўгирилиб, — сиз-чи, сиз ҳам менинг устимдан куляпсизми? Жавоб берсангиз-чи! Мен дўстингизман, ахир. Ростини айтинг, картинамни бузиб қўйибманми?

Порбус аввалига каловланиб фўлдиради, бироқ чолнинг бўздек оқарган юзида даҳшатли бир ҳадик зухур этгач, у полотнога имо қилиб, бундай дейишга мажбур бўлди:

— Ўзингиз ҳам қараб боқинг!

Френхофер бир муддат картинани кўздан кечирдию қўққис гандираклаб кетди.

— Ҳеч нима йўқ! Ҳеч нима! Ох, ўн йиллик меҳнатим... — У ўтириб, ҳўнграб юборди. — Демак, мен бир ахмоқман, телбаман! На истеъодод, на қобилият бор менда, бехуда яшаб юрган пулдор бир кимсаман, холос. Эвоҳ, мен аслида ҳеч нима яратмабман-а!

У жиққа ёш күзлари билан картинасига қаради. Сүнг бирдан қаддини фоз тутиб, икки мусаввирга еб күйгүдек тикилди.

– Исонинг қони ва жони ҳаққи қасам ичаманки, сизлар хасадтүйсиз! – деб қичқирди у. – Сизлар картинамни ўзингизники қилиб олмоқчисиз, шу ниятда бузиб қўйгансиз деб менга фириб беряпсиз. Аммо мен, мен уни кўриб турибман – у ҳайратомуз даражада гўзал аёл!

Шу пайт Пуссен бир бурчакда йиғлаб ўтирган Жиллеттанинг овозини эшишиб қолдию унинг қошига шошилди.

– Нима бўлди сенга, фариштам? – деди мусаввир яна ошиқ йигитга айланиб.

– Ўлдир мени! – деди қиз қаҳрли овозда. – Чунки энди сендан нафратланаман, сени аввалгидек севиш бу – шармандалик! Сенга суйиб қарайпман-у, айни чоқда жирканяпман ҳам. Мен сени севаман, аммо севгимни нафрат енгиг бораётгандек!

Пуссен Жиллетта билан овора экан, ўғри шарпасини сезган заргар тилла зеб-зийнатлар қутисини қандай яширса, Френхофер ҳам ўз Катрини устига хотиржамлик билан, авайлаб яшил мато тортди. Чол иккала мусаввирга хўмрайиб қаради, унинг нигохи нафрат ва шубҳага тўла эди. Сүнг уларни устахона эшигигача миқ этмай, асабий шошқалоқлик билан кузатиб қўйдида, уй бўсағасида:

– Алвидо, ализларим! – деди.

Бундай хайрлашувдан иккала мусаввирнинг ҳам кўнгли фаш тортди.

Эртасига Порбус Френхофердан хавотирланиб, хабар олгани унинг уйига борди. Чол ҳамма картиналарини ёқиб юборган ва ўша оқшом қазо қилган экан.

Париж,  
1832 йил, февраль



---

---

**Николай ГОГОЛЬ**  
**рус ёзувчиси**  
**(1809-1852)**

---

---

**БУРУН**

**I**

**M**арт ойининг йигирма бешинчи куни фав-  
қулодда фаройиб ҳодиса рўй берди. Вознесенск  
кўчасида яшовчи сартарош Иван Яковлевич  
(унинг фамилиясини бирор кимса билмасди, ҳатто сар-  
тарошхона эшигидаги юзига совун кўпиги суртилган  
жаноб тасвири туширилган ҳамда «ҳаром қондан халос  
этади» деган ёзув битилган тахта лавҳада ҳам ҳеч вақо  
кўрсатилмаган эди) одатдагидан барвактрок уйғондию  
димоfiga иссиқ нон ҳиди урилди. Каравотидан сал қад  
ростлаб, рафиқаси – ўзига етгунча кайвони, яна денг  
роса кофехўр хоним қип-қизил сўлқиллама нонларни  
печдан узаётганини кўрди.

– Прасковья Осиповна, мен бугун кофе ичмай-  
ман, – деди Иван Яковлевич, – унинг ўрнига иссиқ  
нонга пиёз қўшиб егим келяпти.

(Иван Яковлевич унисига ҳам, бунисига ҳам йўқ  
демасди-я, аммо бирваракай ҳар иккаласини сўрамоқ  
одобдан эмаслигини, зеро, Прасковья Осиповнанинг  
бунақа хурмача қилиқларга асло тоқати йўқлигини  
яхши биларди.) «Майли, бу аҳмоқ нон еб қўяқол-  
син, – деб ўйлади хотини, – ўзимга яхши – бир финжон  
кофе ёнга қолади». У столга битта нон ташлаб кетди.

Иван Яковлевич, азбаройи сипогарчиликдан, қўйлак  
устидан фрак кийди, сўнг стол кошига келиб ўтириди-  
да, икки бош пиёзни арчиб туз сепди ва ҳафсала  
билан нон кесишга киришди. Уни иккига бўларкан,

ўұтасида бир нима оқариб турганини күриб, ҳайрон бўлди. Пичоқ билан секин ковлади, бармоқ учини теккизди. «Қаттиққина! – деди ўзича. – Нима бўлса экан-а бу?»

Кейин бармогини тиқиб тортиб олди – бурун экан!.. Иван Яковлевич кўзларини ишқалаб, сер солиб қаради: бурун, буруннинг ўзгинаси! Боз устига, қайсири та-нишининг бурни. Иван Яковлевичнинг юзини даҳшат аломати коплади. Аммо бу даҳшат хотини кўтарган вахима олдида ҳеч гап бўлмай қолди.

– Бурунни қай гўрдан кесиб олдинг, ваҳший?! – деб қичқирди у жаҳлдан қўкариб. – Ярамас! Пиёниста! Сени ўзим полицияга топшираман. Қирчанғи ҳўқиз! Эшитдим, бир эмас, уч киши айтди менга, соқолини олаётганингда бурнидан чанглаб тортқилашингга ми-жозларинг аранг чидар экан.

Бироқ Иван Яковлевич серрайиб қолган эди. У билди, бу – хар чорсанба ва якшанба кунлари соқол олдирадиган колледж асессори<sup>1</sup> Ковалёвнинг бурни.

– Сабр қил, Прасковья Осиповна! Буни латтага ўраб бир чеккага қўйиб қўяй, шу ерда туратурсин, кейин олиб кетаман.

– Бўлмағур гапни йиғиштир! Бир камим уйда кесилган бурунни сақлаш эди ўзи! Қилтириқ, қашқатароқ! Қаранг-а, бу кишим устарани қайишга ишқашни би-лади, холос, яқин орада шуни ҳам эплаёлмай қолади ярамас, гўрсўхта! Сени деб полицияма-полиция чопайми энди? Вой исқирт, ислиқи-еий! Йўқот буни! Даф қил! Қаёққа бўлса ҳам олиб кет! Кўзимдан йўқот!

Иван Яковлевич бир ахволда қаққайиб турди-турди, ўйлай-ўйлай боши шишиди.

– Жин урсин, бу қанақаси? – деди ниҳоят қулоғи орқасини қашиб. – Кечаси маст бўлиб келганмидим

<sup>1</sup> Колледж асессори – Пётр Биринчининг ташаббуси билан таъсис этилган «Унвонлар жадвали»га кўра, саккизинчи класс чиновники ҳарбий майорга тенглаштирилган. Кавказда маъмурлар мансабини бемалол суистеъмол қилганидан бу унвонга эришиш осон бўлган.

ёки ақлу хушим жойидамиди, ўзим ҳам билмайман. Хечам ақлга сифмайди: ахир нон деганлари печда пиши-са, бурун унинг ичида... Бошим қотиб қолди!..

Иван Яковлевичнинг бирдан дами ичига тушиб кетди. Полиция бурунни қидириб топиб, уни айборд қилишини ўйлаб, ақлдан озаёзди. Ҳалитдан кўзига заррин ҳошиядор қизил ёқа, шпага... кўриниб, бутун вужудини титроқ босди... Нихоят, алмисоқдан қолган кўйлаги ва этигини сандикдан олди, шу увадаларни эгнига илиб, Прасковья Осиповнанинг аёвсиз қарғишлари остида бурунни латтага ўраб, кўчага чиқди.

Бу дардисарни у бирон ерга даф қилишни ўйларди: ё дарвоза ортидаги темир устунча орасига тиқиб юборади, ёхуд билмаган киши бўлиб, у ер-бу ерга тушибириб қўяди-да, ўзи дуч келган қўчага кириб кетади. Бахтга қарши, рўпарасидан таниш-билишлари чиқиб қолар ва «Йўл бўлсин!» ёки «Тонг сахарлаб кимнинг соқолини қиртишлагани шайланиб қолдинг?» дея саволга тутар эди – шу асно Иван Яковлевич қулай фурсат топа олмади. Бир вакт бурунни тушириб қўйган киши бўлиб кетаётган эди, будкада ўтирган коровул узоқдан ойболтасини ўқталганча, «Бир нимангни тушириб қўйдинг! Қани, ол-чи!» деб бақириб қолди. Иван Яковлевич бурунни олиб чўнтағига тиқишига мажбур бўлди. Бирдан умидсизликка тушди, боз устига, дўкону расталар очилаётган маҳал эмасми, кўча борган сарип гавжумлашмоқда эди.

У Исакиевск кўпригига боришга қарор қилди: балки бу савил қолтурни Невага улоқтириб юборар?.. Аммо мен сал-пал ҳурматга сазовор жихатлари ҳам бўлган Иван Яковлевич хақида ҳанузгача бирон бир тайинли гап айтмаганим учун олдингизда андак айборман, муҳтарам китобхон.

Хар қандай рус хунармандига ўхшаб Иван Яковлевич ҳам фирт пиёниста эди. Худонинг берган куни мижозлари соқолини қиртишласа-да, ўзининг соқоли умри бино бўлиб устара кўрмасди. Сира эгнидан тушмайдиган фраки (у ҳеч қачон сюртук киймасди)

эса олачипор тусдами-ей: яьни, аслида қора бўлиб, ҳаммаёфини жигарранг-сариқ ва кулранг доғ-дуғ босган, ёқасининг ҳам яғири чиқиб ялтираб кетган, учта тугма ўрнида фақат ипи осилиб тураг эди. У ўтакетган сурбет бўлиб, коллек асессори Ковалёв хар соқол олдираётганида «Иван Яковлевич, қачон қарама, қўлларинг сасиёди-я!» деса, сартарош унинг ўзига «Нимадан сасиркан-а?» дея савол қотарди. «Билмадим, отагинам, шу – сасигани сасиган-да», дерди коллек асессори. Иван Яковлевич эса тамакисини бир ҳидлаб оларди-да, бу гапи учун унинг иякларию бурни ости, қулоқлари ортию томоқларига – бир сўз билан айтганда, қаерига суртгиси келса, аямай совун кўпигини чаплаб ташларди.

Ана шу муҳтарам фуқаро Исакиевск кўпригига етиб келди. Теварак-атрофга аланг-жаланг боқиб, кейин кўприк остига қарамоқчи бўлган киши мисол тўсик устига энгашди, гўё балиқлар ғужғон ўйнаб юрганми-кан дея қузатаётгандек турди-турди-да, латтага ўралган бурунни астагина сувга отиб юборди. Бирдан елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортди-қолди. Ўзича жилмайиб ҳам кўйди. Чиновникларнинг соч-соқолини олгани бориш ўрнига, қаншарига «Егулик ва чой» деб ёзиб қўйилган емакхонага кириб, бир стакан пунш<sup>1</sup> ичаман, дея чоғланган ҳам эдики, бирдан кўприк адогида ўзи томон тикилиб турган серсалобат, эндор чаккасоколли, учбурчак шляпа кийган, шпага таққан квартал нозирига кўзи тушди. Сартарош жойидан қимиirlаёлмай қолди, нозир эса бармоғи билан имлаб, уни чақирмоқда эди:

– Қани, бу ёққа кел-чи, азизим!

Иван Яковлевич мулозамат ўйригини билгани учун узоқданоқ бош кийимини ечиб қуллуқ қилди-да, зипиллаб унинг олдига борди.

– Олийхиммат жаноблари, саломат бўлгайлар! – деди ялтоқланиб.

<sup>1</sup> Пунш – ром виносига сув, шакар, мева шарбати ҳамда хушбўй зираворлар қўшиб-қайнатиб тайёрланадиган спиртли ичимлик.

— Э-э, биродар, олийхимматинг нимаси?! Хўш, кўприк устида нима қилиб турган эдинг?

— Худо ҳаққи, жаноб, соқол олгани кетаётиб ўзим шунчаки, дарё тез оқяптишимикан деб бир қарадим-да.

— Кўй ёлғонингни! Шу билан кутулиб кетаман деб ўйлама! Тўғрисини айт!

— Мен, олийхиммат жаноблари, ҳафтада икки марта ёки ҳатто уч марта бепул соқол оламан, — деди Иван Яковлевич.

— Бэ-э, шуям гап бўйтими, оғайни?! Билсанг, менинг соқолимни учта сартарош олади, улар тағин буни ўзи учун шараф деб билади! Қани, энди гапир-чи, кўприк устида нима қилиб турган эдинг?

Иван Яковлевичнинг ранги оқариб кетди... Аммо шу ўринда мазкур воқеани бутқул туман чулғайди ва ундан сўнг нима бўлгани хусусида мутлақо ҳеч нарса маълум эмас.

## II

Коллеж асессори Ковалёв анча барвақт уйғонди ва лаблари орасидан «брр...» деган овоз чиқарди — уйғонганида у доим шундай қилади-ю, бунинг сабабини ўзи ҳам билмайди. Ковалёв бир керишиб олди-да, хизматкорига стол устида турган чоғроқ тошойнани олиб келишни буюрди. У кеча бурнида пайдо бўлган фўддага бир кўз ташлаб қўймоқчи эди, бироқ — афсус-надоматлар бўлсинким, бурнининг ўрни теп-текис, ҳеч вақо йўқ! Юрак-пураги чиқиб кетган Ковалёв «Сув бер!» деб бақирди. Кўзларини сочиқ билан арта-арта яна ойнага қаради: ха, бурни йўқ! Туш кўраётгандирман деб у ёқ-бу ёғини чимчилаб кўрди, ухлаётгани йўқ, шекилли. У каравотидан сапчиб туриб, бир силкиниб қўйди: йўқ, бурни йўқ!.. Дарҳол кўчалик либосларини сўради ва кийинибоқ тўппа-тўғри обер-полицмейстер хузурига равона бўлди.

Дарвоқе, шу ўринда китобхон Ковалёв коллеж асессорларининг қандайин турига мансуб эканини та-

саввур қилмоғи учун у ҳақда бир-икки оғиз гапириб беришга түғри келади. Бундай унвонга илмий аттестат ёрдамида эришган колледж асессорларини Кавказда шу унвонга сазовор бўлган колледж асессорлари билан сирам тенглаштириб бўлмайди. Чунки булар мутлақо алоҳида-алоҳида тур хисобланади. Ўқимишли колледж асессорлари... Бироқ Россия шундайин гаройиб ўлкаки, агар биронта колледж асессори ҳақида бир оғиз сўз айтсангиз, бас, Ригадан Камчаткагача бўлган ҳамма ҳудудларнинг колледж асессорлари буни албатта ўзи ҳақда деб ўйлади. Кошки барча унвону мансабларни назарда тутиб бўлса! Ковалёв кавказлик колледж асессори эди. Бу унвонга эришганига бор-йўғи икки йил бўлган, шу боис буни бир лаҳзаям хаёлидан чиқармайди; ўзини олийжаноб ва салобатли кўрсатмоқ учун эса колледж асессори эмас, ҳаммага майор деб танишитиради. «Кулоқ сол, азизам, – дея гап бошларди у одатда кўча-кўйда манишка<sup>1</sup> сотиб юрган хотинни учратиб қолса, – сен, яхшиси, уйимга кел, квартирам Садовая кўчасида, майор Ковалёв қаерда туради деб сўрасанг, дуч келган одам кўрсатиб қўяди». Бордию аёл ёқимтойроқ бўлса, унга маҳфий топшириқ ҳам берарди-да, «Жонгинам, сен майор Ковалёвнинг квартирасини сўра», дер эди. Биз ҳам бундан кейин бу колледж асессорини майор деб атаемиз.

Майор Ковалёвнинг ҳар куни Нева проспектида сайр қилиш одати бор эди. Унинг манишкаси ёқаси доимо топ-тоза ва охорланган бўларди. Бакенбарди эса, ҳозир ҳам губерния ва уезд танобчилари, меъморлар ва полк докторлари, шунингдек, полиция хизматчилари, қўйингки, гўштдор ёноқлари қип-қизил, бостон<sup>2</sup> ўйинини қотириб ўйнайдиган ҳамма эркаклар қўйиб юрадиган кўринишда эди. Бундай чаккасокол ёноқларнинг қоқ ўртасидан чўзилиб бориб, тўппа-тўғри бурунга тақалади. Майор Ковалёв қимматбаҳо тошдан ясалган турли-туман тамғали муҳрларни ёнида олиб

<sup>1</sup> Манишка – кўйлакнинг қадама кўкрак қисми.

<sup>2</sup> Бостон – карта ўйинининг бир тури.

юарар, улар орасида ҳатто «душанба», «чоршанба», «жума» ва бошқа сўзлар ўйиб ёзилганлари ҳам бор эди. У Петербургга фаолият юзасидан, аникроқ қилиб айтганда, унвонига яраша дурустроқ мансаб эгаллаш илинжида келган: иложи топилса, вице-губернаторликка ўтсам, йўқса, бирор каттароқ департаментга экзекутор<sup>1</sup> бўлиб жойлашиб олсан, деб мўлжалларди. Майоримизнинг уйланиш нияти ҳам йўқ эмас, агар бисоти икки юз минг ақчалик қайлиқ учраб қолгудек бўлса, кўзини чирт юмиб уйланиб юбориши турган гап. Ана энди, туппа-тузук, ўртамиёна бурни ўрнида майор ўта бемаъни, сип-силиғу теп-текис жойни кўриб қай аҳволга тушганини китобхоннинг ўзи фараз қиласерсин.

Бахтга қарши, кўчада биронта извош кўринмасди. Майор плашига ўраниб, гёё бурнидан қон кетаётгандек тус бермоқ учун юзини дастрўмоли билан бекитиб яёв кетишга мажбур бўлди. «Хойнаҳой менга шундай туъолгандир, ҳе йўқ-бе йўқ, бурним ғойиб бўлиб қолиши мумкин эмас-ку?!» деб ўйлади у ва яна ойнага қараш илинжида қандолат дўконига кирди. Яхшиямки, дўкон бўм-бўш экан; факат югурдак болалар хоналарни супуриб-сириб, курсиларни жой-жойига қўймоқда, баъзилари уйқусираганча патнисда қайноқ гўмма олиб чиқаётир; стол-стуллар устида кофий тўкилган кечаги газеталар қалашиб ётиди. «Хайрият, ҳеч зоф йўқ, – деди у ўзига ўзи, – бемалол ойнага қараб олсан бўлади». Юраги бетламайгина ойнага яқинлашди ва тикилиб қаради. «Жин урсин, бу нима кўргилик! – деди туپуриб. – Бурун ўрнида бир нима қаққайиб турса ҳам тўрга эди, ҳеч вақо йўғ-а!..»

У аламдан лабини тишлиб дўкондан чиқди ва доимий одатига хилоф равишда ҳеч кимга қарамай, ҳеч кимга жилмайиб боқмай, тез-тез кета бошлади. Аммо тўсатдан бир уй олдида қоққан қозиқдек тўхтадиколди – кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа рўй берган

<sup>1</sup> Экзекутор – Чор Русиясида идора ва муассасаларнинг хўжалик ишларини бошқарувчи амалдор.

эди: йўлак остонасига карета келиб тўхтадиу ундан мундирли бир жаноб сакраб тушди-да, энгашганча зинадан чаққон-чаққон чиқиб кетди. Бу ўзининг бурни эканини кўрган Ковалёв қандай даҳшату ҳайратга тушганини таърифлашга тил ожиз! Унинг кўз ўнгида ҳаммаси айқаш-уйқаш бўлиб кетди, у аранг оёқда турарди, бироқ талвасада титраганча қандай бўлмасин ўша жанобни кутмоққа қарор қилди. Чиндан ҳам икки дақиқа ўтар-ўтмас бурун қайтиб чиқди. Каттакон тик ёқали, заррин хошиядор мундир ва такаки чарм панталон кийиб олган, шпагаси ҳам бор. Укпарли шляпасига қараб, камида статский советник<sup>1</sup> бўлса керак, дея хулоса қилиш мумкин. Туришидан кимникигadir ташриф буюриш ниятида. У ён-верига назар ташлаб олди-да, аравакашга «Қани, кетдик!» дея бақирди ва каретага ўтирдию жўнаворди.

Бечора Ковалёв ақлдан озишига бир баҳя қолди. У хозиргина ўзи гувоҳ бўлган воқеадан ҳангуманг: ё тавба-а, қандай қилиб кечагина унинг юзида турган бурун бугун оёқ чиқариб, мундир кийиб бемалол кўчада юради?! Майор каретанинг кетидан чопди, хайриятки, у узоққа бормай Қозон черкови олдида тўхтади. Ковалёв ҳам шоша-пиша ўша томон югурди, кўз ўрнида иккита тешикча очиб қўйилгану бети-бошини чирмаб олган тиланчи кампирлар орасидан ўтиб, черковга кирди. Ибодатчилар сийрақроқ – улар фақат эшик олдида уймалашиб турарди. Ковалёв айни тобда ибодат қиладиган аҳволда эмас, аланглаб ҳар бурчакдан бояги мундирли жанобни изларди. Ниҳоят, уни топди. Бурун бир чеккада, афтини каттакон тик ёқаси билан бекитганча ўтакетган тақводорлардек берилиб ибодат қилмоқда эди.

«Унинг олдига қандай бораман-а? – деб ўйлади Ковалёв. – Савлат-салобати, мундирию шляпасидан статский советник экани кўриниб турибди. Жин урсин, қандоқ қилдим энди!»

<sup>1</sup> Статский советник – Чор Русиясида 5-даражали мартаба.

Яқинроғига бориб, устма-уст йўталди; лекин бурун сира ибодатдан чалғимай, қайта-қайта таъзимга эгилар эди.

– Олийҳиммат жанобим... – деди Ковалёв ўзини дадил тутишга уриниб, – олийҳиммат жанобим...

– Нима дейсиз? – деди бурун унга ўтирилиб.

– Мен таажжубдаман, олийҳиммат жанобим... Менимча... сиз ўз ўрнингизни билмоғингиз керак. Ахийри sizni топдим-а, яна қаердан денг? Черковдан! Шуни тан олгайсизким...

– Маъзур тутасиз, фахмим етмайроқ турибди, нима демоқчисиз ўзи... дурустроқ тушунтирангиз-чи.

«Қандай тушунтирасам бўларкан бунга?» деб ўйлади Ковалёв ва ўзини кўлга олиб, гап бошлади:

– Мен, албатта... Ха, айтгандек, мен майорман. Ўзингиздан қолар гап йўқ, мендек одамнинг бурунсиз юришим уятдир ахир. Воскресенск кўпригида арчилган апельсин сотиб ўтирадиган жулдуровоқи хотиннинг бурни бўлмаса ҳеч бокиси йўқдир, бироқ мен... нуфузли лавозимга мияссар бўлишим назарда тутилса... бунинг устига, кўпгина эътиборли хонимлар, дейлик, статский советник Чехтарёва ва бошқалар билан танишман... Танангизга бир ўйлаб кўрсангиз... Нима дейишгаям ҳайронман, олийҳиммат жаноблари... (Шу ерга келганда у елкасини қисиб кўйди.) Маъзур тутгайсиз... агар бунга бурч ва номус талаби деб қараладиган бўлса... ўзингиз тушунсангиз керак...

– Мутлақо ҳеч нимани тушунмаяпман, – деди бурун. – Очикроқ гапиринг.

– Олийҳиммат жанобим, – деди Ковалёв ич-этини егудек бўлиб. – Таажжубдаман, тушунмайдиган гапнинг ўзи йўқ-ку... Ёки сиз... Ахир – сиз менинг бурнимиз!

Бурун майорга тик қаради, унинг қошлари чимирилиб кетди.

– Янглишасиз, муҳтарам жаноб. Мен, бу – менман. Боз устига, бизнинг ўртамиизда ҳеч қандай яқинлик бўлмоғи мумкин эмас. Вицмундирингиз<sup>1</sup> тутгаларига

<sup>1</sup> Вицмундир – чиновникларнинг маҳсус кийими.

қараганда, сиз бошқа бир маҳкамада хизмат қиласиз өфи.

Бурун шундай дедиую ўғирилиб ибодатини давом эттираверди.

Ковалёв нима қилишни, нима дейишни билолмай, эсанкираб қолди. Шу пайт заифона лиboslarning ёқимли шитир-шитири эштилди, бошдан-оёқ тўрсимон матога бурканган кекса бир хоним билан оқ кўйлаги хушбичим қоматига чиппа ёпишган, бошига сарғиш шляпа кўндирган нозикниҳол, укпардек енгил, болдек ширин қиз пайдо бўлди. Уларнинг ортидан чаккасоколи эндор, қат-қат ёқали новча малайи ҳам кириб, тамакидонини очди.

Ковалёв уларга яқинроқ бориб, манишкасининг бatis ёқаларини чиқариб қўйди, тилла занжирга осифлик муҳрларини тузатиб-тўғрилаган бўлди, сўнг ёнверидагиларга жилмайиб қаради-да, нозик бармоқчаларини пешонасига теккизганча, салгина эгилиб турган кўклам чечагидек нозикниҳол хонимга тикилиб қолди. Қизнинг шляпа остидан хиёл кўзга чалинаётган оппоқ ияги ва кўклам атиргули мисол нимпушки ёноқларини кўрган Ковалёвнинг башараси табасумдан баттар ёйилди. Аммо бирдан устига қайноқ сув қуйилгандек бўлди. Бурни йўқлиги эсига тушиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Шунда у мундирли жанобга: ўзингизни статский советник қилиб кўрсатишга уринаётурсиз, аслида эса лўттибоз бир абллаҳсиз, менинг бурнимсиз, холос, бошқа ҳеч бало эмассиз, деб дангал айтмоққа чоғланган эди, аммо бурун аллақачон жуфтакни ростлаб қолибди. Ҳойнахой, яна кимникигадир ташриф буюришни кўзлаб жўнаворган бўлса керак.

Ковалёв баттар руҳи тушиб, келган йўлидан изига қайтаркан, бурун у ер-бу ерда кўриниб қолмасмикан, деган илинжда теварак-атрофга синчков алантлаганча колоннадалар<sup>1</sup> остида бир фурсат тўхтаб қолди. Шляпаси укпарли, мундири эса заррин ҳошиядор эди – буниси-ку шундоққина кўз ўнгига, аммо шинелини,

---

<sup>1</sup> Колоннада – қатор устунлар.

каретасининг тусиу унга қўшилган отларни, ҳатточи карета ортида малайи борми, бўлса у қандай ливреядаги<sup>1</sup> эди, афсуски, эслаб қолмаган экан-да. Боз устига, у ёқдан-бу ёққа физ-физ қатнаётган карета шу қадар кўп эдики, қидираётган кишингизни илғаб олиш осон эмасди; илғаб қолганингизда ҳам уни тўхтатолмасдингиз. Ажойиб, қўёш чараклаб турган кун эди. Нева проспекти ниҳоятда гавжум, хонимлар анвойи гуллар шаршараси мисол Полицейскдан то Аничкин қўпригигача бутун йўлкаларни тўлдириб юборган. Ана, унинг таниши – ўзгалар олдида у атайин подполковник деб атайдиган надворный советник<sup>2</sup> келаётир. Хув анависи эса – сенатда бўлим бошлифи, бостон ўйинида саккизликка ўйнаганда доим ошифи олчи турадиган яқин дўсти Яригин. Ана, Кавказда асессор унвонига сазовор бўлган бошқа бир майор қўл силтаб уни чорламоқда...

– Хе, жин урсин ҳаммангни! – деди Ковалёв. – Хой извошчи, мени ҳозироқ обер-полицмейстер ҳузурига олиб бор!

Ковалёв усти очиқ енгил аравага ўтириду бора-боргунча извошчига «Қани, аравангни елдек учир, учиравер!» дея бақириб кетди.

– Обер-полицмейстер шу ердами? – деб қичкирди у даҳлизга кирап-кирмас.

– Йўқ эди-я, – деди дарбон, – ҳозиргина жўнаб кетувди.

– Ана холос!

– Ҳа-я, – деди дарбон, – кетганига ҳеч қанча бўлгани йўқ, бирон дақиқа олдинроқ келганингизда уни учратган бўлардингиз.

Ковалёв дастрўмоли билан юзини бекитган кўйи аравага ўтириди-да, умидсиз бир оҳангда қичкирди:

– Ҳайдা!

– Қаёққа?

– Тўғрига ҳайда!

<sup>1</sup> Ливрея – малайлар киядиган заррин уқали либос.

<sup>2</sup> Надворный советник – Чор Русиясида 7-даражали мартаба.

– Тўғрига? Ахир у ёни муюлиш-ку, ўнгга бурайми, чапгами?

Бу савол Ковалёвни ногоҳ сергаклантирди ва яна ўйлаб кўришга унданди. Унинг аҳволига тушган одам, аввало Ахлоқ бошқармасига<sup>1</sup> мурожаат қилиши лозим – бошқарма тўғридан-тўғри полицияга алоқадор бўлгани учун эмас, бошқалардан кўра буйруқлари тезроқ бажарилиши учун. Бурун хизмат қиласман деб айтган маҳкама бошлиқларидан нажот кутишку ақлсизлик бўлур эди, чунки буруннинг гап-сўзию ўзини тутишиданоқ маълум – унга муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Мана, Ковалёв билан ҳеч қачон учрашмаганман деб имонини ютиб турибдики, яна шунга ўхшаш ёлғон тўқиб, сувдан қуруқ чиқмайди деб ким айта олади?! Алқисса, Ковалёв извошчига, Ахлоқ бошқармасига ҳайда, деб буюрмоқчи бўлиб турганида бирдан хаёлига илк учрашувнинг ўзидаёқ юзсизлик қилган бу найрангбоз ва қаллоб қулай фурсатдан фойдаланиб, устомонлик билан шаҳардан қочиб қолса-я, деган ўй келди – ана унда қанча қидирманг бефойда, ёйинки қидириш ишлари, худо кўрсатмасин, бирор ойга чўзилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ниҳоят, Эгамнинг ўзи унга йўл кўрсатди чоғи, у буруннинг барча белги-сифатларини батафсил таърифлаб, эълон бериш учун газета экспедициясига мурожаат қилиш керак деган қарорга келди. Ана шунда кўрган-билган одам уни ўша заҳотиёқ тутиб беради ёхуд жуда бўлмаганда, яшаш жойини маълум қиласди. Хуллас, шу тўхтамга келиб, извошчига газета экспедициясига ҳайда, деди ва йўл бўйи: «Бўл, аплаҳ! Тезроқ ҳайда, муттаҳам!» деб унинг биқинига муштлаб борди. «Эҳ, тўрам!» дея извошчи ҳам бош чайқаганча болонка итларникидек узун ёлли отининг жиловига маҳкам ёпишиб, унга устмасуст қамчи босаверди. Арава манзилга етиб тўхтади, Ковалёв халлослаганча чоғроқ қабулхонага бостириб кирди, стол қошида эски фрак кийган, кўзойнакли

---

<sup>1</sup> Ахлоқ бошқармаси (Управа благочиния) – айрим суд ишларини ҳам тасарруфига олган полиция бошқармаси.

кекса чиновник қаламини лабига қистириб, чақа-чуқа санаб ўтирган экан.

– Эълонни ким қабул қиласди? – деб шангиллади Ковалёв. – Э, салом!

– Салом, – дея чиновник унга бир назар ташладио яна олдида уюлиб ётган пулини санайверди.

– Мен эълон бермоқчийдим...

– Мумкин бўлса, бир оз сабр қилиб турсангиз, – деди чиновник ва ўнг қўли билан қофозга аллақандай рақамни ёзиб, чап қўли билан чўтга икки сокқа ташлади.

Уқали кўйлак кийган қайсиdir оқсуяк хонадон малий қўлида хат билан стол олдида турар ва ўзининг киришимли эканини намойиш этмоққа хўб уринар эди:

– Биласизми, жаноб, кучукча аслида тўрт тангага арзимайди, мен уни сариқ чақага ҳам олмаган бўлардим, графиня эса уни нақ қўйнидаги боласидек кўради – буни қарангки, топиб берган одамга 100 рубль ваъда қилинган! Сирасини айтганда, мана шунақа – одамларнинг диidi ҳечам бир-бирига сифишмас экан; айтайлик, зўр овчимисан – исковуч итинг ёки пуделинг бўлсин, ана унда беш юзни, мингниям аяма, чунки итинг шунга арзиди-да!

Чиновник малайнинг сафсатасини гўё диққат билан тинглаётir ва айни чоқда ўзининг ҳисоб-китоби билан ҳам машғул: қўлидаги хатда қанча ҳарф борлигини санамоқда. Эълон кўтариб келган кампирлар, саводгару фаррошлар атрофини ўраб олган. Эълонларнинг мазмуни ҳам турфа хил: ичкиликка ружу қўймаган аравакаш хизматга ёлланмоқчи; обдан кир ювиш машқини олган, ҳар қандай юмушни бажариб кетаверадиган ўн тўққиз яшар чўри қиз хизматга кирмоқчи; 1814 йили Париждан келтирилган, унча қўп ишлатилмаган болалар аравачаси, битта рессори йўқ усти очиқ енгил извош, ўн етти яшар бўзранг, гижинглаган чавкар тулпор, турп ва редисканинг Лондондан олиб келинган янги нав уруғи, икки бўлмали отхона ҳамда ажойиб қайину қарағайзор боғ қилса арзигулик ер-

сувли дала ҳовлининг сотилиши; эски тагчарм олмоқчи бўлганларни ҳар куни соат саккиздан эрталабки учга қадар чайқов бозорига таклиф қилувчи чақириқ дейсизми – ҳамма-хаммасидан бор. Ана шундай олақуроқ тўда тўпланган хона чоққина бўлиб, ҳавоси нихоятда оғир – бадбўй эди; бироқ коллеж асессори Ковалёв хид сезмасди, негаки, дастрўмоли билан юзини бекитиб олган, бурни шу тобда қаерларда изғиб юргани эса ёлғиз худога аён.

– Ижозатингиз билан сиздан бир нарсани сўрасам, муҳтарам жаноб. Мен жудаям... – деб сўз бошлади у бир маҳал бесабрлик билан.

– Ҳозир, ҳозир! Икки сўму қирқ уч тийин. Бир дақиқа! Бир сўму олтмиш тўрт тийин, – дерди чиновник кампирлару фаррошлар қўлидаги хатларга паришонхол кўз ташлаб. – Хўш, қулогим сизда? – деди у нихоят Ковалёвга юzlаниб.

– Илтимосим шуки... – деди Ковалёв, – биласизми, мен ҳалиям тагига етолмаяпман, фирибгарликми-ей, найрангбозликми-ей содир бўлди-да. Сиздан илтимос, ўша аблахни тутиб берган киши мўмайгина мукофот олиши хақида газетангизда эълон босиб чикарсангиз.

– Хўш, фамилиянгизни билсак бўладими?

– Фамилиямни нима қиласиз? Йўқ, айтольмайман. Таниш-билишларим жуда кўп: статский советник Чехтарёва, штаб-офицер Пелагея Григорьевна... Худо арасин, таниб қолишса-я! Сиз шунчаки, коллеж асессори ёки яхшиси, майор мансабига эга бир жаноб деб ёзиб кўяқолинг.

– Қочиб юрган одам – қаролингизми?

– Қарол дейсизми? Қаролим қочса майли эди-я, фирибгарликка кирмасди бу! Қочиб кетган – бурним...

– Ҳм! Фалати фамилия экан-а! Хўш, ўша Бурунов катта маблагингизни ўмариб кетдими?

– Бурун деганда... сиз бошқача тушундингиз! Бурним, менинг бурним қаёққадир фойиб бўлди. Худо ураман деса шу-да!

– Қандай қилиб фойиб бўлади? Ҳеч нимани тушунолмаяпман.

— Қандай ғойиб бўлиб қолганини ўзим ҳам билмайман, аммо у ҳозир шаҳар кезиб юрибди, ўзини статский советник деб таниширади ҳаммага. Шунинг учун уни қўлга туширган киши зудлик билан менга топшириши лозимлиги тўғрисида эълон беришингизни сўрайман. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, юзимда бурун бўлмаса, мен нима деган одам бўламан? Оёфимнинг жимжилоги эмаски, этикка тиқсаму ҳеч ким кўрмайдиям-бilmайдиям десам! Ахир мен ҳар пайшанба статский советник Чехтарёва хузурида бўламан; штаб-офицер Подточина Пелагея Григорьевнанинг ҳам ёқимтойгина қизи бор, улар ҳам яқин танишим; хўш, айтинг-чи, мен энди нима қилай?! Шу тасқара аҳволда уларга қандай кўриниш бераман?!

Чиновник лабини қаттиқ қимтиб қолди, бу унинг чуқур ўйга толганини англатарди.

— Йўқ, бунақа эълонни газетада чиқаролмайман, — деди у узоқ сукутдан сўнг.

— Нега? Нега чиқаролмайсиз?

— Шундай. Газетанинг обрўйига футур етади. Бунақа, дуч келган одам бурним қочиб кетди, деб ёзаверса, унда... Ўзи шусиз ҳам газетада бўлмафур ва ёлғон мишишлар чоп этиляпти, деган гаплар юрибди.

— Ахир, бунинг нимаси бўлмафур гап экан? Кечи расиз-у, мишиш эмаслиги шундоққина кўриниб туриди, чамамда!

— Э, сиз шундай дейсиз-да. Ана, ўтган ҳафта ҳам худди шунақа иш бўлган эди. Сизга ўхшаб бир чиновник арз билан келди, эълони ҳисоб-китоб бўйича бир сўму етмиш уч тийинга баҳоланди; у қора юнгли пуделнинг қочиб кетгани ҳақида эди. Бундай олиб қаралса, оддий бир эълон, тўғрими? Кейин маълум бўлдики, бари қип-қизил ҳакорат, яъни ўша пудель, ҳозир эсимда йўқ, қайсиdir бир идоранинг ғазначиси экан.

— Ахир, мен аллақандай пудель ҳақида эмас, шахсан ўз бурним ҳақида эълон бермоқчиман, демакки, ўзим ҳақимда деса ҳам бўлади.

– Йўқ, бунақа эълонни беролмайман, ҳеч иложи йўқ.

– Ха унда, бурнимдан айрилиб қолаверар эканманда?

– Бу вазиятда дўхтирга борганингиз маъқул. Айтишларича, ўзингиз хоҳлаган бурунни ёпишириб қўйиш ҳам қўлидан келадиган дўхтирлар бор эмиш. Аммо-лекин-чи, сиз жуда хушчакчак, ҳазилни қийиб қўядиган одам экансиз.

– Худони ўртага қўйиб онт ичаман! Ҳамонки, менга ишонмаётган экансиз – очиб кўрсатишим мумкин.

– Овора бўлишга не ҳожат! – деди чиновник та-макисини ҳидлаб. – Бироқ малол келмаса, – дея қизиқувчанлик билан қўшиб қўйди кейин: – бир кўриб қўйсак зиён қилмасди...

Коллеж асессори юзидан дастрўмолини олди.

– Ё, тавба! – деб юборди чиновник. – Чиндан ҳам бурун ўрни теп-текис-а, гёёки ҳозиргина пиширилган қўймоққа ўхшайди. Сип-силлик!

– Хўш, энди нима дейсиз? Ўзингиз кўриб турибисиз, эълонни чоп этмасангиз бўлмайди. Мен сиздан бафоят миннатдор бўлардим, шу баҳона сиз билан танишганимдан ҳам беҳад хурсандман...

Қарангки, майор бир оз лаганбардорлик қилиб ҳам кўрди.

– Чоп этиш-ку қийин иш эмас, – деди чиновник, – аммо бундан сизга бирон наф чиқишига қўзим етмаяпти-да. Агар жуда қўнглингиз тўлавермаса, буни бирор ўткирроқ қаламкашга сўзлаб беринг – табиатнинг ноёб ҳодисаси сифатида тасвирлаб мақола ёзсин, кейин уни ўсмирлар (у бурнини артиб қўйди) ёхуд анчайин синчков, қизиқувчан омма эътиборига ҳавола этиш учун «Северная пчела»да<sup>1</sup> (у яна бир марта та-маки ҳидлаб олди) чоп эттиринг.

Ҳафсаласи пир бўлиб, коллеж асессори бошини кўйи солиб олди. Шунда у газетанинг спектакллар

<sup>1</sup> «Северная пчела» – 1838 йилдан 1866 йилгacha Русияда нашр этилган сиёсий-адабий газета

ҳақида ахборот босиладиган пастки қисмида ўзига таниш дилбаргина актрисанинг номини ўқиб қолдию юзига табассум югурай деди ва ёнимда кўк қофоз пулдан бормикан, деган ўйда дарҳол қўлини чўнтағига тиқди; Ковалёвнинг фикрича, театрга кирганда штабофицерлар креслода ўтириши шарт – лекин бурни эсига тушиб, ширин хаёллари бир зумда тумтарақай бўлиб кетди!

Чиновник ҳам Ковалёвнинг ахволига кўйинаётганга ўхшарди. Мулозамат юзасидан унга икки оғиз юпанч сўз айтгиси келди:

– Сирасини айтганда, бошингизга шундай ғалати савдо тушгани кўп ачинарли иш бўпти. Тамаки ҳидлайсизми? У бош оғригини, қайфуни кўтариб ташлайди, ҳатто бавосилга ҳам даво дейишида буни.

Чиновник шундай дея тамакидонининг шляпали бир хоним суврати чизилган қопқоғини фоят абжирлик билан очиб, Ковалёвга тутди.

Ноўрин бу мулозаматдан Ковалёвнинг нақд қони қайнаб кетди.

– Ҳазил қилмоққа қандай ҳаддингиз сиғди, ҳайронман, – деди у жаҳл билан, – айнан ҳид билиш аъзом йўқлигини билатуриб-а? Жин урсин тамакингизни! Кўрарга кўзим йўқ! Бадбўй, хашаки тамакингиз тутул бундан юз чандон аломатига ҳам тупурган бўлардим!

Қаттиқ ранжиган Ковалёв аччиқ-аччиқ гапириб, газета экспедициясидан чиқди ва тўппа-тўғри қанд йиғишга муккасидан кетган участка нозири хузурига йўл олди. Нозир уйининг даҳлизига – емакхонаси ҳам шу ер – савдогар дўстлари тортиқ қилган катта-катта каллақандлар<sup>1</sup> териб қўйилган эди. Айни тобда, ошпаз аёл нозирнинг ботфортини<sup>2</sup> ечиш билан овора; шпага ва бошқа ҳарбий аслаҳалари аллақачон жой-жойига илинганд, уч яшар ўғли ваҳимали учбурчак шляпасини ушлаб-ушлаб қўярди; нозир жанжалу талаш-тортишув-

<sup>1</sup> Биз билган каллақанддан ҳажман анча катта.

<sup>2</sup> Ботфорт – кўнжи тиззадан баланд этик

ларга қозилик билан ўтган серташвиш кун якунида дунё лаззатларидан бир тотиниш ниятида эди.

У маза қилиб керишиб, томоқ қириб, «Эх, икки соатгина мириқиб ухлаб оламан!» деб турган пайтда Ковалёв кириб келди. Ўз-ўзидан аёнки, Ковалёвнинг ташрифи мутлақо бемаврид эди; билмадим, шу келишида у, жуда бўлмаганда, бир неча фунт чой ёки мовут кўтариб келган тақдирда ҳам илтифот билан кутиб олиниши даргумон эди. Нозир санъатнинг барча турлари ва саноатнинг барча маҳсулотларига зўр рағбат билан қаарарди, лекин ҳар нарсадан қофоз пулни афзал кўрарди. «Дунёда бундан яхши яна нима бор экан?! – дерди у одатда. – Ош-нон сўрамаса, кўп жой эгалламаса, чўнтакка сиғиб кетаверади, қўлдан тушириб юборсанг – шикаст емайди».

Нозир Ковалёвни совуқ қарши олди ва тушлиқдан сўнг тергов ишлари юритилмаслиги, инсоннинг мизожи таом тановвуидан сўнг жиндак ором олишни такозо этиши (бундан коллеж асессори участка нозирининг қадим донишманлар бисотидан боҳабар эканини билди), андишали, ҳалол одамнинг бурнини ҳеч ким юлиб олмаслигию дунёда ич кийимининг яғири чиқиб кетган, ҳар хил бўлмағур жойларда санқиб юрадиган қаланғи-қасанғи майорлар урчигандан-урчиб ётгани ҳақида сўзлади.

Юзингда кўзинг борми ҳам демади-я! Ковалёв сиркаси сув кўтармайдиган, таъби нозик мардум эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоғимиз жоиз. У ўзи ҳақида айтилган ҳар қандай нохуш гапни унугиши мумкин-у, ўша гап мансаб ва унвонига тегишли бўлса асло кечирмасди. У ҳатто театр пьесаларида обер-офицерни ҳар қанча масхаралаш мумкинdir, аммо штаб-офицерларга тил теккизиб бўлмайди деб ҳисобларди. Нозирнинг қабулидан у шунаёнги изза бўлдики, бош тебраттида, шаънини ерга урмаган ҳолда, қўлларини керганча, «Очиқ гап, сизнинг бунақа ҳақоратомуз сўзларингиздан кейин мен бир нарса дёйлмайман...», деди ва эшикка йўналди.

У юрди-ю, ер босмади – шу күйи уйига етиб келди. Окшом кириб қолган эди. Шунча елиб-югуришлари бехуда кетганидан квартираси ҳам күзига қоронғи бир зулматдек күринди. Даҳлизга кирибоқ яғири чикиб кетган чарм диванда ястаниб ётган хизматкори Иванга күзи тушди: у шифтга қараб туфлар ва ҳар сафар мүлжалга бехато теккизмоқда эди. Бу бетамизликни күриб, майорнинг баттар фифони чиқди; Иваннинг пешонасига шляпаси билан бир тушириб, «Сен, тўнғизнинг бошқа қиласи ишинг йўқми?!» деб қичқирди.

Иван ўрнидан сапчиб туриб, унинг плашини ечмоққа тутинди.

Толиққан, дарди дунёси зим-зиё бўлган майор бўлмасига кириб, ўзини креслога ташладио чуқур-чуқур нафас олиб, беихтиёр нола қила кетди:

– Эй, Худойим! Эй, Худойим! Нега менга бунча азоб берасан? Бундан кўра қўлсиз ёки оёксиз колсам бўлмасмиди?! Кулогимдан айрилсан ҳам ёмон-у, унга чидаса бўларди, аммо бурунсиз одамни, қуриб кетсин, нима дейиш мумкин? Куш бўлиб куш эмас, фуқаро бўлиб фуқаро – шунчаки кераксиз матоҳдек деразадан улоқтиру юбор! Уруш ёхуд дуэлдами, ёки ўзим сабаб бирон кор-ҳол оқибатида бурундан ажраган бўлсан ҳам майли эди, ҳе йўқ-бе йўқ, ўз-ўзидан йўқолдиқолди, бекор-бехуда, сариқ чақачалик қадри йўқдек!.. Йўқ, бу қандайин гап, – деди у ўзига-ўзи, бир дам ўй суриб, – одамнинг бурни ҳам дабдурустдан йўқ бўлиб қоларканми?! Ҳойнахой, туш кўряпман ёки хаёл суроётиман, балки соқол олдиргач, юзга суртадиган аракни билмай ичib юборгандирман. Ахмок Иван, дарҳол йиғишириб кўймаган-да, сув деб симирганман-юборгандирман.

Маст эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун у ўзини чунонам чимчиладики, оғриққа чидаёлмай доддлаб юборди. Ковалёв туш кўрмаётгани, бу машмашалар ўнгидаги содир бўлаётганини англади. Секингина кўзгуга яқинлашди, зора бурним ўз ўрнида бўлса деган ўйда

қўзларини қисинқираб қаради-ю, шу заҳоти ортига тисарилди:

– Бунча тасқара бўлмасам!

Ҳеч ҳам ақл бовар қилмайди. Агар тутмачами, кумуш қошиқми, соат ёки шунга ўхшаш бирор нарса йўқолса бошқа гап эди, лекин бурун ғойиб бўлиб турибди! Қаёқка гум бўлди? Қандай қилиб?.. Устига-устак, ўз уйимда йўқолса-я!.. Майор Ковалёв ҳар томонини ўйлаб кўриб, бу мени куёв қилмоқчи бўлиб юрган штаб-офицер Подточинанинг қилмиши бўлса керак, деган тахминга борди. Айнан шу тахмини ҳақиқатга яқинроққа ўхшаяпти. Тўғри, ўзи ҳам қизнинг кўнглини овлашга иштиёқманд эди-ю, аммо уйланишдан қочиб юради. Штаб-офицер уни куёв қилиш ниятида эканини дангал айтганида, ҳали ёшман, яна беш йилларча ишлашим керак, ана ўшанда роппа-роса қирқ иккига кираман дея, секингина қизга хушомадларини йиғишириб қўяколди. Шу сабабдан ҳам штаб-офицер ўч олиш мақсадида афсунгару жодугар хотинларни ёллаб, унинг «башарасини бузиш»га қарор қилган, негаки бурун кесиб олингнага ўхшамайди, бунинг иложи ҳам йўқ: хонасига ҳеч ким кирмаган бўлса, сартарош Иван Яковлевичга эса чоршанба куни соқол олдирган, ўша куни ва ҳатто пайшанба куни ҳам бурни жойида эди – шуниси аниқ эсида. Боз устига, у оғриқни сезган бўларди ва шубҳасизки, жароҳат бу қадар тез битиб, ўрни теп-текис, қўймоқдек силлиқ нарсага айланниб қолмасди. У хаёлан режалар тузабошлади: штаб-офицерни расман судга чақириларсинми ёки олдига бориб жиноятини фош этсинми?! Эшик тиркишидан сизиб кирган шуъла унинг хаёлинини бўлиб юборди – даҳлизда хизматкори шам ёқкан эди. Бир оздан сўнг хона бутқул ёришиб кетди: кўлида шамдон билан оstonада Иваннинг ўзи ҳам пайдо бўлди. Ковалёв бу валакисаланг аҳволимни кўриб, ростакамига эси оғиб қолмасин дея, дарҳол дастрўмолини олиб, юзини бекитди.

Иван ўз ҳужрасига кириб кетар-кетмас, дахлизда нотаниш овоз эшитилди:

– Коллеж асессори Ковалёв шу ерда яшайдими?

– Кираверинг, майор Ковалёв шу ерда, – дея коллеж асессори иргиб ўрнидан турди-да, эшикни очди.

Хонага қадди-басти расо, чаккасоқоллари унча малла ҳам, қоп-қора ҳам эмас, юзи гўштдор, хув ўша, қиссамиз аввалида Исакиевск қўприги адогида учратганимиз полиция чиновниги кириб келди.

– Бурни йўқолган сизмисиз?

– Худди шундай.

– Бурун топилди.

– Ростданми?! – деб қичкириб юборди Ковалёв.

Севинганидан бир он тили калимага келмай, қаршисидаги қалин лаблари ва гўштдор юзида шамнинг нури липиллаб турган квартал нозирига тикилиб қолди. Сўнг:

– Қандай қилиб? – деб сўради.

– У фалати бир вазиятда, сафарга отланиш чоғида қўлга олинди. Диличансга<sup>1</sup> ўтириб, Ригага жўна-вормоқчи экан. Бошпурти ҳам бир чиновникнинг номида. Аввалига мен уни росмана жаноб деб ўйлабман. Яхшиям, қўзойнагим ёнимда экан, ўша заҳоти унинг бурун эканини билдим. Ўзи яқинни равшан қўролмайман-да мен; мана, сиз қаршимда турибсиз, фақат юзингизни кўряпман, бироқ бурнингиз, соқолингиз, қўзингизни, қўйинг-чи, афтингиздаги бошқа аъзоларнинг бирортасини фарқлай олмайман. Қайнонам, яъни рафиқамнинг онаси ҳам ҳеч балони қўрмайди.

Ковалёв ўзида йўқ, ҳовлиқиб:

– Қани у? Қаерда, айтинг, ҳозироқ учиб бораман, – деди.

– Ҳеч ташвишланманг, уни олиб келдим. Била-сизми, бу ишда Вознесенск қўчасидаги қаллоб сартарошнинг қўли бор экан, мана энди ўзи полиция

<sup>1</sup> Диличанс – пассажир ва почта ташийдиган арава

маҳкамасида ўтирибди. Мен уни азалдан бери пиёниста, ўғри деб шубҳа қилиб юрардим, бундан уч кун аввал расталарнинг биридан бир қути тутмани ўмаридекетибди. Мана бурнингиз, соғ-саломат ҳолда келтирдик сизга!

Квартал нозири чўнтағига қўл солиб, қофозга ўралган бурунни олди.

– Худди шу! – дея қичқириб юборди Ковалёв. – Ҳа, менинг бурним шу! Келинг, бугун сизни меҳмон қилай.

– Таклифингиздан бошим кўкка етди, бироқ бунинг сира иложи йўқ. Мен ҳозир бу ердан чиқибоқ жинниҳонага боришим керак... Биласиз, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи осмонда... Ўзимиз жўжабирдек жонмиз, қайнонам, яъни рафиқамнинг онаси ҳам биз билан яшайди. Тўнғич ўғлимиздан, айниқса, умидимиз катта-ю... жуда каллали бола-да, аммо шу, таълим-тарбиясига қўлимиз калталиқ қилиб турибди...

Ковалёв шамани дарров фахмлади ва стол тортмасидан битта қизил ўнталик олиб, нозирнинг қўлига қистирди; у астойдил таъзим қилганча чиқиб кетди. Шу захотиёқ унинг араваси билан хиёбонни пайхон қилган бир бефаросат мужикни бўралаб сўкаётгани эшитилди.

Квартал нозири кетгандан сўнг коллеж асессори нима қиларини билмай каловланиб қолди, бир фурсат ўтгачгина аранг ўзига келди – кўриш ва хис этиш қобилияти тикланди. Кутимаган қувонч уни ана шундай караҳт ахволга солиб қўйган эди. У излай-излай топилган арзандаси – бурнини эҳтиётлик билан икки кафтига олди, синчковлик билан қўздан кечира бошлиди.

– Ҳа, шу! Ўзгинамнинг бурним! – дерди нуқул майор Ковалёв. – Ана, кеча чап томонидан чиққан фўддасигача турибди.

Майор хурсандлигидан бор овозда хохолаб юборишига сал қолди.

Бироқ бу норасо дунёда абадий нима бор?! Мана шу қувонч ҳам сал ўтиб хира тортади-да, кейин-кейин

йўқола бориб, ниҳоят, ўзингиз сезмаган ҳолда одатий кайфиятингизга айланади-қолади – худди сувга тош отганда ҳосил бўлган ҳалқачалар секин-аста силлиқ сатҳга қўйишиб кетгандек.

Ковалёв мулоҳаза қила-қила бирдан сергак тортди: бу ҳали иш битди дегани эмас, бурун топилишга топилди-я, бироқ уни ўрнига ёпиштириб қўйиш ҳам керак-ку, ахир!

– Ёпишмаса-чи, унда нима бўлади? – деди ўзига ўзи.

Миясида ярқ этган бу саволдан майорнинг юраги шув этиб кетди.

Жонҳолатда стол сари отилди, бурнини қийшиқ ўрнатиб қўймаслик учун тошойнани ўзига яқинроқ сурниб олди. Диққатини бир ерга жамлаб, эҳтиёткорлик билан уни жойига қўндирамоқчи бўлди. Ув, шўрим курсин! Жойига тушмаяпти-ку!.. Кейин бурунни оғзига тутиб дами билан бир оз илитди-да, яна эски жойи – икки ёноғининг ўртасига ёпиштиришга уринди, аммо бурун ёпишмади.

– Қани! Қани, бўлақол! Ёпишсанг-чи энди, касофат! – дерди у бўғилиб. Аммо бурун худди ёғочдан ясалганга ўхшарди, бехос қўлидан тушириб юборган эди, у пўқак тиқин мисол столга «тақ» этиб тушкиди. Майорнинг афти бужмайиб кетди. – Энди нима бўлади? Наҳотки!.. – деди у баттар саросимада қолиб.

Бурунни ўрнаштиришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уринишларидан бир иш чиқмади.

У Иванни чақириб, бинонинг юқори қаватидаги энг ҳашамдор квартирада яшовчи докторни айтиб келишини буюрди. Доктор бафоят савлатли, ўқтам киши эди, қатрондек тимқора чаккасоқоллари ўзига роса ярашиб турар, мудом арчилган тухумдек озода юрар, юzlари тиниқ, соғлом, эрталаб янги узилган олма ейишни қанда этмас, айниқса, тиш тозалигига қатъий риоя қилар, ҳар тонг чорак соатлаб оғзини чаяр, тишларини беш хил чўтка билан тозалар эди. Доктор шу заҳотиёқ келди. Бу кўргилик қачон юз берганини сўрагач, у бурун

ўрнини шунақаям чертдики, майор жонхалпида боши-ни орқага ташлаган бўлса керак, энсаси билан деворга урилди. Доктор буниси ҳали ҳолва, деди ва девордан берироқ туришни сўради; аввал бошини ўнгга буриб, бурун ўрнини пайпаслаб кўрди-да, «Ҳм!» деб кўйди. Кейин бошини чап томонга буришни буюрди ва тағин «Ҳм!» деб, охирида яна бир чертган эди, тишларини кўрмоқчи бўлганингизда от қандай силтаниб-сапчиса, майор ана шундай калласини силтаб-сапчи迪. Доктор шу тажрибани ўтказгач, бош чайқаб кўйди:

– Йўқ, иложи йўқ. Яхшиси, сиз шундай юраве-ринг, чунки бундан баттар бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Албатта, бурунни жойига ўрнатса бўлади, мен уни хозироқ ўрнатиб қўярдим-у, лекин ишонтириб айти-манки, ўзингизга ёмон бўлади.

– Каранг-а! Нима, бурунсиз юр демоқчимисиз? – деди Ковалёв тутокиб. – Хозирги аҳволимдан баттари бўлмаса керак. Жин урсин, бу не кулфат-а?! Шу башарам билан одамларнинг кўзига қандай қўринаман? Обрўли-обрўли танишларим бор ахир! Мана, бу-гун ҳам иккита хонадонга зиёфатга боришим керак. Мени қўпчилик билади: статский советник Чехтарё-ва, штаб-офицер Подточина... ҳа, айтгандек, унинг бу қилмишидан сўнг ўртамиздаги муносабатга чек қўяман. Энди у билан фақат полиция орқали гап-лашаман. Менга раҳмингиз келсин, доктор, – дея ил-тижо қила кетди Ковалёв, – бирон чораси бордир ахир? Бир бало қилиб ўрнатиб қўйинг, жуда рисо-ладагидек бўлмаса ҳам, шунчаки осилиб турсин, май-ли, қалтис вазиятларда уни ўзим қўлим билан ушлаб тураман. Бирон бир эҳтиётсиз ҳаракат қилиб, зиён етказиб қўймасман – мен рақс тушмайман-ку, ахир. Кўнглингиз тўқ бўлаверсин, ташрифингиз учун мин-натдорлик ҳам ҳамён кўтарганча бўлади.

– Ишонсангиз, – деди доктор баланд ҳам, паст ҳам эмас, лекин ёқимли, таъсири овозда, – мен бе-моримни ҳеч қачон тама илинжида даволамайман. Тамагирлик менинг инсоний ақидаларим ва врачлик

шаънимга мутлақо зид. Тўғри, хизматга ҳақ оламан, бунинг бирдан-бир сабаби – рад этиб мижозларимни ранжитиб қўймаслик. Бурнингизни-ку жойига келтириб қўярдим, аммо гапимга ишонмасангиз виждонимни кафил қиласай, киёфангиз бундан-да тасқаароқ бўлиб қолади. Начора, энди пешонада борини қўраверасиз-да. Тез-тез совуқ сувда ювиб туриңг, ишончингиз комил бўлсинким, бурнингиз борлигида қандай бўлсангиз, бурунсиҳ ҳам худди шундай соппа-соғ юраверасиз. Бурунни эса спиртли банкада сақлаганингиз маъқул ёки яхшиси, спирт ўрнига икки ошқошиқ ўткир арақ ва иситилган сирка қўйинг – ана шунда бурун эвазига мўмайгина маблағли бўлишингиз ҳам мумкин. Агар қиммат сўрамасангиз уни ўзимоқ сотиб оламан.

– Йўқ, йўқ! Сотиш ниятим йўқ! – дея қичқириб юборди Ковалёв аламидан. – Ундан кўра йўқ бўлиб кетсин!

– Маъзур тутасиз! – деди доктор тавозе билан. – Мушкулингизни осон қилиш ниятида эдим, холос... Начора! Ҳарқалай, қанча уринганимни ўзингиз кўрдингиз.

Шу гапларни айтиб доктор қаддини ғоз тутганча хонани тарқ этди. Ковалёв унинг юзига ҳам боқмади, караҳт аҳволда эмасми, фақат қора фракининг енгидан чиқиб турган оппоқ кўйлаги манжети кўз олдидан лип этиб ўтди, холос.

Эртаси куниёқ у маҳкамага шикоятнома битишдан аввал штаб-офицер Подточинага, каминага тегишли тана аъзосини уриш-жанжалсиз ўз ҳолига қайтариб берсангиз, деган мазмунда хат ёзишга қарор қилди.

### «Мұхтарама

#### Александра Григорьевна хоним!

*Сиз томонингиздан қилинган ғалати ишларга ҳеч тушунолмаяпман. Хотиржам бўлингким, бу йўл билан бирор нимага эришолмайсиз, яъни мени қизингизга уйланишга мажбур этолмайсиз. Шунга амин бўлингким, бурним билан боғлиқ воқеа менга кундек аён, бунга бошқа бирор эмас, айнан сиз сабабчи эканингизни ҳам*

аниқ биламан. Бурнимнинг тўйсатдан гойиб бўлиб қолиши, қочиб кетишию ҳар хил тусларга кириши, дейлик, аввалига чиновник қиёфасида савлат тўкиб юриши ва нихоят, яна ўз ҳолига қайтиши – сизнинг сеҳру жодуларингиз оқибати ёхуд сизга ўхшаб мана шунақа «олийжаноб машгуломотлар» билан шугулланувчи кимсаларнинг кирдикоридир. Мен ўз номидан сизни огоҳлантириб қўйишни бурчим деб биламан. Башарти, юқорида айтиб ўтганимдек, бурним бугуноқ ўз ўрнига қайтмас экан, у ҳолда мен тегишили қонун ҳимояси ва ҳомийлигига таянишга мажбур бўламан.

Шоён ҳурмат ила таъзимда

Камина қулингиз **Платон Ковалёв**.

### «Мухтарам жаноб

**Платон Кузьмич!**

Мактубингиз мени гоят ҳайратга солди. Эътироф этмогим лозим, сиздан бунақа ноҳақ гина-кудуратларни асло кутмаган эдим. Олдиндан шуни маълум қиласманким, сиз тилга олган чиновникни ясама қиёфада ҳам, ўз қиёфасида ҳам уйимда қабул қиласманман. Тўғри, хонадонимга Филипп Иванович Потанчиков келиб туради. Гарчи, у қизимнинг қўйини сўраш илинжида юрган бўлса-да, бу боадаб, ўта маданиятли инсонни ҳеч қачон умидвор қилган эмасман. Сиз яна аллақандай бурун ҳақида сўз юритибсиз. Агар бу гапларингиз билан мен икки қўлимни бурнимга тиқиб қоламан, деган хаёлга борган, яъни расман рад жавобини оламан, дея ташвишланаётган бўлсангиз, буни сизнинг ўзингиздан эшитиш мени жуда таажжубга қўйди. Негаки, мен мутлақо бошқача фикрдаман. Бордию эндиликда сиз қизим билан қонуний унашиш ниятида бўлсангиз, бу истагингизни мен ҳозирнинг ўзидаёқ маъқуллашга тайёрман. Зоро, бу менинг энг катта тилагим. Ана шундай умид билан – мудом хизматингизга тайёр

**Александра Подточина».**

«Йўқ, – деди Ковалёв хатни ўқиб чиққач. – Унинг бу ишга дахли йўқ. Кўриниб турибди! Жиноятда айбланаётган одам бундай хат ёзмайди. – Коллеж асесори Кавказ вилоятида бир неча бор терговга жалб этилгани боис бундай ишлардан дурустгина хабардор эди. – Қандай қилиб, қай йўсин бу савдо бошимга тушди?! Буниси энди ёлгиз худога аён!» деди у нихоят тақдирга тан бергандек.

Бу ёғини сўрасангиз, мазкур ғаройиб ходисага доир мишмишлар, табиийки, ошириб-тоширилиб бутун пойтахтга тарқаб кетди. Ўша кезлар барча ховлиқма кишилар айнан файриоддий воқеаларга ўч бўлиб қолган эди. Бундан сал аввал факат магнетизмга оид тажрибалар жамоатнинг оғзида эди. Боз устига, Конюшен кўчасидан чиққан рақс тушувчи стуллар ҳангомаси ҳам ҳали эскирмаган эди, шунинг учун ҳамма тез орада коллеж асессори Ковалёвнинг бурни Нева проспектида роппа-роса уч соат сайр қилганмиш, дея гап бошлагани ҳеч ажабланарли эмас. Текин томошабинлар оқими кун сайин ортиб борарди. Кимdir ўша бурун Юнкер дўконида<sup>1</sup> экан, дея гап тарқатиби. Юнкер олдига тумонат одам йифилиб, шунақаям ур-йиқит бўптики, бу жанжал-суронни полиция аралашиб, базўр тинчилиди. Театрга кираверишда қандолат-пандолат сотиб ўтирадиган, кўринишидан туппа-тузук, чаккасоқолли бир чайқовчи ёғочдан бежирим, пишиққина курсилар ясад, ишқибозларни таклиф этиби – киши бошига саксон тийиндан олиб, курси оша томоша уюштирибди. Бир фахрий полковник атайлаб уйидан барвақт чиқиб, бир амаллаб оломонни ёриб ўтиби, бироқ дўкон ойнасидан бурунни эмас, оддий жун фуфайкаю пайпоғини тузатаётган қиз ва дараҳт ортидан унга мўралаб қараётган қайтарма нимчали, бир тутамгина соқолчаси бор олифта йигит тасвирланган литографик сувратни кўрибди, холос; суврат бу ерда осиглиқ турганига ўн йилдан ошган эди. Полковник туртина-суртина бир четга чиқиб олгач, «Шунақа ёлғон ва тўмтоқ

---

<sup>1</sup> Юнкер дўкони – Нева проспекти ва Большой Морской кўчалари муюлишидаги модалар дўкони.

мишмишлар билан одамларни майна қилишнинг нима кераги бор-а?» деб роса дарғазаб бўлиди.

Кейин – майор Ковалёвнинг бурни Нева проспектида эмас, қачондан бери Таврия боғида сайд қилиб юрганмиш, у Хисрав Мирза<sup>1</sup> яшаган вақтлардан бўён ўша ерда эмиш, шаҳзода ҳам табиатнинг бу гаройиб ўйинидан фоят ҳайратланибди, деган гаплар тарқалди. Жарроҳлик академиясининг баъзи талабалари ўша ёққа йўл олиди. Таниқли ва нуфузли бир хоним эса боғ назоратчиси номига мактуб битиб, табиатнинг бу ноёб ҳодисасини болаларга кўрсатишни, агар иложи бўлса, ибратли ва насиҳатомуз изоҳлар билан ўсмирлар ўртасида тушунтиришлар олиб борилишини сўрабди.

Бўлиб ўтмиш ушбу воқеалар барча киборларга, айниқса, хонимлар димоғини чоғ қилишни хуш кўрадиган, тантанали қабул маросимларини канда эт-майдиган олифталарга жуда қўл келди – захирадаги қизиқарли латифаларининг таги кўриниб қолган эдид. Бир неча нуфузли, холис ниятли кишилар эса бу холдан ўта норози эди. Бир жаноб ҳозирги маърифатли асримизда қандай қилиб мана шунака куракда турмайдиган уйдирмалар тарқалиши мумкин, ҳеч тушенолмайман, нега бунга хукумат бепарво қараётир, дея жиғибийрон бўлиб гапирди. Бу жаноб, афтидан, хукуматни ҳамма нарсага, ҳатто эр-хотин ўртасидаги кундалик можарога ҳам аралаштиришга уринадиганлар хилидан бўлса керак. Шундан кейин... шу ерга етганда яна воқеани бутқул туман чулғайди ва у ёғига нима бўлгани мутлақо маълум эмас.

### III

Дунёда ўта бемаъни ишлар ҳам кўп-да. Баъзида ҳақиқатга яқин ҳам йўламайдиган воқеаларга гувоҳ бўламиз. Статский советник мансабида ҳар ерда сайд қилиб юрган ва шаҳарда шунча шов-шув чиқарган

<sup>1</sup> Хисрав Мирза – форс шаҳзодаси; 1829 йилда Петербургдаги Эрон элчихонасини бошқарган.

ўша бурун гүё ҳеч нима кўрмагандек, қутилмаганда ўз жойи, яъни майор Ковалёвнинг икки ёноғи ўртасида пайдо бўлди-қолди. Бу воқеа апрель ойининг еттинчи куни рўй берди. Ковалёв уйғониб, бехосдан кўзгуга қараса – бурни жойида! Шоша-пиша ушлаб кўрди – ўзининг бурни! «Ие, ие!» деда қийқириб юборди у ва қувончи ичига сифмай хонани оёқяланг гир айланиб югурмоқчи эди, қўққисдан кириб келган Иван халакит берди. Майор унга ювингани сув келтир, деб буюорди ва юз-қўлини чаяркан, яна бир марта ойнага қаради: бурни ўз ўрнида! Сочиққа артинаркан, тағин қаради: бурун ўша-ўша!

– Иван, қара-чи, бурнимга фўдда чиққанга ўхшайди, – деди у ва «Агар Иван: э, жаноб, фўдда қаёқда, буруннинг ўзи йўқ-ку, деса худо урди деявер!» деган гап ўтди хаёлидан.

Бироқ Иван:

– Йўф-э, ҳеч қандай фўдда-пўдда чиқмаган бурнингизга! – деди.

«Ана-а, зўр-ку!» деди ўзича майор ич-ичидан севиниб ва бармоқларини қирсиллатиб қўйди. Шу пайт қўлга тушаёзган ўфри мушукдек кўрқа-писа сартарош Иван Яковлевич эшиқдан мўралади.

– Аввал менга шуни айт-чи, қўлингни ювганмисан? – деб қичкирди Ковалёв унга кўзи тушибоқ.

– Ҳа, қўлим тоза.

– Алдама!

– Худо ҳаққи, жаноб, топ-тоза.

– Бўпти, бўпти, кўрамиз ҳали...

Ковалёв курсига жойлашди. Иван Яковлевич унинг елкасига сочиқ ёпиб, чўткаси билан бир лаҳзада соқолию ёнокларига ноёб, хушбўй совун кўпигини чаплаб ташлади.

«Буни кўринг-а! – деди ўзига-ўзи Иван Яковлевич унинг бурнига қараб, кейин бошини эгиб, ён томондан боқди. – Бор, йўқол-э!», деб қўйди-да, яна бурунга тикилиб қолди. Кейин иложи борича аяб-авайлаб, унинг учидан ушламоқ бўлиб бармоқ чоғлади – Иван Яковлевичнинг соқол олиш усули шунаقا эди.

– Эй, эй, кўзингга қара! – деб қичқирди Ковалёв.

Сартарош тараддуд аралаш довдираб қолди, уни шундай хаяжон босдики, бунақаси сира бўлмаган эди. Нихоят, эҳтиёткорлик билан устарасини гирд айлантириб, мижозининг иякларини аста қиришилай бошлади. Гарчи хид билиш аъзосини ушламасдан соқол олиш хийла нокулай бўлса-да, дағал бармоқларини бет ва пастки жағга тираб, бир амаллаб ишини тугатди.

Соқол олдириб бўлган заҳоти Ковалёв кийиниб, извошга ўтириди тўппа-тўғри қандолатхонага жўнади. Дўкон эшигидан хатлабоқ, «Болакай, бир финжон шо-колад келтир!» деб буюрди, ўзи эса тошойнага югурди; бурни ўз жойида! Сўнгра оғзининг таноби қочиб, орқасига ўгирилди ва бирорининг бурни нимча туг-масидек келадиган икки ҳарбийга кўзини қисиброк масхараомуз қараб қўйди. Дўкондан чиққач, вице-гу-бернатор лавозимига, бордию омад чопмаса, экзекутор мансабига эришаман деб обдон остонасини чангитгани департамент девонхонасига йўл олди. Қабулхонадан ўтиб бораркан, ойнага қўз ташлаб олди: бурун жо-йида турибди! Бу ерда у бошқа бир колледж асессори, яъни ўзига ўхшаган майорни зиёрат қилмоқчи эди; ҳамкасабаси ўта ҳазилкаш, бирорининг устидан кулишга суяги йўқ бўлиб, унинг илмоқли гапларига Ковалёв «Эй, қўйсанг-чи, сени биламан-ку, заҳарсан!» деб кутуларди. Йўлакда у ўзича, «Агар шу майорки мени кўриб кулгидан тарс ёрилмаса, демак, ҳеч бир хаво-тирга ўрин қолмайди», деб ўйлади. Колледж асессори эса қулмоқни хаёлига ҳам келтирмади. «Жин урсин, ишлар, беш!» деди Ковалёв ўзига-ўзи. Қайтаётиб у кўчада штаб-офицер Подточина билан қизини учра-тиб қолди. Улар Ковалёв билан илиққина, ўзаро таъ-зим адо этиб салом-алик қилишди. Бундан чиқди, кўриниши биппа-бинойи, юзида ҳеч бир кемтиклик йўқ! Ковалёв улар билан узоқ сўзлашди, атайин тама-кидонини очиб, бурнининг ҳар иккала тешигига босиб-босиб ҳидлади. «Хе, товуқмиялар-эй, қараб турларинг

ҳали! Қизингга уйланиб бўпман! Шунчаки раг амоур<sup>1</sup> уйланадиган аҳмофинг йўқ – хомхаёл бўлма!» дерди ичида.

Ўшандан бери майор Ковалёв гўё ҳеч нима кўрмагандек, Нева проспектида, театру бошқа жойларда bemalol сайр қилиб юради. Бурни ҳам тўсатдан фойиб бўлиб қолганидан бехабар, ҳеч гап бўлмагандек, мана, жойгинасида қаққайиб турибди! Кейинчалик ҳам майор Ковалёвнинг мудом ҳазил-мутойиба қилиб хушвақт юрганини, хушсуврат хонимларнинг деярли барчасини зимдан кузатишини ва ҳатто бир гал Гостиный дворга<sup>2</sup> кириб, қандайдир раста олдида тўхтагани, нима учун экани номаълум-у, орден тақиладиган тасма сотиб олганини кўрганлар бор, ваҳоланки, у ҳеч қандай орден соҳиби эмас эди.

Бепоён мамлакатимизнинг шимолий пойтахтида ана шундай воқеа содир бўлди! Бироқ энди, ҳаммасини мулоҳаза қилиб кўргачгина бу ҳангоманинг ҳақиқатдан йироқ жихатлари қўп эканини англаб турибмиз. Ковалёв йўқолган бурун ҳакида газетада эълон бермоқ кулгили иш эканини тушунмаганидек, буруннинг башардан узилиб чиқиши-ю, кам эмас, қўп эмас, статский советник қиёфасида ҳар жойда пайдо бўлиши ҳам ақл бовар қилмас ҳодиса эканини гапириб ўтиromoққа ҳожат бўлмаса керак. Камина эълон чоп эттириш жуда қимматга тушажагини назарда тутаётганим йўқ, албатта, бу фирт майдакашлик бўлардики, мен асло манфаатпарастлар сирасига кирадиган кимса эмасман. Лекин барибир нимасидир ноқулай, нодуруст-да, шундоқ эмасми? Яна ўша гап – мардумнинг юзидағи бурун қай тариқа эндингина пеҷдан чиқсан қайноқ нон ичида пайдо бўлиб қолган-у, Иван Яковлевичнинг ўзи қай тариқа?.. Йўқ, мен буни ҳазм қиломайман, мутлақо! Аммо қизик, ёзувчилар шунақа сюжетларни қандай қаламга олар экан-а? Тан оламан, бунисига энди сира

<sup>1</sup> Par amour – севги туфайли (фр.)

<sup>2</sup> Гостиный двор – Петербургдаги йирик савдо маркази

ақлым етмайды, ҳа, шундай... вассалом. Бириңчидан, бунинг халққа хеч кераги йўқ; иккинчидан... иккинчи-дан ҳам бефойда. Билмайман, билмайман...

Лекин барибир ундоқ ҳам, бундоқ ҳам, бошқача ҳам бўлиши мумкин... Бундай олиб қараганда, шунга ўхшаш бемаъни, қуюшқонга сифмайдиган воқеалар йўқ деб ким кафолат бера олади?.. Нафси ламри, яхшироқ ўйлаб кўрилса, бу хил хангомаларнинг замирида озми-кўпми ҳақиқат борга ўхшайди. Ким нима деса десин, дунёда шу каби ҳодисалар ҳам бўлиб туради – онда-сонда бўлса ҳам.

1836 йил



---

**Стефан ЦВЕЙГ  
австриялик ёзувчи**

---

**(1881-1942)**

---

## **БИР УМРНИНГ ЗАВОЛИ**

**Ю**ракни тилка-пора қылмоқ учун тақдири азал дабдурустдан күкракка найза санчмайди. Пайт пойлайди. Бунга у устаси франг. Биз тақдири азалнинг ҳукмини «баҳонаи сабаб» деб қўя қоламиз, сўнг... бу бетайин иборамизни ҳукмнинг бешафқат оқибатига таажжуб билан қиёслашга тушамиз; аслида дард ошкор бўлмасидан анча илгари бошланади. Инсон тақдири хам шунаقا. У узоқ вақт вужудимиз қаърида, етмиш икки томиримизда яшириниб ётади, сиртга чиққанида эса негадир исён кўтарамиз, аммо фойдаси бўлмайди.

Умри тижорат билан ўтган Соломон бобо кунлардан бир кун Гард кўли соҳилидаги меҳмонхонада ярим кечаси қорин оғри fidan уйғониб кетди. Бу ерга у оиласи билан бирга дам олгани келган эди. Қараса, ахвол чатоқ: ичини бирор бурғу билан пармалаётгандай, нафас оляптими, йўқми – ўзи ҳам билмайди. Қариянинг капалаги учиб кетди. Тўғри, кўпдан буён жигаридан нолиб юрарди, аммо бунақаси... У шифтта тикилганча дўппайған қорнини, сўнг кўкраги ва елкаларини аста сийпалаб чиқди. Оғриқ пасаяй демасди. Қаёқдан илашди бу касофат? Балки бирор овқат ёқмагандир? Италияга келган сайёхлар орасида бунақа шикоятлар қулоққа кўп чалинади. Ҳаракат қилсан оғриқ тарқалар, деган хаёл билан инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Ростдан ҳам уч-тўрт қадам босиши билан сал енгил тортгандай бўлди. Аммо хона тор эди,

бунинг устига, ёнма-ён қўйилган каравотда ухлаб ётган хотинини уйғотиб юборишдан чўчиди. Бекорга ваҳима кўтаришнинг нима кераги бор? Ана шу андиша билан елкасига халатини ташлаб, шиппагини сарпойчан кийди-да, секин йўлакка чиқди.

Узундан-узун, нимкоронги йўлак ҳувиллаб ётарди. Қария қадамини авайлаб босиб, йўлакнинг бу бошидан у бошигача уч-тўрт қур бориб келди. Буни қарангки, нияти холис-да, дард чекиниб, рухи анча тетиклашди, оғриқ ҳам аввалги шаштидан қайтди. Хонасига эндиғина кирмоқчи бўлиб турган эди, бирдан аллақандай шитирлаган сас уни тақа-тақ тўхтатди. Шу яқин-ўртада нимадир фирчиллади, сўнг сал наридаги эшик қия очилиб, пиҷир-пиҷир овозлар эшитилди, оралиқдан тушган нур йўлакни лип этиб бир ёритдию яна сўнди. Нима гап ўзи? Қария беихтиёр бурчакка қапиши – синчковлигидан эмас, йўқ – жиннига ўхшаб ярим кечаси йўлакда тентираб юрганини бирор кўриб қолишидан ийманди. Аммо тасмадай нур йўлакни бир сония ёритган пайтда қия очилган эшиқдан оқ ҳалат кийган бир аёл чикиб, зипиллаганча йўлак адогига қараб кетганини илғади. Ё унга шундай туюлганмикан? Йўқ, йўқ, аниқ кўрди. Ана, йўлак охиридаги эшик тутқичи шиқ этди. Кейин ҳаммаёқни қайтадан суқунат босди. Қария, худди чақмоқ ургандай, гандиреклаб кетди. Ё Парвардигор! Ахир, йўлак охиридаги хозиргина тутқичи маккорона овоз чиқарган ўша эшикдан... ахир, ўша эшиқдан ўзи оиласи билан ижарага олган учта хонага кирилади-ку! Хотини ухлаб ётибди. Демак, ҳалиги аёл, – йўқ, янглишиши мумкинмас, – хиёл олдин бегона эркакнинг хонасидан яшириқча чиққан ўша аёл – қизи, ўн тўққизга тўлиб-тўлмаган қизалоги Эрна экан-да!

Қариянинг аъзойи бадани титраб кетди. Эҳ, болагинам, жигарбандим... наҳотки? Йўқ, бўлиши мумкинмас, у хато қиляпти! Унда бегона эркакнинг хонасида нима килиб юрибди?! Қария бу фикрни миясидан юлиб ташламоқчи бўларди-ю, аммо бир кўриниб фойиб

бўлган аёлнинг кўланкаси кўз ўнгидан нари кетмасди. Бу кўланкадан кутулиб бўлмайди, уни юлиб ташлашнинг иложи йўқ. У ҳақиқатнинг тагига етиши керак! Нафасини ичига ютиб, деворни пайпаслаганча қизи яшаётган хона эшигига яқинлашди. Қай кўз билан кўрсинки, эшик тирқишидан, фақатгина шу эшик тирқишидан ингичка, оппоқ нур сизиб чиқмоқда эди. Кечаси соат тўртда хонасида чироқ ёниб турибди! Тағин нима керак?! Мана, яна битта исботи: электр тугмачаси ширқ этди, нур чилвирини тун коронгиси ютиб юборди – йўқ, йўқ, ўзини алдаб нима қилади – бегона эркакнинг хонасидан чиқиб, ўз хонасига бебилиска кириб олган аёл – ўз қизи, Эрна!

Кария, безгак тутгандай, ҳамон қалтирас, танасидан совуқ тер қуйилар эди. Бир кўнгли, эшикни бузиб кириб, беҳаё қизини роса дўппосламоқчи бўлди. Аммо оёқлари итоат этмади. Хонасига судралиб кириб, ярагланган жонивордай ўзини каравотга ташлади.

Соломон бобо алламаҳалгача қимир этмай, қорон-филикка термилиб ётди. Мияси ғовлаб кетган эди. Ёнгинасида хотини пишиллаб ухлаб ётарди. Нима қилсин? Уни уйғотиб, заҳрини сочсинми? Қизининг кирдикорини ошкор этиб, гўрига фишт қаласинми? Жиллакурса, кўнглини бўшатиб олади-ку, ахир. Ҳай-ҳай-ҳай! Бу шармисорликни қайси тил билан гапиради? Йўқ, айтолмайди, айтолмайди. Хўш, унда нима қилиш керак? Нима қилиш керак!

У фикрини жамлашга уринар, аммо уддасидан чиқолмасди. Қандай даҳшат! Унинг қизалоги, эркатойи, кўзлари мусаффо, нигоҳи мулоийм арзандаси... Э, фалак! Алифбони олдига қўйиб, пуштиранг бармоқчасини нотаниш ҳарфларга биттама-битта теккизиб, завод чиқазган куни кеча эмасмиди, ахир! Уни олиб кетишига мактабга борганида ҳаворанг кўйлагининг этакларини ҳилпиратиб чопиб чиққанлари, йўл-йўлакай унга ширинликлар олиб бергани, бунга жавобан қизчаси унинг бўйнидан қучоқлаб, шира лаблари билан юзидан чўлп-чўлп ўпганлари... Эвоҳ... кечагина эмасмиди!

Мана энди, икки қадам нарида, ўша қиз бегона эркакнинг кўйнига кириб чиқиб, ҳеч нарса кўрмагандай сулайиб ухлаб ётиби!

«Ё алҳазар, ё алҳазар! – Қария инграб юборди. – Қандай шармандалиқ, қандай шармандалиқ! Менинг қизим, бокира қизалогим аллақандай эркак билан... Ким ўша эркак? Келганларига атиги уч кун бўлди, анави олифталардан бирортасини ҳам Эрна илгари танимасди – на граф Убальдини, на итальян зобитини, на мекленбурглик баронни. Улар билан келган кунларининг эртасига рақс пайтида танишишган, аллақачон ўшалардан биттаси... Хўш, қизи қайси бири билан... Балки у биринчи эркакмасдир, балки Эрна бунақа ишни анча илгари, уйдалигидаёқ бошлаворгандир... мен аҳмоқ ҳеч нарсани пайқамай юравергандирман?.. Вой лакма-ей, вой мияси айниган чол-эй... Дарвоқе, хотиним билан қизим ҳақида нималарни биламан? Уззукун ўшалар учун ишлайман, идорада ўн тўрт соатлаб ўтираман, илгари-ку умрим поездда ўтарди, қўлимда – хилма-хил матоларнинг лахтаклари солингган чамадон... пул учун... азбаройи қизим билан хотиним ҳеч нарсадан зориқмасин, хоҳлаганларини еб, хоҳлаганларини кийишин деб шундай қиласдир. Кечқурун хориб-чарчаб ишдан қайтганимда уйда ҳеч ким йўқ: улар ё театрга, ё рақс майдонига ёки меҳмондорчиликка кетган бўлади. Кунни қандай ўтказишади – билмайман. Энди шуни билиб турибманки, қизим, худди кўчадаги фоҳишалардай, тунлари покиза танасини бегона эркакларга бахшида этаркан. Ё Раббий, бу қандай разолат!»

Қария яна ингради. Ҳар бир янги тахмин, янги шубҳа-гумон ярасини туз сепгандай ловуллатарди; на-зарида мияси қоқ иккига бўлинган-у, ана шу иккита косадаги бўтқа ичида сон-саноқсиз курт-қумурска фужфон ўйнаётгандай...

«Нега шу пайтгача чидаб келдим?.. Нима учун мен бу ерда тўлғаниб ётибман-у, анови суюқоёқ бемалол хурракни отяпти? Изидан хонасига бостириб

кириб, қовурғаларини майда-майда қилиб ташласам бўлмасмиди? Йўқ, бўлмайди... Чунки мен заифман, мен кўрқокман... Ҳамма вақт уларга ён босиб келгандман. Ўзим итдай ишласам ҳам, қизим билан хотиними ни яйратиб қўйганимдан фахрланардим, бир тийинни етти жойидан тугиб, топганимни уйга таширдим. Мана, оқибати... Қорнилари тўйди-ю, мендан ор қиладиган бўлиб қолишиди... Ҳа-да... мен – қолоқман, мен – чаласаводман... Тавба, менда завод нима қилсин? Ўн икки ёшимда мактабдан чиқариб олганлар. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ишлаганман, лаҳтак кўтариб қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар изғиганман. То бир ишнинг бошини тутиб, қаддимни ростлаб олгунимча тортмаган азобим, чекмаган уқубатим қолмаган. Ҳозир бирордан кам ерим йўқ, уй-жойим бадастир, мол-мулким, давлатим етарли. Аммо барибир тилим қисиқ. Баъзан ҳакалак отган нафсларини сал ти-ийиб қўймоқчи бўлсам, осмонга сапчишади; раҳматли онам фақат оиласам деб, рўзгорим деб яшарди десам, бурунларини жийиришади. Хўп, мен – қолоқман, ўқимаганман. Аммо қолоқсиз деб мендан ор қиладиган қизим негадир бегона эркакнинг қўйнига кириб ётишдан ор қилмайди. Биттаю битта қизим, кўзимнинг оқу кораси... Ё Тангри, қандай бедодлик бу!»

Кария қаттиқ ух тортган эди, хотини уйғониб кетди. «Ҳа-а, нега пишқирияпсан?» деб сўради у уйқусираб. Соломон бобо миқ этмади. Шу ётганча эрталабгача мижжа қоқмади.

Нонуштага хаммадан барвақт келди. Оfir хўрсиниб, стол ёнига чўқди-ю, аммо дастурхондан юзини четга бурди.

«Яна ёлғизман, – деб ўйлади у, – ҳар доим ёлғизман. Эрталаб ишга кетаётганимда булар ухлаб ётган бўлади. Театрми, бирор зиёфатми, аллақайси гўрдан тинкалари қуриб келишади-да. Кечкурун уйга қайтганимда яна ҳеч ким йўқ – ким билади қандай давранинг гули бўлиб ўтиришган экан? Эҳ, пул ўлсин-а, пул ўлсин! Уларни пул бузди... пул бизни бир-биримиздан айир-

ди. Мен аҳмоқ пулнинг кетидан қувиб юрибман-а! Мана оқибати – пул мени шип-шийдан қилди, уларни эса ёмон йўлдан етаклаб кетди. Эллик йил хўқиздай ишлаб, ҳордиқ нималигини билмай ортирганим шу бўлдими! Мана, бир ўзим сўппайиб ўтирибман...»

Хотини билан қизидан ҳамон дарак йўқ. «Нега Эрна келмаяпти? Очиқчасига гаплашмасам бўлмайди... Ҳаммасини юзига шартта-шартта айтаман... Кетамиз, дейман... шу бугуноқ жўнаймиз, дейман... Нега келмаяпти? Ҳа-а, уйкуга тўймаган-да, сабаби маълум... Онаси-чи?.. Э-э, тошойнанинг олдида ўтирган сочини тараб. Кейин тирноқларини бўйяди, сартарошхонага киради, упа-элик дегандай... Соат ўн бирсиз қўли бўшамайди. Онаси шу бўлгандан кейин – қизи нима бўларди? Ҳэ-э, пулни ўйлаб топганни!..»

Орқадан қадам товушлари эштилди. «Яхши ётиб турдингизми, дадажон?» – шу саволдан кейин аёл кишининг мўъжазгина боши елкаси оша энгашиб, нафис лаблар хиёлгина чаккасига тегди. Кария беихтиёр бошини четга тортди: қандайдир атирнинг чучмал ҳиди унга ёқмаган эди.

– Нима бўлди, дадажон? Нега авзойингиз бузук? Ухломадингизми ёки ёмон туш кўрдингизми?

Соломон бобо фазабини ичига ютди. Бошини қуий эгиб, қизининг саволига «Йўқ, ҳаммаси жойида!» дея будраниб жавоб қайтарди. Кейин унга қарамаслик ниятида апил-тапил газетани очиб, юзини тўсди. Кўллари бетўхтов қалтирарди. «Хозир, онаси йўқлигига ҳамма гапни гапиришим керак. Хозир айни пайти!» дерди у ичида, бироқ тили калимага келмасди, ҳатто қизининг кўзларига қарашга ҳам журъат этолмаётган эди. Бирдан у шартта ўрнидан турди-да, боғ томонга қараб кетди. Юзидан оқаётган қайноқ кўзёшларини қизи кўриб колишидан андиша қилди.

Оёқлари калта, пак-пакана қария боғ ичида узок айланиб юрди, теварак-атрофни томоша қилди. Ёш пардаси корачикларини тўсиб турган бўлса-да, гўзал манзарадан баҳраманд бўлишига монелик қилолмади:

кўл сатхидаги қумушранг туман ортида кўм-кўк буталар билан қопланган ўркач-ўркач тепаликлар, уларнинг орқасида эса баланд тоғ, гўё у ҳам кўл жамолига маҳлиё бўлгандай чуқур сукутга ботган. Яшнаб турган табиат бепоён қучорини очиб, ҳаммага баҳт ва шодлик улашаётганга ўхшайди.

«Водариф!.. – дея қария алам билан бош чайқади. – Умримнинг эллик йилини чўт қоқиши, ҳисоб-китоб, савдо-сотик билан ўтказиб, биринчи марта ўзимга мана шундай кунларни раво кўрган эдим-а!.. Буям ҳаромга чиқди. Олтмиш бешга кирибман. Бу ёғи қанча қолди – ёлғиз худога аён. Ҳар ҳолда тўримдан гўрим яқин. Азроил эшик қоқиб турганда на пул, на бойлиқ, на дўхтири орага туша олади. Гўрга кирмасимдан олдин мен ҳам одамга ўхшаб бир дам олай деган эдим-да. Э, аттанг, аттанг! Раҳматли отам айтарди-я: «Бизнинг пешонамизга хузур-ҳаловат битилмаган, сен меҳнатга туғилгансан, ўлгунингча меҳнат хуржунини елкангдан ташлама!» дерди-я! Мен гумроҳ отамнинг ўйтитини унутибман. Лекин кечагина баҳтиёр эдим-ку... Чиройли, хушчақчақ қизимга ҳавас билан тикилардим, қувончига ҳар дақиқа шерик бўлардим-ку. Мана, худо мени жазолади. Ҳамма нарсадан мосуво бўлдим. Энди ўз қизим билан гаплашолмайман, кўзларига тик қаролмайман. Энди қаерда бўлмайин – уйдами, ишхонадами, кечасими, кундузими – ҳозир қизим қаердайкин, қаерга бориб келдийкин, нима иш қилдийкин, деган саволлар таъқиб қиласверади мени. Энди уйга хотиржам қайтолмайман. Бир маҳаллар қизим чопиб келиб бўйнимдан қучганида яйраб кетардим. Энди эса ўпгудай бўлса, бу лаблар кеча қайси лабга босилган эди, деган ўй кечади кўнглимдан дарров. Йўқлигида ташвишга тушсанг, борлигида кўзига қарай олмасанг – шу ҳам ҳаёт бўлдими? Йўқ, бундай яшагандан ўлган яхши!»

Соломон бобо боғдан чиқиб, алламаҳалгача шахар кўчаларида бемақсад тентираб юрди. Бир дўконнинг

кўргазмаси олдида негадир тўхтаб қолди. Ойна ортида сайёхларга керакли турли-туман буюмлар осиғлиқ турарди: соябони кенг енгил бош кийимлари, яктаксимон оппоқ қўйлаклар, спорт анжомлари, галстуклар, қармоқлар... Аммо қария ана шу нарсалар орасига пала-партиш ташлаб қўйилган, бир учига темир пойнак ўрнатилган ғадир-будир таёқдан кўзини узолмасди; агар шу таёқ билан кулочкашлаб битта-яримтанинг бошига солсанг борми!..

«Ўлдираман... Ўлдираман аблахни!» – Кўққисдан миясига келган бу фикрдан типирчилаб қолган қария шошиб дўконга кирди-да, ҳалиги таёқни арзимаган пулга сотиб олди. Фаройиб қуролни қўлига ушлаши билан билагига куч кирганини ҳис этди. Ҳар қандай қурол нимжон одамни ҳам ботир қилиб юборади-да. У таёқни қаттиқроқ қисди, шу заҳоти қўлининг мушаклари таранглашганини сезди. Дўкондан чиқиб, қўл бўйидаги йўлкада тез-тез у ёқдан-бу ёққа юра бошлиди. Ҳадемай жиққа терга ботиб кетди, аммо бу тер тез юрганидан эмас, вужудини забт этган қаҳр-ғазабнинг зўрлигидан қуийлмоқда эди. Тилида фақат бояги гап айланарди: «Ўлдираман... Ўлдираман аблахни!»

Шу алфозда, номаълум душманни қидириб, сал наридаги улкан дараҳт остига қурилган пастанак шийпонга қараб юрди. У янглишмаган эди: шийпоннинг бир бурчагида тўқима креслоларга ястанганча, похол найчалардан ора-сира виски симириб, қизи билан хотини ва, албатта, ҳалиги уч нафар киндиги бир олифталар валақлашиб ўтиришарди. «Қайси бири экан? – деб ўйларди чол таёқни маҳкам қисганча. – Қайси бирининг бошини ёрай?!» Аммо шу пайт Эрна отасини кўриб қолиб, сапчиб ўрнидан турди-да, чопиб олдига келди.

– Қаерда юрибсиз, дадажон? Қидирмаган еrimиз қолмади. Биласизми, жаноб фон Медвис бизни машинасида қўл атрофини айлантироқчи, кейин соҳил бўйлаб Дезенцаногача олиб бораман, деяпти. – Эрна отасини столча ёнига судраб келди.

Эркаклар сўрашиш учун ўринларидан туришди. Қария титраб кетди. Ёнида қизи турганидан ноилож ҳалигиларга бирма-бир қўл узатди, кейин чўнтағидан сигара чиқазиб, жаҳл билан оғзига тиқди. Сал ўтмай, француз тилида кечётган баланд пардали сухбат шаршара мисол яна ўз ўзанига қайтди.

Соломон бобонинг иродаси букилган эди. Оғзидағи сигарани чайнаганча ич-этини еб ўтираверди. «Тўғри қилишади... Улар ҳақ... – деб ўйларди у. – Юзимга тупурса ҳам арзийди. Ўзим қўл бердим-ку. Аммо шулардан биттаси қизимни йўлдан ургани аниқ. Мен эшшак индамай ўтирибман-а! Ҳеч кимни ўлдирганим йўқ, ҳатто чертмадим ҳам... Аксинча, сўлжайиб қўлимни узатдим. Баттар бўл, қария! Устимдан ҳар қанча қулишса ҳам кам. Мен борманми, йўқманми – ким эътибор беряпти? Улар учун мен тирик мурдадай бир нарсаман. Ахир, қизим билан хотиним француз тилини тушунмаслигимни билишади-ку. Билиб туриб, ҳар замонда мен томонга бир қўз ташлаб ҳам қўйишмайди. Яқинларим учун ҳам мен йўқман-да! Уларга фақат менинг пулим керак. О, пул, пул! Ҳаммани йўлдан оздирадиган ғаддор! Хотиним билан қизим менга ҳам бир-икки оғиз луқма ташлаб қўйишса нима қиларкан? Кўзлари фақат анови эркакларда! Мен бўлсан тоқат қилиб ўтирибман. Урмайманми, ўлдирмайманми! Эҳ, қўркоқ, қўркоқ...»

– Мумкинми? – деди бузук немис тилида итальян зобити ва зажигалкага қўл узатди.

Хаёлга чўмган қария сесканиб кетди ва ҳеч нарсадан бехабар зобитга еб юборгудай қўзини қадади. Жони ҳалқумига келиб, қўлидаги таёқни жазава билан қисди. Аммо шу заҳоти лаблари қийшайиб, маъносиз тиржайди.

– О, мумкин, мумкин, – деди у овози титраб. – Сизга ҳамма нарса мумкин, ҳе-ҳе... кўнглингиз нимани тусаса қиласверасиз, ҳе-ҳе... менда нимаики бўлса, сизнинг хизматингизда... Мен нима дея олардим...

Зобит қарияга таажжубланиб қаради. Тилни яхши билмагани учун кесатиқнинг тагига етолмади. Аммо

чолнинг юзидағи ифода уни довдиратиб қўйди. Беихтиёр ўрнидан туриб кетди, иккала аёлнинг юзи докадай оқарди – орага зилдай сукунат чўқди.

Қария яна аввалги ҳолатига қайтди, юзидағи истехзо бир зумда фойиб бўлди, залворли таёқ қўлидан сирғалиб чиқиб, тиззалари орасига қисилиб қолди. У сувга бўккан мушукдай фужанак бўлиб, ҳозиргина намойиш этган жасоратидан хижолат чеккандек сенин йўталиб қўйди. Эрна нохуш вазиятни юмшатиш мақсадида бир нималар деб бидирлай кетди, зобитнинг чехраси тағин ёришди, ҳаял ўтмай узилиб қолган сухбат яна қозондай қайнай бошлади.

Соломон бобо шод-хуррам чақчақлашаётган одамлар орасида мум тишлаб ўтирад, боши ҳалигидан ҳам қўйироқ эгилган эди. Аммо энди унга ҳеч ким эътибор бермас, унинг мунгли сукути узра сўз пўртанаси авжга чиқар, ора-сира қийқириқ ва қаҳқаҳа қўпиги осмонга сапчир, шўрлик қария эса алам ва номуснинг бепоён зулумоти қаърига гарқ бўлиб кетган эди.

Эркаклар ўринларидан туришди, Эрна шошиб уларга эргашди, сал ўтказиб онаси ҳам қўзғалди. Улар тўдалашиб меҳмонхонага қараб кетишли, аммо мудраб ўтирган чолни таклиф этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Қария атрофида қўққисдан ҳосил бўлган бўшлиқни сезиб, қўзларини очди, бўшаб қолган креслоларга лоқайд назар ташлади, шу пайт қулоfigа меҳмонхонада чалинаётган рояль овози, аёлу эркакларнинг шодон қийқириқлари эшитилди. Рақсга тушишяпти! Ҳа, сулайиб қолгунча рақсга тушиш қўлларидан келади. Қонлари қўпиради, бир-бирларининг бағирларига баттарроқ ёпишишади, кейин қарабсизки...

У жаҳл билан таёқни яна қўлига олиб, ўша томонга юрди. Эшик олдида таққа тўхтаб қолди. Барон рояль ёнида ярим ўгирилиб ўтирад, тусмоллаб американча бир қуйни тинғиллатарди. Эрна зобит билан, онаси граф Убальди билан рақсга тушаётган эди. Аммо қария факат Эрна ва зобитдан кўз узмасди. Вой ярамас-эй! Худди маҳрига тушгандай қизининг белидан

махкам қучоқлаб олибди-я! Қизи-чи, қизи, намунча канадай ёпишмаса! Бир-бирига қапишиб кетибди-ку! Ҳа, шу, шу. Уларнинг ҳар бир ҳаракати дон олишганидан далолат бериб турибди. Ҳа, қизини йўлдан урган мана шу аблах! Ярим юмуқ қўзларидан бундан-да кучлироқ лаззат хотираси учқун сачратяпти. Қиз ўғриси – шу зобит! Қария қизини унинг бағридан тортиб олиш учун бир қадам олдинга ташлади. Лекин Эрна отасига қайрилиб ҳам қарамади. У бутун борлиғи билан рақс оҳангига берилиб кетган, шу тобда қиз куй оқими узра парвоз қилас, на замонни, на маконни, на безгак тутгандай қалтираб турган аламзада отасини пайқар эди. Ҳозир Эрна фақат оҳанг гирдобида чирпираётган дуркун гавдасини, қўзлари хирсга тўла эркакнинг иссиқ нафасини, унинг бақувват қўлларини хис этар, ўзини буткул зобит ихтиёрига топшириб қўйишдан чўчир, аллақандай бир тизгинсиз хоҳиш васвасасига қарши курашар эди. Буларнинг барини қария адоксиз бир азоб билан сезиб туарди. Ҳар гал Эрна отасининг олдидан чир-чир айланиб узоқлашганда қария қизидан бир умрга жудо бўлаётгандай инграб юборарди.

Бирдан, бамисоли узилган тордай, мусиқа таққа тўхтади. Барон сапчиб туриб, «Бўлди, чалмайман. Мен ҳам рақсга тушаман», деди французчалаб. Ҳаммалари қийқириб кулишди, рақсга тушаётгандар ажralишиб, бир ҳовуч жамоа меҳмонхона бўйлаб таралиб кетди.

Қария ҳушига келди: нимадир қилиш керак, нимадир дейиш керак! Бунақа, тўнкага ўхшаб туриш, бу қадар шалвираш ярамайди! Шу пайт рўпарасидан хотини ўтиб қолди: хиёл ҳансираган, ўзида йўқ хурсанд. Бирдан йўлини тўсади.

– Юр, – деди у кескин оҳангда, – айтадиган гапим бор!

Аёл эрига ажабланиб қаради. Қариянинг рангпар юзи тер билан қопланган, қўзлари ола-кула. Нима демоқчи бу? Шу пайтда орага суқилиш шартмиди? Гапни чалғитишга оғиз жуфтлади-ю, бироқ эрининг авзойидан ҳайиқди, яқингинада кўрсатган жазавасини эслаб, ноилож унга эргашди.

– Кечирасизлар, жаноблар, ҳозир келаман, – деди у эркакларга юзланиб.

«Булардан кечирим сўрайди, – деб ўйлади чол алам билан, – боя столдан туриб кетишганда мендан кечирим сўрашгани йўқ. Мен улар учун итман, оёқ артадиган латтаман. Тўғри қилишади, ўзим чидаганимдан кейин, баттар бўлай!»

– Нима дейсан? – деб сўради хотини нихоят тоқати тоқ бўлиб.

– Хоҳламайман... хоҳламайман... – дея ғудранди у титроқ овоз билан, – анув одамлар билан ош-қатик бўлишиларингни хоҳламайман.

– Қайси одамлар билан? – дея қайта сўради хотини ўзини гўлликка солиб.

– Анувлар-да... – У боши билан меҳмонхона томонга ишора қилди. – Менга ёқмайди... йўқ.

– Нима учун?

«Доим ўсмоқчилагани ўсмоқчилаган, – деди чол ичида фижиниб, – худди мен унинг қулиман». Кейин ҳаяжондан тутила-тутила давом этди:

– Сабаби бор... Жиддий сабаблари бор... Менга ёқмаяпти. Эрна ўшалардан узоқроқ юрсин... Тушунтириб ўтиришим шарт эмас.

– Ундай бўлса, минг афсус, – деди хотини калондимоғлик билан. – Учови ҳам бамаъни, маданиятли одамлар, уйимизга келиб-кетадиган пандавақилардан минг марта олийжаноброқ йигитлар.

– Олийжаноб йигитлар эмиш!.. Фирт ишёқмас, та-касалтанг уларинг! – Қариянинг жони ҳалқумига келди. – Тақиқлайман. Тушундингми?

– Йўқ, тушунмадим, – деб жавоб берди аёл пинагини бузмай. – Ҳеч нарсага тушунмадим. Тавба, нима учун қизимни ҳузур-ҳаловатдан маҳрум қилишим керак?

– Ҳузур-ҳаловат!.. – Қариянинг юзи бўғриқиб кетди, пешонасидан совуқ тер чиқди, қўли беихтиёр таёқقا чўзилди – суянмоқчи бўлдими, хотинини урмоқчи бўлдими – ким билсин! Лекин таёқ йўқ эди.

Шу ҳол уни ўзига келтирди, күнгли андак юмшади, хотинининг тирсагидан ушламоқчи бўлгандай бир қадам олдинга талпинди.

— Менга қара... — деди ялинчоқ товушда, — тушунсанг-чи, ўзимга ҳеч нарса сўрамаяпман-ку. Ўн йиллардан бери биринчи марта илтимос қиляпман: кетайлик бу ердан... Флоренциягами, Римгами... майли, қаёққа бўлса ҳам кетайлик... мен розиман... Сизлар нима десанглар — шу. Кетсак — бўлди. Илтимос, кетайлик... шу бугуноқ... ортиқ чидаёлмайман!

— Шу бугуноқ? — Аёл эрига анграйиб қараб, қошини чимиреди. — Шу бугуноқ кетайликми? Эсинг жойидали? Фақат кимдир сенга ёқмагани учун-а? Ёқмаса — яқинлашма.

Чол турган жойидан жилмади, яна ялинишга тушди:

— Чидаёлмайман... Эшитяпсанми... чидаёлмайман. Сабабини сўрама... илтимос... умрингда бир марта гапимга кир, бир мартагина...

Меҳмонхонадан яна рояль овози эшитилди. Аёл эрига ачингандай қаради: нақадар ноҷор, нақадар абгор, нақадар ношуд! Эркак ҳам шунака бўладими?!

— Иложи йўқ! — деди у чўрт кесиб. — Улар билан сайдра чиқишга ваъда бериб қўйғанмиз. Хоналарни уч ҳафтага ижарага олиб, эртага жўнаворсак устимиздан кулишмайдими! Кетишга ҳеч қандай сабаб йўқ... Мен шу ерда қоламан, Эрна ҳам қолади.

— Ўзим кетаверайми, а? Бу ерда ҳаловатингизни бузаман-да, а! — Қария йифлаворай деди. Кейин кескин қаддини ростлади, бармоқлари мушт бўлиб тугилди, бўйин томирлари ўқлоғдай бўртиб чиқди. Афтидан, нимадир демоқчи ёки нимадир килмоқчи эди. Аммо бундай бўлмади: шартта бурилди-да, зинапоя томонга йўл олди, худди ортидан бирор кувиб келаётгандай тез-тез юриб, тепага кўтарила бошлади.

Соломон бобо хансирар, тезроқ хонасига етиб олиб, ёлғиз қолишни ўйларди. Мана, юқори қаватга ҳам чиқди, чиқдию бирдан кимнингдир ўткир тирноқлари ичини аёвсиз тимдалаётгандай бўлди. Ранги оқарив,

деворга суюниб қолди. Ё Раббим! Додлаб юбормаслик учун тишини тишига босди, санчиқнинг зўридан фужанак бўлиб олди.

Билдики, яна жигар хуружи, кейинги пайтларда тез-тез такрорланиб турадиган хуружларнинг навбатдагиси. Аммо бу гал қаттиқ ушлади. Кўринмас тирноқлар жигарини тилка-пора қилмоқда эди. Хонасига судралиб кириб, ўзини диванга ташлади-да, юзини ёстиқка босди. Ётганидан кейин оғриқ сал пасайди. «Иссиқ нарса қўйиш керак, – деди у ичидা, – кейин томизги дори ичиш зарур». Аммо унинг жонига ора кирадиган ҳеч ким йўқ эди, ҳеч ким. Ўзининг эса қўшни хонага чиқишига ёки лоақал қўнфироқ тутмачасигача етиб боришга ҳам чоғи келмасди.

«Ҳеч ким йўқ, – дея ўйларди у алам билан, – бир кунмас-бир кун ёлғизлиқда итдай ўлиб кетаман... Сезиб турибман-ку, жигарим оғриётгани йўқ, ўлим писиб келмоқда... Энди менга на профессор, на дори-дармон ёрдам бера олади. Олтмиш беш ёшда соғайиб кетиши қийин. Биламан, ичимни кемираётган оғриқ, бу – ўлим, қолган икки-уч йиллик умр – умр эмас, секин-секин жон таслим қилиш... Дарвоқе, қаҷон яшаганман, қаҷон ўзим учун яшаганман? Шу ҳам ҳаёт бўлдими? Нуқул пул дедим, пулнинг кетидан югурдим, ўзим учун эмас, бошқаларни деб югурдим, мана, энди ўша пуллар коримга ярайдими? Хотиним бор эди: бокираглигига уйланганман, севганман, у менга фарзанд ҳадя этди. Шунча йилдан бери бир ёстиққа бош қўйиб келдик, бир хаводан нафас олдик. Пировардида уни нима жин урди? Етти ёт бегонага айланди-қолди. Мен билан иши йўқ, менинг туйғуларим, ўйларим, изтиробларим уни кизиктирмайди. Олдинги меҳр-оқибат қаёққа кетди? Қизим-чи, қизим? Уни папалаб катта қилган эдим, ҳаётимиз энди яна ҳам сермазмун, яна ҳам хушнуд кечади, мабодо куним битса, умрим қизим вужудида давом этади деб ўйлагандим. У бўлса кечаси бағрингдан чиқиб кетиб, бегона эркакларнинг тўшагига киради. Ё алҳазар! Алҳазар!»

Даҳшатли оғриқ ҳануз ўқтин-ўқтин жигарига чанг солар, бу оғриқ сал пасайиши билан ундан-да шафқатсизроқ бошқа бир оғриқ – зил-замбил, адоги йўқ ўй-хаёллари бамисоли чўғдай қизиган серқирра чақмоқтошдай бош чаноини тарс ёрвораман дерди. Қария камзуллининг тугмаларини ечган эди, бесўнақай корни кўйлагини қанордай шишириб, тепага кўпчиб чиқди. У оғриётган жойига оҳиста бармоғини теккизди. «Фақат мана шу – менман, – дея яна ўй суриб кетди чол, – иссиқ тери остидаги оғриққина менинг ўзимман, менга ҳозирча фақат шугина тегишли. Энди тижоратчи Соломон ҳам, савдо-сотиқ ҳам, ишхона ҳам, пул ҳам, уй-жой ҳам, қизиму хотиним ҳам йўқ... Ҳозир менга фақат бармоқларим сезиб турган нарса – қорниму оғриқ қолган. Бошқа ҳаммаси – пуч бир сағсата, энди уларнинг аҳамияти йўқ. Қизим билан хотиним мени тушунмайди, мен ҳам уларни тушунмайман. Бутқул танҳоман – буни ҳеч қачон ҳозиргидай яққол хис этмаган эдим. Энди, ўлим ичимга ин қураётган пайтда, бехато англаб турибман... жудаям кеч, олтмиш бешга кирганда. Ҳадемай ўламан... анови уятсизлар раксга тушишади, кайф-сафо қилишади... Э, аттанг, аттанг... бутун умримни ўша кўрнамакларга бағишлабман-у, ўзим учун бирор кун ҳам яшамабман...»

Кария кўл томондан келаётган соат зангини эшитмади, қош қораяётганини пайқамади. Тун яқинлашаётган, хонадаги буюмлар узра оқшом аста-секин қора парда тутмоқда эди; ана, деразадан хиёл оқариб кўриниб турган осмон шамчироғи ҳам сўнди. Соломон бобо ўзини қуршовга олаётган қоронғиликни сезмасди: у фақат танаси қаъридаги зулматга термилар, фақат танаси қаъридаги бўшлиққа қулоқ соларди. Бирдан ёнидаги хонага шўх-шодон кулги ёпирилиб кирди, эшик тирқишида чироқ шуъласи ялтиллади. Қария кўрқа-писа бошини кўтарди: қизи билан хотини! Ҳозир диванда ётганини қўришади, хўжакўрсинга сўроққа тутишади. Чол шоша-пиша камзуллининг тугмаларини қадади: касали хуруж қилганини билиб нима қилишади, бунаقا ташвишнинг уларга нима кераги бор?

Аммо хотини ҳам, қизи ҳам уни қидирмади. Иккови ҳам типирчила бу турарди. Бонг зарби учинчи марта кечки овқатга чорламоқда эди. Кийимларини алмаштиришапти, шекилли, тиқ этган товуш эшитилиб турарди. Ана, жавон ғаладонларини тортишди; ана, ювина-диган хонада тилла узуклар жиринглади, улоқтирилган туфлилар тарақлади, шу орада ўзларининг чакаклари ҳам тинмади. Бари қариянинг қулоғига баралла эшитилмоқда эди. Аввалига йигитлари түғрисида гаплашишди, сўнг сайр ҷоғидаги қизик-қизик воқеаларни эслаб, роса кулишди. Ювинаётган, соч тараётган, юзларига упа-элик сурәётган пайтларида ҳам бир-бирларига луқма ташлаб туришди. Ниҳоят, гал ўзига келди.

– Дадам қани? – дея бирдан эслаб қолди Эрна.

– Қаёқдан биламан? – деб жавоб берди онаси энсаси қотиб. – Эҳтимол, пастда ўтиргандир, Франк-фурт газетасидаги биржа хабарларини юзинчи марта ўқиётгандир – бошқа қиласидиган иши йўқ-да. Лоақал бирор марта кўлга назар ташлаганмикан? Ўлай агар, қайрилиб ҳам қарамаган. Бугун нима дейди, дегин. Бу ер менга ёқмаяпти, кетамиз, шу бугуноқ кетамиз, дейди.

– Шу бугуноқ? Нега энди?

– Билмасам. Итфеъл-да! Атрофдаги одамлар, биз танишган улфатлар асабига тегаётганмиш. Балки уларнинг орасида ўзини олақарғадай сезяптими, ким билади... Қачон қарасанг, эгнида фижим костюм, кўйлаги ёқавайрон. Айтсанг бўлмайдими – ҳеч бўлмаса кечкурунлари тузукроқ кийинса ўладими! Сенинг гапингга киради. Бугун эрталаб лейтенантга ташланиб қолганини кўрдингми? Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадим!

– Ҳа, ҳа... Нега унақа қилди? Сиздан сўрайман дейман-у, нуқул эсимдан чиқади. Нима қилик бу? Ҳеч қачон уни бунақа кайфиятда кўрмаган эдим. Оғзим очилиб қолди.

– Парво қилма. Дадангнинг феъли ўзингта маълум. Балки биржадаги нарх тушиб кетгандир ёки француз-

ча гапирганимиз ёқмагандир. Бошқаларнинг хурсанд-чилигини кўролмайди. Пайқадингми, рақсга тушаётганимизда эшик олдида қўриқчидай қаққайиб турвoldи. Кетармишмиз! Вой, кўнглингнинг кўчасидан ўргилдим! Сенга ёқмаса – бирорвларнинг халоватини бузишинг керакми! Билганини қўлсин – кетадими, қоладими – ихтиёр ўзида.

Суҳбат узилиб қолди. Афтидан, кўчага югуришга тайёрланиб бўлишди. Худди шуни кутиб тургандай, йўлакдаги эшик тиқиллади, қадам товушлари эшитилди, электр тутгачаси ширқ этди, чироқ ўчди.

Қария диванда миқ этмай ўтиради. Энг қизифи, энди у оғриқни сезмас, қалбида нафрат ҳам, фазаб ҳам... ҳеч нарса, ҳеч қандай хиссиёт йўқ эди. У шошмасдан костюмини кийди, зинапояни битта-битта босиб ресторонга тушди-да, гёё етти ёт бегона одамлар қаторига қўшилгандай, хотини билан қизининг ёнига чўқди.

Тамадди пайтида у бир оғиз ҳам гапирмади, аёллар эса қўрғошиндай зил-замбил сукунатга эътибор беришмади. Қария индамай, гап-сўзсиз ўз хонасига кўтарилди, каравотига чўзилиб, чироқни ўчирди. Алламаҳалда, кўнгилхушликка обдан мириққанидан сўнг хотини келди; коронфида ечиниб, ўз ўрнига ётди. Кўп ўтмай унинг вазмин, бир текис нафас олаётгани эшитилди.

Қария ўз ёғига ўзи қоврилганча, кўзларини катта-катта очиб, тун уммонига унсиз тикилиб ётарди. Ёнгинасида эса кимдир пишиллаб ухларди. Қария ўзи билан бир ҳаводан нафас олаётган бу аёлнинг қачонлардир покиза ва эҳтиросли навжувон бўлганини, унга ардоқли фарзанд ҳадя этганини, ўшанда булар аллақандай сирли-сехрли ришталар билан бир-бирига чамбарчас боғланиб кетганини эслашга уринди. Ўша дамлар бу жувоннинг тараанг ва қайноқ баданини энтика-энтика силаб-сийлаганига зўр бериб ўзини ишонтиromoқчи бўлди. Аммо ўтмиш хотиралари унда ҳеч қандай хиссиёт қўзғамади. Шу тобда у хотинининг

нафас олишини худди қирғоққа урилаётган күл мавжининг шалоп-шулупини эшигандай локайдлик билан эшитиб ётар эди. Бари ўтди, бари тугади, фақат тасодифий ва ёт қўшнилик қолди, холос.

Уни яна бир марта сескантирган нарса шу бўлдики, қизининг эшиги оҳиста, гўё инграгандай, хиёл фийқиллаб очилди. «Бугун ҳам шу аҳвол!» деб ўйлади чол ва шундок ҳам илвираб турган юрагига игна санчилгандай бўлди. Лекин бу ҳолат ҳам тезгина ўтди: «Билганини қилмайдими! Менга нима!»

Қария яна ёстиққа суюнди. Тун ели пешонасини силади, қайнаб турган қони сал совиди. У уйқуга кетди.

Хотин эрталаб кўзини очганида эрини пальто ва шляпада кўрди.

– Қаёққа? – деб сўради у уйқусираб.

Соломон бобо қайрилиб қарамади ҳам. Индамай тунги кўйлагини чамадонга ташлади.

– Биласан-ку, уйга қайтяпман. Зарур нарсаларни гина опкетяпман, қолганларини жўнатиб юборарсизлар.

Хотинининг капалаги учиб кетди. Нима бўляпти? Бунақа совуқ, дағал овозни биринчи эшитиши. Сапчиб ўрнидан турди.

– Наҳотки кетсанг? Шошма... биз ҳам кетамиз, Эрнага айтганман.

Қария бепарво бош чайқади.

– Йўқ... йўқ... қолаверинглар... – шундай деб эшик томон юрди, тутқични босиш учун чамадонни ерга қўйиш керак эди.

Мана шу бир лаҳзалик фурсат ичида кўнглидан нималар ўтмади дейсиз! Мато намуналари – лахтаклар солинган молтопар чамадонини бировларнинг эшиги олдига минг марталаб қўйгандир-ов! Хайрлашатуриб мижозларига ялтоқлангани, ҳамиша хизматингиздаман, дея қайта-қайта қуллук қилганлари-чи! Аммо бу ерда хизмати тугади, қуллук қилиш шарт эмас. Қария бирор оғиз сўз айтмай, ҳатто нигоҳи орқали бўлса-да хайрлашмай, шартта чамадонни кўтарди ва ўзи билан ўтмиши ўртасидаги эшикни қарсиллатиб ёпди.

Нима ҳодиса рўй берганини на она англади, на фарзанд. Бундай ногаҳоний ва қатъий хатти-ҳаракат уларни карахт қилиб қўйган эди. Зудлик билан Германиянинг жанубидаги ўзлари яшайдиган шаҳарчага, падари бузруквор номига хат йўллашди. Хатда англашилмовчилик содир бўлгани ёзилган, «яхши етиб олдингизми, соғлифингиз дурустми, биз ҳам орқангиздан етиб борамиз» каби узр-маъзурлар изхор этилган эди. Соломон бобо хатга жавоб қайтармади. Улар яна ёзишиди, телеграммалар жўнатишди – фойдаси бўлмади. Фақат Соломон бобо раҳбарлик қиласидиган фирмадан хатлардан бирида сўралган пулни олишди, холос. На салом бор, на алик.

Воқеанинг бундай тус олиб кетиши уларни иссиқ жойидан қўзғатди. Гарчи қайтадиган кунларини олдиндан хабар қилган бўлсалар-да, вокзалда она-болани ҳеч ким кутиб олмади, уйда ҳам бирон-бир тараддуд кўрилгани сезилмасди: хизматкор аёл, хўжайн телеграммани стол устига ташладио индамай чиқиб кетди, ҳеч қандай юмуш буюргани йўқ, деди. Кечқурун, она-бала овқатланиб ўтирганда, нихоят, кўча эшиги тарақлади, икковлари сапчиб туриб, валинеъматнинг истиқболига югуришди; қария буларга таажжубланиб қаради-ю, юзида бирон-бир ифода акс этмади, қизи қутоқлаганида кетмон сопидай қотиб тураверди, биргалашиб ошхонага кирди, уларнинг гап-сўзларини лоқайдлик билан эшилди. Ҳеч нарсани сўраб-суриштирмади, чурқ этмай сигарасини сўриб ўтираверди. Гўё кўзлари очик ҳолда ухлаётганга ўхшарди. Кейин вазминлик билан ўрнидан туриб, хонасига қараб кетди.

Кейинги кунлар ҳам шундай ўтди. Хотини минг ялтоқланмасин, пинагини бузмади. У ўз қобиғига ўралиб олган, ташки дунё билан буткул алоқани узган эди. Тўғри, ҳамон оила аъзолари билан бирга овқатланар, меҳмон келганда ноилож қутиб олар, аммо сухбатга қўшилмас эди. Унинг кўзларига қараган одам сесканиб кетиши аниқ эди, чунки бўшлиқقا тикил-

ган бу жонсиз нигоҳдан ҳеч қандай маънони уқиб бўлмасди.

Қариянинг юриш-туришидаги фалатилик бошқалар-нинг ҳам эътиборини торта бошлади. Таниш-билишлари уни кўчада учратиб қолса, яширинча бир-бирини туртиб кўярди: қара-я, шаҳарнинг энг бадавлат кишиларидан бўлмиш Соломон бобо шундоқ ахволга тушиб қопти-я! Уст-боши тиланчиникидан фарқ қилмайди, шляпаси қийшайган, юриши ҳам соғ одамникига ўхшамайди, нуқул ўзи билан ўзи гаплашади. Бирор салом берса, чўчиб тушади, ким гапга тутса, кўзини олиб қочади. Баъзилар, қария гаранг бўпқолган, деб ўйлаб, овозини кўтариб гапиради. Лекин у гаранг эмасди. У пароканда хаёллар оғушида яшарди. Шу боисдан ҳеч кимни йўқламас, уйида эса на хотинининг унсиз ҳасратини, на қизининг ажабтовур паришонлигини пайқар эди. Бора-бора бутун умрини бағишлиған ишидан ҳам йироқлашди. Идорасига ахён-ахёнда бир кўриниш берар, шунда ҳам кабинетига кирволиб, стоали устидаги ечимини кутаётган сон-саноқсиз ҳужжату мактубларга маъносиз тикилганча ўтира-ўтира, бирорта қофозга қўлини ҳам теккизмай қайтиб кетар эди. Пировард-оқибат бу ерда ўзининг ортиқча эканини англаб, бутунлай келмай қўйди.

Бир куни она шаҳри кўчаларида дарбадар одамдай тентираб, коронфи тушганда уйига қайтаётган эди, шаррос ёмғир қўйиб берди. Ҳаял ўтмай эзилган шляпасининг тепаси жажжи ҳовузчага айланди, этак ва енгларидан ёмғир суви чакиллаб эмас, жилғадай оқа бошлади. Аммо қария бунга эътибор бермас, бўй-бўш кўчада бир ўзи шошмасдан қадам ташларди. Шалаббо ҳолда манзилига яқинлашганда ҳашаматли бир машина ёнидан лой сачратиб ўтди-да, унинг данғиллама уйи олдида тўхтади. Машинадан хотини билан пўрим кийинган бир жаноб тушди. Яна бир йигит ҳам бор эди. Шу орада қария ҳам етиб келди. Хотини уни бу ахволда кўриб, юзини четга бурди. Қария хотинининг меҳмонлар олдида ундан ор қилганини дарров сезди.

Тез-тез юриб орқа эшиқдан ичкарига кириб кетди. Шу кундан бошлаб у ўз уйига мазкур эшиқдан кириб-чиқадиган бўлди. Биладики, шундай қилса бирорта ёт эркакка дуч келмайди. Овқатга ҳам чиқмай қўйди – хизматкор аёл таомни хонасига келтириб берарди. Хотиними, қизими олдига кирмоқчи бўлса, эшикни очмас эди. Ахийри улар ҳам чолни ўз ҳолига қўйишиди. Гоҳигоҳида қўшни хоналардан – энди унинг учун бегона хоналардан – мусика садолари ва жўшқин қахқаҳалар девор оралаб сизиб чиқар, кечалари уйига келиб-кетаётган машиналарнинг шовқини эшитиларди. Аммо Соломон бобо парво қилмас, ҳатто деразадан кўчага бир назар ташлаб ҳам қўймасди – неча пуллик иши бор? Фақат вафодор итигина ҳамма унутиб юборган хўжайинининг каравоти олдидан куну тун жилмас эди.

У аброр бўлган юрагида оғриқ сезмасди-ю, аммо қора мушук қонталаш жигарини тирноклашда давом этар эди. Дард хуружи тез-тез такрорланавергани сабабли дўхтирнинг қистови билан қария тиббий кўриқдан ўтишга рози бўлди. Профессорнинг авзойи бузилди. У операция қилиш лозимлигини чолга ётифи билан тушунтирди. Соломон бобо хафа бўлиш ўрнига суюниб кетди: хайрият-э, қутуладиган кун ҳам бор экан-ку! Ҳар куни ўлгандан кўра бирйўла ўлган яхши эмасми! Дўхтирдан оиласига билдирамасликни илтимос қилиб, операцияга тайёрлана бошлади. Охирги марта ишхонасига борди (келишини ҳеч ким кутмаган экан, бегона одамдай қарши олишди), ўзи ўттиз йил ўтирган қора чарм креслога сўнгти бор ўтириб, чек дафтарчасини келтиришни буюрди, дафттарчадан бир варагини тўлдириб, иш бошқарувчисига узатди. Бошқарувчи анграйиб қолди. Чекда катта пул қайд этилган эди. Бу пул хайру эҳсонга ва ўзининг қабри парваришига аталган эди. Қария ишини битказиб, кабинетдан тез чиқиб кетди, шошганидан шляпаси ерга учиб тушди, лекин Соломон бобо энгашиб уни олиб ўтиrmади. Шу алфозда – бошяланг, соchlарини тўзфитиб қабристонга

равона бўлди (ўткинчилар унинг изидан ёқа ушлаб қолишиди). Қария ота-онасининг қабртошлари билан узоқ гаплашди. Нималар деди – ёлғиз ўзига аён. Балки, ҳадемай ёнларингга келаман, дегандир – ким билсин. Қабристон дарвозаси олдида уни бир тўда тиланчи куршаб олди. Соломон бобо шоша-пиша чўнтағидаги тангаларни чиқариб, ҳаммага улашди. Энг охирида мункиллаб қолган бир кампир кўлини чўзди. Пули қолмаган эди. Фақат бармоғини оғир ва кераксиз бир нарса – тилла никоҳ узуги қисиб турарди, унга кўз кирини ташладиу хаёлида олис ва мубҳам бир хотира йилт этгандай бўлди. Узукни шартта ечди-да, ҳангуманг бўлиб қолган кампирнинг кафтига қўйди.

Хулласи калом, жамики ортиқча дахмазалардан қутулган, қашшоқ ва танҳо қария ўзини жарроҳ ихтиёрига топширди.

Соломон бобо хушига келгач, аҳволининг оғирлигини хисобга олиб, дўхтирлар хотини билан қизини чакиртиришиди.

Қизи қонсиз чехра узра мулоийм энгашди. Шунда мўъжиза рўй берди: қариянинг сўнган нигоҳидан учқун сачради. Ана қизалоги, суюкли эркатойи... тепасида турибди... Эрна, Эрна! Таранг қимтилган лаблар аста-секин ёзилиб, оғизнинг икки бурчида сезилар-сезилмас, кўпдан буён унутилган табассум ғимирлай бошлади. Қувончнинг ана шу заиф, ночор ифодасидан таъсиранган қиз отасининг юзидан ўпиш учун яна ҳам пастроқ эгилиди.

Аммо бирдан – ғалати атирнинг чучмал ҳиди эски, изтиробли хотираларини кўзғатиб юбордими – беморнинг ҳозиргина ёришиб турган чехраси бужмайди, кўкарған лаблари қаттиқ қимтилди, аъзойи баданига титроқ кирди, адёл остидаги кўллари гўё жирканч бир нарсани ўзидан нарига итармоқчи бўлгандай ти-тирчилай бошлади. «Даф бўл!.. Даф бўл!» Унинг бу сўзлари оғзидан аранг чиққан бўлса-да, ҳаммага эши-тилди. Дўхтирлар она-боладан беморни холи қўйишни сўрашди.

Хотини билан қизи чиқиб кетганидан сўнг беморнинг юзига яна аввалги ором ва ҳорфинлик ифодаси қайтди. У ҳамон нафас оларди. Аммо бу ҳолат узок давом этмади. Кўп ўтмай қария энтикиб бир «пух» дедию жим бўлиб қолди. Беморнинг кўкрагига қулоғини босган дўхтири юракнинг муддатсиз ҳордиқقا кетганини англади.

---

## **Ясунари КАВАБАТА япон ёзувчиси**

**(1899-1972)**

---



### **ОЙНАДАГИ ОЙ**

**Б**ир куни Кёконинг миясига иккинчи қаватда түшакка михланиб ётган эрига қўлондана томорқани кўрсатиш фикри келиб қолди. Шу билан бемор ҳаёти ўзгариб қоладигандай эди. Лекин ўртада бошқа ишлар бўлиб кетди.

Қанақа ойна эди ўзи у? Бу ойна Кёко эрининг уйига сеп қилиб олиб келган пардоз столи тортмасида туарар эди. Пардоз столи ҳам, қўлоннанинг гардиши ҳам тутдан ясалган эди. У янги келин бўлиб тушган чоғлар баъзан ойнани қўлига олиб, орқа сочи қандай турмакланганини кўришлари, кимоносининг енги сирғалиб, билаги тирсагигача очилиб қолганида, уятдан қизариб кетганларини бот-бот эслар эди. Худди ўша қўлоняна...

Кёко чўмилиб чиқиб, пардоз столи ёнига ўтирганида эри: «Уқувинг йўқ экан, кел, яхшиси, ўзим ушлаб турақолай», деб келинчакнинг қўлидан ойнани олар ва хотини пардоз столи ойнасида орқа сочини яхшироқ кўриши учун қўлоннани турли томондан туттар ва бундан ўзи ҳам завқланар эди. Бечора келинчак эса эрининг орқаворатдан тикилиб турганидан баттар ўнгайсизланарди.

Ўша гапларга кўп бўлгани йўқ, ҳатто тутли гардиш хали тоб еб ултурмади, аммо шу ўртада уруш бошланди, одамлар бошқа жойларга кўчирилди; эри оғир дардга чалиниб қолди. Кёко унга томорқаларини кўрсатмоқчи бўлганида ойна аллақачон хира торт-

ган, гардишни-ку айтмаса ҳам бўлади – чангу ёғупа сингиб, чирк босиб кетган эди. Лекин нима қипти? Томорқа ундан билп-бинойи кўриняпти-ку! Шу-шу эри ойнани қўлидан қўймайдиган, ёстиғи тагига қўйиб ётадиган бўлди. Бекорчиликданми ёки bemorlarга хос инжиқликтанми, ишқилиб, гардишнинг кирини тозалаб, ойнани ярақлатиб қўйди. Кейинчалик эри уни кух-кухлаб, хафсала билан артаётганини кўриб, ёғоч гардишнинг майда тирқишларида сил таёқчалари қолиб кетиши мумкин-ку, деган шубҳа ораларди Кёконинг кўнглига... Кёко ҳар куни эрининг сочига камелия мойини суртиб тараар, у эса сочини кафти билан силаб-силаб, яна гардишни тозалашга уннар, гардиш жонивор ҳам локлангандай ялтиллаб кетар, пардоз столи эса ҳамон хира тортиб турар эди.

Кёко бошқа турмуш қилганида столни ўзи билан сеп қилиб олиб кетди. Бироқ у қўлойнасини эрининг жасадига қўшиб ёқиб юборди. Бу ҳақда кейинги эрига лом-мим демади. Энди пардоз столида гардишига Камакура ўйма нақшию лок билан зеб берилган янги қўлойна туар эди.

Кёко эрининг жасади тобутга бармоқлари кўксисда бир-бирига чалиштирилиб ётқизилгани учун – таомилга кўра шундай эди – қўлига ойнани ушлатолмай майитнинг кўксига қўйишга мажбур бўлди.

Сўнг ойнани у ердан олиб, қорнига қўяр экан:

– Кўкрагингиз тинмай оғригани оғриган эди, тағин щугина ойнанинг ҳам оғирлиги тушиб юрмасин, – деб шивирлади.

Ойна эр-хотиннинг бир-бирига меҳрини товлагани учун ҳам раҳматлининг юрагига яқин бўлсин, деб кўксига қўйган эди. Яна эримнинг қариндошлари уни кўриб қолмасин деб, устига оппоқ хризантема ташлаб қўйди. Олов ойнани эритиб юборди. У эгилиб, қалин, қийшиқ қувурга менгзаб қолди, тутундан сарфайиб кетди.

– Анави нима, ойнами? – деди қариндошлардан бири ҳайрон бўлиб.

Кёко пардоз филофидаги яна бир тандзаку<sup>1</sup> шаклидаги жажжи дурўя ойнани ҳам қўшиб, мархумнинг кўксига қўйган эди. У бир пайтлар бу ойнакни тўй саёҳатига олиб кетаман деб кўнглига тушиб қўйган, лекин уруш орзуларини чиппакка чиқарган эди. Эри тириклигига ўша ойнанинг ҳеч кераги бўлмаган.

Янги эри уни саёҳатга олиб чиқди. Пардоз филофи титифи чиқиб, ҳатто могорлаб кетганидан Кёко янгисини сотиб олди. Албатта, бунисининг ҳам ойнаси бор эди.

Сафарнинг биринчи куни эри уни маҳкам қучиб, қулоғига:

– Худди қиз болага ўхшайсан. Боёқиш! – деб шивирлади.

Унинг гап оҳангига истеҳзо эмас, туйқус бир қувонч бор эди. Эҳтимол, Кёконинг олдин эр кўрмаган қиздек иболи экани унинг кўнглини кўтариб юборгандир. Лекин бу гап Кёкога оғир ботди. У бирдан хўнграб йиғлаб юборди-да, қунишиб олди. Эри ўзича буни ибога йўйди.

Кёко кимга раҳми келиб йиғлаётир – ўзигами ёки олдинги эригами – ўзи ҳам тушунмас эди. Гёё бирини иккинчисидан ажратиб бўлмасди. У бирдан ҳозирги эрини ранжитиб қўйганини, унга хушмуомала бўлиши кераклигини фаҳмлаб, эркаланиб сўз қотди:

– Ростдан-а? Ҳали шуни ҳам биламан денг? – Лекин у ножўя гап айтиб қўйганини сезди-да, шолғомдай қизариб кетди. Бундан эрининг баттар завқи келди.

– Бола-чақанг йўқ эди шекилли, – деди у ва яна нохос хотинининг ярасига туз сепиб қўйди.

Кёко олдинги эриникидан бошқача эркак кучига рўпара бўлди-ю, ичини ит тирнай бошлади: у бола овунадиган қўғирчоққа ўхшаб қолган эди.

– Ўзиям болага ўхшаган бир нимам бор эди, – дея эътироз билдириди Кёко, кейин бирдан жимиб қолди.

<sup>1</sup> Тандзаку – танка жанридаги шеър ёзишга мўлжалланган чўзинчоқ қороз.

У бедаво дардга чалингандын олдинги эрини ўлимидан сүңг ҳам бола деб ўйлар, гүё уни хомиладек ичида катта қилаётган эди.

«Нега эримнинг ўлиб қолишини билатуриб ҳам соғлигини ўйлаб, у билан қовушишдан ўзимни олиб қочиб юрдим?» деган хаёл ўтди Кёконинг кўнглидан.

— Морини фақат поезд ойнасидан кўрганман, — деди эри Кёкони қучар экан. — Сен туғилиб ўсган, атрофи чакалакзор шаҳар жуда чиройли бўлса керак-а? Бекорга Мори<sup>1</sup> деб аталмагандир. У ерда неча ёшингача яшагансан?

— Коллежни тугатгунча. Ҳарбий мажбуриятни Сандзёдаги ҳарбий заводда ўтадим.

— Бундан чиқди, Сандзё яқинида туғилган экансандада? Ўзим ҳам ўйладим-а, Этиго вилоятилик шу қиз бунча сулув бўлмаса деб. «Сандзёлик парилар» деб бекорга айтилмас экан-да?..

— Мен чиройли эмасман, — деди Кёко қўлини қўксига босиб.

— Қўлинг ҳам, оёғинг ҳам бежирим. Офатижонсанда...

— Ундей деманг! — Кёко қўли халақит берадиганини сезиб, қўксидан олди.

— Фарзандинг бўлганида ҳам сенга уйланар эдим, — шивирлади эр аёлнинг қулоғига. — Уни ўз боламдай яхши кўрадим. Ўша бола қиз бўлганида қанийди?

Кёко, ўғли борлиги учун шунака деяпти, яхши кўришини билдириб қўймоқчи-ю, лекин эпини қилолмади, деб ўйлади. У Кёкони ўн кунлик тўй саёҳатига олиб чиқди, мақсади эса ўғли билан кўришишни кейинроққа суриш эди.

Эрининг ажабтургина чарм сафар филофи бўлиб, Кёконики унинг олдида бир пулга арзимас эди. Филоф охори тўкилиброк қолганига қарамай, катта, пишиқцина эди. Эри тез-тез сафар қилиб турса-да, беэътибор бўлмагани учунми, ишқилиб, филоф бошқа

<sup>1</sup> Мори — чакалак дегани

кўхна, аммо асл моллардай, жилвасини йўқотмаган эди. Кёконинг эсига бирор марта ишлатилмаган бўлса ҳам монорлаб кетган олдинги пардоз филофи тушди. Ўша филофидаги эрига бериб турган жажжи ойнакни ўлимидан сўнг у билан бирга нариги дунёга кузатган эди. Кўлонийнанинг устига қўйиб тобутга жойлаган жажжи ойнаги... улар оловда эриб, бир-бирига қўшилиб кетди; тобутга иккита ойна қўйилганини, ғалати ҳолда тош қотиб қолган шиша бўллаги олдин ойна бўлганини ҳеч ким фаҳмлагани ҳам йўқ. Кёко буни бировга айтмади.

Назарида, қўш ойнада акс этган сон минг дунёлар баднафс оловда ёниб битган, бу йўқотиш билан эрининг жасади куйиб, бир ҳовуч қулга айлангани ўртасида ҳеч қандай тафовут қолмаган эди. Кёко томорқани кўрсатиш учун қўлонийнанинги берди, эри эса шу-шу ундан ажрамайдиган бўлди. Лекин кўп ўтмай, у ойнани қўлида узоқ тутиб тура олмайдиган бўлиб қолди, бундай пайларда Кёко ҳар сафар унинг қўлларини, елкасини уқалар эди. Шунда у эрига яна битта жажжи, енгилгина ойнагини берди. Ойнада одамлар кўчани кесиб ўтар, болалар боғда ўйнап эди.

Жимитдек ойнада жамулжам бўлган улкан ва ранг-баранг дунёни қўриб, Кёконинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ойна бор-йўғи пардоз-андоз анжоми, қўлонийна эса бошқа ойнада энсани қўриш учунгина керак. Аммо бемор у билан одаму оламни қайтадан кашф қилди. Кёко ҳам эрининг бош томонига ўтириб олиб, ойнага қараб-қараб қўяр, у билан қўзгудаги нарсалар хақида гаплашар эди. Ҳадемай у ҳам ойнада акс этган дунёни хақиқий дунёдан фарқлай олмай қолди. Булар гўё бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки алоҳида дунё эди, ойнадан қўринаётган дунё Кёкога аслидан беҳроқ туяла бошлади.

— Осмон ойнада кумушдай товланяпти, — дейди эри, кейин деразадан ташқарига қараб, — деразадан эса қулранг қўринар экан, — деб қўшиб қўяди.

Ойнадаги осмон юракни сиқмас, ростакамига товланар эди.

– Балки уни яхшилаб артганингиз учун шундай туюлаётгандир?

Шунда эри деразадан осмонга қарашиб учун бошини озгина бурди.

– Тўғри, энди у хира – кулранг. Одамнинг, ит ёки чумчукнинг кўзи ҳам осмонни бир хил кўрармикан? Осмон ранги асли қанақа экан-а, ким айта олади?

– Осмоннинг ойна кўзи кўраётган ранги-чи? – Кёко «Осмон ошиқ-маъшуқларнинг кўзига қандай кўринаётган экан», демоқчи эди. Дараҳтларнинг ойнадаги акси яшилроқ, лилия эса аслидан ҳам окроқ кўринар эди.

– Мана бу – ўнг бошмалдофинг изи. – Эри ойнанинг четини кўрсатди. Негадир Кёконинг юраги шув этиб кетди. У шоша-пиша ойнани кухлаб арта бошлади.

– Кўявер. Томорқани биринчи марта кўрсатганингда ҳам ойнада бармофинг изи қолган эди.

– Пайқамабман ҳам...

– Сен парвойиннга келтирганинг ҳам йўқ, лекин мен бошмалдофинг билан кўрсаткич бармофинг изини таниб қолдим.

Оғир хасталикка чалиниб, тўшакка михланиб қолган беморгина хотинининг бармоқ изларини эслаб қолса керак.

Улар турмуш қургандан кейин эри соғ юрмади ҳисоб. Ҳатто урушга ҳам бормади.

Үйларига ўт кетгандан сўнг Кёконинг танишларинида бир хонани ижарага олиб туришди. Эри у пайтларда ишга қатнаб юрар эди. У Кёко билан турмуш қургач, ўз уйида бир ойча, ижара уйда эса икки ойча соғ юрди, холос. Уруш тугай деб қолганда уни ҳам армияга олишди. Икки-уч кун бир аэрородромда йиқилиб қолгач, уйга қайтаришди. У келган куни уруш ҳам тугади. Эри тўшакдан тура олмай қолди, Кёко уни ота-онаси кўчирилган қишлоққа олиб кетди, чунки бор-будини эриникига қўшиб, аввалдан ўша ёққа жўнатиб юборган эди.

Тоғда чоғроқ бир уйни ижарага олишиб, эри шу ерда даволана бошлади. Ўша уйда улар билан бирга яна бир кўчирилган оила ҳам турар эди.

Уруш тугаши билан бу оила Токиога қайтди. Кёкага боғдан кичик томорқа – учга уч кэнлик<sup>1</sup> шудгорланган ер мерос қолган эди.

Қишлоқда сабзавотни дехқонлардан сотиб олиш ҳам мумкин эди, бироқ мерос қолган томорқани ташлаб қўйиш мавриди бўлмагани учун Кёко ҳар куни ер чопар, гуркираб ўсаётган экиндан кўз қувнар эди. У эрининг каравоти ёнида ўтиришдан безор бўлгани учун эмас, тикиш билан тўқиши юрагини сиқиб юборгани учун ҳам томорқага ёпишиб олди. Бу эрининг эрта бир кун тузалиб кетишига умид уйғотар, азбаройи яхши қўргани учун анча-мунча вақтини унга бағишилар, китоблар ўқиб берар эди. Беморга қараб чарчаганиданми, бирваракайига ҳамма нарсасидан айрилиб қолаётгандай бўлар, хаёлларини чалғитмоқчи бўлиб ишга зўр берар эди.

Сентябрнинг ўрталарида токқа қўчиб келишди. Бу ерни ёз жазирамасидан жон сақлаётган шахарликлар тарк эттак, эрта кузнинг совуқ ёмғирлари ёға бошлади. Аммо бир кун кун ботай деганда қушларнинг чуфур-чуфури атрофни тутди-ю, бирдан ҳаво очилиб кетди. Кёко офтоб нурларига чўмилаётган томорқасига чиқиб, ям-яшил экинларига тикилди. Сўнгра бошини адл қўтариб, олис тоғ чўққилари узра сузиб ўтаётган булутларни қўриб завқланди, шунга андармон бўлиб, иккинчи қаватда ётган эрининг чакирганини эшитмабди. Бир пайт эшитиб колди-ю, қўлининг тупроғини ҳам қоқмасдан тепага қараб югурди.

- Томоқ йиртиб бақирсам ҳам эшитмайсан-а?
- Кечирасиз, хаёл билан бўлиб қолибман.
- Йиғишир томорқангни! Сени чакираман деб ўлиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас. Гўрга эди нима ишлар қилиб юрганингни билсан.

<sup>1</sup> Бир кэн 1,81 метрга teng.

— Томорқада әдим. Чиқма десангиз, майли, чиқмай қўя қоламан.

Эри хотиржам тортди.

— Читтак сайраганини эшитдингми? — У Кёкони шуни сўраш учун чақирган әди. Уларнинг суҳбатига чакалакдан келаётган сайроқ ҳам қўшилди. Шом корониси чакалакни янада баҳайбат кўрсатар әди. Шу-шу Кёко читтак қанақа сайрашини эслаб қолди.

— Кўнфироқча сотиб олсак, нима дейсиз? Жирингласса бўлди, чопиб келавераман.

Хозирча бош томонингизга бирор нима қўйиб қўяман, керак бўлиб қолсан, деразадан отарсиз.

— Нима, энди идиш-товоқни отайми? Ол-а!

Эри томорқада ишлама, деб тихирлик қилмади. Кёко қўлойнадан унга томорқасини кўрсатишни ўйлаб топгунича орадан аччиқ ичакдай чўзилиб қаҳратон қиши ўтиб, ортидан кўклам келди.

Оддий бир ойна бемор эрининг кўнглига бу дилбар ва ям-яшил олам завқини олиб кирганида боёқиши аёлнинг қанчалар қувонганини бир кўрсангиз әди! У энди Кёко экин баргларидан зааркунанда ҳашаротларни териб олиб ташлаётганини ҳам кўрар, табиийки, қанақа ҳашарот эканини фарқлай олмас, хотини эса уларни эрига кўрсатиш учун иккинчи қаватга кўтариб чиқишидан чарчамас әди. У Кёконинг ер чопишини кузатиб ётадиган бўлди...

— Ойнадан чувалчангни кўрдим, — деди у бир куни Кёкога. Кечга яқин офтоб фарбга оғганда Кёко юзига нур тушаётганини сезиб, бошини кўтарар ва эри тепадан ойнани ўзига тўғрилаётганини кўрар әди.

Эри Кёкога талабалик давридан қолган арzon-гаров матодан ўзига шим тикиб олишни буюрди. У хотининг хол-хол гулли қўй шимда томорқани чопиқ қилаётганини кўриб, ҳузур қилар әди.

Кёко эри ойнадан қараб ётганини билар, лекин иш билан овора бўлиб, бу эсидан кўтарилар әди. У, шунчалик ўзгарибман-а, энди келин бўлиб тушган кезларим билагим очилиб қолса ҳам уялиб кетар әдим, деб эсладию юрагида аллақандай илиқлик пайдо бўлди.

Кёко Япония урушда ютқазаётган тоғлар деярли пардоз қилмай қўйди. Кейинчалик касал эрини ўйлаб, на юзига упа, на лабига бўёқ суртди. Иккинчи марта турмуш қургандан сўнгтина ўзига эътибор беришга вақту ҳафсала топди. У лаб бўёғи билан упа юзини ўзгартириб юбораётганини, бир зумда хурилиқога айланиб қолаётганини сезар, янги эрининг илк марта ёлғиз қолишганида ўзига мафтун бўлиб, завқ-шавққа тўлиб гапирганига чин дилдан ишона бошлаган эди.

Энди Кёко чўмилиб чиққандан сўнг ўзини ойнага солишдан, гўзаллигидан уялмайдиган бўлди. Аммо раҳматли эри ойнадаги гўзалликни бошқача илғашга ўргатган эди уни ва бу унга бир умрлик сабоқ бўлиб қолди. Энди у ойна бутунлай бошқа олам эканига ишонади.

Лекин у бир ўзига, бир аксига қараб, кулранг осмон билан ойнада кумушдай товланган осмон ўртасидагичалик фарқ йўқлигини сезар эди. Эҳтимол, бу хол ўртадаги масофага эмас, тўшакка михланиб қолганидан юраги зада бўлиб кетган эрининг кайфиятига ҳам боғлиқ бўлгандир. Ойнадан томоша қилганида томорқада ер чопаётган хотини кўзига қанчалар сулув кўринган экан?! Эри бу туйфуни ўзи билан нариги дунёга олиб кетди. Кёко у тирик пайтида бу хақда ўйлаб кўрмаган экан.

Ўзининг бемор эри ойнадан кўрган акси, ундан кўринган қуён карамнинг кўм-кўк гули, оппоқ лилия, дала четида ўйнаб юрган болакайлар, олис қорли тоғлар ортидан чиқиб келаётган қуёш... Кёко буларнинг барини хотирасида тиклашдан ҳам кўра бир замонлар ўзи билан эригагина мансуб бўлган ўзга дунёни соғинган эди. У хозирги эрини аягани учун ҳам жону жаҳонини кўйдириб ташқарига отилиши муқаррар бўлган хиссиятга йўл бермаслик илинжида олдинги эрини бу хаётта дахли бўлмаган, мавҳум бир нарсадай эслашга тиришар эди.

Кёко май ойи тонгларининг бирида радиодан қушлар сайрашини эшитиб қолди. Эшиттириш эри қазо қилган жойга яқинроқдаги бир тоғдан тайёрланган экан. У эрини ишга кузатди-да, пардоз столидан қўлайнани олди ва ундан кўм-кўк осмонни томоша қила бошлади. Кейин ўзининг ойнадан боқиб турган юзига тикилди. Шунда хаёлига ғалати бир фикр келди: одам ўз юзини фақат ойнадагина қўриши мумкин. Шундан сўнг у ҳар куни юзини томоша қиласидиган, унга қўл теккизиб қўрадиган, ўша аксни юзим деб ўйлайдиган бўлди. Нега Тангри таоло одамни ўз юзини кўра олмайдиган қилиб яратган экан-а?

«Балки одам юзини кўра олганда гангиб, эси оғиб қолармиди?» деб сўрарди у ўзидан ўзи.

Йўқ, табиат одамзодни азалдан юзини кўра олмайдиган қилиб яратган.

Ниначи билан бешиктерватар кўрар эҳтимол.

Ёз одамга бошқалар қўриши учун керакмикан? Яхши қўриб қолиш учун бир баҳона каби...

У қўлайнани четга қўйди-да, дафъатан тутдан ясалган пардоз столининг безаги қўлойнасининг Камакура ўйма нақшига мос тушмаслигини пайқаб қолди. Олдинги қўлойнаси эрининг жасади билан бирга куйиб кулга айлангандан сўнг пардоз столи бева бўлиб қолгандай эди. Кёко эрига қўлойнаси билан бирга яна битта жажжи ойнак бергани нафақат хайрли кечди, балки мусибат ҳам келтирди. Чунки эри ҳар куни уларда ўз аксини кўрар, касаллик тобора зўрайиб бораётганию яқинлашиб келаётган ўлим шарпасини пайқар эди. Мабодо ойна ёрдамида руҳий қотиллик содир этиш мумкин бўлса, буни Кёко қилмадими? У ойна бало-қазонинг уяси эканини анча олдин сезгани учун олиб қўймоқчи бўлганида эри кўнмаган эди.

– Энди қўриш қувончини ҳам тортиб олмоқчимисан мендан? – деган эди у ўшандা. – Кўзим очиқлигига кўрганларимдан ҳузур қилиб яшамоқчиман!

Эри ойнадаги ҳаётни деб ўзини қурбон қилди. У ёмғирдан хосил бўлган кўлмақдаги ойнинг ойнага туш-

ган аксига қараб завқланар эди. Ҳалиям ўша ой акси – факат аксмикан? – унинг хаёлидан кетмайди.

– Бирорни яхши кўриш учун ҳам одам соғлом бўлиши керак, – дейди янги эри. Гарчи Кёко хижолатомуз бош иргаса-да, юрагининг аллақаеридадир бу гапга қўшилгиси келмайди. Аввалига у, нега касал эрим билан бирга ётишдан қочиб юрдим, деб ўзидан ўпка-гина қилди, аммо вакт ўтиши билан бу хаёллари қайгули муҳаббат ҳақидаги хотирага айланди, кейинроқ эса шу хотира ҳам юрагини соғинч билан лиммо-лим тўлдириб турганини англагач, койинмайдиган бўлди.

Бу эри-чи? Аёл кўнглини жуда жён тушумаятими?

– Нега шундай яхши одам бўлатуриб, хотинингиз билан ажрашиб кетгансиз? – деб сўради Кёко бир куни ундан. У лом-мим демади. Кёко марҳум эрининг укаси ҳоли жонига қўймагач, бу одамга тегишга рози бўлган эди. Турмуш қуришларидан олдин тўрт ойча учрашиб юришди. Янги эри ундан ўн беш ёш катта эди.

Кёко ҳомиладор эканини сезиб қолиб, қўрқиб кетди. «Қўрқяпман, қўрқиб кетяпман», дер эди у эрининг пинжига тиқилиб. Тинмай кўнгли айнийверганидан эси оғиб қолар даражага етди. У ҳовлига ялангоёқ югуриб чиқиб, қарағай игнабаргини чайнар, ўтай ўғлини мактабга жўнатаётib, адашиб унинг сумкасига иккаласига ҳам гуруч солингган нонушта қутиларини тиқар, баъзан пардоз столи тортмасига худди у шаффофланиб қолгандай тикилар ва гўё унда турган ўйма нақшли Камакура қўлойнасини қўрар эди. Кёко кечалари уйғониб кетиб, қўрпачага ўтириб олар, ухлаб ётган эридан кўз узолмай узоқ тикилиб ўтираверар эди. Инсон умринг фонийлигини ўйлаб ваҳимага тушар, худди эрини бўғиб ўлдирмоқчидаи, тунги кимоноси белбоғини еча бошлар эди. Айни ёз чилласи бўлгани учун ҳаво кечалари ҳам иссиқ ва дим бўлишига қарамай, уни совук тер босар, яъни варажга тутар эди.

— Кёко, ҳадемай она бўлассан, — сўз қотарди эри уни ўзига келтириш учун елкаларидан тутиб силкитганча.

Врач уни касалхонага ётқизишни маслаҳат берди. Кёко йўқ деб оёқ тираб туриб олса-да, пировардида, рози бўлишдан ўзга чораси қолмади.

— Бўпти, касалхонага ётаман. Фақат бир-икки кунга ота-онамнинг олдига бориб келишимга рухсат берсангиз, — деб илтимос қилди у.

Эри уни ота-онасиникига олиб бориб қўйди.

Эртаси куни у олдинги эри билан яшаган тоғдаги уйга бориш учун йўлга чиқди. Сентябрнинг боши эди — ўшандада бу ерга улар ўн кунча кеч келишган эди. Поездда яна кўнгли айниб қуса бошлади, боши айланди. У манзилига ета олмай қолишдан қўрқар эди. Йўқ, амал-тақал қилиб, манзилга етиб олди, станцияда поезддан тушиб, тоза ҳаводан тўйиб нафас олгач, анча енгил тортди. Худди шайтон васвасаси аригандай ўзига келди, тўхтаб, атрофдаги тоғларга ғалати разм солди. Осмон билан бўйлашиб турган кўм-кўк тоғ тизмалари аниқ-тиник кўринар эди. Атрофидаги ҳаёт уни яна оғушига ола бошлади. Кўзларидан қўйилаётган қайнок ёшни арта-арта олдинги уий томон юрди. Худди ўша кезлардагидай шафак олдида қорайиб кўринаётган ча-калақдан қушлар чуфури таралмоқда эди.

Ўша уйда энди бошқа бирор яшар, иккинчи қаватнинг деразасига оқ тўрпарда тутилган эди. Кёко уйнинг яқинига боришга юраги бетламай, бирпас жим тикилиб турди-да, қўққисдан ўзи ҳам хайратланганча шивирлади:

— Бола сизга ўхшаб қолса, нима қиламиз?

Кўнгли жойига тушиб, станцияга қайтиб кетди.

---

**Жан-Поль САРТР**  
**Француз ёзувчиси**  
**(1905-1980)**

---



## ДЕВОР

**Б**изни деворлари оппоқ чорси хонага итариб-туртиб киритишиди. Ўткир ёруғлик кўзни қамаштириди. Зум ўтмай стол ортида қандайдир қоғозларни титиб ўтирган кишилик кийимидаги тўрт нусхани кўрдим. Бошқа қамоққа олингандар бир оз нарироқда тиқилишиб туришарди. Биз хонани кесиб ўтиб, уларга қўшилдик. Бу одамларнинг кўпини билардим, қолганлари, чамаси, мухожирлар эди. Менинг олдимда иккита бир-бирига ўхшаган оқ-сариқдан келган киши турарди, булар французлар бўлса керак, деб ўйладим. Бўйи пастроғи дам-бадам шимини кўтариб кўяр – тиззалари қалтираётгани кўриниб турарди.

Бу даҳмаза уч соатдан буён давом этар, бошим котган, қулоқларим шанғиллар эди. Аммо хона иссиққина, танага ёқар, биз уззукун совуқда қолиб изиллаган эдик. Соқчилар қамоққа олингандарни бирмабир стол ёнига олиб боришарди. Кишилик кийимидаги тўрт нусха ҳар бир одамдан исми билан касб-корини сўрарди. Улар шу саволлардан нарига ўтишмас, лекин гоҳида «Ўқ-дорилар ўғирлашда қатнашганмисан?» ёхуд «Ўнинчида эрталаб қаерда, нима иш билан машғул эдинг?» деб сўраб қўйишарди. Жавобларни эса ҳатто эшитишмас ёки эшитмаганга олишар, бўшлиққа тикилиб, жим қолишар, кейин ёзишга тушишарди. Томдан «Ҳақиқатан байналмилал бригадада хизмат қилганмисиз?» деб сўрашди. Бўйин товлашнинг маъни-

си қолмаган – улар қурткасидаги хужжатларини топиб ўқишган эди. Хуандан эса ҳеч нарсани сўрашмади, фақат у отини айтиши биланоқ тез-тез алланималарни ёзишга тушишди.

– Ўзингиз биласиз-ку, – мен эмас, акам анархист. Аммо у бу ерда эмас. Менинг сиёсат билан ишим йўқ, ҳеч қандай партияга аъзо эмасман. – Улар индамай ўтириб ёзишарди. Хуаннинг жағи тинмасди. – Менинг ҳеч бир айбим йўқ. Бошқаларнинг жатига қолишини истамайман. – Унинг лаблари титрагарди. Соқчи оғзингни юм деб, уни бир чеккага итариб олиб борди.

Навбат менга келди.

– Сиз Пабло Иббитетамисиз?

Мен «Ха», дедим. Нусха қофозларга қаради-да, сўради:

– Рамон Грис қаерга яширинган?

– Билмайман.

– Сиз уни олтинчидан ўн тўққизинчигача яширганисиз.

– Ундеймас.

Улар нималарнидир ёзишди, кейин соқчилар мени хонадан олиб чиқишли.

Йўлакда иккита қоровул ўртасида Том билан Хуан турарди. Бизни олиб кетишли. Том соқчиларнинг биридан сўради:

– Бу ёғига нима бўлади?

– Қайси маънода? – деди соқчи.

– Бизни сўроқ қилишдими ёки суд?

– Суд.

– Хўп. Энди нима қилишади бизни?

Соқчи қуруқкина жавоб берди:

– Хукм камерада эълон қилинади.

Улар камера деб аталган жой илгариги касалхонанинг ертўласи эди. Бу ердаги совуққа чидағ бўлмас, ҳар томондан аёз шамол фўрилларди. Тун бўйи азбаройи совуқдан тишлар такиллаб чиқар, қундузлари ҳам бундан тузук эмасди. Бундан аввал мен беш кун архиепископликнинг ёлғизхонасида ўтирган эдим, уни

ўрта асрлардан қолган тош ўра деса ҳам бўларди. Қамоққа олингандар шунчалик кўп эдики, уларни дуч келган ерга тиқиб ташлашарди. Мен-ку ўша ўрасидан хафа эмасман, жиллақурса, у ерда совқотганим йўқ, фақат ёлғиз эдим, ёлғизлик эса одамни ҳолдан тойдидари. Манави ертўлада ҳарқалай ён-веримда одамлар бор. Рост, Хуан оғзини очмас, қаттиқ қўрқар, ҳар не қилса-да, жуда мурғак, гапирадиган гапи ҳам йўқ ҳисоби эди. Томнинг эса, аксинча, жаги тинмас, бунинг устига испанчани сувдай ичарди.

Ертўлада битта узун ўриндиқ ва тўртта бўйра бор эди. Эшик орқамиздан ёпилгач, биз ўтириб, бир муддат жим қолдик. Аввал Том тилга кирди:

- Тамом. Кунимиз битди.
- Балки, – дедим мен. – Лекин йигитчага тегишмас дейман.
- Акаси жангари бўлсаям, укасининг бунга алоқаси йўқ.

Мен Хуанга қарадим: у, чамаси, эшитмасди. Том гапини давом эттириди:

– Сарагосада уларнинг нималар қилаётганини билансми? Одамларни йўлга ётқизиб, устидан юк машина юргизиляпти. Марокашлик бир қочоқ бор эди, бизга ўша гапириб берди. Айтишларича, шунақа қилиб ўқдорини тежашармиш.

- Бензинни тежашмас эканми?

Том жигимга тегди. Нима қиласи буларни гапириб?

– Зобитлар бўлса йўл чеккасида қўлларини чўнтакка тикиб, сигарет тутатиб айланиб юришармиш. Ўша шўрликларни дарров асфаласофилинга жўнатишади деб ўйлайсанми? Хеч-да! Абгорлар соатлаб бақириб ётишармиш. Марокашлик оғриқнинг зўридан мен аввалига оғзимни ҳам очолмадим, дейди.

– Ишончим комилки, улар бу ерда ундей қилишмайди, – дедим мен. – Бошқасини билмайман-у, лекин уларнинг ўқ-дорилари етарли.

Ертўлага тўртта тешик ва чап томондаги шифтдан очилган туйнукдан ёруғлик тушиб турар, ундан

нақ осмон кўринарди. Бу туйнукдан илгари ертўлага кўмир туширилган чофи, шундок тагида кўмир хокаси тўдаланиб ётарди. Чамаси, у билан ҳарбий касалхонани иситиш мўлжалланган. Кейин уруш бошланиб, касаллар бошқа жойга кўчирилган-у, кўмир шундок қолиб кетган. Афтидан, туйнукни беркитиш ёдларидан кўтарилиган, вақти-вақти билан тепадан ёмғир томчилари томарди. Кутилмаганда Том ёмон қақшаб фўлдиради:

– Куриб кетсин! Ҳаммаёғим титраб кетяпти. Шу етмай турувди!

У ўрнидан туриб, машқ қилишга тушди. Кўйлаги ҳар кўтарилиганда жун босган оппоқ кўкраги кўриниб кетарди. Кейин у чалқанча ётиб, оёқларини кўтариб қайчидек айлантира бошлади – унинг семиз думбаси дирилларди. Умуман, Том – зуваласи пишиқ йигит, лекин барибир семизроқ. Мен беихтиёр ўқ ва милтиқ найзаси бу лаққа юмшоқ гўштга ёғни кесгандай осон ва енгил кириб боришини тасаввур қилдим. У қотма йигит бўлганида, эҳтимол, бундай ўйламаган бўлардим. Мен совқотмаган бўлсам-да, қўл-оёғимни сезмасдим. Баъзида бир нимани йўқотгандай бўлар, курткамни қидириб, аланг-жалаң қилас ва шу заҳоти уни менга қайтариб беришмаганини эслар эдим. Бундан ғашлигим ортарди. Улар бизнинг кийим-кечакларимизни олиб қўйишиб, бўз иштонлар беришди – бу ерда касаллар айни ёз чоғлари шундай иштонларда юришган. Том ўрнидан туриб, рўпарамга ўтиради.

– Қалай, исидингми?

– Қайда дейсан, қуриб кетсин. Нафасим тиқилгани қолди.

Соат саккизларда камерага комендант билан иккита фалангачи аскар кирди. Комендантнинг қўлида рўйхат бор эди. У соқчидан сўради:

– Бу учовининг фамилияси нима?

Соқчи айтди:

– Стейнбок, Иббиета, Мирбал.

Комендант ойнагини тақиб, рўйхатга боқди.

– Стейнбок... Стейнбок... А-ҳа, мана бор. У отишга ҳукм қилинган. Ҳукм эртага эртамиナン ижро этилади.

У рўйхатга яна бир қур кўз ташлади:  
– Колган иккови ҳам.  
– Бўлиши мумкинмас, – дея ҳиқиллади Хуан. –  
Хатолик бу.

Комендант унга хайрон бўлиб каради:  
– Исли шарифинг?  
– Хуан Мирбал.  
– Ҳаммаси тўғри. Отув!  
– Лекин мен ҳеч нарса қилганим йўқ, – дея гапидан қолмади Хуан.

Комендант елкасини қисди-да, бизга ўгирилди:  
– Сизлар баскмисизлар?  
– Йўқ.  
Комендантнинг авзойи бузук эди.  
– Лекин менга бу ерда учта баск бор дейишувди.  
Уларни қидириб юришдан бошқа ишим йўқми? Сизларга руҳоний керакми?

Биз индамадик. Комендант:  
– Ҳозир олдингизга бельгиялик врач киради, –  
деди. – У сиз билан эрталабгача бирга бўлади.  
У қўлини чаккасига қўйиб, сўнг чиқиб кетди.  
– Айтмовдимми сенга? – деди Том. – Хасислик  
қилишманти.  
– Рост, – дедим мен. – Аммо болапақирга жабрда. Аблаҳлар!

Гарчи йигитчани жиним суймай турган бўлса-да, бу гапни адолат юзасидан айтдим. Болакайнинг юзи боятда ингичка, ўлим кўрқинчи башарасини ёмон ўзгартириб юборганди. Уч кун бурун у хипчагина ўсмир эди, уни ёқтирасликнинг иложи йўқ эди, лекин ҳозир у жуда қаримсик бўлиб қолган, мабодо энди уни шу ҳолда қўйиб юборсалар ҳам, у умр бўйи шундай қаримсик ва пажмурдалигича қоларди, деб хаёлимдан ўтказдим. Умуман, болакайга одамнинг раҳми келади, аммо ачиниш нафратимни қўзғар, у ёрини айтсан, боланинг ўзи ҳам қўзимга балодек кўринарди.

Хуан бошқа миқ этмади, унинг ранг-рўйи қумдай оқарди, қўллари, башарасининг ҳам туси ўчди. У

кўзлари соққадай бўлиб, яна ерга чўкди. Бир жойга тикилди-қолди. Том меҳрибон одам эди, у болакайнинг кўлини тутмоқчи бўлди, аммо у жаҳл билан қўлини тортиб олди, юзи аламдан буришиб кетди.

– Унга тегма, – дедим Томга. – Кўрмаяпсанми, хўрлиги келиб турибди.

Том истар-истамай рози бўлди, у негадир болакайнин юпатгиси келган, шундай қилганда, ўз ахволини ҳам бир оз бўлса-да, енгиллатган бўлармиди балки. Ҳар иккови ҳам жуда фашимга тегишаётган эди. Илгари мен ҳеч ўлим тўғрисида ўйламагандим, фурсатим бўлмаганди, лекин ҳозир мени нима кутаётганини ўйламай иложим йўқ эди.

– Менга қара, – деди Том, – сен улардан биронтасини нариги дунёга жўнатдингми?

Мен жавоб бермадим. Том августдан бери олтитасини отиб ташлаганини ўраб чирмай бошлади. Аниқ, у ҳозир юзага келган вазият хақида ўзига хисоб бермасди, у буни истамаётганини равшан кўриб турардим. Ўзим ҳам рўй берган ҳолни тузук-куруқ англай олмас, бироқ мен ўлим оғир бўлармикин-а, деб ўйлаган ва қайноқ ўқлар баданимни дўлдай тешиб ўтаётганини хис қилгандим. Шунга қарамасдан, бу сезгиларнинг унча аҳамияти йўқ эди. Ҳали бунинг ташвишини чекмаса ҳам бўлар, ахволни аниқлаштириб олишим учун олдинда бир кеча бор эди. Тўсатдан Том жим бўлиб қолди. Унга кўз қиримни ташладим, рангида ранг қолмабди. Ахволи фоятда ночор эди, шунда мен «Ана бошланди!» деб ўйладим. Коронғи тушиб келарди, туйнукдан хира ёруғ оқиб кирар, кўмир уюмини ёритар, хона саҳнига дод-дур бўлиб ясланарди. Туйнук узра кўзимга юлдуз ташланди, кеча совуқ, осмон тиниқ эди.

Эшик очилиб, ергўлага икки соқчи кирди. Уларнинг ортидан Бельгия ҳарбий кийимидағи оқ-сариқдан келган кимса кўринди. Биз билан саломлашгач:

– Мен врачман. Манави нохуш ахволларда сизлар билан бирга бўламан, – деди.

Унинг товуши зиёлиларники сингари ёқимли эди. Ундан сўрадим:

- Бунинг нима фойдаси бор?
- Камина хизматингизда бўламан. Охирги дақиқаларни осонлаштиришга ҳаракат қиласман.
- Лекин нега бу ерга келдингиз? Госпиталда ярадор тўлиб ётибди-ку.

– Мени айнан шу ерга жўнатишиди, – деб жавоб берди у ноаниқроқ қилиб. Кейин шоша-пиша қўшимча килди: – Чекасизми? Сигаретим, ҳатто сигарам ҳам бор. – У бизга инглиз сигарети ва Гавана сигарасини узатди, биз рад этдик. Мен унга тикилиб қарадим, у ўзини ноқулай сезди. Унга шундай дедим:

– Сиз бу ерга раҳм-шафқат кўрсатиш учун келмагансиз. Мен сизни танидим. Мени қўлга олишган куни сизни казарма ҳовлисида кўрганман. Сиз фалангачи аскарлар билан бирга турардингиз.

Унга бор гапни тўкиб солмоқчи эдим, лекин ўзимга ҳайрон қолдим, бундай қилиб ўтирумадим: бирдан бельгияликка умуман қизиқмай қўйдим. Илгарилари мен бирорвга қизиқсан, уни осонликча қўлдан чиқармасдим. Ҳозир эса бутунлай гапиргим келмай қолди. Елкамни кисдим-да, юзимни бошқа ёкка ўтирудим. Бир неча дақиқадан сўнг мундай бошимни кўтариб қарасам, бельгиялик мени қизиқсиниб кузатяпти. Қўриқчилар бўйраларга ўтиришди. Найнов Педро зерикаб ўзини қаерга қўйишини билмас, наригиси эса ухлаб қолмаслик учун дам-бадам бошини у ёқдан-бу ёкка бурар эди.

– Чироқ олиб келайми? – кутилмаганда сўради Педро.

Бельгиялик бошини силкитди, мен шунда унинг зиёлилиги алдамчи, тўнкадан фарқи йўқ экан, деб ўйладим. Лекин ҳар ҳолда шафқатсиз дажжол ҳам эмасди. Унинг совуқ кўк кўзларига қараб, ҳавойироқ одам, ҳар қандай пасткашликка боради, деб ўйладим. Педро тезда керосин чироқ кўтарганча қайтиб келди ва узун ўриндиқнинг четига ўрнатди. Чироқ хира ёритар, лекин ҳарқалай, ҳечдан кўра яхшироқ эди. Кечагина биз зимистон қоронғида ўтирган эдик. Мен шипга тушиб турган чироқ шуъласи гардишига узоқ

термилиб қолдим. Худди сеҳрлангандай ундан кўзимни узолмасдим. Тўсатдан бари фойиб бўлди, шуъла доираси сўнди. Кўтариб бўлмас оғир юқ остида қолгандай, мен қаттиқ қалтираб кўзимни очдим. Йўқ, бу кўркув, ўлим шарпаси эмас эди. Бунинг нималигини англаб бўлмасди. Икки юзим ўт бўлиб ёнар, бошим оғриқдан ёрилай дер эди.

Жунжикиб ўртоқларимга боқдим. Том кафтлари га юзини яширганча ўтирас, кўзим унинг жингала паҳмоқ сочинигина илгарди. Болакай Хуан тобора но-чорлашиб борарди: оғзи ярим очик, бурун катаклари пир-пир учарди. Бельгиялик яқин келиб, унинг елкасига қўлини қўйди: чамаси, у болага далда беришни истарди, лекин кўз қорачиқлари муз парчалариdek йилтириарди. Унинг қўли аста пастга сирғалди ва боланинг билагида тўхтади. Хуан қимиirlамади. Бельгиялик унинг билагини уч бармоғи билан қисди, унинг нигоҳи қотиб қолганга ўхшарди, шунда у мени кўрмаслик учун орқасини ўтиради. Мен бир оз олдинга энкайдим, шунда у соатини чиқариб, қўлини қўйиб юбормасдан бир неча сония унга қараб қолганини кўрдим. Кейин у ўзини четга олди, шунда Хуаннинг қўли ҳолсиз пастга осилиб қолди. Бельгиялик деворга суюнди, кейин худди муҳим бир нарсани эслагандай ён дафтарини чиқариб, унга ниманидир ёзди. «Аблаҳ! – қаҳрим келди менинг. – Қани менинг томиримни кўрсин-чи, башарасига айлантириб соламан». У, ҳарқалай, менинг олдимга келмади, аммо бошимни кўтартганимда, менга қараб турганини кўрдим. Мен кўзимни олиб қочмадим. У қандайдир ҳиссиз бир овоз билан менга сўз қотди:

– Совқотмаяпсизми бу ерда?

Унинг ўзи жуда совқотган, башараси кўкариб кетган эди.

– Йўқ, совқотмадим, – деб жавоб бердим.

Бироқ ҳамон у менга қаттиқ тикилиб турарди. Бирдан гап нимадалигини тушуниб қолдим. Қўлим билан юзимни сидирдим: уни шилимшиқ тер босган эди. Зах совуқ ертўлада қишининг қоқ ўртаси ҳар

ёқдан фўриллаб турган елвизакда мендан тинмай тер қуиилиб келаётганини қаранг. Сочларимни ушлаб кўрдим: жиққа хўл. Кўйлагимни ҳам тамомила тер босиб, баданимга ёпишиб қолган эди. Бир соатдан бери тер аъзойи баданимдан қуиилиб келар, мен эса уни сезмасдим. Бельгиялик маҳлуқ бўлса, буни кўриб-билиб турган экан. Юзимдан оқиб тушаётган терни кўриб, мана, қўрқув одамни қандай ахволга солади, жон ширин, деб ўйлаётгандир, ҳойнаҳой. У ўзини шу тобда рисоладаги одамдай сезаётган ва рисоладаги одамлар каби совқотаётганидан мамнун ҳам бўлса керак. Мен унинг олдига бориб, башарасига туширгим келди. Лекин у томонга ҳали бир қадам ҳам қўймай туриб, юрагимдаги алам ва уят йўқолди-да, тамомила фарқсиз бир ҳолда узун ўриндиққа ўтириб қолдим. Мен яна рўмолчамни чиқариб, у билан бўйинларимни артишга тушдим. Энди мен соchlаримдан оқиб тушаётган терни аниқ сездим ва бундан кўнглим ниҳоятда хира бўлди. Кейин оқиб тушаётган терни артмай қўя қолдим, рўмолча сикса бўладиган даражада ҳўл эди. Аммо тер сира тўхтамасди. Бўксаларим ҳам терга ботди, иштоним ўриндиққа ёпишиб қолди. Кутилмаганда болакай Хуан тилга кирди:

- Сиз врачмисиз?
- Врач, – деб жавоб берди бельгиялик.
- Айтинг-чи... оғрийдими... узоқ чўзиладими?
- Оҳ, бу... анов... Йўқ, тез ўтиб кетади, – деб жавоб қилди бельгиялик оталарча оҳангда. Шу тобда у гўё ҳақ тўлаб даволанишга келган касални юпатарди.
- Мен эшитгандимки... менга айтишувди... баъзан... биринчи ўқ ёғдирилганда хеч нарса бўлмайди деб.

Бельгиялик бошини чайқади.

- Даастлаб отилган ўқлар одамнинг жон жойига тегмаса, шундай бўлади.
- Унда милтиқларни яна ўқлаб, яна бошқатдан мўлжалга олишадими?

Хуан бир оз жим қолиб, кейин овози хириллаб сўради:

– Бунга вақт керакдир?

Жисмоний азоб уни қийнар ва қўрқитарди: унинг ёшида шундай бўлиши табиий. Мен бўлсам бундай нарсаларни ўйламасдим, оғриқ олдида қўрққанимдан терга ботаётганим йўқ эди. Ўрнимдан туриб, кўмир уюми олдига бордим. Том сесканиб, менга норози боқди: оёқ кийимим юрганда фижирлар, бу унинг фашига тегарди. Наҳотки менинг ҳам башарам шундай оқариб-кўкариб кетган бўлса деб ўйладим.

Осмон ажойиб эди, мен ўтирган бурчакка ёруғлик тушмасди, шундоқ тепага қарашим билан Катта Айиқ юлдуз туркумини қўрдим. Аммо энди бари бошқача эди: илгари архиепископликнинг ёлғизхонасида ўтирганимда истаган пайтда осмон парчасини кўра олар ва бу ҳар сафар менда турли хотираларни уйғотар эди. Эрталаб ҳаво енгил, осмон ложувард бўлганда мен Атлантика океани қумлоқ соҳилларини хаёлимдан ўтказардим. Туш маҳали қўёш тиккага келганда Севилиядаги қовоқхона эсимга тушарди – у ерда мансанильо ичкилигини ичиб, ҳамса ва зайдун меваларидан ердим. Тушдан сўнг кун уфққа оғганда, сояда ўтирап ва шунда майдоннинг қоқ ярмини қоплаган қуюқ сояни эслардим, худди шу пайтнинг ўзида майдоннинг қолган қоқ ярми қўёш нурларида яракларди, шу тариқа тирноқча осмон парчасида акс этган ерни томоша қилиб, жуда маъюс тортардим. Бироқ энди осмонга қандай хоҳласам, шундай қаарардим: у мутлақо ҳеч нарсани эсимга солмасди. Менга шу кўпроқ ёқарди. Ўз жойимга қайтиб, Том билан ёнма-ён ўтиредим. Ҳеч ким сўз қотмади.

Андак фурсатдан сўнг у шивирлаб сўзлашга тушди. У жим ўтиришга сира ўрганмаганди: товуш чиқариб сўйлабгина ўзининг кимлигини англарди. Гарчи у бошқа томонга бокиб турган эса-да, афтидан, менга сўйларди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, у мени шу алфозда терга ботган ва ранги қум оқарган ҳолда кўришдан, чамаси, юраги безилларди. Энди биз бир-биrimizга жуда ўхшардик ва ҳар бировимиз бошқа бировимиз

учун бамисоли ойна эдик. У тирик бельгияликка қаради.

– Сен бу нарсаларни тушунасанми? – деб сўради у. – Мен тушунмайман.

Мен ҳам секин шипшиб сўйладим. Мен ҳам бельгияликка қарадим.

– Нима деяпсан?

– Ҳализамон бошимизга қаттол бир савдо тушади.

Томдан фалати бир ниманинг хиди анқиётганини сездим. Ҳидларни одатдагига қараганда нозикроқ сезадиган бўлиб қолибман. Мен киноя қилдим:

– Майли. Тезда тушуниб қоласан.

Лекин у ҳамон ўзининг айтганидан қолмасди.

– Йўқ, бунга одамнинг ақли бовар қилмайди. Мен охиригача матонатли бўлишим керак, лекин нима бўлгандা ҳам, билишим керакки... Демак, шундай, кўп ўтмай бизни ташқарига олиб чиқишади. Бу газандалар рўпарамизда саф тортишади. Нима дейсан, улар неча киши бўларкин?

– Билмадим, балки бешта, балки саккиста. Ундан кўп бўлмас.

– Майли. Саккиста бўлақолсин. Уларга «Мўлжал!» деб кичқиришади, ўзимга қаратилган саккиста милтиқ оғзини кўраман. Мен девор томонга сурилмоқчи бўламан, елкам билан унга суюнаман, жон-жаҳдим билан ёпишаман, у эса тунги босинқираш чоғида бўлгани каби мени итариб ташлайди. Буларнинг барини мен кўз ўнгимга келтира оламан. Билсайдинг, қанчалар аниқ бу суврат!

– Биламан, – дедим. – Мен буни сендан кам тасаввур қилмайман.

– Бунинг оғрифига чидаш қийин. Ахир, улар башарангнинг абжанини чиқариш учун қўзинг ва оғзингни пойлаб отишади. – Унинг овози қаҳрли эшитилди. – Мен жароҳатларимни ҳис қилиб турибман, мана бир соатки, бошим оғрияпти, бўйним азоб беряпти. Бу ҳақиқий оғриқ эмас, аммо ундан баттарроқ, бу мен эртага эрталаб ҳис қиласидиган оғриқ. Хўш, ундан кеин нима бўлади?

Унинг нима демоқчи бўлаётганини жуда яхши тушуниб туардим, лекин буни пайқаб қолишини сира истамас эдим. Мен ҳам бутун аъзойи баданимда шундай оғриқни сезардим, мен уни худди чандиқ ва тиртиқлар каби ўз жисмимда олиб юрардим. Ҳеч уларга ўрганолмасдим, лекин ўртоғимдан фарқли ўлароқ, уларга ортиқча аҳамият бермасдим.

– Кейинми? – дедим мен баралла овозда. – Кейин сени қурт-қумурсқалар талайди.

Сўнгра у худди ўзи билан ўзи гаплашгандай сўйлади, лекин бельгияликдан кўзини сира узмасди. Бельгиялик эса ҳеч нимани эшитмаётгандай эди. У нега бу ерда ўтирганини мен тушунардим: фикрларимиз уни қизиқтирмасди, ҳали ҳаётни тарқ этмаган бўлса-да, аммо талваса ичида тўлғанаётган жисмимизни кузатгани келганди.

– Бу худди тунги қўркинчли тушга ўхшайди, – деб давом этарди Том. – Бир нарсани ўйлашга уринасан, назарингда, бу қўлингдан келадигандай, бир дақиқадан сўнг ниманидир тушунгандай бўласан, ундан сўнг ҳаммаси тарқалиб, йўқолиб кетади. Мен ўзимга ўзим «Кейинми? Кейин ҳеч нима бўлмайди», дейман. Лекин бунинг маънисини тушунмайман. Гоҳ тушунгандай бўламан... лекин шунда яна ҳаммаси қочиб кетади-да, кейин мен оғриқми, ўқлар, милтиқларнинг бирваракай отилишими шуларни ўйлашга тушаман. Сенга қасам ичиб айтишим мумкин, мен моддий дунёга ишонаман, амин бўл, менинг ақли-хушим жойида, лекин шунга қарамай, бунинг учини учига тўғри келтиrolмайман. Мен ўз лошимни қўраман: бунинг қийин жойи йўқ, лекин уни, ҳарқалай, мен ўзим қўряпман: ўлик танага қараган ҳам ўзимнинг кўзларим. Мен ўзимдан бошқа ҳеч нарсани қўрмайман ва ҳеч нарсани эшитмайман, ҳаёт эса бошқалар учун давом этаверади, деб ишонтироқчи бўламан. Лекин биз бундай фикрлар учун яратилмаганмиз. Биласанми, алланиманидир кутиб тун бўйи мижжа қоқмай чиққан пайтларим бўлган. Аммо бизни бутунлай бошқа бир нарса кутяпти, Паб-

ло. У устимизга орқадан бостириб келмоқда, шунинг учун унга шай туришнинг хеч иложи йўқ.

– Жим бўл, – дедим унга. – Балки рухонийни чақирсак, изҳори дил қиласан?

У индамади. У башпорат қилишни, отимни айтиб чақиришни ва босик фўнғирлаб гапиришни яхши қўришини аллақачон пайқагандим. Буларнинг хеч бирини мен қўтаролмасдим, аммо нима ҳам қилиш мумкин – ирландларнинг бари шунаقا. Ундан пешоб иси анқиётгандай туюлди. Гапнинг очигини айтсам, Томни унчалик ҳам ёқтиравермасдим ва энди ҳам бирга ўламиз-ку деб, унга муносабатимни ўзгартироқчи эмасдим. Бирга ўлишнинг ўзи мен учун етарли эмасди. Мен ҳаммаси бошқача кечиши мумкин бўлган одамларни билардим. Мисол учун Рамон Грис. Аммо Хуан билан Томнинг ёнида ўзимни ёлғиз сезмоқдайдим. Дарвоқе, шу тобдаги ахволдан ҳам норози эмасдим: агар Рамон бу ерда бўлганда, чўкиб қолган бўлармидим. Ваҳоланки, хозир мен ўзимни дадил тутаётган ва охиригача шундай қолмоқни ният қилгандим. Том паришон ҳолда сўзларни чайнарди. Бир нарса кундек аён эди: у, қандай бўлмасин, ўйламаслик учунгина нуқул гапиради. Энди ундан пешоби чатоқ қариядай шиптирихиди тараларди. Лекин умуман олганда, унинг гапларига қўшилардим, у нима деган бўлса, афтидан, буларни мен ҳам айтишим мумкин эди: зўрлик оқибатида ўлиш – файритабиий нарса. Эртага ўлишими билган дақиқадан бошлаб атрофдаги барча нарсалар менга файритабиий бўлиб туюла бошлади: кўмири уюми дейсизми, узун ўриндиқ ва ё Педронинг наҳс башараси дейсизми – ҳаммаси. Гарчи энди тун бўйи фақатгина бир нарса ҳақида ўйлашимиз, бирга дир-дир титрашиб, бирга кора терга ботишимизни обдан тушунсада, буларни ўйлагим келмасди. Унга кўз қиримни ташладим ва илк дафъа у менга ғалати қўринди: юзига ўлим шарпаси ўтирганди. Шунда фурурим дарз кетди: йигирма тўрт соатдан бери мен Том билан бирга унинг ёнида турибман, гап-сўзини тинглаб, ўзим ҳам бир

нималар деб... ва шунча вақт орасида ишончим комил эдики, биз у билан бутунлай бошқа-бошқа одамлармиз. Мана энди маълум бўлдики, биз бир-биримизга байни эгизаклардай ўхшаб қолибмиз. Бунинг сабаби эса эртага бирга ўлишимиз. Том менинг қўлимдан ушлаб, кўзлари қайларгадир бошқа ёқларга қараганча деди:

– Мен ўзимдан ўзим сўрайман, Пабло... мен ўзўзимдан дам сайин сўрайман: наҳотки биз изсиз йўқолиб кетсан?

Кўлимни бўшатдим-да, аччиқ билан дедим:

– Оёфинг тагига бир қара, чўчқа.

Унинг оёғи тагида кўлмак ҳосил бўлган, иштонидан томчилар ширилларди.

– Нима бу? – фўлдиради у ўзини йўқотиб.

– Иштонингга бажариб қўйибсан, – дедим мен.

– Ёлғон! – дея қичкирди у қутуриб. – Ёлғон! Мен сезаётганим йўқ!

Бельгиялик мунофиқларга ачингандек бўлиб, ёнимизга келди.

– Мазангиз қочяптими?

Том жавоб бермади. Бельгиялик индамай кўлмакка қараб турарди.

– Билмайман, нега бундай бўлди... – Томнинг овози қаҳрли янгради. – Лекин мен қўрқмайман. Қасам ичаманки, қўрқмайман!

Бельгиялик миқ этмасди. Том ўрнидан туриб бўшангани бурчак томонга кетди. Кейин иштонини тўғрилаганча қайтиб келди, ўриндиққа ўтирида, бошқа лом-мим деб оғиз очмади. Бельгиялик ёзув-чизуви билан машғул бўлди.

Биз унга қараб ўтирадик. Учовимиз. Ахир, у тирик эди-да!

Унинг ҳаракатлари тирик одамнинг ҳаракатлари, тирик одамнинг ташвишлари эди: бу ертўлада у худди тирикларга ўхшаб, совуқдан қалт-қалт титрар, соғлом диркиллаб турган жисми тириклиги боис унга сўзсиз бўйсунарди. Биз эса ўз жисмимизни у қадар ҳис қилмай қўйгандик, ҳис қилганда ҳам, у каби эмасдик.

Мен иштонимнинг паст қисмини пайпаслаб кўришни истардим, лекин бунга журъат этолмасдим. Мен бельгияликка тикилиб қарайман: у ўз мушакларининг эгаси, кучли оёқлари ерда уни маҳкам тутиб туради, унга эртанги кун ҳақида ўйлашига ҳеч нарса халақит бермайди. Биз уч қони сўриб олинган шарпа – бутунлай бошқа бир томонда жойлашганмиз, биз унга қаттиқ термилиб ўтириб, бамисоли унинг қонини ичамиз – конхўрлар каби. Ана, у болапакир Хуаннинг олдига борди. Болакайнинг бошини нега силамоқчи бўлди – айтиш қийин; балки буни касб-кори талабига кўра қилгандир, балки қўнглида раҳм-шафқат уйғонгандир. Агар шундай бўлса, бу тун бўйи фақат бир мартағина рўй берди, холос. У Хуаннинг бошини силаб, елкасига қоқиб қўйди, болакай ундан кўзини узмас ва бунга қаршилик кўрсатмасди, аммо у кутилмаганда бельгияликнинг қўлидан маҳкам тутиб, ваҳшиёна алфозда тикилиб қолди. Болакай унинг қўлини ўз кафтлари орасига олиб сикди, бунинг ажабланарли жойи йўқ эди: туссиз оташқурак орасидаги оппоқ, юмшоқ қўл. Мен нима рўй беришини дарров тушундим. Чамаси, Том ҳам фаҳмлади, аммо бельгиялик буни миннатдорлик изҳоригина деб англаб, ҳамон оталарча табассум қилиб турарди. Кутилмаганда болакай бу юмшоқ дўмбоққина қўлни оғзига олиб борди-да, уни тишламоқчи бўлди. Бельгиялик қўлини кескин тортиб олди ва қоқиниб кетиб, деворга урилди. Бир зум у бизга даҳшат тўла кўзлари билан бокиб турди: мана, ниҳоят у биз ўзига ўҳшамаган, тамомила бошқача одамлар эканимизни англади. Мен хаҳолаб кулиб юбордим, соқчилардан бири сакраб ўрнидан туриб кетди. Иккинчи соқчи эса ҳамон ухлаб ётар, ярим юмуқ ковоқлари орасидан кўзининг оқи кўзга чалинарди. Мен ўзимни хорғин ва ўта оғир ҳаяжонга ботган ҳолда сезардим. Ҳали тонг қоронғисида нима рўй беришини, ўлимни ўйлагим келмасди. Барибир ўлимни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди, сўзлар қуруқ ва ҳеч нарса-

ни англатмасди. Лекин бутунлай бошқа бир нарса ҳақида ўйлайман деганимда, шу захоти менга қараб ўқталган милтиқларнинг оғзини кўрдим. Йигирма мартача ўзимнинг отилаётганимни тасаввур қилдим, бир гал ҳатто бу ростдан ҳам рўй бераётгандай туюлди: афтидан, кўзим илиниб қолган бўлса керак. Девор томонга судрашар, мен эса қаршилик қўрсатар ва раҳм қилинглар, деб бақирадим. Шунда шошиб кўзимни очдим ва бельгияликка қарадим: тағин уйқумда бақириб юборган бўлсам-а, деб қўрқардим. Аммо бельгиялик мўйловчаларини хотиржам силар, хеч нарсани сезмаганга ўхшарди. Агар истасам, андак мизғиб олишим мўмкин эди: икки қундан бўён кўз юммаганман, асабларим таранг тортилган эди. Аммо қолган икки соат умримни зое кетказгим келмасди: улар мени тонг сахарда туртиб-суртиб уйғотишади, уйқуси чала карахт одамни ташқарига олиб чиқишади, кўз очиб юмгунча асфаласофилинга жўнатишади, мен эса ҳатто оғзимни очишга ҳам ултуролмайман. Буни хоҳламасдим, худди ҳайвондай жонимни олишларини истамасдим – мен аввал гап нимадалигини билишим керак. Ундан ташқари, мен босинкирашни ёмон кўрардим. Ўрнимдан турдим, орқа-олдимга юрдим, фикрларимни чалғитишга ўтган воқеаларни хотирлашга уриндим. Шунда миямда паришон хотиралар фувиллаб айланди. Уларнинг яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор эди. Ҳарқалай, ҳозирги аҳволимга довур менга шундоқ туюларди. Ҳар турли ҳодисалар ёдимга тушди, таниш башаралар кўз ўнгимдан лишиллаб ўтди. Валенсиядаги якшанба бозорида буқа шохига илиб итқитиб юборган ёшгина новилеронинг чехраси кўз ўнгимда гавдаланди, амакиларимдан бирининг юзини кўрдим, Рамон Гриснинг қиёфаси нигоҳимдан ўтди. Йигирма олтинчи йилда уч ой иш тополмай сарсон юрганимни, очликдан ўлар ҳолга келганимни эсладим.

Бир кеча Гранададаги кўча ўринидигида ётиб ухлаганим ёдимга тушди: уч қундан бўён туз тотмаган

эдим, алам ичида ўртанаар, сира ўлгим келмасди. Шуларни эслаб, жилмайиб қўйдим. Мен юхо суллоҳ каби омад, хотинлар, эрк ортидан юргургандим қанчалар. Нима бўлди? Испаниянинг халоскори бўлишни истардим, Пи-и-Маргал қошида сажда қиласдим, анархистларга бориб қўшилдим, одамлар орасида нутқлар сўзладим; мен буларни худди ўлим йўқдай ўта жиддий адо этдим. Шу дақиқаларда эса бутун ҳаётим икки кафтимда яққол тургандай эди, шунда мен: «Булар ҳаммаси қанчалар разил ёлрон!» деб ўйладим. Менинг ҳаётим сариқ чақалик ҳам эмас экан, зеро, у олдиндан қурбонликка келтирилган эди. Ўзимдан тинмай сўраганим сўраган эди: мана шундай ўлиб кетишимни билсайдим, кўчаларда дайдиб юрармишим, хотинлар орқасидан санғирмишим, йўқ, унда мен ҳатто жимжилогимни ҳам қимирлатиб қўймасдим. Энди ҳаёт тугади, қопдай оғзи боғланди, лекин ҳали ҳаммаси тугамаган, поёнига етиб ултурмаганди. Барibir, бу ҳаёт асли гўзал, деб айтгим келарди. Лекин машқни, ишнинг қораламасини ҳали қандай баҳолаб бўлади, ахир, мен ҳеч нарсани тушунганим йўқ, ваҳоланки, келажагимга гаров бўлоладиган ишларни бажаряпман, деб хомхаёл қилибман. Жуда кўп нарсалар боис афсус, надомат, армон қилишим мумкин эди, мисол учун мансанильони айтай ёки Кадисдан унча узоқ бўлмаган кичкина кўрфазчадаги чўмилишларим қандай соз эди, лекин ўлим буларнинг мафтункорлигига барҳам берди, шунинг учун ҳеч нарсага афсус-надомат қиласдим.

Кутилмаганда бельгияликнинг калласига бир фикр келиб қолди.

– Биродарларим, – деди у, – мен ўзимга бир мажбурият олмоқчиман, рост, агар маъмурият қарши бўлмаса, – сизларнинг азиз кишингизга айтадиган бирон гапингиз бўлса, уларга етказиб қўйишим мумкин...

Том тўнгиллади:

– Менинг ҳеч кимим йўқ.

Мен индамасдим. Том бир зум жим турди-да, сўнг қизиқсиниб сўради:

- Нима, сенинг Кончега айтадиган гапинг йўқми?  
– Йўқ.

Бундай гап-сўзларга сира тоқатим йўқ эди. Бироқ айб ўзимда: яқинда унга Конче ҳақида гапириб бергандим, афсус, тилимни тийсам бўларкан. Мен бир йилни Конче билан бирга ўтказдим. Ҳали куни кеча у билан беш дақиқа қўришиш учун қўлларимни болта тагига қўйишга ҳам тайёр эдим. Шунинг учун ҳам уни Томга гапириб бергандим, ҳеч юрагимга сифтиrolмагандим. Лекин энди уни қўришни истамасдим, унга нима ҳам дердим. Ҳатто уни қучоқлагим ҳам келмасди: ҳозир жиссимидан ўзим ижирганардим, чунки у бўздай оқарган ва шилимшиқ эди, унинг баданидан ҳам ижирганмасдим, деб ишонч-ла айтольмайман. Менинг ўлимимни эшитиб Конче қўзёши қиласди, бир неча ойлаб ҳаётдан озурда бўлиб юради. Лекин ҳар не деманг, ўладиган одам – Мен. Унинг мулојим боқадиган чиройли қўзларини эсладим: термилиб боққанда худди нигоҳидан менга бир нарсалар сизиб ўтаетгандай бўларди. Лекин энди бари тугади: agar ҳозир мени кўргандами, унинг нигоҳи ўзида қолган, бу нигоҳ сира менга етиб келмаган бўларди. Мен ёлғиз эдим.

Том ҳам ёлғиз эди-ю, лекин унинг ёлғизлиги бошқачароқ эди. Том чўк тушиб ўтириди-да, ажабсинган илжайиш билан тикилиб, ўриндиқни томоша қила бошлади. У худди бир нимани бузиб юборишидан қўрққандай қўлини оҳиста унга қўйди, кейин қўлини тортиб олиб, қалтираб кетди. Томнинг ўрнида бўлганимда мен ўриндиқни эрмак қилиб ўтирасдим, бунинг бари яна ўша ирландча комедиянинг нақ ўзи. Бироқ мен ҳам нарсалар аллақандай ғалати бўлиб қўринаётганига эътибор бердим: улар одатдагидан бошқача жимиirlаб, пирпираб қўринарди. Ўриндиқами, чироққами, қўмир уюмигами қараган заҳотим бир нарса аниқ туюларди: мен энди бу оламда бўлмайман. Рост, ўлимимни аниқ тасаввур қилолмасдим, лекин у ҳаммаёқда ва, айниқса, нарсаларда қўзимга ташла-

нарди, нарсалар мендан узоқлашиб бораётгандай, мендан олисроқда туришни истагандай эди – лекин улар буни худди одамлар каби ўлим түшагида ётган киши хузурида шивирлашиб сўйлагандай жимгина адо этар эди. Том ўриндик узра ҳозиргина ўз ўлимини сийпаб кўрганини мен тушунардим. Агар мана шу дақиқаларда менга, энди сени ўлдирмаймиз, bemalol хоҳлаган жойингга кетавер, деб эълон қилгандарида ҳам, бу мени ҳозирги лоқайдлигимдан чиқаролмасди: сен мангаликка қолиш умидини йўқотдинг, бу ёғига бир неча йил кутасанми ё бир неча соатми – бунинг нима фарки бор?! Энди ҳеч нарса эътиборимни тортмас, ҳеч нарса менинг хотиржамлигимга путур етказолмасди. Аммо бу жуда қалтис хотиржамлик эди, бунинг айбдори эса жисмим: кўзларим кўрар, қулоқларим эшитар, лекин бу мен эмасдим – жисмим бир зайлда қалтирас ва тер босарди, энди уни таний олмасдим. У энди менга эмас, кимгадир тегишли эди ва унинг нимага айланганини билиш учун дам сайин пайпаслардим. Ҳали ҳам вақти-вақти билан ҳарқалай уни хис этардим: мен қайгадир сирғаниб кетаётгандай, худди шўнғиган тайёра каби зувиллаб учайдан бўлардим, юрагим қинидан чиқиб кетгудай тасирлаб ураётганини сезиб қолардим. Бундан кўнглим жойига тушмасди: жисмим билан боғлиқ ҳамма нарса менга аллақандай ёпишқоқ, шилимшиқ, бетайин бўлиб туюларди. Аммо, умуман олганда, жисмим ўзини тек, осойишта тутарди, фақат мени ғалати бир оғирлик босган эди, кўксимга ғалати бир илон ёмон чирмашиб олгандай, назаримда, бутун аъзойи баданимни улкан бир қурт ўраб олаётгандай эди. Мен иштонимни пайпаслаб кўриб, унинг хўллигини пайқадим, лекин бу терданми, пешобданми, билолмадим, ҳар эҳтимолга қарши, кўмир уюми устига бўшаниб олдим.

Бельгиялик чўнтагидан соатини чиқариб қаради ва «Уч яrim», деди хотиржам овозда.

Аблаҳ! У атай шундай қилди! Том илкис сакраб турди – биз хаёллар билан чалғиб, вақт ўтаётганини

унутибмиз, тун қалқиб турган қоронфилиги билан бизни чирмаб олган ва тун қачон бошланганини сира эслолмасдим.

Бола фақир Хуан ҳиқиллай бошлади. У қўлларини қисирлатар ва қичқираади:

– Ўлишни истамайман, ўлишни истамайман!

У қўлларини олдинга чўзганча, ертўла ичини кесиб ўтди-да, бўйра устига қулади ва уввос солиб йиғлаб юборди. Том кўз олди хиралашган кўйи унга қаради: болакайни сира юпатгиси келмаётгани сезилиб турарди. Бунинг ҳожати ҳам йўқ эди: болакай биздан қаттиқроқ шовқин-сурон кўтараётган бўлса-да, лекин унинг азоби енгилроқ эди. У оғир касалдан иситма тутиб қутулаётган беморга ўхшарди. Бизнинг аҳволимиз анча оғирроқ эди.

У йиғлар, ўзига ачиниб кетаётгани кўриниб турар, лекин ўлимнинг ўзи нималиги ҳақида ўйламасди. Бир сония ичи, бир оний сония ичи мен ҳам ҳозир йиғлаб юборадигандай, ўз-ўзимга жуда ачиниб кетгандай туюлдим. Лекин аксинча бўлди: болакайга қараб, унинг титраган ориқ елкаларини кўрдим-да, ўзимни шафқатсиз бўлиб кетгандай сездим – мен энди на ўзим ва на бошқага раҳм қилишга қодир эдим. Ўзимга ўзим «Сен тик туриб ўлишинг керак!» дедим.

Том ўрнидан туриб, очиқ туйнук олдига борди-да, оқариб келаётган осмонга қарай бошлади. Мен эса ўзимга ўзим такрорладим: тик туриб ўлиш, тик туриб ўлиш – бошқа ҳеч нарса хаёлимга келмасди. Аммо бельгиялик бизга вақтни эслатиб қўйгандан бери мен унинг оқиб ўтаётганини ҳис қиласар, ҳақиқатан у томчи эди ва томчига айланиб оқиб бораарди. Ҳали кун ёришмаган эди. Том сўз қотди:

– Эшитяпсанми?

– Ҳа.

Ташқаридан қадам товуши келарди.

– Тонг қоронфисида нима қилиб санғиб юришибди! Бизни, ахир, қоронфида олиб чиқиб отишмас.

Бир дамдан сүнг жимлик чўқди. Мен Томга шивирладим:

– Кун ёришяпти.

Педро оғзини катта очиб, хомуза тортганча ўрнидан турди, чироқни ўчириб шеригига ўгирилди:

– Итдай совқотдим.

Ертўлага нимтатир ёруғлик тушди. Биз узокда милтиқ овозларини эшитдик.

– Бошланди, – дедим Томга. – Менимча, орқа томонда отишяпти.

Том бельгиялиқдан сигарет сўради. Менинг на ичгим ва на чекким келарди. Шу дамдан эътиборан улар бетўхтов отишга тушди.

– Тушундингми? – деди Том.

У яна нимадир демоқчи бўлди-ю, лекин жимиб қолди ва эшик томонга қаради. Эшик очилиб, тўртта аскар билан лейтенант кирди.

Том оғзидан сигаретини тушириб юборди.

– Стейнбок?

Том бесас қотиб туарди. Педро у томонга ишора қилди.

– Хуан Мирбал?

– Бўйрада ётган ўша.

– Тур ўрнингдан! – қичқирди лейтенант.

Хуан қимир этмади. Иккита аскар унинг қўлтиғидан тутиб, оёққа қўйди. Аскарлар қўйиб юборган эди, Хуан яна йиқилди. Аскарлар талмовсираб туришарди.

– Бунақаси бўлиб туради, – деди лейтенант. – Кўтариб олиб боришга тўғри келади, майли, ҳаммаси жойида.

У Томга ўгирилиб қаради:

– Чик.

Том чиқди, икки аскар икки ёнига турди. Бошқа иккитаси Хуанни қўлтиқ ва билакларидан тутганча олиб чиқишиди. Хуаннинг хуши ўзида эди, кўзлари катта-катта очилган, юзидан кўзёшлари оқиб тушарди. Мен ҳам эшик томон юрганимда лейтенант тўхтатди:

- Иббиета сизмисиз?
- Ха.
- Кутиб туринг. Сизга келишади.

У чиқиб кетди. Бельгиялик ва икки соқчи унга әргашди. Ёлғиз ўзим қолдим. Нима бўлаётгани менга коронги эди, ўзимга қолса, барини бирварақай тугатиб қўя қолишиларини истардим. Ўқ овози аниқ эши-тиларди, милтиқлар маълум вақт оралаб отиларди. Ҳар сафар милтиқ овозидан титраб кетардим. Увиллагим, соchlаримни юлгим келарди. Лекин тишларимни махкам босдим, қўлларимни чўнтагимга тиқдим: дадил бўлиш керак! Бир соатдан сўнг мени олиб кетишга келишди ва биринчи қаватдаги кичкина хонага олиб киришди, бу ер сигара тутунига тўлган, шундай дим эдики, бўғилиб нафасим тикилди. Иккита зобит юмшоқ ўриндиқларга чўкиб, сигара бурқиситишар, тиззалари устида қофозлар ёйилган эди.

- Исми шарифинг Иббиетами?
- Ха.
- Рамон Грис қаерга яширинган?
- Билмайман.

Мени сўроқ килаётгани семиз пакана киши эди. Унинг кўзлари ойнак остидан менга ўқдай қадаларди.

- Яқинроқ кел, – деди у менга.

Яқин бордим. У ўрнидан туриб, худди жаҳнаннамга кулатиб юборадигандай менга ўқрайиб қаради, қўлимни қайира бошлади. Мени қийнаш учунгина шундай қилмади, унга шунчаки эрмак керак эди: ўзининг ҳукмдорлигини кўрсатиб қўймоқчииди. У башарасини менга тақади, димомимга балчик ҳиди урилди. Бу бир дақиқача давом этди, мен кулгидан ўзимни базўр тиярдим. Ҳализамон ўладиган одамни қўрқитиш учун бошқа кучлироқ бир нарса керак, шунинг учун унинг дўқ-пўписаси зое кетди. Кейин у мени қаттиқ итариб юборди-да, яна жойига ўтирди.

– Ё сен, ё у, – деди у. – Агар унинг қаердалигини айтсанг, ҳаётингни сақлаб қоламиз.

Баланд қўнжли этик кийган ва бўйинбоғ таққан манави нусхалар ҳам эртадир, кечдир, барибир ўлади. Рост, балки мендан пича кейинрокдир, лекин унча кўп эмас. Улар олдидағи қофозлардан қандайдир исмларни тортиб чиқаришар, қамоқقا тикиш ёки отиб ташлаш учун одамларни қув-қувга оларди, Испаниянинг келажаги ва бошқа кўп нарсалар хусусида уларнинг ўз қарашлари бор эди. Уларнинг файрати жиғимга тегар, кулгили кўринарди, улар вос-вос бўлиб қолганга ўхшар, мен уларнинг ўрнида бўлишни сира истамасдим.

Одамнинг кулгисини қистатадиган семиз пакана нусха таёқчаси билан қўнжига ура-ура кўзини мендан узмай қаарди. Унинг барча хатти-ҳаракатлари аниқ ҳисобга олинган, ўзини жуда қаҳрли маҳлук қилиб кўрсатмоқчи бўларди.

– Хўп, нима, тушундингми?

– Грис ҳозир қаердалигини билмайман, – дея жавоб бердим мен. – Эҳтимол Мадриддадир.

Иккинчи зобит эринибгина кўлини кўтарди. Бу эринчоқлик ҳам аввалдан ҳисобга олинган эди. Мен уларнинг олдиндан пишитиб қўйилган барча усуllibарини аниқ кўриб турар ва шундай аҳмоқона нарсалардан ҳам роҳат қиласидиган одамлар борлигидан ажабланардим.

– Биз сизга ўйлаб кўриш учун чорак соат вақт берамиз, – деди у. – Буни кирхонага олиб боринглар, чорак соатдан сўнг олиб келинглар. Агар бош тортса, дарҳол отиб ташланглар.

Аблаҳлар, нима қилишни билишади: мен бир кеча кутдим, кейин ертўлада яна бир соат ўтирдим, Хуан билан Томни бу пайт ичида отишди, энди эса мени кирхонага қамаб қўйишмоқчи – шак-шубҳа йўқки, буни улар кеча маслаҳатлашиб қўйишган. Унинг асаблари бу қисти-бастиларга дош бермайди, таслим бўлади, деб ўйлашган. Лекин чакки ўйлашибди. Мен, албатта, Грис қаерга яширганини билардим. У шаҳардан тўрт чақирим наридаги амакилариникида беркинган

эди. Агар мени қийноққа солишимаса (афтидан, улар бундай қилишмоқчи эмасди), хеч қачон унинг қаерга яшириングанини айтмайман, буни жуда яхши билардим. Буларнинг бари менга кундай равшан эди, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, умуман, бу мени заррача ҳам қизиқтирмасди. Шундай бўлса ҳам, барibir нега ўзимни бундай тутяпман, нега бошқача эмас, деб тушуниб олишни хоҳлардим. Нега мен Рамон Грисни чақиб бериш ўрнига ўлиб кетишни афзал биляпман? Нега? Ахир, энди Рамонни яхши қўрмасдим. Унга бўлган дўстлигим кеча тонг коронфисида тугади, Кончега муҳаббатим ҳам, яшаш истагим ҳам тамом бўлди. Рост, мен уни доим ҳурмат қилиб келганман. У мард, матонатли одам. Лекин фақат шунинг ўзи деб унинг ўрнига ўлишга рози бўлганим йўқ: мен учун унинг ҳаёти ўз ҳаётимдан қимматлироқ эди – ҳар қандай ҳаёт сариқ чақага арзимайди. Одамни деворга тақаб қўйишиб, то жони чиққунча тариллатиб отишса: бу ким бўлмасин, менми, Рамонми ёки бошқа бир кишими – бир қарашда ҳаммаси баробар. Мен яхши билардим: у Испанияга кўпроқ керак эди, лекин энди мен Испанияга ҳам, анархизмга ҳам тупурардим: энди ҳеч нарсанинг маъноси қолмаган эди. Бироқ шу ерда эканман, Рамон Грисни ушлаб бериб, ўз жоними ни қутқаришим мумкин, аммо мен бундай қилмайман. Эшакдай қайсарлигим ўзимга галати бўлиб қўринарди. «Э, одам деган шунчалик аҳмоқ бўладими!» – дердим ўзимга ўзим. Ҳатто кўнглим озгина ёришгандай бўлди. Яна келишиб, мени ўша хонага олиб кетишди. Оёғим остидан каламуш лишиллаб ўтди. Бундан ажабландим. Мен фаланга аскарларидан бирига шипшидим:

– Қара, каламуш.

Соқчи индамади. Унинг қовоғи солингган, ҳамма нарсани жиддий қабул қиласарди. Менинг ҳаҳолаб култим қистади, аммо ўзимни тутдим, агар бир кулишни бошласам, кейин ўзимни тўхтатолмайман, деб чўчидим. Фаланга аскари мўйлов қўйган эди.

– Мўйловингни қириб ташла, бетамиз, – дедим унга.

Одам ҳали ҳаётлиги чоғида башарасининг жун бошига йўл қўйиши жуда кулгили туюларди. У беозоргина қилиб орқамга тепди, мен жим бўлдим.

– Хўш, – деди семиз пакана, – ўйлаб қўрдингми?

Мен худди ноёб ҳашаротга қарагандай унга қизиқсиниб қўз солдим-да, жавоб бердим:

– Ҳа, биламан унинг қаердалигини. У қабристонга яширинган, мақбара ёки қоровулхонада бўлиши керак.

Мен уларни бир болагим келди. Сакраб туриб, апил-тапил қурол-яроғларини олиши, чаққон-чаққон буйруқлар беришини бир томоша киласай дедим. Улар ҳақиқатан ҳам жойларидан сакраб туриб кетишиди.

– Кетдик. Молес, лейтенант Лопесдан ўн бешта одам олинг.

– Агар тўғри айтган бўлсанг, – деди пакана, – сўзимнинг устидан чиқаман. Агар бизни лақиллатаётган бўлсанг, жонингдан умидингни узавер.

Улар тасир-тусир қилиб хонадан чиқиб кетишиди, мен эса соқчилар назоратида хотиржамгина ўтирадим. Бақт-бевакт иршайиб қўярдим: уларнинг қабристон томонга лўқиллаб бораётганини қўз ўнгимга келтирава бундан кулгим қистарди. Бу ишни жуда қойил қилгандай эдим. Уларнинг мақбаралар эшигини очаётгани, мозор тошларини кўтараётгани шундоққина қўз ўнгимда жонланарди. Буларнинг барини бегона қўз билан кўраётгандай эдим: қайсар маҳбус, ўзини қаҳрамон қилиб қўрсатмоқчи бўлган қайсар маҳбус, басавлат мўйловдор фаланга ҳарбийлари, гўристонда қабрлар оралаб изғиб юрган аскар кийимидағи кишилар... ҳақиқатан ҳам, бундан қизиқроқ манзарани ўйлаб топиш мумкинми?! Яrim соатдан сўнг семиз зобит қайтиб келди. Ҳозир мени отиб ташлашга буюради, деб ўйладим. Бошқалари, гўристонда колган шекилли. Аммо зобит менга диққат билан разм солди. У сира лақиллатилган зотга ўхшамасди.

— Уни катта ҳовлига, бошқаларнинг олдига олиб боринглар, — деди у. — Ишини жанг тугагандан сўнг трибунал ҳал қиласди.

Уни яхши тушунмадимми, деган хаёлда сўрадим:

— Нима, ахир мени отишмайдими?

— Ҳар холда ҳозир эмас. Ундан кейин бунинг менга алоқаси йўқ.

Мен ҳамон ҳеч нарсани тушунмасдим.

— Лекин нимага?

У индамай елкасини қисди, аскарлар мени олиб кетишиди. Катта ҳовлида юзларча қамоққа олингандар, чоллар, болалар тўдалашиб турарди. Ҳеч нарсага ақлим етмай, ўртадаги кўкатзор атрофида кезиниб юрдим. Тушда бизни ошхонага олиб боришиди. Икки-уч одам мен билан тиллашишга уринди. Афтидан, танишибилишлар бўлса керак, лекин уларга жавоб бермадим: мен энди қаердалигимиз, ўзим кимлигимни англамасдим. Кечга яқин ҳовлига ўндан ортиқ янги қамоққа олингандарни киритишиди. Улар орасида новвой Гарсияни танидим. У менга қараб қичқирди:

— Омадинг бор экан! Сени тирик кўраман деб ўйламовдим.

— Улар мени отишга ҳукм қилишиди, — деб жавоб бердим унга, — кейин қайтаришиди. Негалигини тушунмайман.

— Мени соат иккода қўлга олишиди, — деди Гарсия.

— Нимага?

Гарсия сиёsat билан шуғулланмасди.

— Ҳеч ақлим етмайди, — жавоб берди Гарсия, — уларга ўхшаб ўйламайдиганларнинг ҳаммасини тутишияпти.

У овозини пасайтирди:

— Грис қўлга тушди.

Мен сесканиб кетдим:

— Қачон?

— Бугун эрталаб. Тентаклик қилиб қўйди. Чоршанба куни укаси билан уришиб, униқидан кетиб қолди.

Уни яшираман деганлар кўпчилик эди, бироқ у ҳеч кимни зарба остига қўйгиси келмади. У менга «Иб-бietetаникида беркинсам бўларди, лекин уни қамаган бўлишса, унда қабристонда яширина қоламан», деди.

– Қабристонда дейсанми?

– Ҳа. Бемаъни бир иш. Бугун эрталаб анавилар қабристонга бостириб боришиди. Уни коровулнинг кулбасида босишиди. Грис ўқ отиб қаршилик кўрсатди, уни отиб ташлашди.

– Қабристонда-я!

Кўз ўнгим хиралашиб, бошим чайқалиб кетди, ерга қулладим. Мен ўзимни тўхтатолмай хаҳолаб кулар, кўзларимдан ёш дарё бўлиб оқарди.

*1939 йил*

*Русчадан Иброҳим ФАФУРОВ*

*таржимаси*



---

**Дино БУЩАТИ,  
итальян ёзувчиси**

**(1906-1972)**

---

### **ТАҚИҚ**

**Н**имасини айтасиз, бизда шеърият тақиқланғанидан буён ҳаёт бошқача бўлиб қолди. Энди на аввалги кўнгил озишлар, на юрак ўйнатувчи илҳомланишлар, на бехуда хаёлпастликлар бор. Иш – ёлғиз ана шу нарса ҳақиқий қадриятга айланди; одамзод минг йиллардан буён нечук бу ҳақиқатни англаб етмади экан – акл бовар қилмайди.

Халқни миллат баҳт-саодати йўлида айнан буюк ишларга даъват этувчи, муҳтарам назоратчиларимиз элагидан ўтган айрим гимнларгина одатдаги чегарадан чиқмайди, холос. Аммо уларни шеър деб бўладими? Не баҳтки, улар шеър эмас. Улар меҳнаткаш омманинг руҳини чинқитиради-ю, бироқ тизгинсиз ва ўйноқи хаёл парвозига халал бергани берган. Масалан деганингизда, бизда ҳалигидака севги қийноқларига гирифтор бўлган юраклар шарҳига имкон борми? Кора меҳнатдан бошқасини билмайдиган бизнинг жамиятимизда халқнинг руҳий қуввати ҳеч бир фойдаси йўқ – буниси шундоқ ҳам барчага аён – завқу сафога бой берилишига тоқат қилиб бўладими, ахир?!

Табиийки, ҳаётни бу қадар кенг миқёсда яхшилашга қаратилган тадбирларни қучли ҳукумат кўмагисиз амалга оширишнинг имкони сира ҳам топилмаган бўларди. Ноиб Ниццари бошқараётган бизнинг ҳукумат айнан ана шундай – қучли ва шунинг баробарида демократик ҳукуматдир. Боз устига денг, демократия-чилик унга зарур фурсатда – шуниси каммиди энди! – чўяндек муштини ишга солиб қолишга ҳаргиз монелик

қилмайди. Шеъриятни тақиқлаш ҳақидағи қонуннинг ашаддий тарафдорларидан бири Тараққиёт вазири ноиб Вольтер Монтикъяриди. У, нафси ламрини айт-ганда – миллат иродасининг ифодачиси ва мудом, таъбир жоиз кўрилса, юксак демократиявий ғоялар йўлини тутиб келган шахс. Халқ руҳиятнинг бундай чиркин ҳолати ифодаланган матоҳни ўқиб ўтиришга тоқат қиломаслиги-ку, кундек равшан бир нарса эди. Гап бу муносабатни бутун жамият баҳт-саодати учун қатъий ҳуқуқий меъёrlар асосида мустаҳкамлаб кўйишида қолган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун фуқарога қўпам ташвиш келтирмайди. Зеро, камдан-кам қонунларгина халқ учун ушбу қонун каби безиён бўлиши мумкин. Тўғри-да, бизда шу пайтгача ким ҳам шеър ўқибди дейсиз! У бирор мардумнинг газагига дори бўлганмидики, ўқилса? Қонунда ман этилган шеърий битикларни давлат ва хусусий кутубхоналардан териб олиш ҳеч бир кийинчиликсиз амалга оширилди; боз устига, бу тадбир, гўё елкамиз оғир юқдан ниҳоят халос этилгани каби, умумий бир кўтаринкилиқ ва мамнунлик вазиятида кечди. Махсулот ишлаб чиқариш, буюк иншоотлар қуриш, тараққиёт кўрсаткичларини тобора ошириш, саноат ва савдони мустаҳкамлаш, миллий салоҳиятимизни юксалтириш мақсадидаги илмий изланишларни қўллаб-кувватлаш, нақлиётни муваффакиятли ривожлантириш учун янада қўпроқ куч-кувват сарфлаш (қандай ажойиб сўз!) – дангалини айтадиган бўлсак, мана, поэзия дегани нима, муҳтарам ватандошлар! Яшасин техника, аниқ ҳисоб-китоб, талабни, тонналарни, метрларни, баҳо кўрсаткичларини, бозор нархларини, таннарх ва санъат асарлари деб аталувчи матоҳларнинг (агарда улар зарур деб топилса) ҳаётийлигини синчилаб ўрганишга асосланган турмуш тарзи!

Ноиб Вольтер Монтикъяри қирқ беш ёшда. У хийла новча ва салобатли зот; ана қўшни хонадан унинг хандон отиб кулгани эшитилмоқда, (Унга кекса шоир Освалдо Каннинг қандай адабини берганлари ҳақида

хикоя қилмоқдалар. «Ахир, мен энди шеър ёзмаяпман-ку, – дея қичкирди у шўрлик, – онт ичаман, ўн беш йилдирки шеър ёзмайман! Дон сотиб кун қўряпман – тамом-вассалом». «Лекин авваллари ёзардинг-ку, ҳайвон!» – Бежирим кийинган, бошига шляпа бостириб, қўлига ҳассатаёқ тутган чолни шундай ҳақоратлар ила ахлаттепага улоқтиридилар). Ноибининг кулгисига қулоқ туting, қандай кулмокда? Ҳа, ишонаверинг, бу одам ўзига пишиқ ва унча-мунчага қоқилмайди. Айвон панжарасига аранг суюниб, кечки шафақ либосидаги осмонга термуладиган ва гўзал хонимлар ҳақида байтлар ўқидиган лапашанглар ҳам одам бўптими! Монтикъяри уларнинг юзтасига татииди!

Умуман, бўларини айтадиган бўлсак, ноибни қуршаган оламда ҳамма нарса аниқ ва ижобийдир. Ўзи ҳам мутлақо тошбагир одам эмас. Иш хонаси деворларига таниқли мусавиirlарнинг асарлари осиб ташланган; улар кўзни жимиirlатиб, юракка дахл қилмайдиган мавҳум чизмалардир. Бу ерда хона соҳибининг – поки-за маънавий қадриятлар ҳомийсининг бекиёс мусиқий таъбидан далолат берувчи оҳанг тасмалари ҳам мавжуд; табиийки, улар орасидан Шопеннинг чучмал асарларини топишингиз амримаҳол, аммо Хиндемитнинг барча мусиқалари тўла-тўкис йиғилган. Кутубхоналар тўғрисида гап очадиган бўлсак, у ерда илмий асарлар ва хужжатли китоблардан ташқари, хордик чиқарар кезларда ўқиш учун мўлжалланган кўнгилочар асарлар ҳам етарлича. Шубҳасизки, булар барчаси – ҳаётни ҳеч бир қўшиб-чатиш ва лўттибозликларсиз, ҳақиқий тусда тасвирашга ҳаракат қылган муаллифларнинг китобидир; уларни мутолаа қила туриб, худога шукрки, кўнглингизга ғулгула тушиши ва демакки, тарбиянгиз бузилишидан ташвишга тушмайсиз – гарчи аввалги замонларда (энди бунга ишониш қийин) бундай ҳолга йўл қўйилибгина қолмай, рағбатлантирилган бўлса-да, унга мутлақо ақл бовар қилмайди.

Ноибининг қаҳқаҳаси ёқимли, эшишиб маза қиласиз. Бу қаҳқаҳа замираida қанчалар қудрат, иродা, умид,

амалий ишга ишонч яширин! Лекин у биз тасаввур этаётган каби хотиржамми? Шеър деган ярамас матоҳ таг-туғи билан қуритилганига унинг ишончи комилми?

Бир куни оқшом маҳали у уйида қандайдир маълумотномани кўздан кечириб ўтирас экан, ҳузурига хотини кириб келди.

– Вольтер, сен Жоржина қаёққа даф бўлганини билмайсанми? – деди у ҳовлиқкан ҳолда.

– Йўқ, хабарим йўқ. Нима, бирор кор-ҳол юз бердими?

– У, бориб дарсимни тайёрлайман, деган эди. Аммо хонасида йўқ. Чакириб ҳам кўрдим – бирор сас-садо эшитилмайди. Қидирмаган жойим қолмади.

– У, ҳойнаҳой, боғда бўлса керак.

– У ерда ҳам йўқ!

– Унда бирор дугонасиникига кетгандир-да?

– Алламаҳалда-я? Нималар деб вайсаяпсан, ана, пўстини дахлизда осиғлик турибди-ку!

Эр-хотин хавотирга тушиб, бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб чиқишиди. Қани, қиз топила қолса! Монтикъари ҳатто томга ҳам чиқиб кўришга аҳд қилди – хечкурса, вижданни хийла таскин топади-ку. Бу ерда – том шифтига тиralган тўсинглар остида бир уюм бўлиб ётган латта-путта, эски лаш-лушлар устида сокин ва сирли шуъла ўйнайди. Ёруғлик том шифтидаги ярим доира шаклидаги туйнукдан тушмоқда эди. Уни кимдир очиб қўйган. Анчагина аёз бўлишига қарамай, унинг қизи, гўё самога маҳлиё бўлган каби, қўллари билан туйнукка ёпишиб, жим қотиб турарди.

Танҳо ўзи бу ерда нима қиляпти? Ноибнинг кўнглида аламли, нохуш шубҳа бўй кўрсатди ва у зўр бериб ундан халос бўлишга тиришди. Бироқ бари бехуда.

У билдиригина қизини қузата бошлади, қиз эса бояги ҳолича миқ этмай, бор вужуди билан кўзларини катта очиб, қандайдир мўъжизанинг шоҳиди бўлган каби, узок-узоқларга термуларди.

– Жоржина! – Кизча сапчиб тушди ва жонҳолатда қайрилиб қаради, юзи бўздек оқариб кетган эди. –

Сен бу ерда нима қиляпсан? – У лом-мим демади. – Сен бу ерда нима қиляпсан? Гапир!

- Ҳеч нарса қилаётганим йўқ, тингладим, холос.
- Тингладинг? Нимани тингладинг?

Жоржина бошқа бир сўз демасдан пастга чопиб кетди, зинадан унинг ўкириб йиғлагани эшитилди ва аста-секин йифи товуши узоқлашиб борди.

Ноиб туйнукни ёпди, аммо кетишдан олдин тепага бир нигоҳ ташлади: унинг шубҳалари тарқамаган эди. Жоржина у ерда нимани кўриб қолдийкан? Қизик, бу ерда тинглайдиган нарса борми? Лекин шунга қарамай... Ахир, бу ердан томларнинг бўғотию шипшийдам дараҳтлар, шоҳкўчанинг нариги томони бўйлаб чўзилган завод корхоналири ўн беш кунликлар чамаси бўлиб қолган, шаҳарга ойдин тус бериб, одатдагидек шуълалар таратувчи бўзарган ой,узун соялару булутларнинг товланишидан ўзга ҳеч вақо кўринмайдику?! Берилиб тинглайдиган бирон бир товуш ҳам йўқ. Томлардаги эски тўсинларнинг ғичирлаши ва шахар бўйлаб таралиб, оҳистагина – кечанинг айнан шу дақиқаларидағи ишлаб чиқариш суръатининг табиий ҳолда пасайиши тўлиқ мос равишда тинчиб бораётган, нафас сасига ўхшаш қулоққа зўрға чалинадиган товуш бор, холос. Барчаси шу қадар оддийки, ҳеч бир қизифи йўқ. Эҳтимол... (Том совуқ, черепицалар оралиғидаги тирқишлирдан муздек ҳаво сизиб чиқади.) Эҳтимол, айнан ўша ерда – тўлишаётган ой нури билан баногоҳ ўзгача тусга кирган томлар устида, инсоф билан айтганда, ҳатто ноиб Монтиқъарининг ўзи ҳам буни инкор этишга журъят қилолмайди – бу кажрафтори фалакнинг ўзидек қадим шеър деган бало пусиниб, ненидир кутиб ётгандир? Қарангки, ҳатто болакайлар, шу покиза вужудлар ҳам, гарчи ҳеч бир зот у ҳақда гапирган бўлмаса-да, ўша балонинг таъмини ҳис этади. Бутун шаҳарда шу аҳвол! Гўё қандайдир фитнага ҳозирлик кўрилаётгандек. Маълум бўладики, бу лаънатини қонунлар билан ҳам, жазолар билан ҳам, оммавий мазахлаш билан ҳам гумдон этишнинг имкони йўқ

экан-да! Демакки, улар эришган нарсалар бор-йўғи бўхтон, жаҳолатини мукофот билиб мунофиқларча мақтаниш, қалбаки эътиқоддан иборатми? Хўш, Монтиқъярининг ўзи-чи? Наҳотки унинг кўнглида ҳам шеър туйфуси яшириниб ётган бўлса!

Салгина фурсат ўтиб меҳмонхонада хотини рўбарў келдию саволга тутди:

– Вольтер, нима, бугун мазанг йўқми? Рангингда ранг қолмабди-я!

– Кўйсанг-чи бу гапингни. Мен ўзимни отдек хис қиляпман. Ҳатто вазирликка бориб келсамми деб турибман.

– Шу пайтда-я? Бир тишлам нон ҳам емасдан-а?

Монтиқъярининг кўнгли алағда. У уйдан чиқди, аммо машинага ўтиришдан олдин бир лаҳза хаёлга толди. Бугун не боис ой бу қадар ёп-ёруғ? Ва ўзича бундай хаёл не оқибатларга сабаб бўлишини чамалаб қўра бошлади. Соат аллақачон ўн яримга бориб колибди, шаҳар кун бўйи давом этган оғир меҳнатдан сўнг тинчид, ором ола бошлаган. Не бўлганда ҳам унинг назарида бугунги оқшом ҳавонинг ўзи қандайдир бошқача, унда аранг илғаб олинадиган ҳаёт зарби, анави, деярли қоп-қора соялар оғушида қандайдир тушункисиз кучлар хукм сураётгани сезилади; бамисоли кимлардир қувурлардан чиқаётган тутунлар, дараҳтлар танаси, ўчириб қўйилган ёнилғи қозонлари ортига яшириниб, бир-бирига зўрға англашиладиган ишоралар қилаётгандек; гўё кимнингдир исёнкор туйгулари тун паранжиси остида бетиним шеърни кутқариш чорасини излаётгандек ва дафъатан уни топадигандек...

Ҳатто Монтиқъярининг ўзи ноилож ҳолда эътироф этадики, уни ҳам қандайдир ғалати туйфу азобга солмоқда. Не қилсинки, осмон гумбази остидан унинг бошига ҳам шуълалар маржони ёғилмокда эди. Не чора борки, унинг ёғилиши ҳукумат қарорига батамом зид эди! Гўё уст-бошига кўзга кўринмас ўргимчак тўри илашиб қолган каби, у беихтиёр этнидан нималарни дир сидириб ташламоқчи бўлди.

У беихтиёр сергак тортиб, машинани ҳайдаб кетди. Нихоят, шахар марказига етиб келди-ю, ўзини бир оз енгил тортгандек сезди. Бу ердаги нурафшон чироқлар – ҳарқалай, унга шундай туюлди – ой шуъласидан кўра ёркинроқ бўлиб кўринарди. Монтикъяри вазирлик биносига кирди ва кенг зинадан чикиб, сокин йўлак бўйлаб иш хонаси томон юрди. Чироқлар ўчирилтани боис деразадан ўша лаънати ёғду тушиб турар эди. Фақат бир эшик тирқишидан чироқ нури милтираб кўринарди. Вазир ўша эшик ёнида тўхтади. Бу – мудом рақамларга кўмилиб юрадиган илмий тадқиқот бўлиммининг бошлиғи, ўта расмиятчи ва ижрочи профессор Каронеснинг хонаси эди. Ажабо, унга не бўлди экан? Ноиб Монтикъяри эшикни оҳиста очди.

Каронес у тарафга орқа ўгириб ўтиради. Столи устида мўъжазгина чироқ шуъла сочиб турар, у бўлса бот-бот тўхтаб ва анчагина хаёлга толиб нималарни дир қофозга битар эди. Бундай лаҳзаларда у ўзи ҳам билмаган ҳолда қаламни лабига босар ва илҳомини ахтарган каби, нигохини айвондаги ой нурига йўғрилган шиша эшикка қадарди.

Бу оқшом Монтикъяри яна бир инсонни файриодатий ва хатто нораво машғулот устида қўлга туширмоқда эди. Илгарилари Каронес ҳеч қачон ишда бу қадар кеч қолиб кетмасди.

Монтикъяри серпат гилам устидан жимгина юриб, Каронеснинг тепасига келди ва унинг елкалари оша астагина эгилиб, профессор қоралаётган қофозга кўз кирини ташлади:

*О забонсиз ёгду, сен нечук  
Маъдан корхоналарининг қоп-қора қурум  
Деворлари оша чиқасан кулиб?  
Афсонавий сехрли чироқ  
Тилсиз тошни ёритди ҳатто.  
Сенга борар иўл лекин узоқ –  
Бир умрлик иўл эруррасо!  
Мен толикқан нигоҳим билан  
Атрофимга қарайман, ҳайҳот!*

*Сенинг нуринг этар намоён:  
Қандай ғарип бизнинг бу ҳаёт!  
Күп сехрли ва танти дунё,  
Үн беш күнлик ой,  
Нарсалар олами...  
Ўзинг айирмагин булардан, Худой!*

Шу мисраларни ўқигач, вазир бир қўлини Каронес-нинг елкасига қўйди ва бундай деди:

– Профессор, шу иш сиздан чиқдими?

У бўлса қўрқувдан тош каби қотиб, нималардир деб валдирарди.

«Профессор, шу иш сиздан чиқдими?!» Аммо шу онда қўшни хонадаги телефон жиринглаб қолди, кейин яна қайдадир узоқда – йўлакнинг охирида телефонга тил киргандек бўлди. Сўнгра учинчи, тўртинчи бор телефонлар жиринглай кетди... Ва шу тариқа сокинлик қўйнидаги бинода, гўё жавонларга, чанг босган пардалар ортига бекиниб олган юзлаб одамлар орзиқиб қутилган ишорадан ниҳоят хабар топгани каби, сирли равишда ҳаёт қайта жонланди. Дастлаб кимларнингдир мўралаб қарагани қулоққа чалинди, кейин бутун теварак-атроф шивир-шивир гаплар сасига тўлди. Сўнг-сўнг кимларнингдир таниш овозлари, нимагадир даъват этгани, шартта-шартта буйруқ бергани, эшикларнинг шарақлаб очилиб-ёпилгани, югуриб бораётган одамларнинг олатасир шовқини, узоқдаги бақирчақирлар эшитилди...

Монтикъяри эшикни ланг очиб, айвон тарафга на-зар ташлади. Вазирлик теграсидаги боғда нимадир бўлгану барча чироқлар ўчган. Бунинг оқибатида ой нури янада ёрқинроқ ва нохушроқ кўзга ташланади. Икки ёки уч киши қўлларида машъала туттган ҳолда ойдин шуълага бурканган хиёбондан чопиб кетди. Кейин ёш ўспирин қизил камзулини силкитиб, от чоптириб ўтди. Ана, бино ўртасидаги равоннинг икки тарафига башанг кийинган, кўзни қамаштирувчи қилич таққан иккита ҳарбий келиб турди. Ана, улар


қиличларини самога ирғитдилар. Йўқ, улар – қилич эмас, фалаба мушаклари. Ноғора-карнайнинг янгроқ овози бир тарағанды оломон тепасидаги тилла равоқ каби, ҳавода муаллақ туриб қолди.

Монтиқъярига ҳеч бир изоҳнинг хожати йўқ эди. Шундоқ ҳам барчаси тушунарли: инқилоб юз бердию унинг вазирлиги қулатилди.

---

**Макс ФРИШ  
швейцариялик  
ёзувчи  
(1911-1991)**

---



## БИР ҲАЛОКАТ ҲИСОБОТИ

**И**ўл аслида уники эди, бинобарин, у айбдор эмас. Монпелье яқинида чап томондан тирка-мали юк машинаси чиқиб қолди. Туш маҳали эди, қуёш чараклаб турарди, йўлда машина сийрак...

Марлис – сочи калта қиркилган оқкува жувон, қаншарида пўрим бинафшаранг кўзойнак, шимидағи сербар камар жез тўғали. Ўттиз беш ёшларда, ўзи Базелдан, ўта зукко, ҳозиржавоб. Танишганларига бир йил бўлай деб қолган.

«Мен ҳайдасам-чи?» деган гап ҳалокат содир бўлишидан олдин аёлнинг оғзидан чиқкан сўнгти илтижо эмас эди (аммо нимагадир кейин унга доим шундай туюлаверади); мошинада юрган кезларида шўрлик нуқул «мен ҳайдай, мен ҳайдай» деб Викторни ҳолжонига қўймасди.

Авиньонда, Марлис хали уйқудалик чоғида, Виктор ваннага қамалиб олиб, бош қотира-қотира узил-кесил қарорга келган: бас, етар! Нонушта пайти (ади-бади айтишиб ўтирамай), «Бўлди, шу ердан орқага қайтамиз, васссалом», дейди. Шундай бўлгани маъқул чамаси.

Улар Виктор ишлайдиган касалхонада танишган. У – врач, омон қолгани учун аёл ундан бир умр миннатдор; шу халоскорини деб эри билан ҳам ажрашган.

Бемор бошида ўтказилган беҳаловат тунлар, мөймөрлик обидаларининг қайси услугга дахлдор экани борасидаги баҳслар (готиками ёки роман), ўтган ҳар кун бамисоли бир имтиҳон: модомики Авиньонда экансан, папалар тарихини билмоғинг шартдек. Билган билмаган нарсаларини аёл шу қадар ўжарлик билан сўраб-суриншиардники, нодонлигини ўйлаб Викторнинг ҳатто ўзидан кўнгли қолиб кетарди. Ахир, бу аёлни ростдан ҳам XIV асрда Рим папаси Авиньонга нега хижрат қилгани қизиқтиурса, буни ҳар қандай маълумотномадан билиб олса бўлади-ку. Лекин гап папалар тарихида эмас экан. Кейинчалик ҳамтўшак бўлганларида аёл унга ўшанда бой берган ишончини қайтаргандек бўлди.

У бўйдоқ, уйланмаган.

Бу галги саёҳатдан аёл беҳад мамнун. Муттасил ёмғир ёғиб турган Генуядан бу ёғига нуқул шу гапни тақрорлайди. Бора-бора кун очилиб кетди. «Йўлга андармон бўлиб теварак-атрофдаги ажойиботлардан бебаҳра кетяпсан-а», деб қўяди аёл гоҳида. Айникса, у Прованс деган манзилга мафтун бўлди, машинада кетатуриб баъзан хиргойи ҳам қилиб қўяди.

У – тепакал, буни ўзи билади.

Унинг назарида ҳам Экс-ан-Прованс хийла кўркам жой, ҳатто жуда хушманзара дейиш мумкин. Аммо бу гапга аёлнинг энсаси қотади, чунки икки кўзи йўлда бўлиб, у хеч қаёққа қарамаётган, хеч нарсани кўрмаётган эмиш.

Шаҳарчанинг номи Кавайон эмас, Кавайон экан, у сарсабил экиладиган катта-катта майдонлари билан донг таратган. Дарвоке, кеча аёл унга шу ҳақда гапирган. Гапи рост чиқади: сал ўтмай йўл четида «Кавайон» деган лавҳа кўзга ташланади. У чурқ этмайди ва қизил чироқни «босиб» ўтади.

Мехмонхонадаги ётоқ тўшаги кенг-мўлгина экан. Аёл дарҳол шунга чўзилиб олиб, «Фигаро литерер» газетасини ўқимокқа тутинади, унинг эса бунақа нарсаларга «тиши ўтмайди». Аёл – роман филологияси бўйича мутахассис, фан доктори.

Кечки таомни улар Ниццада дўстлари даврасида қилишади, зиёфат қўнгилли ўтади (*bouillabaise*<sup>1</sup>), аммо аёл кейин унга ўтириш чофи нуқул овқат ҳакида гапирдинг, дея дашном беради. Яқин одамингизга шундай танбеҳ беришингиз мумкин, албатта. Виктор бўлса шундан сўнг овқат тўғрисида оғиз очмасликка қарор қиласди ва ҳатто тушлик маҳали Марлис таомдан сўз бошлаганида (бу хол айниқса, Францияда таомилга айланган) у атай гапга қўшилмай, миқ этмасдан ўтираверади.

Бу уларнинг илк саёҳати эмас. Аёл соғайиб кетганидан кейин улар дастлаб Эльзасга боришган. Илгарилари у анча хушчақчақ эди, врачлигимга учб мен билан юрибсан дея хазиллашиб, Марлиснинг жигига тегиб ҳам қўярди.

У ҳали бирор марта ўсалроқ йўл ҳалокатига учрамаган, шунга қарамай, агар Марлис эҳтиёт камарини тақиб олса, айни қўнглидаги иш бўларди. Аксига олиб у ҳеч қачон камарни тақмайди – Виктор баттар тез ҳайдайди деб қўрқади. У эса энди секинроқ юраман, мана кўрасан, дея ишонтиromoқчи бўлади. Секин юради ҳам. Каниндан бу ёғига. Аммо Марлис индамай кетаётган бўлса-да, спидометрга кўз ташлаб-ташлаб қўяётганини сезадию унга гап қўшгиси ҳам келмай қолади. Виктор ўзининг диққинафас одам эканини ўйлаб «уф» тортади.

---

<sup>1</sup> Саримсоқпийёз ва зиравор қўшиб тайёрланган балиқ шўрва, Франциянинг жанубида кенг тарқалган таом (франц.)

Авиньонда ваннадан чиқибоқ, у аёлга «Пастда күтаман» дедиу жадал эшик томон йўналди. Нима бўлди экан? Марлис ҳайрон. Толиқиб қолдимиликан ё?

Марлис ақлли одамларга, айниқса, эркакларга тан беради, негаки уларни аёллардан кўра заковатлироқ деб билади. Бирор ҳақида гапирганда ҳам «Ҳа-а, у каллали одам» ёки «Уни ақлли деб бўлмайди» деб кўяди, кўпинча. Аммо бирор кимсага уни нодон санашини асло сездирмайди. Баъзи давраларда у Викторга нисбатан теранроқ мулоҳаза юритиб қолса, ўзи хижолат чекади ва буни ҳам мухаббатдан деб билади.

Виктор уйланишдан гап очай демайди ҳеч.

«Мана, энди тезликни бир юз қирққа чиқариб юбординг!» Марлис гўё шу гапни айтиши тайин эди. «Илтимос, менга бақирма!» дейди-я у яна. Аввало, Виктор бақиргани йўқ, ундан айнан шундай гапни кутганини айтди, холос. Ахир, Марлис йўл бўйи спидометрдан кўз узмай ўтириби-ку! Ана кўриниб турибди – роппароса 140 тезликда кетяпти. Марлис ҳам шуни айтияптида. Кеча у 160 га қўйиб ҳам ҳайдаган (Канн ва Сен-Рафаэл оралиғидаги йўлда), ҳатто бир гал спидометр 180 ни ҳам кўрсатган ва ўшандан Марлиснинг бошидан дуррачаси учиб кетган. Шундан кейин улар келишиб олган: энг катта тезлик – 140, ундан оширмаймиз. Энди бўлса, Марлис «Тез ҳайдаяпсан», деб яна тиҳирлик қияпти. Ҳолбуки, хашаки бир «Фольксваген» ҳам уларни чангига қолдириб кетди. «Тўғрисини айтсан, нимагадир мени кўркув босяпти», дейди Марлис. Виктор гапни ҳазилга бурмоқчи бўлади: «Кеча 140да юрган эдик, бугун – 120, шу тарзда кетаверсак, Бильбаога боргунча тезликни 30га туширамиз. Ке, қўй шу машмашани!» Шундай дейди-ю, ҳазили ўзига аҳмоқона туюлиб кетади, лекин Марлис буни сезмасин-да, деган ўй ўтади хаёлидан. Аёл энди хиргойи қилмай кўяди, Виктор ҳам қува-қувни бас қиласи, иккаласи-да, мумтишлагандек кетаверади.

Аёлнинг эри (олдингиси) – химик.

Марседда кутавериб Викторнинг тоқати тоқ бўлганидан аёл оёқ кийим сотиб ололмади; лекин жаҳжам қилмади, туфлиси оёғини сиқаётганини айтди, холос. Арлда эса, Виктор ҳар қанча кутганига қарамай, Марлиснинг оёғига лойик пойабзал топилмади.

Тўғриси, у жон-жон деб ёлғиз нонушта қилган бўйларди. Сабаби бўлса ўзига ҳам қоронги. Ваҳоланки, Марлисдан бошқа бирор аёл билан нонушта қилишга хуши йўқ. Буни Марлис ҳам яхши билади.

Марлис шу қадар зийракки!

Ҳамма гап Марлисда, ҳа, Виктор адашаётгани йўқ.

Эрталаб уйғонганидаёқ бугун бир фалокат рўй беришини кўнгли сезгандек эди-я; Авињонда чинор тагида ўтирганларида ҳам шундай бир хавотир безовта қилиб турган...

Аёл бирор нарса харид қилганда худди ёш боладек қувончи ичига сифмай кетади; оладиган нарсаси бўлмаса-да, гапдан тўхтаб, дўконларнинг ойнаванд пештахталари олдида туриб қолиш одати бор. Албатта, унинг ўрнида бошқа аёл бўлганда ҳам шундай қиласади.

Виктор – темир йўл хизматчисининг ўғли, Курдеган шаҳарчада туғилган, институтни аъло баҳолар билан тамомлаган, тез орада бош врач лавозимига тайинланса ажаб эмас.

Лўлилар тўдалашиб юрадиган машҳур жой Saintes Maries sur Mer эмас, Saintes Maries de la Mer деб аталади. Марлис Викторга бу ҳақда лом-мим демайди. Яна унинг хатосини тўғрилаш бўлмасин деб, ҳатто жой

номини тилга олмайди. Викторнинг ўзи буни фаҳмлаб олар, деб ўйлади.

Аёл уни Вик деб атайди.

У Виктордан бирор жихати билан устун кўринишни истамайди – эркакларга ёқмайди бу, айниқса, Виктор бунга тоқат қилолмаслиги аниқ; жарроҳ-да, одамлар унга ҳаётини ишонишига кўнишиб қолган, бир вақтлар Марлиснинг ўзи ҳам ишонмаганиди?

«Шунга ишончинг комилми?» деб сўраш Марлисга одат бўлиб қолган. Бирор масалада фикрингни айтгудек бўлсанг, дарров «Ишончинг комилми?» деб қолади.

Авинъонда чинор тагида ўтириб, Марлисни кутар экан, Виктор ўзини хув авваллари – ҳазил-мутойибага мойил чоғларидагидек хушвақт хис этади. Қўёш чараклаб турибди, шамол эсаётир, тўзонга айланиши ҳам мумкин. Балки бугун хаво анча яхши бўлар. Марлисга уйга қайтиш тўғрисида сўз очмайди. Рости, бу энди ақлга сифадиган иш эмас. У чинор остидаги тўгарак стол ёнида ўтириб, Guide Michelin<sup>1</sup>ни варақлайди, Монпельєга қайси йўлдан борган маъкул – шуни билмоқчи.

У 42 ёшда.

Бир вақтлар, талабалик даврида Виктор Пропрансда бўлган, бир ҳафта чамаси. Арлга яқинлашиб қолганларида Марлис Guide Michelinдан у ердаги машхур аренанинг диаметри, ўриндиchlари сони, иншотнинг баландлиги, қурилган вақти ва шунга ўхшаш маълумотларни овоз чиқариб ўқий бошлаганида у, мен ўша аренангни кўрганман, дейди. Марлиснинг қўлидаги

---

<sup>1</sup> Йўл маълумотномаси

китобча (йўл маълумотномаси) француз тилида, Виктор французчага тушунса-да, бу тилда гапирилса ўзини доим имтиҳондан ўтаётгандек хис қиласи, аммо бунга Марлис айбдор эмас, албатта. Китобча билан бўлиб, аёл спидометрга деярли қарамайди. Талабалигига Виктор бу ерга гамбурглик бир қиз билан келган; ўша саёҳатдан хозир девор бошига чиқиб ўтирганларию аренга манзарасигина ёдида қолган. У ўзича аренани тасвирлай кетади... Арлда фараҳбахш оқшом, Виктор ҳар доимгидан кўра жўшиб-тўлқинланиб гапиради. Бу ҳол Марлисга хуш келади. Улар шароб ҳўплаб ўтиришади (Виктор ишдалик вақтида ичкиликни оғзига ҳам олмайди). Эртаси куни улар тонгдан Арл аренасини томоша қилишади – кеча Виктор Ним аренасини гапирган экан, Марлис фарқига бормади-ю, аммо унинг ўзи сезди.

Марлис қадди-қомати расо аёл. Тишлари йирик, дўрдоқ лаблари доим ним очиқ бўлганидан, кулмаса-да, тишлари кўриниб туради. Латофатини эътироф этиб, парвона бўладиганларга у чандон парво килмайди; аммо уни фаросатли аёл деб билган эркакларга ёқмоқ учун бор жозибасини ишга солади.

Шаҳарни тарқ этгандаридан бир соатлар ўтгач, Виктор Арл аренасини Ним аренаси билан чалкаштирганини очиқ тан олади.

Виктор уни кутяпти, буни Марлис билади. Аммо ҳали вақт бемалол деб ҳисоблайди. Нега у доим учрашувга барвақт келиб оларкан-а? Мана, энди кутиб ўтиради. Марлис тез кийиниб, тез пардоз қилишга ўрганмаган. Ҳамиша ахвол шу. Чинор остидаги тўғарак столга жойлашаркан, Виктор ҳам нега бундай югуриб келиб оламан, айб ўзимда, деб ўйлади. Марлис айтмоқчи, Авиньонни томоша қилиб, ҳузурланниб ўтиrsa бўлади-ку, ахир. У теварак-атрофни кузата бошлияди. Чинор барглари орасидан қуёш нурлари

ёғилмоқда. Марлис Виктор қутаётганини билатуриб, яна дўконнинг ойнаванд пештахталари ёнидан жилолмай қолади. Виктор ҳам ҳечқиси йўқ, озрок чидарман, деб қўяди. Марлис кела солиб Авињондан ҳам ўзимга лойик пойабзал тополмайман шекилли, боз устига, эгним ҳам юпунроқ, дейди норози оҳангда. Испания иссиқроқмикан-а? Виктор ўзича шундай бўлса керагов дея тусмоллайди-ю, лекин индамай қўя қолади – янгишиши ҳам мумкин-да, балки ростдан ҳам хали Испанияга боришга тўғри келар. У дабдурустдан «Бриошь ейсанми?» деб сўрайди-да, негадир бошқа таом буюради. Буни ўзи ҳам сезади, аммо хатосини тўғрилаб ўтирамайди, чунки Марлиснинг хаёли бошқа ёқда, унинг гапини эшитгани ҳам йўқ. Виктор энди ҳар қандай икир-чикирга эътибор берадиган бўлган. Ўзига шундай туюлади. Шунга қарамай, дейлик, Марлис чекмоқчи бўлгани ва унинг олов тутишини қутаётганини барибир пайқамай қолади. Кейин «Кечирасан!» дея дарров олов тутади. «Кечирасан». Такрорлаш энди ортиқча.

Базелда Марлис эрининг уйида яшамайди, Викникида ҳам турмайди, негаки бу қўйди-чиқди асносида можарога сабаб бўлиши турган гап.

Чақмоқтошни чиқиллатиб ёқаркан, у Марлисга норозилик билан эмас, бефарқ, худди бир буюмга қарагандек тикилади. «Бўйнимдаги занжирчам ёқмадими сенга?» деб сўрайди аёл ундан. У гё ўшитмагандек «Гарсон!» деб чақиради. Кейин Марлиснинг яноғини силаб қўяди, аммо бундан муддаоси нима – англаш қийин. Беш қадамгина наридаги столни артаётган хизматкор бола негадир уларнинг ёнига келмайди. Вик юзини силаб қўйгани аёлни таажжууга қўяди. Виктор тетик, бамайлихотир қўринишга ҳаракат қилаётгани аниқ. «Ҳаво қандай ажойиб-а!» дейди у. Марлис эса «Ҳали ҳисоб-китоб қилмадингми?» деб сўрайди. Унинг гапида таъна оҳангси сезилмайди. Вик қўлидаги танга

билан столни черта бошлаганида, Марлис «Гарсон!..» дәя чакиради. Хизматкор югуриб келади. Виктор хисоб-китоб қиласында, Марлис ундан Монпельєга бориш йўлини ижикилаб суриштиради. Нега унинг бу иши Викнинг ғашини келтириши керак? Ҳеч-да... У йўл харитасини қунт билан ўрганиб чиққанини Марлис қаёқдан билсин! Нихоят, гарсон нари кетгач, «Тушундингми?» дейди Марлис унга қараб.

У нимадан хавотирда ўзи?

Бир куни (бу саёҳатда эмас, олдингисида) Марлис ярим хазил оҳангидаги «Сен энди менга дўхтири эмассан, Вик, билиб қўй шуни» деган эди.

Гаражда машина юувчига у «мой» демоқ ўрнига «бензин» дейди; нима фарқи бор, ҳар гапига лукма солиб турадиган Марлис бу ерда бўлмагандан кейин. Мойми, бензинми, ишқилиб, ўзига керак нарсани олди – бўлди-да.

Базелдаликларида ҳаммаси бошқача эди.

Сафар чоги бир мартагина, Канида Марлис уни «овсар» деган эди, чунки жаврашларига қарамай Вик бирёклама қатновли йўлга чиқиб кетди-да. Нима, бу Викка оғир ботдими? Ана шундан кейин у доим Марлиснинг галдаги «таъриф»ини кутадиган бўлди.

Испанияга борамиз деб, Марлис ўзида йўқ хурсанд эди.

Ахир, Марлис роман тиллари бўйича... филолог бўлганидан кейин баъзан Викторнинг французча таффузини силлиқлаб қўйса, бунинг нимаси ёмон, аксинча, раҳмат айтмайдими унга?!

Авиньонда Марлис ул-бул харид қилиб юрганида Виктор машинанинг тепасини очиб қўйиб, тамаки

тутатганча уни кутиб ўтиради. Вакт бемалол. Таътилда юришибди. Чекатуриб у Марлисга меҳрибонроқ бўлишга қарор қиласди. Жувон қайтиб келганида ўзини худди чинакам хуштордек тутади: машинадан тушиб унга эшик очаркан, «Кўзойнагингни топдим. Ўриндиқ тагига тушиб қолган экан», дейди. Марлис эса «Ана, кўрдингми!» дейди ўша кўзойнакни (шу саёҳатдаги иккинчиси) гўё Виктор йўқотгандек таънавор оҳангда. Марлис бошқа тирноқэговлагич сотиб олмоқчи эди, топилмади, лекин олган оёқ кийими Викторга маъқул бўлди. Унда нега Марлиснинг кайфияти чатоқ? Ҳозир, мана ҳозир Викторнинг сабри тугайдигандек туюлади унга доим. Худди ҳув Марселдагидек. Жомадонининг ярми пойабзал бўлатуриб, нима учун Марлис нуқул (Марслдан бошланган бу савдо) оёғини сиқадиганини кийиб юриби қолган экан? Яна Марсель орқали кетайлик, деганида Викторнинг гапида ҳеч бир киноя йўқ эди, аммо Марлис шунга ҳам оғринди. Хуллас, икковининг ҳам таъби тирриқ.

Хайҳот, касалхонадаги оқшомлар энди ортда қолган!

Манча деганлари, Марлис таъкидлаганидек, Мадриднинг шимолий қисмида жойлашмагани барчага маълум; шундай бўлса-да, у нонуштага чиққунича Виктор ҳаритани қайта кўздан кечирди. Унга айтиш учунгина эмас, шунчаки, ўзи яна бир бор ишонч ҳосил қилмоғи учун.

Виктор машинани елдек учирмасликка қатъий сўз бергач, тепа қопқасини очиб кетишиди. Ахир, рулдаги одам билан унинг ёнида ўтирганнинг фарқи бор-да. Аслини олиб қараганда, ҳеч ким билан қувлашмай (Кани ва Сен-Рафаэл оралиғидаги каби), ҳатто шалоқ юқ машинаси ортидан ҳам судралиб юриш қулгили-ку; кейинчалик ўшанда роса худбинлик қилганман, деб ўйлайди Виктор.

Виктор оти унинг ўзига ёқмайди, Марлиснинг Вик деб аташини, айниқса, кўшни столда ўтирганлар буни эшишиб қолишини эса асти хоҳламайди.

У Европа ягона пул бирлигига ўтиши керак ва ўтиб тўғри қилади деб ҳисоблайди; Марлис бунга шубҳа билан қараса-да, эътиroz билдирмайди. Нега унинг бирдан жаҳли қўзиди? Марлисни гапига ишонтиrolмагани учунгинами?

Марлис бутунлай соғайиб кетган.

Аёл индамай қолса, Виктор яна ўзини маломат қила бошлайди. Шу тобда Эльзасдаги сарсабилдан гап очишнинг нима кераги бор эди (яна овқат!), бундан кўра Монпельега бориш йўлини тузукроқ билиб олса бўулмасмиди? Аёл қўзойнагини тақади-да, «Лионга борадиган йўл-ку бу!» деб қўяди. Виктор миқ этмагач, «Мен сени Монпелье тараф юрмоқчисан деб ўйлабман», дейди яна. Виктор ўзини хотиржам кўрсатмоқ учун чап қўлини машина ойнасидан чиқариб олади. Рўпарада – «Toutesles directions»<sup>1</sup> деган ёзув кўринади. Энди-энди бир-бирига қўнгил қўйган чоғлари илк бор Эльзасга саёҳат қилишганида Марлис унинг гапирган гапига ишонар эди-я. Йўлдан «Toutesles directions» деган яна бир лавҳа чиқади. Бироқ Виктор барибир хатосини тан олгиси келмайди.

У ҳазилни бопладим деб ўйлаганида Марлис қўпинча тишининг оқини қўрсатмайди, лекин баъзан у ҳечам кулгили деб билмайдиган гапларга қакқос уриб кулиб ўборади.

Марлис тирноқ эговлагич ўрнига сотиб олган дуррачасини бошига ўраб олади. «Хўш, ёқдими?» деганидагина Виктор буни пайқайди. У дабдурустдан «Сен ҳақсан!» деб қолади. Худдики «Бир вақтлар чўлу

<sup>1</sup> Барча йўналишлар бўйича ҳаракатланиш мумкин (франц.).

биёбон бўйлаб Бағдоддан Дамашққа қараб сенсиз мосинада йўлга чиққанман ва етиб ҳам олганман» деган гапига Марлис нимадир дея мингирилаб қўйгандек. Яна томдан тараша тушган каби, «Қаердамиз эмиш! Катта холангникидамиз, билдинг!» дейди у. Марлис ангра-йиб қолади – бунақа мумомала унинг табиатига зидку. Виктор хаҳолаб юборади – бамисоли Авињонинг қоқ ўртасидан иккига ажраладиган антиқа кўприги устида тургандек; ҳолбуки, ҳозир улар бир корхона ҳовлисида «Passage interdit»<sup>1</sup> деган ёзув қаршисида эдилар. У машинанинг орқага қайтиш чироғини ёқади, аёл «Асабийлашма», деб қўяди шошиб. Шунга ўхшаш «хато»лардан кейин Виктор машиналар шовқин-суронида ҳар қандай овсар ҳам адашмай топиши мумкин бўлган йўлга тушиб олади. Аммо Виктор ҳануз Марлиснинг янги дуррачаси ёққан-ёқмаганидан сўз очмайди.

Марлис оқила аёл, ҳеч бир далил-исботсиз ҳам аён бу.

Агар ҳозир Виктор оқ ҳалат кийиб олганида борми, ҳаммаси бирдан бошқача бўлиб кетарди; фараз қилинг-а, у оқ ҳалатда Провансдан ўтиб, Испанияга йўл олмоқда...

Нега у оғзига сув солиб олгандек чурқ этмай кетяпти?

Нима, у автоҳалокат нималигини билмас эканми? Марлис бундан бехабар, албатта – анча эски гап-да, бу. Охири баҳайр бўлган. Ўзи ҳатто унтиб юбо-раёзган. Шуларни хаёлидан ўтказаркан, у Марлисга кўз қирини ташлайди – ҳозиргина «трейлер»ни кувиб ўтди, Марлис эса миқ этмади ва гўё шу билан ўша ҳалокатни ёдига солгандек бўлди.

---

<sup>1</sup> Ҳаракат тақиқланади (франц.).

Plexus нима дегани – бир-бирига улашми? У – жаррох-ку, шуни ҳам билмаса, уят бўлар. Бу ҳам камдек, ҳозир Марлис «Ишончинг комилми?» деб сўрайди. Лекин негадир у сукутда. Виктор энг яқин йўл Эгю-Морт орқали ўтишини айтгандагина, у «Ишончинг комилми?» деб қўяди одатдагидек.

Марлис оёқяланг ўтирибди, туфлиси оёғини сикяпти, аммо буни сездирмайди. Викторнинг унга раҳми келади, бирор нарса гапириб берсамикан?

Қизик, нега қўлини аёлнинг тиззасига қўйди?

Антибда нега Марлисга бақириб берди, сабабини ўзи ҳам эсломмайди. Кейин эса, ноҳақ бўлса-да, жаҳлдан қўкариб-бўзариб кечирим сўрагандек бўлди: «Бўпти, бўпти, узр энди!»

Марлисни мафтун этган бу текислик Прованс де-йиладими ёки Камаргми, очиғи, нима фарқи бор? Нега Виктор Камарг деб туриб олди? Балки хақ бўлиб чиқар...

Эгю-Мортга етгунча чурқ этмай кетишиди.

Марлис огоҳлантирганига қарамай, Виктор (у ўзини эшитмаганга солган эди) тўппа-тўғри чоғроқ бир тўхташ майдончасига чиқиб кетади. Машина бешикаст ва ҳатто уларни одатдаги текис йўлдан кетяпти дейиш ҳам мумкин. Бемалол. Юз қадамлар бўм-бўш майдон бўйлаб, яна салқингина денг. Аммо Марлис бундай бўлишини туш кўрибдими? Шунинг учунми, у яна индамай қўя қолади.

Аёл шаҳарчани томоша қилиб юрганида, Виктор чинор остида ёлғиз ўзи яхна шарбат ичиб ўтиради. Бирдан у ўзининг таътилда юрганини эслаб қолади. Чинор барглари орасидан тараалаётган ёғду ва яна алламбалолар...

Виктор ҳеч қачон омон қолгани учун Марлис мендан қарздор деб ҳисоблаган эмас. Бу ҳам силлиқкина ўтиши тайин бўлган одатдаги операциялардан эди. Ҳойнаҳой, Марлис ҳам шундай деб ўйлар...

Шу ерда қолсалар ҳам бўларди. Соат энди ўн бир бўпти, тушликка ҳали эрта. Ҳа, бу ерда қолса бўлади. Қадим қалъя деворлари – шамолпана. Ҳали Марлис қайтсин, у ўзини бошқача тутади: қувноқ, хотиржам, ахир, хамма гап ўзида қолган-ку.

Баъзан у Марлисдан фарзандли бўлишни хоҳлайди.

Виктор нега ҳадеб Антибдаги каби жанжал кўзгайверишига Марлис ҳайрон. Аввалига бақириб бериб, кейин уч юлдузли «Bonne auberge»<sup>1</sup> ресторанига борайлик, дея қистаб қолгани-чи! Марлис шу юлдуз-пулдуз деганларига унча ишонмайди. Виктор эса ўжарлик қилиб гапида туриб олади. Бу таклифи билан маъшуқасининг кўнглини тополмаганидан аччиқланиб, бўлмаса, Антибингда тентираб юравер дегандек бир соатлар чамаси уни ёлғиз ташлаб кетади. Энди бир ўзи нима қилсин? Бирга бўлишса, қаерда тушлик қилиш масаласида яна келишишомлмайди, яна ҳар доимги баҳслар... Дарҳақиқат, шу яқин атрофда бундайроқ ресторанлар ҳам бўлатуриб, нега энди «уч юлдуз»лигига боришимиз керак, дея эътиroz билдиради Марлис. Улар йўл олган томонда ресторан борлиги ҳам даргумон; ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Марлис «Ишончинг комилми ўзи?» дейди, у бўлса яна индамай кетаверади, кейин бир муюлиш чиқади, кейин эса «Bonne auberge» деган лавҳа кўзга ташланади. Бош официант уларни «жанобларининг ўзи бир соатлар олдин танлаб кетган» баҳаво айвондаги стол томон бошлайди. Шинамгина бу жой, айни чоғда, хийла салқин, ичкарида хилватроқ бўлмалар, миллий либос

---

<sup>1</sup> Машхур қовоқхона (франц.)

кийган официантлар; таомлари анча қиммат бўлса-да, ўртамиёна, лекин буларнинг нима аҳамияти бор? Бир соатча олдин Виктор унга бақириб берганига қарамай Марлис ўзини вақтичоғдек кўрсатяпти; уни аягани учундир.

Мистраль деган шоир ўтганини Виктор билади. Мистраль деб аталадиган шамол эса, Марлис ўйлаганидек, денгиздан эсмайди. Бу анчайин бир шамол. Тўғри, Марлис айтганидек, «Тегирмондан чиққан мактублар»ни Мистраль эмас, щубҳасиз, Альфонс Доде ёзган, Викторга бу мактаб давридан маълум. Хуллас, баҳслашиб ўтирадиган гап эмас. Аслини олганда, Марлис ҳам «Мистраль – шоир-қу, ўзинг биласан» деган эди, холос.

Улар Викторнинг «Порше» машинасида саёхатга чиққан.

Эгю-Мортда чинор остида ўтиаркан, у паспорти бор-йўқлигини билмоқ бўлиб камзулининг чўнтағига кўл тиқади. Виктор шу чоққача бирон марта ҳам паспортини йўқотмаган. Юраги шув этиб кетади: паспорт йўқ; кейин бирдан эслайди – ахир, машинада қолган эди-ку. Ҳа, эсида, аниқ: уни қўлқоп филофига ўзи солиб қўйган, шундай бўлса-да, текшириб кўрган маъқул. Ҳарқалай, қўнгли хотиржам бўлади.

Авиньонда ваннада ўтириб келган қарорига кўра, ўша куниёқ уйга қайтишганидами, хозир Леонда бўлишарди, кечкурун Базелга этиб боришарди, лекин бу ерлар шу қадар мафтункорки: чинор барглари орасидан ёfilaётган қуёш нури, чор атроф... Ҳали Марлис келсин, денгиз бўйига сайрга таклиф қиласди.

Марлис оёғига лойиқ пойабзал топса эди...

Ҳалокатдан бир соатлар олдин Эгю-Мортда чинор остида ўтиаркан, унинг аччиқкина қаҳва ичгиси келиб

қолади. Қаттиқ толиққан, машина ҳайдай олармикан? Чинор барглари орасидан ёғилаёттан нур уни буткул мафтун этади... Сен-Лиу ҳайкали атрофида кантарлар қукулайды. Марлис йўлга тушайлик энди, дейди, унинг қорни очмабди, чанқамабди ҳам. Аммо Викторнинг назарида, вактлари бемалол, шошилмаса бўлади. Уларнинг олдидан кўлтиғига уч дона узунчоқ батон нон қистириб олган бир чол ўтади.

Испанияга бориш фикри Марлисдан чиққан эди.

Виктор ўзини худбин хисобламайди. Бирор кимсанни баҳтли қила олишига кўзи етса, ўзи ҳам баҳтиёр бўлиб кетади. Агар бу иш қўлидан келмаса, умидсизликка тушади, ўзини ўзи янмоққа бошлайди.

Уларни четдан кузатган одам Марлиснинг «Ле провансаль» газетасини ўқиётганини, Викторнинг эса узун оёқларини йўлаккача чўзиб олиб қаҳва ичаётгани ва мўъжиза кутаётганини (гўё буни мана шу қукулашашётган кантарлар содир этадигандек) одатдаги манзара деб хисоблайди. Шу тобда Виктор уйланмоққа ҳам рози. Ҳазилни тушуниш ҳам бир фазилат. «Нима, қоққан қозикдек шу ерда ўтиравермоқчимисан?» дейди Марлис бетоқатланиб. «Кечирасан-у, мен эмас, сен бемалол газета ўкиб ўтирибсан», дея жавоб қиласди Виктор. Аммо гапирган гапи кўнглидагидек чиқмайди; кейин эса у, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, чинакам ошиқ йигит қиёфасига кириб, унинг сумкасини кўтариб олишини Марлис билади. Шундай экан, мўъжиза кутишга ҳожат йўқ.

Ибодатхона яқинидаги галерияни томоша қилайлик, деб Виктор қўймади. Роман услубида қурилган. Марлиснинг эса томошага тоби йўқ.

Улар қўл ушлашиб кетади.

Биринчи марта Викторнинг ўзи ҳар қадамда тўхташни, ҳаммаёқни астойдил томоша қилишни хоҳлаб

қолади. Мева-сабзавот бозорига киришади. Қизик, Марлиснинг нима қидираётганини билмай туриб, Виктор «Сен ахтариб юрган пойабзал шу ерда!» дейди.

Испанияга боришлари шарт эканми?

У муюлишда қараб туради – Марлиснинг дурраси эсидан чиқибди; Виктор аслида уни кутаётгани ҳам йўқ. Ўзи ёлғиз бўлса нима қиласади? Марлиснинг бу томон келаётганини, яна дўкон пештахаси қошида туриб қолганини кўриб, Виктор «Херальд трибюн» газетасини сотиб олади – қани, оламда нима гаплар экан? Бир вақт газетадан бош кўтариб қараса, Марлис фойиб бўлибди...

Сайёхлар тушлик қилмоқда.

Салдан кейин келиб Марлис ундан узр сўрайди. У антика бир кепка харид қилибди. «Сенга олдим», дейди кулиб. Кайфияти зўр. Виктор машина эшигини очаётганида у яна «Мен ҳайдасам-чи», дейди. Виктор кўнмайди. Нега машинани доим у ҳайдashi керак? Виктор карорида қаттиқ туриб олади. Энди бу гаплар кимга керак? «Нима, ёқмадими?» Олиб келган ола-чипор кепкасини айтяпти. Йўлга тушиш олдидан Викторни илк бор ваҳм босади.

Марлис худди ёш боланинг ўзи.

Паспорти чиндан ҳам қўлқопнинг филофида экан. «Ке, ҳадеб тумшаяверма», дея Марлис унинг бошига ола-чипор кепкани қўндириб қўяди: «Мана, ярашди-қўйди!» Марлис эҳтиёт камарини боғлаб олади. Қизик, айтмасдан турибок. Виктор, бошида ҳалиги кепка, моторни ўт олдиради, бирор нимага тегиб кетмайин деган хаёлда орқага қараб олади. Ишқилиб, энди хато қилиб қўймасин-да...

Эгю-Морт деганлари мана шу экан-да.

Марлиснинг ўғли бор, мактабда ўқийди; унинг ўзи Парижда ўқиган, боши очиқ, у энди ёш бола эмас, кап-катта аёл.

Камаргда от минишлари мумкин... Гаплари унча қовушавермайди. Яхшиямки, шосседа машина онда-сонда учрайди. «Одам қачон мурда ҳисобланади?» дей жарроҳ сифатида фикр юрита бошлайди у. Юрак кўчириб ўтказиши қийин иш. Кейин бирдан «Эртага машинанинг мойини алмаштириш керак!» дейди кўнглидан кечаётган ўйлар тилига чиқмаслиги учун шоша-пиша. Масалани чигаллаштиришга унинг тоқати йўқ.

Бир вақтлар болалигига Марлис от минган экан.

У бир бельгияликнинг баҳайбат фургони изидан шошилмай кетаверади; нихоят, уни қувиб ўтаётганида урилиб кетишига бир баҳя қолади. Марлис чурқ этмайди.

Кўлидаги беморлар уни бамисоли бир авлиё деб билади: оғир-вазмину хотиржамлиги, ўзига ишончи, некбинлиги ва шунга ўхшаш хислатлари учун.

Ола кепкани энди Марлиснинг ўзи кийиб олади. «Сенга ҳамма нарса ярашади!» дейди Виктор йўлдан кўз узмай. Марлис йўл маълумотномасини овоз чиқариб ўқиб боряпти: ҳали Альтамир форларидаги фаройиб манзараларни кўриб кўнгли қўтарилсин, мой алмаштириш ҳақида ўйлайвермасин, бежиз айнан Альтамирга қараб йўл тортмаганларини билсин деган ниятда. Аммо Виктор қулоқ солаётганмикан? Марлис ярашмоқчи, яна аввалгидек апоқ-чапоқ бўлмоқчи...

Бошқалар билан қиёслаганда Викторнинг доим омади чопган – ишда ҳам, соғлиқ бобида ҳам, Буин чўққисини забт этган альпинист сифатидагина эмас, йўқ, ҳар жиҳатдан...

«Сен яна овқат ҳақида ўйлаётган бўлсанг кераг-а?» дейди Марлис. У эса ҳеч нарсани ўйлаётгани йўқ, йўлга тикилиб кетяпти, холос; «Монпелье, 12 км» деган ёзувни кўриб шу тўғрида нимадир демоқчи бўлиб турган эди, вассалом. Энди гапирмагани маъкул.

...Виктор енгилгина жароҳатланади – чаккаси ёрилибди, ул-бул ери тирналган, аммо у тиркамали юк машинасини ҳеч эслай олмайди. Монпельедаги касалхонага етай деб қолганда Марлиснинг жони узилади. Ҳатто бу фалокат қаерда рўй бергани, ағдарилган ўша лаънати тиркама ҳозир чинорзорнинг қай гўрида ётгани ҳам Викторнинг хотирасида қолмаган; ҳалокат рўй берган жойни текшириш чоғида у ўзини бу чорраҳани энди кўриб тургандек ҳис этади; кейин уни шу ернинг ўзида сўроқ қилишади (француз тилида) ва йўл аслида уники бўлгани, бинобарин, унинг айби йўқлигини айтишади.

Кейинчалик у бош врач этиб тайинланади.

Монпелье йўлидаги ўша автоҳалокат тўғрисида ўн йиллар бадалида у ҳеч кимга оғиз очмайди; бу фожия қандай содир бўлганига ҳануз ақли бовар қилмайди.

Баъзи танишлари ўзларича бир нималарни тусмоллаб юради, холос.

У эндиликда клиника бошлиғи, икки фарзанднинг отаси, саёхатга кўп чиқади, аммо Испанияга ҳеч кўнгли чопмайди.

Жарроҳнинг операция арафасида ўзидан гап очиши нораво, албатта – буни у яхши билади; лекин шу тобда у негадир Францияда, Монпелье яқинида содир бўлган ўша фалокатни ёдга олади: «Ҳаммаси айтди, йўл сеники эди деб, демакки, айбсизман...» «Биз нега бу ҳақда гаплашяпмиз ўзи?» дейди у бир оздан ке-

йин. Бемор ҳам ҳайрон. Нега дўхтири йўлига хайрли тун тилаб, одатдагидек, «Ухлашга ҳаракат қилинг, ҳеч ухлолмасангиз, навбатчи ҳамширани чақиарсиз» деб қўя қолмади. Дарвоқе, бу гапни у олдинроқ айтган эди. У тумбочка устида ётган китоблардан бирини олиб муқовасига кўз солади-да, қайтиб жойига қўяди. Аслида, у bemorга хавотирга ўрин йўқлигини, эртага операцияни ўзи қилмаса-да, унда албатта иштирок этишини, хуллас, хотиржам бўлиш лозимлигини айтмоқчи эди, холос.

У ўшандан кейин ҳеч қачон йўл ҳалокатига дуч келмаган.

Умидсизликка тушган bemor бўлса нима сабабдан уни бош врачнинг ўзи операция қилмаслигини сўрашга ботинолмайди.

«Ишончинг комилми?» деб сўрарди Марлис ҳар доим...

Бу фалокат тўғрисида у қайтиб ҳеч кимга оғиз очмади.


Ўшанда яқинлашиб келаётган беўхшов юк машинасини биринчи бўлиб Марлис кўрган, эҳтиёт бўл деган, Виктор эса кўратуриб тўхтамаган – йўл уники эди-да, ахир! Эҳтимол, у янам тезроқ ҳайдагандир, ўзига ишончини намойиш этмоқ учун. Марлис бирдан қаттиқ чинқириб юборган. Монпелье жандармаси Викторни айбсиз деб топган. Вассалом.

---

## **Нолар ДУМБАДЗЕ грузин ёзувчиси**

**(1924-1984)**

---



### **HELLADOS**

- Жамол – скрипка!
- Янгули – мишиқи!
- Жамол – чүчқа!
- Янгули – ипирисқи грек!
- Жамол – сассиқтака!
- Чивинботир!
- Эшшак!
- Чувринди!
- Безори!
- Тбилисилик ландовур!
- Шени деда ватире, Янгули!
- Имана су ине простиkasаса инека, Жамол!

**Я**нгули – сухумилик грек Христа Александридининг ўғли. Чўпдай озғин, елкалари туртиб чикқан, қиррабурун, кўзлари чаросдек қопкора, қўллари узунлигидан тиззасига тушиб турадиган ўн тўрт ёшли бу бола ён-атрофдаги тенгқурлари учун нақд азроилнинг ўзи эди.

Янгули отаси билан Венециан қўчасида, Чалбаш дарёсининг бўйида яшарди. Онасини эслолмайди – чақалоқлигига ёқ етим қолган. Ота-боланинг бор-йўқ давлати бир парча томорқа, биттагина сигир ва эшакдан иборат. Ошкўк, сут-қатиқ сотиб кун кўришади.

Янгули ҳеч қаерда ўқимасди. Отасининг юмушларига қарашар, ахён-ахён эшакда қўшниларга сут-қатиқ

тарқатар әди. Ўзига ўзи инъом этган бор вақтини у күчада ўтказарди. Темир йўл кесиб ўтиладиган жойда мактабдан қайтадиган болаларни пойлаб турар, биттама-битта уларнинг чўнтакларини тимирскилаб, та-макими, сариқ чақами, соат занжирими ёхуд рангли қаламми – нимаики бўлса, барини шип-шийдон қилиб олиб қўяр әди. Эртасига эса ўша нарсаларни яна ўша болаларнинг ўзига арzonрокка пуллар, сўнг тушган ақчага улар билан қимор ўйнаб, ношуд шерикларининг бор-будини обдан шиларди-да, чўнтакларини қаппайтириб уйига қайтарди.

Худонинг берган куни шу аҳвол әди...

Ўн тўрт ёшли бу золим Венециан кўчасида истиқомат қилувчи барча устидан, жумладан, холаваччам Кока устидан ҳам танҳо хукмронлик қиласарди.

Хулласи калом, Янгули даҳанинг тан олинган сардори әди.

Бизнинг танишувимиз ўттиз саккизинчи йилнинг кузларида бошланган. Нина холам мени Тбилисидан олиб келган қуннинг эртасигаёқ бутун Сухумига номи кетган мусика муаллими Елена Михайловна Навродскаянинг уйига бошлаб бориб, ўзини таппа унинг оёқлари остига ташлади:

– Етимчага раҳмингиз келсин! Онаси скрипкага олиб борарди... Оллонинг иродаси экан, бир кунда онасидан ҳам ажралди, скрипкасидан ҳам жудо бўлди... Шу болани тарбиянгизга олинг... Қанча сўрасангиз ҳам майли...

Навродская эшитиш қобилиятимни текширди, ҳар турли ноталарни ўқитиб кўрди, бармоқларимни кўздан кечирди, иягим остидаги қадоқни сийпалади. Сўнг бироз иккиланиб турди-да, нариги хонадан скрипка кўтариб чиқиб, уни созлашни буюорди. Холам типирчилаб қолди, аммо топшириқни туппа-тузук уddaлаганимни кўриб, сал хотиржам бўлди.

– Энди Бетховеннинг «Сурка»сини чал! – Елена Михайловна шундай дедио креслога ястанганча чалишимни кута бошлади.

Бетховеннинг номини эшитиб, холамнинг авзойи бузилди.

– Мұхтарам Елена Михайловна, балки бошқа, мундоғроқ композиторни танлаган маъқулмикин? – деди у рүмөлчаси билан пешонасидаги терни артиб.

– Ие, «Сурка»ни чалолмайдими ҳали? – дея ҳайратдан Навродскаянинг қошлари чимирилди.

Ҳаётимдаги орзиқиб кутилган дақиқалар етиб келди. Олти ёшимдан бүён мени эзіб-янчиб келаётган шафқатсиз мусиқа жабр-зулмидан биратёла ва бир умрга халос бўлиш имконияти туғилган эди. Шу тобда биргина «Йўқ!» деган афсунгар сўз оғзимдан чиқса, бутун азобларим барҳам топган бўларди. Аммо... холамнинг ёлворгандай мўлтираб қараб туришими, Навродскаянинг таажжубланганими ёхуд ўн уч яшар боланинг фурурими – билмадим, ишқилиб, аллақандай сехрли куч мени камончани қўлга олишга мажбур килдию... хона ичи «Сурка»нинг содда ва бемисл оҳангларига тўлиб кетди...

Нихоят, кўйни чалиб бўлдим. Холамнинг қўзларида лик-лик ёш, Навродскаянинг чехраси эса ял-ял ёнарди.

Елена Михайловна рози бўлди...

Уйга қайтатуриб, темир йўл кесиб ўтиладиган жойда, кўприк устида ўтирган болага қўзимиз тушди. У бир парча фишт билан зўр бериб ёнғоқ пўстини ишқаларди.

– Салом, Нина Ивановна! – деди у.

– Салом! – деди холам қуруққина қилиб.

– Кока қаерда?

– Мактабда-да, қаерда бўларди? Ҳамма сенга ўхшаган бекорчими?

– Ким бу бола?

– Ишинг бўлмасин! – деб жавоб берди холам елкамга никтаб.

Янгули чўзиб ҳуштак чалиб қўйди. Биз йўлга равона бўлдик.

– Хе-ей, скрипка!

Мен ўғирилиб қарадим.

Янгули тилини чиқазганча бир кўзини қисиб, худди скрипка чалаётгандай, ўнг қўлини чап билагига ишкади. Жон-поним чиқиб кетди.

– Маймун! – деб қичқирдим узоқдан мушт ўқталиб.  
– Эртага бизникига кир, мушт ўқталишни ўргатиб қўяман! – деди у хаҳолаб.

– Қачон безорилигинг қолади, а? – Холам куйиниб бошини сарак-сарак қилди.

– Ким бу?

– Грек бола, Янгули. Отаси уйимизга сут опкеб туради... Унга яқинлаша кўрма! Безори у... Куну тун кўчага танда қўйган.

Мен яна бир бор ўгирилиб қарадим. Янгули ёнғоқ ишқалаганча масхараомуз тиржайиб туарди.

Холам мени жойлаштирган ўн учинчи мактаб темир йўл кўтармасининг нариги томонида бўлганидан деярли ҳар куни Янгулига дуч келишим муқаррар эди.

Қарийб бир ойгача у менга мутлақо эътибор бермади. Ўзининг одатий машғулоти – атрофига ўртоқларини йиғиболиб, ошиқ ташлаш ёки қимор ўйнаш билан андармон бўлиб юраверди. Аммо ҳар гал мен яқинлашганимда Янгули болалардан бирортасига ташланиб қолар – гоҳ телпагини қўзига бостириб қўйса, гоҳ ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, юмшоқ жойига тепар эди. Шунда негадир нигоҳини мен томондан узмасди.

Айни пайтда, мен ҳам ўзимни на Янгули, на унинг ўртоқлари зифирча ҳам қизиқтирамайдигандай тутардим. Аслида эса ҳозироқ болаларга қўшилиб кетгим келиб туар, уларга ўзимнинг нималарга қодирлигимни кўрсатиб қўйишни истардим. Бироқ маҳаллада янги одам эдим, ён-атрофимда Кокадан бўлак ёр-дўстим йўқ эди, бинобарин, Янгулининг каллакесарларига яқинлашишга юрагим дов бермасди. Аммо ўртамиздаги бетараф майдон тобора қисқараётганини, вишиллаб ёнаётган пилик пистонга яқинлашиб қолганини, бир кунмас-бир кун портлаш юз беришини кўнглим сезиб туарди.

Орадан роппа-роса бир ой ўтгач, ана шу кун келди...

Елена Михайловна ичкарида бошқа бир шогирди билан машкулот ўтказар, мен дахлизда навбат кутардим.

Доира стол устида аквариум турар, унинг ичида сув ўтлари, бири биридан чиройли чифаноқ ва тошлар оралаб тилла балиқчалар сузид юрар эди. Балиқлар оғзини кап-кап очиб, пулфакчалар чиқараверганидан неғадир уларнинг қорни оч, деган хулосага келдим. Дарров чўнтағимдан қофозга ўроғлиқ бир бўлак қора нон билан пишлоқни чиқардим-да, апил-тапил ушоқлаб, аквариумга сепдим. Балиқчалар аввалига ҳуркиб кетиб, тошлар ортига беркиниши, кейин, гўё ниятим ёмон-маслигини сезгандай, бирин-кетин пана жойларидан чиқиб, емишга ташланиши.

Мен сув ичида кўтарилиган олтин қуюнни завқ билан томоша қила бошладим. Аквариум бамисоли жажжи океандек жўш уриб, буркирарди. Аста-секин тўлқин босилди. Нафси ором олган балиқчалар сув ичида яна у ёқдан-бу ёкка хотиржам суза бошлашди. Айримлари аквариумнинг шиша деворига яқин келишарди-да, худди менга миннатдорлик билдиргандай, думларини хиёл қимирлатиб, жилпанглаб қўйишарди. Тўсатдан балиқчалардан бири – энг каттаси – тўнкарилиб қолди. Кейин яна биттаси шундай бўлди. Ҳаял ўтмай аквариумдаги жамики балиқчалар қорнини осмонга қилиб, орқаси билан суза бошлади. Қўлимни сувга тиқиб, жониворларни ўнглаб қўйишга ҳарчанд уринмайин, улар яна лип этиб тўнкарилиб қолишарди. Шундагина ножёя иш қилиб қўйганимни англаб етдим. Ҳаш-паш дегунча аквариум ичидаги ҳаёт сўнди. Заҳарланган балиқчалар сув юзасига қалқиб чиқди... Даҳшатдан юрагим орқага тортиб кетди. Скрипка солинган филомини кўтариб секин жуфтакни ростламоқчи бўлиб турувдим – э, воҳ! – ичкаридан шогирдини кузатиб Елена Михайловна чиқиб келди.

– Кир! – деб мурожаат қилди у менга. Қоққан қозикдек туравердим.

– Кирақол! – деди у яна елкамдан эшик томон сал никтаб. Турган жойимдан жилмадим.

— Нима бало, дарсингни қилмадингми? — Елена Михайловнанинг овози ўзгарди. Мик этмадим. У менга таажжубланиб қаради, сўнг нигоҳи нигоҳимга эргашиб, аквариум томон оғдио... фақат балиқшуносларгина тасаввур кила оладиган ходиса юз берди. Елена Михайловнанинг тиззалири қалтирай бошлади, бир зумда лаблари қўкариб кетди, аранг бориб креслога ўтиридио титроқ овоз билан менга сўз қотди:

— Сен... нима қилиб қўйдинг, ярамас!

— Билмабман, Елена Михайловна... Хаёлимда... Кора нон билан пишлоқ сепдим, холос...

— Захарлабсан! — деди у инграб. Кейин худди бирор арзанда боласини бўғизлаб қўйгандай, иккала кафтини юзига босиб, хўнграб юборди.

Бир нималар деб фудранганим, ўзимни оқлаганим, аламзада аёлни юпатишга уринганим эсимда. Кани энди нафи тегса. Аёл ўрнидан туриб, аквариум ёнига борди. Сувдан жонсиз балиқчаларни биттама-битта олиб, ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўпиб, яна аквариумга ташларкан, йиғи аралаш нуқул:

— Азизларим, олтинларим, нуридийдаларим... Сизларни захарладилар, ўлдирдилар! — дея саннарди.

Кейин у менга юзланди. Қути ўчган, ияги титрап, кўзларидан дув-дув ёш қуйилар эди. Қўққисдан Елена Михайловна юзимга тарсаки тортиб юборган эди, ағдарилиб тушишимга сал қолди.

— Жўна бу ердан, ваҳший! Иккинчи қадамингни босма!.. Йўқол!

Шапалоқ оғригини ҳам, бўғзимга қадалиб турган алам ёшларини ҳам базўр ичимга ютиб, хонадан чиқдим.

Эсанкираган, шармандаю шармисор, чала ўлик бир ахволда уйга қараб жўнадим. Темир йўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгулининг тўдаси уймаланаарди. Беихтиёр бошим ўша томон оғди — ҳозир уйга боришдан нима фойда! Болаларга яқин қолганда қадамимни секинлатдим-да, атайн энгашиб, ботинкамнинг ипларини титкилай бошладим.

– Хе-эй, скрипка!

Янгулининг овозини дарров танидим.

– Нима дейсан?

– Бу ёққа кел!

– Ишинг бўлса – ўзинг кел!

Янгули ўзидан ҳам баттар таажжубланган ўртоқларига бир қараб қўйди-да, аста мен томонга юра бошлади.

– Кимлигимни билмайсанми ҳали? – деб сўради у кишининг ғашига тегадиган бир оҳангда.

– Биламан, – дедим қўзларига тик қараб.

– Бўлмаса, нега чақирганда келмайсан?

– Ким бўпсан мени чақирадиган? – дедим яна беписандлик билан, аммо ҳар эҳтимолга қарши, скрипка солинган филофни ерга қўйдим.

Янгули ўйинни ҳам унутиб, бизни қуршаб олган болаларга бир-бир қараб чиқди.

– Янгули, кимлигингни бир кўрсатиб қўй! – деди болалардан бири.

– Сол, Янгули! – дея қўшимча қилди иккинчиси.

– Бир шапалоққина! – деб маслаҳат берди учинчи бола.

– Олдин зўрлигини бир кўрайлик-чи! – Янгули шундай деб, юзимни бир сийпалаб қўйди.

– Қўлингни торт! – бақирдим унга.

– Ол-ла! – дея ҳайрон бўлди Янгули.

– Уни қаранглар-а!

– Папиросни чиқаз! – деди Янгули бирдан қўлини чўзиб.

– Чекмайман!

– Пулни ол!

– Пулим йўқ.

– Ҷўнтакларингни ағдар!

– Ўзинг ағдар!

Болалар пичирлаша бошлашди. Янгули довдираб қолди, аммо дарров ўзини босиб, скрипкага қўл чўзди.

– Торт паншахангни! – деб бақирдим скрипка устига энгашиб. Лекин Янгули ўзғирлик қилди – филофни очиб, асбобни менга узатди.

— Қани, бирорта күй чалиб болаларни хурсанд қилғин-чи!

— Чалмайман!

— Нега бўлмаса бу даҳмазани кўтариб юрибсан? Эси йўқ эшакмисан?

— Бер скрипкани!

Янгули асбобни орқасига яшириб, бир қадам тисарилди.

— Петя, Фема, Курлик, Панчо, Тена! Умрларингизда скрипка овозини эшитганмисизлар? — деди у болаларга мурожаат қилиб. Улар бараварига чулдирашди.

— Радиодан эшитганман! — деди Петя.

— Бўлақол, Янгули, бир кўрсатиб қўй!

Скрипкамнинг овозини ҳаммадан олдин ўзим эшитдим: Янгули қулочкашлаб туриб скрипка билан бoshимга туширди.

«Зи-и-нг... қарс...» этган товушдан сўнг асбоб иккига бўлинди. Унинг қорни, худди шартта чопиб ташланган кўлдай, нозик симларга осилганча лапанглаб турарди.

Болалар хаҳолаб ерга думалашди.

Юрагим гўё тўхтаб қолгандай бўлди, миямга қон урилди, қулоқларим битиб қолди. Мен ҳеч нарсани эшитмас, сезмас эдим, фақат қорнини чангллаб кулаётган болаларни, пачоқ бўлган скрипкани ва Янгулининг туртиб чиққан озғин иягини илғардим, холос. Бирдан бор кучим билан ана шу ияк остига мушт солдим.

Эс-хушимни йиғиб олганимда Янгули кўприк устида ўтирас, менга ҳайратомуз тикилганча ўнг қўли билан иягини ишқалар эди. Болалар чурқ этишмасди.

Шартта бурилиб, уйга жўнадим.

Ўша қуни кечқуруноқ қўшнимиз ва Янгулининг ўнг қўли хисобланмиш Петя мажақланган скрипка билан филофни уйимизга олиб келиб, остонаяга ташлади-да, қуённи сурворди.

Фифони фалакка чиққан холам аввал Петяни, сўнг Янгули Александридини, охирида ўзимни бисотида бор ёмон сўзлар билан қарғашга тушди:

– Ҳа-а, ер ютсин сени, Петя касофат!.. Илойим, бўйгинанг гўрда чирисин!.. Сен ҳам бир, кўкатфуруш отанг ҳам бир! Сенлар скрипкани қадрига етасанларми? Паганиними, Страдиварими, арракашми – сенларга барибир!.. Энг аввал сенинг гўштингни қиймалаш керак эди, Янгули Александриди! Ҳайф сенга мусиқа! Эшакнинг ҳанграшини эшитиб катта бўлган бола мусиқани тушунармиди! Ҳаммасига уйимдаги янги безори айбдор! Мана шуни оёғидан осиш керак! О, опажоним Анико! Ўзимнинг ташвишим етмаётувмидики, яна манови фурбатни бошимга бало қилиб ташлаб кетдинг-а! Нима гуноҳ қилдим, эй Парвардигор!

Ўша куни мусиқа оламидаги саргузаштларимга нуқта қўйилди. Ҳаётимда янги давр – яшаш учун кураш даври бошланди...

Эртаси куни Янгули билан Петя бизни мактаб дарвозаси олдида қарши олишди. Юрагим шув этди, аммо, гўё кеча ҳеч нарса бўлмагандай, ёнидан бепарво ўтиб кетдим.

– Скрипка! – Петянинг овози эди бу.

Тўхтадим.

– Гаплашволишимиз керак! – деди Янгули ёнимга келиб.

– Нимани гаплашамиз?

– Бу ер нокулай, – дея у мактабдан чиқиб келаётган ўқувчи ва муаллимларга ишора қилди.

– Қаерда бўлмаса? – деб сўрадим

– Темир йўлнинг нарёғида, кўприк остида.

– Ихтиёринг.

Янгули йўл бошлади, Кока иккаламиз унга эргашдик. Петя эса орқада келарди. («Қочиб кетмаслигимиз учун», деган ўй кечди кўнглимдан.)

– Тамом бўлдик! – деди саросимага тушган Кока. У мендан икки ёш кичик, бунинг устига, Янгулининг тарсакилари ёдидан кўтарилимаган эди.

– Кўрқма! – дедим унга тасалли бериб, лекин ичимдан ўтганини ўзим билиб турадим.

Темир йўл кўтармасидан пастга тушаётганимизда Кока қочиб кетмоқчи бўлди, базур билагидан ушлаб қолдим:

– Қаёққа?! Шарманда бўлгинг келяптими?

– Сен уни билмайсан! Иккаламизниям дабдала қиласи! – деди Кока ялинчоқ овозда.

– Қилса қиласи! Ўлдирмайди-ку, ҳарқалай!

Кока худди қурбонликка аталган бузоқдай чорночор яна менга эргашди.

Янгули темир йўл кўприги остида тўхтаб, атрофга аланглади. Ҳеч ким йўқ эди.

– Мана, келдик. Хўш, нима демоқчисан? – дедим.

Янгули бир оз индамай турди, кейин аста сўз бошлиди:

– Кеча мени болаларнинг олдида шарманда қилдинг... Қаттиқ урдинг, кўққисдан... Ўрнимдан туролмадим, шунинг учун ҳам сен насибангни олмадинг... Турмоқчи бўлдим-у, туролмадим.

Янгулининг бундай очиқ, самимий гапиришидан анграйиб қолдим.

– Мен раҳбарман, маҳалланинг хўжайиниман, шундай бўлиб қоламан... – дея давом этди у.

– Бўлсанг бўлавер, лекин мени тинч қўй, – дедим мен ҳам ўшандай самимиийлик билан.

– Мендан катта бўлганингда – майли эди! Лекин мендан ёшсан, шунга қарамай, кўл кўттардинг... Бунақаси кетмайди. Подада серка битта бўлиши керак – ё сен, ё мен!

– Айтдим-ку, менга ҳеч нарса керак эмас! – деб такрорладим мен.

– Йўқ, урочи гап бу... Муштлашамиз!

– Майли, – дедим рози бўлиб.

– Фақат ҳалол муштлашамиз!

– Ҳалол деганинг нимаси?

– Петя билан Кока аралашмайди! Сўкишиш йўқ! Тош билан уриш йўқ! Йиқилганга тегилмайди!

– Бўпти!

– Агар бугун сени енгсам, эртага кечаги болаларнинг олдида яна бир марта ураман. Шу билан тамом.

– Кўрамиз ҳали ким кимни енгади...

Янгули қора сатин кўйлагини ечди. Кенг, таранг кўкрагини кўриб, сесканиб кетдим. Бу ҳам майли, чап тўшининг устига кўкиш рангда нақшланган лотин ҳарфларидағи ёзув мени негадир буткул довдиратиб қўйди: «Hellados».

Янгули Петяга грекчалаб бир нималар деди. Петя миқ этмади.

Янгули яна такрорлади. Петя истамайгина иккала чўнтағидан иккита каттакон тошни чиқариб, бир четга улоқтириди. Янгули Кокага қаради. Кока шоша-пиша қоқ-қуруқ чўнтақларини ағдариб кўрсатди.

– Бошладик! – деди Янгули.

– Бошладик! – дедим мен ҳам.

Олишув икки-уч минутгина давом этди.

Мен муштларимни туғиб, Янгули эса беш панжаси билан урарди. Мен урганда овоз чиқмас, аммо Янгули ҳар туширганда атрофдан қарсиллаган акс садо келарди. Петя Янгулига грекчалаб далда берар, Кока эса менга грузинчалаб бидирлар эди:

– Калла қил, Жамол, калла қил!

Муштлашганда калла қилиш нималигини ўзим ҳам биламан, бироқ Янгулига яқинлашиб бўлмаётган эди: унинг чайир, терлаган гавдаси ҳар гал сирғалиб қўлимдан чиқиб кетаверарди.

Яна бир қарсиллаган товуш эшитилди-ю, бурнимдан тизиллаб қон отилди. Қонни артгунимча Янгули тағин бир марта туширди; натижаси шу бўлдики, кеча худди Янгули ағдарилгандай гуп этиб ерга қуладим, фақат битта фарқи бор: ҳозир мен турадиган ҳолдаман, аммо Янгули кечадан туролмаган эди.

Нима бўлганда ҳам бугунги олишувнинг якуни маълум: мен ютқаздим. Янгули бир оз кутиб турди, муштлашишни давом эттириш ниятим йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, шошмасдан кўйлагини кия бошлади. Нигоҳим яна кўксидаги фалати сўзга тушди: «Hellados».

— Эртагача! — деди Янгули. Устки лаби шишиб кетганини, чап қоши ёрилганини шундагина пайқадим.

Янгули билан Петя тепага кўтарилиб, темир йўл ёқалаб кетишиди, Кока иккаламиз пастда қолдик.

— Ҳечқиси йўқ, у ҳам оладиганини олди! — дея Кока менга тасалли берган бўлди.

— Эртага барибир уни енгаман! — дедим.

— Олдин бир ойнага қараволсанг бўларди! — деди хўрсиниб Кока.

— Юзим ёмон шишибдими?

— Кўпчиган хамирнинг ўзгинаси! — деди Кока четга қараб.

— Ў-ў, ярамас!

Бу гал холам индамади. Юзимга авайлаб ҳўл латта босди. Эртасига эрталаб худди ўшандай хотиржамлик билан қатиқ тўла хурмачани Христо Александридининг бошига уриб синдириди, байни Янгули скрипкани менинг бошимга уриб синдиргандай. Кейин, ваҳшийларча калтаклагани учун безори ўғлингни қамоқда чиритаман, дея унга обдон пўписа қилди.

Эртасига мактабга бормадим — юзимдаги шиш ва моматалоқларни даволадим. Учинчи куни темир йўл кесиб ўтиладиган жойда Янгулидан бошқа деярли бутун маҳалланинг болалари тўпланиб турганини кўрдик. Улар бизни ҳуштак ва тахқирлар билан кутиб олишди.

— Қалай, Скрипка, тавбангга таяндингми?

— Энди уни тинч кўярсан? Ё ўлгинг келяптими?

— Бу ер сенга Тбилиси эмас!

Бутун тўда ўтган кунги мағлубиятимни эшитиб бўлтган эди.

Уларнинг гап-сўзларига эътибор бермай, сумкамни аста ерга қўйдим, ўзим ҳам ўтириб, Янгулини кута бошладим.

— Келяпти! — деб қичқирди кимдир бирдан.

— Ҳозир кўрамиз томошани! — деди яна биров.

— Салом! — Янгули ҳамма билан сўрашди, кейин менга кўзи тушди-ю, бақа бўлиб қолди.

– Мана, Янгули, лаҳм гўшт ўз оёғи билан келди.  
Тезроқ еяқол! – деди Петя уни гижгижлаб.

– Шундок еяверасанми, икра ё сариёф биланми?

Янгули амирона ишора билан ҳамманинг овозини  
ўчириди, сўнг бамисоли қабила оксоқолидай ўз қавмига  
юzlаниб, тарихий нутқ ирод этди:

– Болалар! Мен, Янгули Александриди, сизлар  
сайлаган сардор, сизларга, Венециан кўчасининг ҳур  
фарзандларига мурожаат қиласман! Рўпарангизда тби-  
лисилик рангпар лақма билан унинг жияни – ватан  
ва қабила хоини, мишиқи Кока турибди. Мана бу  
рангпар келгинди бизнинг меҳмондўстлигимиз ва му-  
руватимиздан баҳраманд бўлиш ўрнига – Худо сийла-  
ган еримизни, денгизимизни, жамики дарёларимиз, ол-  
тин ва кумушларимиз, ўтлоқларимизни ўзиники қилиб  
олмоқчи...

– Бас қил майнавозчиликни! – дедим унинг гапини  
бўлиб. – Муштлашамиз!

Янгули менга тикилиб турди-да, сўзида давом этди:

– Ҳозир сизларга рангпар гўштдан қандай қилиб  
ковурдок тайёрлашни кўрсатиб қўяман.

– Олифтагарчилик қилма! Бошлаймиз!

– Хўй мишиқи! – Янгули Кокага мурожаат қил-  
ди. – Югур, «Тез ёрдам»га қўнгироқ қил, беш минут-  
дан кейин келиб холаваччангни олиб кетсин. Унгача  
бехуш бўлади.

Болалар ҳузур қилиб кулишди.

– «Тез ёрдам» бугун сени олиб кетади! – шундай  
деб ўрнимдан турдим.

Томошибинлар давра олишди.

Янгули Петяга икки оғизгина пицирлади. У ка-  
марини еча бошлади. «Наҳотки, камар билан урса?»  
деган ўй ўтди қўнглимдан.

Петя камарни Янгулига узатиб, даврага қайтди.  
Янгули тўпланганларга виқор билан бир назар ташлаб  
чикқач, деди:

– Мен бу рангпар билан икки қўллаб муштлашмай-  
ман. Бунга битта қўл ҳам кифоя. Петя, чиқ бу ёққа,  
қўлимни боғла!

Атрофдан «Қойи-ил!» деган хитоблар әшитилди, менинг эса юрагим орқага тортиб кетди. Бу яна қанақа найранг!

Петя ўртага чиқиб, Янгулининг чап қўлини гавдасига қўшиб боғлаб қўйди.

— Масхарабозликни бас қил! Чиқаз қўлингни! — дедим мен.

— Йўқ, сен билан икки қўллаб муштлашиш менга уят!

Болалар тагин завқланиб қулишди.

— Э-э, унақада муштлашмайман! — Мен сумкамга энгашдим.

— Қўрқяпсанми? — деб сўради Янгули.

— Йўқ, қўрқаётганим йўқ, хоҳламайман. Чиқаз қўлингни! Барibir бугун калтак ейсан!

— Бошла, кейин афсусланасан! — Янгулининг жаҳли чиқа бошлади.

— Солсанг-чи, нимани кутяпсан! — деб шивирлади менга Кока.

Бош чайқаб туравердим. Ахийри бўлмагач, Янгули яқин келиб, тарсаки тортиб юборди. Юзимдан олов чиқиб кетди, лекин қўлимни қимирлатмадим. Янгули яна урди, кейин яна. Сезиб турибманки, бор кучи билан урмаяпти. Унинг тарсакилари рақибига зарба беришдан кўра ўйинқароқ болага пўписа қилишга ўхшарди. Жавоб қайтармаётганимни кўриб Янгули қўлини туширди. Мен шартта бурилиб, бир оғиз ҳам гапирмай, жанг майдонини тарк этдим. Болалар индамай йўл бўшатишди.

— Хў Скрипка! — Бу Петянинг овози эди, шу заҳотиёқ чарсиллаган товуш ҳам әшитилди. Янгули Петянинг юзига тарсаки тортган эди.

Орқамга қарамадим — мен йиғлардим, болалар кўзёшларимни кўришларини истамасдим.

Йиғлардим-у, лекин бугунги олишувда ғолиб чиққанимни ич-ичимдан ҳис этардим.

Тонготар, хали фира-шира пайтда мен Александридилар дарвозаси олдида туардим. Христо эшакка

тўқим урар, Янгули эса унга ёрдамлашар эди. Мени кўриб ёнимга келди.

– Ха, арз қилгани келдингми? – деди у отаси томон бош ирғаб. Христо орқа ўтириб турганидан мени кўрмасди.

– Ким кепти? – деб бақирди у ишидан кўз узмай.  
– Ўртоғим.

– Янгулининг вақти йўқ, бозорга боради! – Христо ўгирилиб мени кўрдию ҳайрон бўлди: – Ие, ярашдингларми?

– Ярашдик! – деб жавоб қилдим мен.

– Ха, мана бу бошқа гап! Икковинг ҳам зўр йигитсан-ку! – Христо суюниб кетди. – Кир бу ёққа!

– Раҳмат, шошиб турибман... Қачон қайтасан?

– Кечки пайт, – деб жавоб берди Янгули.

– Кўприк тагида кутаман!

Шундай дедиму изимга қайтдим.

У келди, индамай эшагини бир четга боғлади-да, кўйлагини ечиб, тўқим устига ташлади, шунда яна кўқсидаги афсунгар сўзга кўзим тушди: «Hellados».

Бугунги олишувимизга фақат эшак шохид бўлди. Муштлашиш узоқ давом этди. Ҳар қанча уринмайин, Янгули ўзғирлик қилди – биринчи зарбани у берди. Мен йиқилмадим, фақат чайқалдим, холос. Иккинчи марта ҳамла қилганида чақонлик билан гавдамни орқага ташладим, қўли бурним ёнидан шувиллаб ўтиб кетди. Аммо у шу қадар шиддат билан қулоч отган эдики, мувозанатини йўқотиб, мункайганча бир қадам олдинга ташлади. Шунда... Ҳў ўша биринчи бор муштлашганимизда бўлганидай, озғин ияги ўнгимга келиб колди. Мен ҳам ўша ияк остига қаттиқ мушт солдим. Янгули йиқилди, бир муддат қимир этмади.

Биз бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. Пишиллаб нафас олаётганимизни ҳар иккаламиз ҳам эшишиб турардик. Мен Янгулининг яна ҳамла қилишини қутардим, аммо, таажжубки, муштлашишга менда на хошиш, на кайфият қолган эди. Бироқ энди ҳеч қачон Янгули менга зўравонлик қилолмаслигини ҳам билиб турардим.

- Бас! — деди Янгули кутилмаганда.
  - Бўпти! — Мен ҳам рози бўлдим. — Лекин эртага болаларнинг олдида муштлашамиз! — дея қўшиб қўйдим ҳар эҳтимолга қарши.
  - Кераги йўқ. Зўр бола эканингни болаларга ўзим айтаман. Лекин билиб қўй, биринчиликни сенга бермайман!
  - Кераги ҳам йўқ!
  - Хоҳласонг, иккинчи бўла қол.
  - Менга ҳеч нарса керак эмас! Сенинг йўлинг бошқа, менинг йўлим бошқа! — Мен кетишга чоғландим.
  - Тўхта! Бунақаси кетмайди. Ҳар куни муштлашавермаймиз-ку, ахир. Ке, келишволайлик: эртадан бошлаб фақат сўкишамиз. Ким қойиллатса — ўша голиб!
  - Майли, розиман.
- Мана, яна болалар қуршовидамиз. Бу гал ўртамиизда даҳанаки жанг авжга чиқсан.
- Жамол — эшакмия!
  - Янгули — кўкатфуруш грек!
  - Тбилисилик мишиқи!
  - Эшакбоқар!
  - Тўнғиз!
  - Чириган бодринг!
  - Тошбақа!
  - Итбалиқ!
  - Медуза!
  - Овсар!
  - Паганини!
- Бисотимдаги ҳақоратбоп сўзлар тугади. Янгули кутуб турарди — навбат меники эди.
- Бўла қол, ютқазасан! — деб туртқилади Кока.
  - Менда бошқа йўқ!
  - Онасига ўт!
  - Йўқ, онани аралаштириб бўлмайди!
  - Шени деда ватире, дегин! Уят жойи йўқ буни!
  - Ўрисчасига нима дегани?

– Сен грузинчасига айтавер! У барибир тушунмайди!

– Кока ҳол-жонимга қўймасди.

– Янгули, шени деда ватире! – грузинчалаб шундай дедиму жавобини жон ҳовучлаб кутиб турардим.

– Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Сездимки, Янгули ҳам онамга тил теккизди, аммо бу сўзлар шу қадар хушоҳанг, шу қадар ёқимли эши-тилдики, гўё у гўзал бир қўшиқни бошлагандай бўлди назаримда.

Мен яна такрорладим:

– Шени деда ватире, Янгули!

– Имана су ине простикаса инека, Жамол!

Бу ҳол ярим йилча давом этди. Сўнг эҳтиросларимиз аста-секин сўнди. Иккаламизнинг ҳам ҳақорат репертуаримизда биттаю битта жумла қолди, ҳар учрашганимизда мен: «Шени деда ватире, Янгули!» дердим, у бўлса: «Имана су ине простикаса инека, Жамол!» дерди.

Офтоб чараклаб турарди. Кока иккаламиз мактабдан қайтардик. Темир йўл кесиб ўтиладиган жойда, одатдагидек, Янгули ўртоқлари билан ивирсиб ўтиарди. Мени кўрдию шартта ўрнидан туриб, истиқболимга юра бошлади.

– Янгули, шени деда ватире! – дея ўзғирлик қилдим мен.

У тўхтаб, мавъос нигоҳ билан узоқ тикилиб турди.

– Шени деда ватире, Янгули! – деб такрорладим яна.

Янгули бошини эгди, кейин бурилиб, аста... уйи томон кета бошлади. Мен донг қотиб қолдим.

– Кўрдингми қуён бўлганини?! Энди хўжайнлик қилолмайди! – дедим Кокага.

– Йўқ, энди бошланди! – Кока мийифида кулиб кўйди.

– Қанақасига?

– Шунақасига-да. У сени енгди, Жамол!

– Нега сўкинмади бўлмаса!

— Кеча ойингни суриштирган эди: ким, қаерда... Мен нима дейин... Шунақа, шунақа... ҳалиги... Йўқ... ўлган, дедим. Шунинг учун ҳам сўкмади-да сени...

Фалати бўлиб кетдим.

— Аҳмоқ, овсар! Нега кеча шуни менга айтмадинг?

— Қайдам...

— Янгули! — деб қичқирдим орқасидан. Аммо у анча узоқлашиб кетган, овозимни эшитмасди. Ё эшитса ҳам, эшитмаганга олдими...

Шу ондан бошлаб Янгули ўн баравар улгайгаңдай бўлди менинг назаримда. Орамизда фанимлик бўлмаганидек, яқин дўст ҳам бўлолмадик у билан. Учрашиб қолганимизда бир-биримизга жилмайиб, қўл силкиб қўярдик, холос. Ахён-ахён, отасининг ўрнига уйимизга сут ёки қатиқ олиб келганида уч-тўрт оғиз гаплашардик. Шунда ҳам сухбатимиз сут-қатиқнинг баҳосию эшакдан нарига ўтмасди.

Ўша куни Янгули сут опкелди. Ҳовлида унга кўзим тушди-ю... таниёлмай қолдим. Башараси моматалоқ бўлиб кетган эди.

— Нима бўлди? — деб сўрадим ажабланиб.

Ақл бовар қилмасди — бу атрофда Янгулига ким қўл қўтариши мумкин?! Ёки бирорта каттароқ ёшдаги одамнинг ишимикан бу?

— Ҳеч нарса! — деди у четга қараб.

— Афtingни бир қарагин...

— Ҳечқиси йўқ! — дея жилмайди у.

— Ким экан у муштумзўр?!

— Отам!

— Отанг?

— Отам.

— Нима гуноҳ қилувдинг? — дея унинг шишиб кетган чаккасига авайлаб қўлимни текказдим.

— Сабаби бор-да...

— Нима иш қилиб қўйдинг?

— Уч кундан кейин Сухумига Грециядан пароход келади. Бу ерлик греклар Элладага қайтишяпти. Отам ҳам...

— Хўш, нима қипти?

– Кетмоқчи эмасман... Отамнинг гапига қараганда, бизнинг ватанимиз, она тупроғимиз ўша ерда... Бизни аждодлар руҳи чақираётганмиш, бу нидога қулоқ солиш шарт эмиш...

– Нега бирга кетмоқчимассан? – деб сўрадим астойдил таажжубланиб.

Янгулидан анча вақтгача садо чиқмади.

– Қандоқ тушунтиурсамикин... – дея гап бошлади у ниҳоят. – Онам йўқ, ҳатто эслолмайман ҳам. Отам уззукун томорқада ёки тирикчилик ташвишида... Мен кўчада, Венециан кўчасида катта бўлдим... Менинг ватаним, менинг Элладам бу – Сухуми, кўча, Чалбаш; бу – Кока, Петя, Курлика, Фема, Қора дengиз, кўприк... – У бир ютиниб олиб, давом этди: – Бу – Мида... қолаверса, сен...

Миданинг исмини менинг олдимда Янгули биринчи марта тилга олаётган эди. Аммо мен Мида – бир абхаз кишига турмушга чиқсан грек аёлининг қизи эканини, Сухумида ундан гўзал қиз йўқлигини, Янгули уни яхши кўришини билардим.

– Тушундингми энди?

Аъзойи баданим жимиirlашиб кетди. Бунаقا сўзларни умримда биринчи марта эшитаётган эдим.

– Бу нима бўлмаса? – Мен Янгулининг кўкрагини очиб, баланд овозда ўқидим: – Hellados.

– Бу – нақш, Жамол. Ватан – ичкарироқда, нақд юракнинг ўзида! – Янгули қўлинни кўксига қўйди.

Ўпкам тўлиб, томофимга аччик бир нарса қадалди, унга яна бир нималар демоқчи эдим-у, аммо Янгули эшагини нўхтасидан етаклаб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Орадан уч кун ўтгач, эрта тонгда ховлимизга эшагини етаклаб Янгули яна кириб келди.

– Отам ҳамма нарсани сотди: сигирниям, уйниям, бошқа лаш-лушларниям. Эшакни хеч ким олмаяпти. Биламан, сизлар уйда эшак сақламайсизлар, урфодатингларга тўғри келмайди. Лекин чакки қиласизлар. Бундан беозор жонивор йўқ дунёда – меҳнаткаш, беминнат дастёр... Нима қиласман буни энди? Греклар-

нинг ҳаммаси кетяпти... Кўчага ҳайдаворолмайман-ку... Кўркма, бунга парваришнинг кераги йўқ. Бир тутам хашак бўлса кифоя... – Янгули тутилиб-тутилиб гапи-пар, тўхтовсиз эшакнинг бўйини силар эди.

- Сен-чи? Сен ҳам кетяпсанми?
- Кетяпман... Эшакни опқоласанми?
- Бўпти!
- Лекин ҳайдаворма!
- Йўқ, йўқ!
- Нина Ивановнага ҳам айтиб қўй, ҳайдамасин!
- Албатта айтаман.
- Кока ёрдамлашади... Эшакка кўп нарса керак эмас. Бир тутам хашак...
- Ташибланма, Янгули.
- Исми Аполлон.
- Биламан.
- Авайлайсанми?
- Хотиржам бўл.
- Майли, мен кетдим... Пароход кечкурун жўнайди...
- Борақол...
- Хайр, Жамол!
- Кечкурун портга чиқаман, Янгули!

Биз қучоқлашдик. Янгули анча вақтгача мени бағридан бўшатмади. Кейин шартта бурилиб, гўё аллақандай мудхиш ва ёвуз нарсадан қочгандай, чопиб чиқиб кетди...

Кечкурун портга бутун Сухуми қўчиб чиқди.

Ҳаммаёқ гулга қўмилган, оркестр жааранглар, одамлар қўшиқ айтиб, рақсга тушишар эди. Вафир-вугур орасидан «раҳмат», «хайр», «омон бўлинглар» деган сўзлар қулоққа чалинар, аммо қўзёшлари ундан ҳам бисёр эди.

Сухумиликлар ўзлари билан эт-тироқ бўлиб кетган қадрдонлари – греклар билан хайрлашишарди. Греклар аллақачон нуқрадай оппоқ «Посейдон» кемасига чиқиб олишган, ўша ердан туриб қўл силкишар,

грекча, русча, грузинча, арманча лафзда бир нималар деб қичқиришар эди.

Мен болаларга қўшилиб, соҳилдаги панжара деворга қапишганча, нигоҳим билан Янгулини излай бошладим. Ва уни топдим. Эгнида ўша ўзи ёқтирадиган олди очиқ кора сатин кўйлак.

– Янгули, Янгули! – дея қичқиришга тушдим қўл силкитиб. Янгули қузатувчиларга узок, жуда узок разм солди ва бирдан мени кўриб қолди. Иккала қўлини баланд кўтариб, нидо берди:

– Жамол, это агапо имана су!

– Жамол, ойингни яхши кўраман!

У грекча нимадир деб бақирди-ю, аммо менга қўшиқ айтгандай туюлди. Тағин шу нарсани сездимики, назаримда, кемадан қочиб кетмасин дебми отаси уни билагидан маҳкам ушлаб турарди. Яна унинг қўшиғини эшлишига, яна унга мўлтираб туришга бардошим етмади. Кемага терс ўгирилдим-да, йиғлаганча уйга жўнадим.

Орадан бир кун ўтиб, Келасури дарёсининг қўйилиш жойида денгиз тўлқинлари бир боланинг жасадини соҳилга чиқариб ташлабди. Тўғрироғи, уни кекса балиқчилар сувдан тортиб олиб, кумга ётқизишибди. Сўнг мурданинг кимлигини аниқлаш учун шу атрофда ўйнаб юрган болаларни чақиришибди.

Мархумнинг башараси шу қадар дабдала бўлиб кетган эканки, уни хеч ким танимабди.


Уни мен танидим. Чап тўшининг устидаги «Hellados» деган сехрли ёзувни кўргандан кейин танидим.

Нафасимни ичимга ютганча соҳилдан, сўнг темир йўл бўйлаб, кейин Венециан кўчасидан тўхтовсиз югуриб, телбаларча уйга отилиб кирдим.

– Ха, нима бўлди?!! – Холамнинг капалаги учиб кетди.

– Нина хола... Янгули қайтиб келди...

Сўнг холамнинг олдида чўккалаб, оёқларини кучоқлаганча хўнграб йиғлаб юбордим...



**Габриэль Гарсиа  
МАРКЕС**  
**колумбийлик  
ёзувчи**

**(1927-2014)**

## АТИРГУЛНИНГ ТИКОНИ

**К**ечга яқин чегарага яқынлашганларида Нэна Даконте никоҳ узуғи тақиғидан хамон қон томчилайтганини кўрди. Кигизранг ёмғирпўш кийган испан жандарми карбид чирогини тутиб, уларнинг паспортини узоқ кўздан кечирди. Пиреней тоғларидан эсаётган кучли шамол уни учирив кетаман дерди. Гарчи иккала паспорт ҳам дипломатик мақомга эга бўлса-да, жандарм чироқ нурини хужжатлардаги суратдан узиб, буларнинг юзига тутди. Балоғатга етиб-етмаган, кўзлари маъсум, рутубатли январь оқшомида шинниранг юзида Кариб офтоби жилва қилиб турган Нэна Даконте пахмоқ пўстинга томоғигача ўраниб ўтиради. Бунака пўстинни ҳарид қилишга чегарадаги бутун бошли гарнизоннинг бир йиллик маоши ҳам етмайди. Эгнига катақ-катақ камзул, бошига бейсбол қалпоқчаси кийволиб рулда ўтирган эри Билли Санчес де Авила ундан бир ёш кичик, аммо худди унинг ўзидай хушрўй эди, фақат олдинга тутиб чикқан заранг ияги кўринишдан ёқимтой каллакесарни ёдга соларди. Хотинидан фарқли ўлароқ, у бўйчан ва дуркунроқ эди. Уларнинг жамиятдаги ўрнини кўз-кўз қилиб турган яна бир унсур бу жойларда камдан-кам учрайдиган ҳашаматли автомобиль бўлиб, унинг орқа ўриндиғида яп-янги чамадонлар ва совға тўла қофоз қутилар уюлиб ётарди. Нэна Даконтенинг бирдан-бир овунчоғи бўлмиш саксофон ҳам шу ерда эди, Ҳайҳот! Кунлардан бир кун бу

овунчоқни пляжда юрган баодоб босқинчининг машъум мұхаббати чилпарчин қилиб ташлади.

Жандарм мұхр босилган паспортларни қайтариб бергач, Билли Санчес ундан яқын-атрофда дорихона бор-йүқлигини сұраган әди, у кафти билан оғзини шамолдан пана қилиб, Андайдан, французлар томонидан суриштиинглар, деб қичқирди. Ойнаванд хужра ичида қарта ташлаб ўтирган Андай полициячилари эса маҳбатли машинага күз қирини ташлаши-ю, «ўтиб кетаверинглар» деган ишорани қилишди. Билли Санчес тұхтаб, устма-уст сигнал қопқоғини босди, ахийри зардаси қайнаб кетген бир полициячи түйнукдан бошини чиқарып, жеркиб берди:

– Нима қилиб турибсан? Кетавермайсанми, галварс!

Ана шунда Нэна Даконте пўстинининг ёқаларини юзига босиб машинадан тушди-да, полициячидан соғ француз тилида дорихона қаердалигини сўради. Лунжи тўла нон, полициячи лоқайдлик билан дорихонага иши тушмаганини айтиб, дарчани ёпди. Аммо нигоҳи бир зум номсиз бармоғини сўриб турган антиқа пўстинли кизга қадалди, назарида осмондан фаришта тушгандай бўлди шекилли, бирдан кўнглидаги қаҳр ўрнини меҳр эгаллади.

– Байоннада дорихона бор, – деди у, – лекин бундай ҳавода ишлаётганмикан? Тинчликми ўзи? – деб сўради кейин.

– Тинчлик, – дея жилмайди Нэна Даконте ва олмос кўзли узук ярқираб турган бармоғини қўрсатди. Бармоқ учидан кон силқирди. – Тикан кириб кетди.

Байоннага етмасларидан яна қор ёға бошлади. Шом коронғиси эндиғина ёйилаётган бўлишига қарамай, шаҳар кўчалари бўм-бўш, ҳамма эшиклар тақа-тақ берк әди. Алламаҳалгача дорихонани қидириб топишолмади. Яна йўлга тушишди. Билли Санчес хурсанд әди. Шу пайтгача мингандан машиналари тўй муносабати билан совға қилинган мана бу «Бентли»га яқин келолмасди, аслида-ку, кўлинин қаёққа узатса етадиган отаси уни машинадан ҳеч қачон қисмаган, хоҳлаганини олиб бе-

риб турган. У мана шундай ширин хаёллар оғушида ўтирар, юргани сайин толиқиши ўрнига чарчоғи тарқаб борарди. Билли шу бугунок Бордога етиб олмоқчи эди, чунки уларни «Сплендиш» меҳмонхонасида олдиндан буюриб қўйилган жаннатий хона кутмоқда. Шу тобда уни на рўпарадан эсаётган кучли шамол, на бўралаб ёғаётган қор тўхтата оларди. Нэна Даконте эса буткул ҳолдан тойган, айниқса, йўлнинг Мадриддан чегарагача бўлган ўйдим-чуқур қисми уни тутдай тўкиб ташлаган эди. Бинобарин, Байоннадан чиқишилари билан у қон оқаётган бармоғини рўмолчаси билан боғлаб, қаттиқ уйқуга кетди. Билли Санчес буни ярим кечага яқин, қор тиниб, қарағайзорда шамол тўхтаган ва кўкда юлдуз дурлари йилтиллаган пайтдагина пайқади. Бордо ортда қолган эди, у ерда Билли машинага бензин қўйдириш учунгина тўхтади, нияти тезроқ Парижга етиб олиш эди. 25 минг фунтга харид қилинган дабдабали қўғирчоғига маҳлиё бўлиб қолган Билли бармоғига ўроғлик рўмолчаси жикқа конга бўйкан ширмонюз қиз унинг қувончига шерик бўладими-йўқми – бу ҳақда ўйламасди.

Улар уч кун бурун бу ердан минглаб километр олисдаги Картахане-де-Индиасда қизнинг ота-онасини қон қақшатиб, фақат архиепископнинг оқ фотихаси билан турмуш куришди. Нима воқеа юз берганини, ногаҳоний бу муҳаббат қандай пайдо бўлганини уларнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмасди. Бу муҳаббат эса тўйдан уч ой муқаддам денгиз соҳилида, оромбахш якшанба кунларининг бирида кўз очган эди. Ўша куни Билли Санчеснинг тўдаси Марбелье пляжидаги аёлларнинг ечиниш хоналарига бостириб кирди. Бундан сал илгарироқ Нэна Даконте ўн саккиз ёшга тўлган, Швейцариядаги Шателен интернатида таълим олиб, тўртта тилни сув қилиб ичиб юборган ва саксофон чалишни ўрганиб, яқиндагина ўз юртига қайтган эди. Бу – у денгизга келганидан кейинги илк якшанба эди. Нэна чўмилиш либосини кийиш учун буткул ечи-

ниб бўлганида ён-веридаги бўлмаларда бирдан қий-чув кўтарилиди, у нима гаплигини ўз хонасининг зулфини шарақлаб отилиб кетганидагина англади. Рўпарасида уят жойига шапалоқдай қоплон терисини тутиб олган эртаклардагидай хушсурат бир безори турарди. Қайишдай таранг қомати жануб офтоби ва денгиз шамолида обдан қорайган, ўнг муштига қароқчиларнинг синалган қуроли бўлмиш темир занжир ўралган. Бир вақтлар улар бошланғич мактабда бирга ўкишган эди. Ў-хў, улар бормаган оиласи тантаналар, базму зиёфатлар қолибдими! Ҳар иккаласи ҳам шаҳарни ётқизиб-турғизадиган нуфузли хонадонларнинг фарзандлари эди. Аммо хозир, орадан кўп йиллар ўтгани сабабли, бир-бирларини дабдурустдан таниёлмадилар. Ҳайкалдай қотиб қолган Нэна Даконте ҳатто у ер-бу ерини яширишни ҳам тамомила унуган эди.

Билли Санчес номус қилганидан занжир ўралган мушти билан кийимхона деворини шунака урдики, бармоқ суюклари дабдала бўлди. Қизнинг ўзи машинасида уни касалхонага олиб бориб, тузалгунича тепасидан жилмади, бу фамхўрликнинг оқибати шу бўлдики, улар биргаликда севги илмини юксак чўққиларга кўтардилар. Хулласи калом, никоҳ ўқилиб, икковлари жуфти ҳалолга айланган куннинг эртасига Нэна Даконтенинг қорнидаги ҳомила икки ойликка яқинлашиб қолгани маълум бўлди.

Бинобарин, Мадридга учиб келганларида улар ўзларини жазманлардай эмас, балки минг йиллик орзуладари ушалган ёш келин-куёвлардай тутдилар. Қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам ота-онаси уларни кутиб олишга пухта тайёргарлик кўриб қўйишган эди. Самолётга зинапоя тиркалиши билан биринчи тоифадаги бўлмага протокол бўлимининг ходими кириб келди. У Нэна Даконтега ота-онаси номидан нуқрадай оппоқ манто совға қилди, Билли Санчесга эса қўй терисидан тикилган нимпўстин билан аэропортда қантариб қўйилган яп-янги машинанинг калитини топширди. Дипломатик ваколатхонанинг барча ходимлари уларни фаҳрий

мөхмөнларга мүлжалланган қабулхонада кутиб олишиди. Элчи ва унинг рафиқаси булар эсини танибдики, ҳар иккала хонадон учун азиз кишилар эди. Бундан ташқари, уларни ҳали шудринг томчилари қуриб ултurmаган бир даста атиргул билан қарши олган элчи Нэна Даконтенинг инга-ингасини эшитган доя-дўхтир ҳам эди. Қиз эр-хотинга талпиниб, уларни навбати билан ўпди, сўнг гулдастани олди, шунда атиргулнинг тикани бармоғига фарчиллаб санчилди, аммо Даконте дарров вазиятни юмшатди:

— Узугимни кўриб қўйинглар деб атайлаб шундай қилдим.

Дипломатларнинг бари қадимий усталар қўлидан чиққан олмос кўзли узукка маҳлиё бўлиб қолди, кўплари ичида узукнинг нархини хомчўт қилган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳеч ким бармоқдаги қонни пайқамади. Кейин ҳамманинг эътибори машинага оғди. Тадбиркор элчи уни аэропортга келтириб, ипак матога ўрашни ва устидан зарҳал жияк билан боғлаб қўйишни буюрган эди. Аммо Билли Санчес бу топқирликнинг қадрига етмади. Машинани тезроқ кўриш иштиёки устун келиб, бир силтov билан матони сидириб ташладио анграйиб қолди. Бу энг сўнгги нусхадаги «Бентли» русумли машина бўлиб, ички жихозлари буткул асил чарм билан қолланган эди. Бирдан ҳаво айнади, Гуадаррам томондан аччик изғирин эса бошлади. Лекин Билли Санчес совуқни сезмасди, у машинага андармон бўлиб, унинг жамики икир-чикирини кўздан кечириб чиқди ва шу тариқа элчихона ходимларини алламахалгача очиқ бекатда дийдираф туришга маҳкум этди. Кейин элчи зиёфат режалаштирилган маҳсус қароргоҳга бориш учун унинг ёнига, олдинги ўриндиққа ўтирди. Йўл-йўлакай шаҳарнинг дикқатга сазовор жойларини кўрсатиб кетди, аммо фикру хаёли машинада бўлган Билли Санчес бунга парво ҳам қилгани йўқ.

Илгари у ўз юртидан ташқарига чиқмаган эди. Ҳар йили синфдан синфга ўта олмай, барча хусусий ва давлат мактабларининг тузини татиб кўрди,

ахийри кўпчиликнинг қарфишига учраган ёмон болалар тўдасига қўшилиб кетди. Бу шаҳар у туғилиб-ўсган шаҳарга ўхшамасди: денгизи йўқ, турки совуқ кулранг бинолар, яланғоч дараҳтлар – хуллас, назари тушган ҳамма нарса таъбини хира қилас, лекин Билли Санчес буни сездирмасликка тиришарди. Элчининг қароргоҳида зиёфат авжига чиқиб, шаҳарга ёпирилган қор бўронини ҳеч ким пайқамади, Францияга жўнаш учун қароргоҳдан чиққанларида эса бутун борлиқ оқ чойшабга бурканган эди.

Нэна Даконте бармоғидан қон оқаётганини Мадриддан жўнаганларидан сўнг орадан тўрт соат ўтгач, бўрон тиниб, хаво очилган пайдагина кўриб қолди. Аввалига таажжубланди, чунки элчининг хос меҳмондорчиликни опералардан ариялар ижро этиш билан якунлашга одатланган хотини шаънига қийқириб чапак чалганида бармоғида оғриқ сезмаган эди. Кейинроқ, ҳар гал эрига чегарага элтадиган энг яқин йўлни кўрсатаркан, қон оқаётган бармоғини беихтиёр сўра бошлади, фақат Пиренейга етганларидагина дориҳона эсига тушди. Аммо сўнгги кунлардаги «зўри беҳуда»лар ўз ишини қилди – уни уйқу элитди, чўчиб уйғонганида эса (тушида машина сув устида сузиб кетаётганмиш) бармоғига ўралган рўмолча хаёлига ҳам келмади. Рўпарасидаги соатга қараб аллақачон Бордони ҳам, Ангулемни, Пуатьени ҳам босиб ўтишганини, ҳозир эса Лауру оралаб, сув босган баланд тўғон устида кетишаётганини англади. Қарағайлар ортидаги қўхна қалъалар ойнинг хира ёғдусида эртаклардаги сирли-сехрли шарпалардай кўзга ташланарди. Бу жойларни беш кўлидай биладиган Нэна Даконте Парижгача атиги уч соат йўл қолганини чамалаб кўрди, Билли Санчес эса рулда ҳамон гижинглаган тойдай ўтиради.

– Жонингда қасдинг борми? – деди у эрига. – Ўн бир соатдан кўп юрибмиз-а, тамадди қилиб олсанг-чи!

Аммо Билли Санчес янги машина гашти билан тўқ эди. Гарчи самолётда кам ухлаган бўлса-да, Парижга қийналмасдан етиб бориши кўриниб турарди.

— Элчининг уйида бир ойга етадиган овқат еганман, — деда жавоб берди у бамайлихотир.

Орлеанга яқинлашганларида туман тарқади, ой баркаши қор босган далаларга аямай нур соча бошлади, аммо Парижга сабзавот ва вино олиб бораётган юк машиналари тирбандлашиб, юриш анча қийинлашди. Нэна Даконте жон-жон деб рулга ўтирган бўйларди-ю, лекин бундан оғиз очишга ҳам журъат этолмасди, сабаби Билли Санчес бир куни, хотинининг ёнида йўловчидаи ўтирган эркак — эркак эмас, деган эди. Қарийб беш соат тўйиб ухлаб олган Нэна ҳозир ўзини бардам ҳис этар, бирорта хароб меҳмонхонада ётиб қолишмаганидан нихоятда хурсанд, фақат туннинг бесамар ўтгани жиндай алам қилаётган эди, холос.

Осмон ёриша бошлаганда ювиниб олиш ва жиндай хордиқ чиқазиши максадида йўл бўйидаги қаҳвахонага киришди, кейин юк машиналарининг нонушта қилаётган ҳайдовчилари ёнида туриб иссиқ булочка билан қаҳва ичишди. Хожатхонада Нэна Даконте юбкасидаги қон доғларини кўрди, лекин тозалаб ўтирмади. Бўкиб кетган рўмолчани ахлат қутисига улоқтириб, қўлини шошмасдан совунлаб ювди. Тикан яраси кўзга шундок ташланиб турарди. Машинага ўтирганларида бармоқдан яна қон оқа бошлади. Нэна Даконте совук шамол қонни тўхтатади деган умид билан қўлини ташқарига чиқариб олди, лекин фойдаси бўлмади. «Бирортаси изимизга тушган бўлса, мушкули осонлашди, — деди у соддадиллик билан. — Қорга томган қонларим изидан bemalol топаверади».

— Эшитяпсанми? «Мадриддан Парижгача чўзилган қон излари...» Кўшикқа ўхшайди-я!

Аммо бу ҳазилнинг таги зил экани тезда маълум бўлди. Парижга туташ шаҳарчага кириб боргандарида бармоқдан қон тизилиб отила бошлади, шунда Нэна Даконте қон билан бирга танасини жон ҳам тарк этаётганини илк бор ҳис этди. У жароҳат устига ҳожатхона қофозини босар, қонга бўйкан қофозни пайдар-пай ташқарига улоқтириб борарди. Қон аста-секин пўстин барлари ва ўриндиққа ёйила бошлади. Билли Санчес

саросимага тушиб, яна дорихона қидирмоқчи бўлди, аммо энди дорихона ёрдам беролмаслигини Нэна Даконте англаб етган эди.

– Ҳадемай Орлеан дарвозасидан ўтамиз, – деди у. – Катта йўлдан тўғри бораверасан, у ёғини кўрсатаман.

Аммо генерал Леклерк номи билан аталувчи катта йўлдан олға силжиш осон бўлмади. Йўлнинг иккала томонида енгил машина ва мотоцикллар бир-бирига мингашиб кетган, ўлганинг устига тепган деганларидай, марказий бозорларга ошиқаётган юқ машиналари қимир этгани қўймас эди. Билли Санчес хуноби ошиб, ҳайдовчилар билан сўкишиб кетар, Нэна Даконте ҳайхайлаб уни ховуридан аранг туширади. Фақат Леон Бельфор майдонидан ўтишга бир соатдан ортиқ вакт сарфлашди. Қаҳвахона ва дўконларнинг чироқлари ярим тундагидай чараклаб турар, зеро Париж январининг одатдаги сешсанбаси бўлиб, ҳаво рутубатли, ёмғир аралаш қор ёғарди. Данфер-Рошро кўчаси холироқ экан, озгина юрганларидан сўнг Нэна Даконте эрига ўнгга бурилишни буюрди, кўп ўтмай улар бефайз бир касалхона олдида тўхташди.

Машинадан тушаётганда Нэна Даконтега ёрдамлашишга тўғри келди, лекин унинг рухи тетик, фикри равшан эди. Навбатчи дўхтири келгунча Нэна замбilda ётган кўйи ҳамширанинг сийқа саволларига жавоб қайтарди: ким, қаерда туғилган, болалигида қандай дардларга чалинган ва ҳоказо. Билли Санчес машинадан унинг сумкачасини келтириб берди, сўнг никоҳ узуғи тақилган қўлини ушлади. Қўл ҳароратсиз ва заиф эди, лаблари ҳам оқариб кетганини илгади. Қиз эрининг қўлини кўйиб юбормади, дўхтири келгунча Билли Санчес шу алфозда тураверди. Навбатчи бармоқдаги жароҳатни кўздан кечира бошлади. У бошида бир туки йўқ, қорачадан келган ёшгина йигит эди. Нэна Даконте унга заррача эътибор бермай, эрига қараб жилмайди.

– Кўрқма, – деди у, кейин одатдаги ҳазилини қилди: – нари борса, бармоғимни кесиб олиб, ютиб юборар-да.

Дўхтири бошини кўтариб, андак осиёча талаффуз аралашган соф испан тилида жавоб қайтарди:

– Йўқ, азизларим, – деди у, – шундоқ чиройли бармоқни кесиб олиб, ютиб юборгандан кўра, очдан ўлганим афзал.

Эр-хотин бақа бўлиб қолиши, аммо дўхтири мулодийм ишора билан уларни хижолатдан қутқарди. Сўнг замбилни олиб кетишни буюрди, Билли Санчес хотинининг қўлини тутганча одимлаётган эди, дўхтири унинг тирсагидан ушлади:

– Сиз қолинг. Беморни реанимацияга олиб боришади.

Нэна Даконте эрига яна бир бор жилмайиб, қўл силкиди. Замбил йўлак ичкарисида кўздан фойиб бўлди. Дўхтири ҳамшира ёзган маълумотларни ўқиётган пайтда Билли Санчес унинг ёнига келди.

– Дўхтири, – деди у, – хотиним ҳомиладор.

– Неччи ойлик?

– Икки ойлик чамаси.

Дўхтири бу хабарни Билли Санчес кутганидан кўра хотиржам қабул қилди. «Айтганингиз яхши бўлди», деди-да, замбил олиб кетилган томонга караб йўргалади. Билли Санчес bemорлар таҳликасига тўйинган бўм-бўш йўлакда қаққайганча қолаверди, анча гарангсиб турди, кейин узун ёғоч курсида ниманидир кутиб ўтирган кишилар ёнига чўқди. Орадан қанча фурсат ўтганини билмайди, кифтига ер юзининг жамики фам-ташвишини ортиб касалхонадан чиққанида яна қоронги тушган, осмон яна ҳафсала билан қор элакларди.

Нэна Даконте касалхонага ётқизилган вақт – 7 январь, сешанба, соат 9.30. Ўша куни тунни Билли Санчес касалхона рўпарасида турган машинасида ўтказди. Эрталаб уйғониши билан сал наридаги қаҳвахонада қайнатилган олтита тухум еб, икки стакан сутли қаҳва ичди, Мадриддан чиққанларидан бери тузукроқ еган овқати шу эди. Кейин Нэна Даконтени кўриш учун bemорларни қабул қилиш бўлимига борди. Асосий эшикдан кириш кераклигини унга бир амаллаб тушунтиришди. У ёқда, худога шукр, испанчани биладиган бир санитар

топилиб қолди, ўша орқали Билли Санчес ростдан ҳам Нэна Даконте касалхона рўйхатида қайд этилганини аниқлади; беморларни зиёрат қилишга фақат сешанба куни соат тўққиздан тўртгача рухсат бериларкан. Демак, яна олти кун кутиш керак. Хотинини қабул қилиб олган дўхтирга учрашиш ниятида унинг тепакал эканини, негрларга ўхшаб кетишини айтган эди, арзимаган бу икки сифат бўйича тусмоллаган бирорта одам у дўхтири танимади.

Нэна Даконте рўйхатда борлигидан кўнгли сал таскин топган Билли Санчес машинаси олдига қайтди, у ерда транспорт полициясининг ходими кутиб турган экан; иш шу билан тугадики, машинани иккита мавзе наридаги тор бир қўчага ҳайдаб бориб, тоқ рақамли бинолар жойлашган томонга қантаришга тўғри келди. Рўпарадаги эндингина таъмирдан чиқсан бинога «Отель Николь» деган лавҳа қоқилган эди. Лавҳада биттагина юлдузнинг шакли бор, торгина фойега кўримсиз диван билан эски пианино қўйилган, аммо-лекин чийилдоқ овозли хўжайн пулдор мижоз билан исталган тилда гаплаша олар экан. Аллақайси гўрда қайнаётган карамнинг хиди тутиб кетган айланма зинапоядан ўн битта чамадон билан совфа-саломга тўла тўққизта қофоз кутини бешинчи қаватнинг бўш турган бир хонасига ташиб чиққунча Билли Санчеснинг она сути оғзига келди. Хонанинг биттагина деразасидан кўр ойдиндай нур тушиб турарди. Битта каравот, битта жавон, битта стул, пойига тоғора қўйилган обрез – хонадаги бор бисот шу, тағин буларнинг бари шу даражада бир-бирига тақалиб турибдики, нари-берига бирор қадам босишнинг иложи йўқ. Атрофдан кимёвий дорининг хиди анқийди. «Нима бўлганда ҳам қиши изғиринида кўчада ётгандан яхши-ку», дея ўзига тасалли берди Билли Санчес. Кейин эшикни ичкаридан илгаклаб, пўстинини ечмай каравотга юзтубан ташлади. Умрида биринчи марта ўзини ниҳоятда фариб ва ёлғиз ҳис этди. Шунчча йилдан бери Нэнасиз қандай яшади экан-а? Мана, ҳозир у қўл узатса етадиган жойда қонига беланиб ётиби...

Качон уйқу әлитганини билмайды, бир маҳал күзини очса – соат беш. Лекин эрталабки бешми, кечқурунгими, ҳафтанинг қайси куни, шамол ва ёмғир дўмбира қилаётган ойналаридан бошқа ҳеч вақоси йўқ қанақа шаҳар бу – дабдурустдан фарқига боролмади. Кўзларини очганча Нэна Даконте ҳақида ўйлаб ётди, бир оздан сўнг янги кун бошланаётганига ишонч ҳосил қилиб, ўзи ўргангандан ўша қаҳвахонага қараб йўл олди, бугун пайшанба эканини хам ўша ерда билди. Ёмғир тингган, лекин касалхона чироқлари ҳали ўчмаган эди. Билли Санчес оқ халатли эркагу аёл кириб-чиқиб турган эшик рўпарасидаги қора қайнинг суянганча хотинини қабул қилиб олган дўхтирни учратиш илинжида кунни кеч қилди. Қош қорайиб, совуқ суяқ-суягидан ўтиб кетгач, яна қаҳвахонага кириб, хар галги жойидан иккита тухум олиб еди, иссиқ-иссиқ қаҳва ичди. Мехмонхонага қайтса, ўзиникидан бошқа ҳамма машиналар кўччанинг нариги томонидаги йўлкада турибди, унинг машинаси ойнасига жарима қофози ёпишириб кетилган. Мехмонхона эгаси ҳафтанинг тоқ кунларида машинани тоқ рақамли бинолар остидаги йўлкага, бошқа кунлари эса нариги томондаги йўлкага кўйиш кераклигини унга узоқ тушунтириди. Айниқса, жаримани тўлангу машина жойида тураверсин, акс ҳолда кечаси соат 12 да уни яна бу ёққа олиб ўтишингизга тўғри келади, деган гапи жон-жонидан ўтиб кетди. Хонасига чиқиб, тўшакка кирди-ю, сира ухлай олмади, туни билан ағанаб чиқди. Дардини кимга айтсин, кўнглини кимга бўшатсин?!

Үйқусизлик унга сабоқ берди. Жума куни эрталаб зил-замбил бўлиб ўрнидан турди-ю, энди ҳаётига аниқлик киритиш зарурлигини англаб, қатъий ҳаракат қилишга жазм этди. Кийимини алмаштириш керак эди, бинобарин, чамадон қулфини бузишдан бошқа иложи қолмади – ҳамма калитлар, анча-мунча пул, телефон дафтарчаси Нэна Даконтенинг сумкасида эди. Лоақал телефон дафтарчаси ўзида бўлганида, эҳтимол, парижлик бирорта танишини топармиди... Қаҳвахонага кириб борганида французча саломлашишни ва бутерброд

били сутли қаҳва буюришни ўрганиб олгани маълум бўлди. Лекин бу тилда сариёф билан тухумни хеч қаҷон сўрай олмаслигини ҳам англади, чунки бу икки сўзни сира ишлатгани йўқ-да: сариёғни нонга қўшиб беришар, тухумни пештахтадан ҳар гал ўзи олаверарди. Уч кун ичида қаҳвахона хизматчилари ҳам унга анча эл бўлиб, жавоб-муомалага ўргата бошлашган эди. Кўйинг-чи, жума куни у бемалол ўтириб, фикрини жамлаш ниятида, қовурилган картошка билан бузоқ гўшти ҳамда бир шиша вино буюрди. Танаси шунаقا яйраб кетдики, яна битта вино сўраб, уни ҳам яримлатди, кейин касалхонага бостириб кириш қасдида ўрнидан турди. Нэна Даконти қаердан қидиришни билмасди, лекин анови қоратаппи дўхтиринг башараси ёдида қолган. У асосий эшикка эмас, қабулхона томонга караб юрди, назарида у ер заифроқ қўриқланадигандай туюлган эди, аммо йўлакнинг Нэна Даконте қўл силкиб хайрлашган қисмидан нарига ўтолмади. Остонадаёқ халатига қон сачраган қандайдир кимса, эҳтимол қоровулдир, ундан ниманидир сўради, аммо Билли Санчес эътибор бермади. Қоровул французчалаб бир савонни қайтарганча орқасидан эргашиб кетаверди, ниҳоят, тоқати тоқ бўлиб, ўзбошимчанинг билагига шунақангি чангаль солдики, Билли Санчес таққа тўхтаб қолди. Ўзининг эски усулларидан бирини қўллашга уринган эди, қоровулнинг тепа сочи тикка бўлиб, Санчеснинг қўлини чапдастлик билан орқасига қайирди-да, французчасига сўкина-сўкина, диконглатиб эшик ёнига олиб келди. Кейин даст кўтариб, бир қоп гўштдай кўчага улоқтириди.

Ўша куни Билли Санчес «мулла» бўлди. Энди ўз элчисига мурожаат этиш кераклигини англади, эҳтимол, Нэна Даконте ҳам шундай қилган бўларди. Мехмонхона хўжайини бир қарашда одамовига ўхшаб кўрингани билан жуда хожатбарор ва хорижий тилларга сабр-бардошли киши экан. Маълумотлар китобидан элчихонанинг телефон рақами билан манзилини топиб берди. Гўшакни хушмуомала бир аёл кўтарди. Билли Санчес аёлга таъсири зўрроқ бўлармикин деб,

ўзининг тўла исм-шарифини айтди. Аммо унинг овозида ўзгариш сезилмади. Аёл ҳозир элчи йўқлигини, бугун бўлиши ҳам даргумонлигини, қолаверса, у фақат олдиндан келишув бўйича ва ўта муҳим масалалар юзасидангина қабул қилиши мумкинлигини билдириди. Билли Санчес бу йўл билан ҳам Нэна Даконтенинг олдига киролмаслигини тушуниб, аёлга, худди унинг ўзидай, мулоим оҳангда ташаккур изҳор этди. Ва дарҳол такси тутиб, элчихонага караб жўнади.

Элчихона Елисей кўчасидаги 22-бинога, Парижнинг энг сокин масканларидан бирига жойлашган эди. Аммо Билли Санчесни анча кунлардан бери биринчи марта қуёшнинг Кариб офтобидай чараклаб, Эйфель минорасининг мусаффо осмонга бўй чўзиб туриши лол қолдириди. Уни элчи номидан қабул қилган мулозим эндиғина ўлим тўшагидан турган беморга ўхшарди, фақат тугмасини томоғигача қадаб, бошдан-оёқ қора кийиниб олгани учунгина эмас, йўқ, хатти-харакатининг омонатлиги ҳамда овозидаги ўта хокисорлик туфайли ҳам шунақага ўхшарди. У Билли Санчеснинг аҳволини тушуниб турарди, албатта. Аммо гапни узоқдан бошлиди. Улар маданияти юксак мамлакатда эканлигини, бу мамлакатнинг тартиб-қоидалари олис ўтмишга бориб тақалишини, бу ерда Америка мамлакатларидағи каби қоровулга пул қистириб касалхонага кириб кетавериш мумкин эмаслигини шошмасдан, ройишлик билан уқтириди. «Шунақа, йигитча, – деди у, – ақл-идрок нидосига қулоқ тутиб, сешанбагача сабр қилишга тўғри келади, бошқа иложи йўқ».

– Атиги тўрт кун қопти, шунга ҳам ота гўри – қозихонами! – дея сўзига якун ясади дипломат. – Ҳозирча Лувр музейини томоша қилинг, кам бўлмайсиз.

Буткул довдираб қолган Билли Санчес Яраш майдонига аранг етиб борди. Томлар тепасида бўй чўзиб турган Эйфель минорасини кўриб, яқин туюлди шекилли, соҳил ёқалаб юришга қарор қилди. Орадан кўп вақт ўтмай, янглишганини, минора анча олисда эканини, бунинг устига, ҳар лаҳзада ўрни ўзгариб туришини пайқади. Бинобарин, Сена бўйидаги овлоқ

бир жойга ўтириб, Нэна Даконте түғрисида ўйлай бошлади. Кўприк остидан ўтаётган шатакчи кемаларни кузатди, улар саҳнига кир ёйилган таги япаски юк кемаларини судраб боришарди, булар унга кема эмас, дераза токчаларига гултуваклар терилган қизғиши томли дайди уйларга ўхшаб кўринди. Қармоғини сувга ташлаб ўтирган балиқчи чолга узоқ тикилиб турди: на чол қимирлайди, на қармок, на сув қилт этади. Бу орада қоронги тушди, Билли Санчес такси тутиб меҳмонхонага қайтмоқчи бўлди-ю, бошини чанглаб қолди. Қани энди, меҳмонхонанинг номини эслолса! Касалхонанинг ҳам. Парижнинг қайси кўчасида эканини билмайди. Кўнглига фулфула тушиб, дуч келган биринчи қаҳвахонага чопиб кирди-да, далда бўлармикан деган умидда бир рюмка конъяк ичди. Деворлардаги киши қиёфасини турли шаклу шамойилда акс эттирадиган кўзгуларга қараб туриб, нихоятда ноҷор ва танҳо эканини хис этди. Иккинчи рюмкадан сўнг сал ўзига келди. Бир кўнгли, элчиҳонага қайтиб бормоқчи бўлди. Кўчанинг номини эслаш учун чўнтағидан меҳмонхона хўжайини ёзиб берган қофозни олди. Қай кўз билан кўрсинки, қофоз тепасида меҳмонхонанинг номи ёзиғлик турибди-да: «Отель Николь». Ҳе, ўл-э! Билли Санчес омонат бошпанасига бир амаллаб етиб келдию қайтиб кўчага чиқмади. Бешинчи қаватдан фақат тамадди қилиш ва машинасини йўлнинг бу бетидан у бетига олиб қўйиш учунгина тушарди. Уч кеча-кундуз, худди Парижга келган кунларидагидай, эзиб ёмғир ёғди. Умрида бирорта китобни охиригача ўқимаган Билли Санчес каравотда ағанаб ётаркан, ҳозир қўлига тушган ҳар қандай нарсани ўқишга тайёр эди-ю, аксига олиб, хотинининг чамадонларидан бирорта испанча китоб чиқмади, ҳаммаси аллақандай хорижий тилларда. Билли Санчеснинг хаёли яна Нэна Даконтега кетди. Сешанбанинг келиши бир йилга чўзилгандай туюлди. Душанба куни хотинининг чиқишига хонани сал саришта қилиб қўймоқчи бўлди, шунда пўстинининг этагида қотиб қолган қон

доғларини күрди. Сафар халтасидан хүшбүй совун олиб, доғларни ювишга киришди. Қарийб кечгача шу иш билан машғул бўлди. Ахийри пўстинни Мадрид аэропортида самолётга олиб чиқилган ҳолатга келтирди.

Сешанба тонги отди. Осмонни булат қоплаган, лекин ҳаво қуруқ эди. Билли Санчес соат олтида сапчиб туриб, касалхона дарвозаси олдида катта-кичик тугун ва гулдасталар кўтариб турган одамлар сафига қўшилди. Кейин ҳамма билан бирга усти берк кенг-мўл ҳовлига кирди. Бу ерда гуллар кийғос очилиб, қушлар сайраб турарди. Нэна Даконтенинг қаердалигини билмаса ҳам, бу гал негрга ўхшаган дўхтири учратишига ишончи комил эди. Ҳовлининг икки томонида узунузун иккита бино, чап томондагиси – аёллар бўлими, ўнгдагиси – эркакларники. Билли Санчес оломонга эргашиб аёллар бўлимига кирди. Ёп-ёруғ йўлакдаги узун-қисқа қурсиларда касалхона либосини кийган беморлар ўтиришарди. У йўлакнинг охиригача бориб, изига қайтди. Буларнинг орасида Нэна Даконте йўқ эди. Кейин ҳовлига чиқиб, эркаклар бўлими томон деразаларга караб-караб кетаверди. Нихоят, кидирган одамини кўриб қолди.

Ҳа, бу ростдан ҳам ўша дўхтири эди. У бошқа дўхтири ва ҳамширалар билан бирга беморни кўздан кечираётган эди. Билли Санчес отилиб ичкарига кирди, бир ҳамширани четга суриб, беморнинг устига энгашиб турган ҳалиги дўхтирининг рўпарасига келди, нима деб чақиришни билмай, беўхшов йўталди. Дўхтири бошини кўтариб, қошларини чимириди, салдан кейин Билли Санчесни эслади.

– Астағбурулло! – деди у. – Қайси гўрда юрибсиз?

Билли Санчес довдираб қолди.

– Мехмонхонада, – деб жавоб қилди базўр. – Нариги муюлишда.

Шундан кейин ҳаммаси равшан бўлди. Франциядаги энг етук мутахассисларнинг етмиш соат давомида қилган сабй-харакатлари зое кетди – 9 январь, пайшанба куни кеч соат 19.10 да кўп қон йўқотиш

оқибатида Нэна Даконте оламдан ўтди. Сўнгги дақиқаларгача эс-хушидан айрилмади, эрини «Плаза Атене» меҳмонхонасидан қидириш кераклигини, ўша ердан хона буюриб қўйилганини айтди. Ота-онасининг телефон рақамларини берди. Жума куни Ташки ишлар вазирлиги Франциядаги ўз элчихонасини воқеадан хабардор қилди, бу пайтда Нэна Даконтенинг ота-онаси келаётган самолёт Парижга яқинлашиб қолган эди. Мотам маросимини уюштиришни шахсан элчининг ўзи зиммасига олиб, Билли Санчес топилган-топилмаганини шаҳар полициясидан мунтазам сўраб турди. Жума оқшомидан то якшанбагача радио ва телевидение Билли Санчес исмли шахс қидирилаётганини қайта-қайта эълон қилди. Қирқ соат давомида уни бутун Франция излади. Нэна Даконтенинг сумкасидан топилган сурати катталаштирилиб, шаҳар кўчаларига ёпишириб қўйилди. Полиция учта «Бентли» русумли машинани тўхтатди, лекин булар бошқа машиналар эди.

Нэна Даконтенинг ота-онаси шанба куни эрталабдан яrim кечагача қизларининг касалхона бутхонасига қўйилган тобути ёнидан жилмай, Билли Санчесни кутишди. Йигитнинг ота-онасига ҳам хабар берилган эди, аммо телеграммадаги чалкашлик туфайли етиб келишолмади. Видолашув маросими якшанба куни соат иккита, Билли Санчес хотинини кўролмай, хуноби ошиб ётган ўша машъум меҳмонхонадан атиги икки юз метр нарида бўлиб ўтди. Буни қарангки, уни элчихонада қабул қилган мулоzимга Ташки ишлар вазирлигидан ушбу ноxуш хабар Билли Санчес билан гаплашиб бўлганидан кейин келган, чор атрофга югуриб, уни топа олишмаган. Якшанба куни кечқурун, Билли Санчес ўз хонасида юраги хун бўлиб ётган пайтда Нэна Даконтенинг ота-онаси унинг топилишидан умидларини узиб, марҳуманинг мўмиёланган жасадини рух тобутда Мадридга олиб кетишди. Қизни кўришга улгуриб қолган кишилар бундай гўзал аёлни умрларида учратмаганликларини кейин узоқ йиллар гапириб юришди. Хуллас, сешанба куни эрталаб Билли Санчес айни

касалхонага кириб борган пайтда булар учун шаффоф саодатнинг илк қўнфироқлари чалинган қароргоҳдан сал наридаги мозорда Нэна Даконтенинг жасади солинган тобутни қабрга туширмоқда эдилар.


Негр-дўхтири фожианинг тафсилотларини сўзлаб бўлиб, таскин берувчи дори узатган эди, Санчес уни олмади. Миннатдорлик билдиришга ҳам зарурат йўқ эди. Шу тобда у ўзига таниш занжир билан бирор кимсанинг башарасини абжақ қилиб, аччиқ қисматидан қасос олиш иштиёқида куйиб-ёнарди. Касалхонадан чиқди-ю, аммо осмону фалакдан заррача ҳам қон сачрамаган йирик-йириқ, покиза қор ёғаётганини пайқамади. Париж кўчалари жонланиб қолган, зеро кейинги ўн йил мобайнода биринчи маротаба чинакамига лайлаккор ёғаётган эди.

*Низом КОМИЛ таржимаси*

---

**Фозил ИСКАНДАР  
абхаз ёзувчиси**  
**(1929 йилла түгилган)**

---



### **ҚҮШЮРАК**

– Ке қўй, Зинахоним, «нима буюрасиз?» деб бошимни қотирма. Уни опке, буни опке демайман. Қанақа ширин таом, қанақа зўр ичимлик бўлса, опкелавер. Жўраларим билан би-ир битимиз тўкилсин. Тезлаштири!

Нима демоқчи эдим-а? Xa! Адгурнинг юраги иккита деган гапни ўйлаб топган одамни учратсам, ўлай агар, онасини Учқўрғондан кўрсатаман! Миш-миш тарқатгани билан хотини ўғил туғиб берармиди! Лекин уни барибир топаман, чунки кимлигини қўнглим сезиб турибди. Биз томонларда ҳам шунақа фаламис одамлар учраб туради.

– Қизиқ-да, – дейишади ўртоқларим, – олтита ўқ еб тирик юрибсан, тағин ўқлардан биттаси юрагингни тешиб ўтган. Демак, юрагинг иккита-да, Адгурбек, шуни дўстларингдан яшириб нима қиласан?

– Хой, мусулмонлар, – дейман мен жиғибийрон бўлиб, – юрагим битта! Агар ҳадеб гапираверсаларинг, шунисиям тарс ёрилади. Ахир, ҳаммамиз дўстмиз, бирга ўсганмиз, неччи йилдан бери туз-намакмиз, наҳотки шу бемаъни афсонага ишониб юрсанглар?

Тўғри, олтита ўқ еб тирик юрибман, сабаби – жони каттиқ уруғданман. Бу – бир. Иккинчидан, юрагимдан ўтган ўқ юрак қисилган, таранглашган пайтида ўтган, деярли тегмаган, бир четини ялаб кетган, холос.

Хозирги тиббиёт фани буни аниқлаган: юз йилда бир марта шунақаси ҳам бўлиб тураркан. Ўқ юз йилда бир марта таранглашган юракдан ўтаркан, тушуняпсизларми, қисилиб турган юракдан! Шунда одам ўлмай қоларкан. Бу энди... бир сўмлик лотореяга «Волга» ютишдай гап.

Лекин буни ҳаммага тушунтириш осонми? Қаҳвахонадан одам оёғи узилмайди. Уларнинг бирортаси барибир ана шу аҳмоқона саволни беради-да:

— Адгурбек, юрагинг иккита эмиш, шу гап ростми?

Тирик юрганим учун ўзимни оқлагунча она сутим оғзимга келади, шунақа пайтларда. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг — бир куни атайлаб күшхонага бордим. Биздан узоқ эмас, Маяқда. Номи чиққан қассобимиз Мисроп амаки ўша ерда ишлайди. Ёши саксонни қоралаб қолган, аммо-лекин бизга ўхшаган ёшлардан ўнтасини бир чўқишда қочиради, нимагаки ҳар куни эрталаб иссиққина қонни пиёлага лиммо-лим қилиб симировлади.

Бориб дардимни айтдим, худди отам билан гаплашаётгандай, шунақа-шунақа... безор бўп кетдим, дедим.

— Мардона иш тутганингдан хабарим бор, мулла Адгур, — деди у бамайлихотир. — Отангдай одамдан бошқача ўғил дунёга келиши мумкин эмас эди. Ойингни ҳам яхши биламан. Минг қилганда ҳам ўзимизнинг эшерлик аёл-да. Дуркун, оёқ-қўли чаққон, ака-укалари ҳали ҳам ўша ерда яшайди, девдай-девдай йигитлар. Энди анови масалага келсак, қассоб сифатида шуни айтишим мумкинки, умрим бино бўлиб қўшалоқ юрак у ёқда турсин, ҳатто қўшалоқ талоққа ҳам дуч келмаганман. Тўғри, минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йили ошқозони иккита қора буқани бир марта кўрганим рост.

— Мисроп амаки, — дедим мен, — минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилда сиз кўрган ошқозони иккита қора буқанинг менинг ҳозирги ахволимга нима алоқаси бор? Ўша минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилдаги ошқозони

бир жуфт қора буқа бошқа нарсадан дарак берган, яъни бир йил ўтиб ўттичىйил келадиу Сталин ҳаммани ямламай ютади, дегани бу. Гап мана шунда.

— Мен буни сезганман, — деди Мисроп амаки, — буқанинг курагига қараб очилган фол ҳам шунга ишора қилган. Лекин ўшанды миқ этмаганман — замон чатоқ эди. Қисқаси, жигарим Адгурбек, түрт оёкли жониворлар устидан бор бисотимни ўртага қўйиб ҳукм чиқаришим мумкин: ўзинг биласан, қассоб ҳалқида мол-бисотдан қаҳатчилик йўқ. Аммо икки оёқлилар тўғрисида бир нима деёлмайман. Бу масалада сенга бирорта яхшироқ дўхтири ёки Бериянинг қассоблари ёрдам бериши мумкин. Ана, хиёбонларда мункиллаб бўлса ҳам сайд қилиб юришипти, отнинг калласидай нафақа олишади. Хоҳласанг, битта-иккитасини кўрсатиб қўяман. Лекин бирортасиям айбини бўйнига олмайди-да.

Мана энди, биродари азизлар, гарчи бу нарса ҳозир расман тавсия этилмаса ҳам, нима сабабдан Берия жаллодларини бот-бот эслаб туришимни фаҳмлагандирсизлар. Мендай одам-а! Сиёсий жихатдан етук бармен! Ахир, бу муттаҳамлар гўзал Абхазиямиз бошига озмунча кулфат ёғдиришдими! Биз буни минг йилдан кейин ҳам унутмаймиз.

Ўттиз еттинчи йилда амаким Адзюбжа қишлоқ фуқаролар кенгашининг раиси экан. Бир куни шаҳардан одам келиб, колхозчиларни маъруза эшитишга тўплашни буюрган. Амаким колхоз раиси билан бирга икки юзтacha одамни клубга йиққан. Ҳайриятки, кўпчилик келмаган. Ҳалиги одам ҳалқаро вазият тўғрисида гапириб бўлганидан кейин, томдан тараша тушгандай:

— Колхозлаштириш сиёсати хато бўлган. Сизлар шунга қарши бош кўтаришишингиз керак, биз сизларни курол билан қўллаб-қувватлаймиз, — деган.

Кўяпкисизларми қанақа ифво бошлаганини! Шунисига шукрки, бу вақтга келиб дехконлар оқ-корани ажратадиган бўлиб қолишган экан, нотиқнинг гапига «хўп»

ҳам дейишмайди, «йўқ» ҳам дейишмайди. Жимгина тарқалишади. Ҳангома ана шундан кейин бошланади. Икки кечада мажлисда қатнашганларнинг ҳаммасини – колхоз раиси билан фуқаролар кенгаши раисини ҳам хибсга олишади. Гўё булар колхоз тузумига қарши қуролли қўзғолон кўтаришга уринишганмиш.

Сўроқ варақаларига қўл қўймагани учун уриб, амакимнинг бир кўзини кўр қилишади. Аммо у бунга ачинмайди. Ҳамқишлоқларини мажлисга судраб борганига ич-этини ейди, холос. Лекин амаким бунақа бўлишини туш кўриптими? Шуниси қизиқки, «мажлисингга тупурдим» деганларга тегмайдилар. Фақат йиғинга келганларни қамайдилар. Ҳаммаси ўн йил-ўн йилга кесилади, бирортасиям Сибирдан қайтиб келмайди. Лекин амаким қайтади. Айтдим-ку, жони қаттиқ уруғданмиз, деб. Аммо қўзи...

Майли, умри узоқ бўлсин, бу ёғи йигирманчи съезд яқинлашяпти. У вактларда амаким биз билан бирга яшарди. Ота ўрнида ота эди, чунки дадам уруш тугаганидан сўнг орадан икки йил ўтар-ўтмас қазо қилган. Мана, йигирманчи съезд ҳам бўлиб ўтди. Ўша кунлари Ачандарадан кенжা амакимнинг ўғли келиб қолди, ўзи ўқитувчи.

– Амаки, – деди у икки кафтини бир-бирига ишқалаб, – бизнинг давримиз келди. Кўзингизни чиқазган ўша терговчини менга рўпара қилинг. «Ал қасосу минал ҳақ» деган гап бор.

– Кўйсанг-чи, – дея қўл силтади амаким, – қизиққон йигитсан, сен битта кўзнинг ўзи билан тинчимайсан. Мен кўзимга эмас, ўзим мажлисга судраб борган анови шўрликларга ачинаман.

– Амаки, – деди амакиваччам хуноби ошиб, – сизда айб йўқ, тарих айбдор бунга. Лекин биз, жиянларингиз, сиз учун қасос олишимиз керак.

Амаким чурқ этмади, амакиваччам уйига қайтиб кетди. Унда мен ёш бола эдим. Ҳаш-паш дегунча йигирма иккинчи съезд ҳам етиб келди, умридан барака топсин! Бу вақтда армияда хизмат қилардим, дарров

амакимга хат ёздим. «Амаки, – дедим хатимда, – яна бизнинг давримиз келди. Совет десантчиси, жанговар тайёргарлик аълочиси сифатида терговчингизни тергаб қўйишга тайёрман!»

Барибир амакимни кўндириб бўлмади. Сал ўтмай бу бевафо дунёни тарк этди у. Сибирда музлаб ўлган ҳамқишлоқларини кечаю қундуз ўйлайверганидан кейин нима ҳам бўларди? Балки уларнинг «Биз раисга нима ёмонлик қилувдик?» деган таъналари амакимни қабрида ҳам тинч қўймай, безовта қилаётгандир.

Мен буни унута оламанми? Водийдаги қишлоқки бор, бариси қатағон қилинган эди. Энди бўлса, «Бериячиликни шунча чайнаганимиз етар! Аччиқичақдай чўзаверишнинг нима кераги бор?» дейишади.

Гапни қаранг! Э, мен буни минг йилдан кейин ҳам унутмайман!

Майли, энди ўзимнинг дардимга қайтайлик. Тўғри, Мисроп амаки менга далда берди. Лекин барибир қулоғим тинчигани йўқ. Қаҳвахонага келганлар ҳануз ўша қўшюрак тўғрисида сўраб-суритиришаверади. Москвага бориб, бирорта пиҳи қайрилган профессорни топсаму ундан «одамда иккита юрак бўлмайди» деган маълумотнома ёздириб келсаммикан? Баъзан шунаقا бўладики, қаҳвахонага киргланларнинг айримлари жил-панглаб ёнимга келиб, қулоғини кўксимга босади – иккинчи юрагимнинг тепишини эшишмоқчи бўлади-да, занчалиш! Йўқ, бораман Москвага, маълумотномани опкелиб, бир нусхасини мана шу деворга ёпишириб қўяман! Ўки, дейман, кўзми ё пўстакнинг йиртифими, дейман ҳалигидақа хирапашшаларга.

Шундоқ хаёллар билан юрган кезларим, аксига олиб, қаҳвахонага кекса бир одам кириб келди, ёнида хотини ҳам бор. Ўтириб, конъяқ билан қаҳва буюришиди. Қарчифайнигоҳ йигитман-да: эркаги қўзимга нуқул профессорга ўҳшаб қўринаверади. Чидаёлмадим:

– Майзур тутасиз, – дедим ёнига бориб, – мабодо профессормасмисиз? Ё қиёғангиз шунақами?

– Ха, профессорман, – деди у.

Хотини ҳам жилмайиб, эрининг гапини тасдиқлади.

- Кечирасиз-у, қайси соҳадан?
- Тиббиёт фанлари докториман.
- Тиббиёт фанлари профессори ҳамми?
- Ҳа. Нимайди?

Дархол дийдиёни бошладим:

- Одамда иккита юрак бўладими?
- Шу ҷоққача учратганим йўқ, – деди у, – лекин ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин.
- Ие, бу қанақаси? – дедим таажжубланиб. – Тиббиёт фанлари докторисиз, шу фаннинг профессорисиз, наҳотки, саволимга аниқ жавоб беролмасангиз?
- Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин, дедим-ку!
- Шунинг учун ичади-да бу одам, – дея луқма ташлади хотини бир туки ўзгармай.

Хафсалам пир бўлди. Энди майли, бор гапни айтаман. Сизларга айтмасам – кимга айтаман, ҳарқалай, бир жойнинг одамимиз, оталаримиз улфат бўлган. Менга шунинг ўзи кифоя. Бегоналардан эшитмаганларинг маъқул, унақалар қўшиб-чатиб, бошқача етказади.

Бирор калимам ёлғон бўлса – тил тортмай ўлай! Ўшанда ҳам мана шу қаҳважонада ишлардим. Бир шумқадам Арчандарарада катта бувим қазо қилгани хабарини олиб келди, яъни ойимнинг онасининг опаси. Мен уни «катта буви» дердим.

Шу киши тўқсонга кирибди-ю, омонатини топширипти. Жуда куйиндим: беозор, мулойим кампир эдиди, болалигимда уларникига қўп бораардим. Табиатим ғалатироқ – кекса одам ўлса ачинаман. Ёшларга ҳам ачинаман-у, унчаликмас. Феълим шунақа-да. Миямга бир фикр ўрнашиб қолган – узок яшаган одам ёруғ дунёга ўрганиб, мазахўрак бўлиб қолади, ўлгиси келмайди. Ёш йигит эса ҳали ҳаётнинг нашъасини сурмаган, ўлимдан ҳам тап тортмайди. Ўзини ўтга-чўққа ураверади.

Десант қўшинларида хизмат қилиб юрганимда бир дўстим бўларди. Исли Виктор. Ўрис. Ака-укадай эдик. Гавдали бўлгани учун Буқа деб лақаб олган эди. Зўр

йигит эди-да, лекин. Қўрқув нималигини билмасди. Ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам «Худо ҳофиз!» деб тураверарди.

Ўша дўстим ҳалок бўлди, худо раҳматига олсин. Парашюти очилмай қолди. Мендан кейин олтинчи бўлиб сакраган эди. Бундоқ бошимни кўтарсам – тошдай учиб келяпти. Ёнимдан ўтаётганида «Худо ҳофиз, Адгурбек!» деганини эшишиб қолдим. Онамни, икки фарзандимни ўртага қўйиб онт ичаман – худди шундай деди! Шундоқ деди-ю, зум ўтмай тош-метин заминга урилиб, чилпарчин бўлди.

Куйганимдан жинни бўлаёздим. Шунда «замполит» чақириб қолди:

– Адгурбек! Ҳукумат топшириғи бор. Кубага жўнатиш учун кўнгиллиларни йиғяпмиз. Борасанми?

– Бораман, албатта, – дедим хеч иккиланмай. – Энг яқин дўстимдан жудо бўлдим. Бу ердан энди бош олиб кетганим тузук.

Айни «Кариб танглиги» бошланган кезлар эди. Кубада қарийб икки ой турдик. Эсда қоладиган бирор нарсани кўрганим ҳам йўқ – бизни казармадан чиқазмас эди-да. Лекин сал ёзилдим, дўстим фожиасини бир оз унутгандай бўлдим. Мана, орадан шунча вақт ўтди, лекин дўстимнинг ҳалиги иборасини хануз унтулмайман: «Худо ҳофиз!» Шундай десам, дардим енгиллашгандай бўлади. Келинглар, дўстларим, энди Викторнинг хотираси учун ҳам биттадан отайлик... Ҳа қурфур, нима деятувдим? Ўтлаб кетдим-а...

Қисқаси, Ачандарада катта бувим оламдан ўтипти. Иш тугашига ярим соат қолганда савдодан тушган пулни директорга топшириб, оиласиз бошига тушган мусибат сабабли барвактроқ кетмоқчилигимни айтдим.

– Бемалол, – деди директор, – боравер. Лекин сен билан бир масалада гаплашиб олишим керак. Ке, бирпас ўтириб, қиттай-қиттай отайлик, кейин кетаверасан.

Ҳозир ичишга бало борми! Ачандарада катта бувим ўлиб ётган бўлса! Бутун оиласиз билан шошилинч ўйлга чиқишимиз керак-ку.

Лекин илож қанча? Биринчидан, директор. Иккинчидан, ёши анча катта. Қадаҳларга конъяк тўлдирди. Ичмадим, лабимни теккизиб қўявердим. Гапирияпти, эшитяпман. Нуқул валдирайди. Уч йил олдин бўлиб ўтган гапларни ковлаштиради. Гёё ўшандা бир қариндошини хафа қилган эмишман. Биринчидан, мен буни аллақачон унутворганман. Иккинчидан, уч йил жим юриб, энди нима қиласан ўлган илоннинг бошини қўзғаб? Хуллас, чакагини зўрға ёпдим, узр сўраб, ўрнимдан турдим.

— Майли, оқ йўл, — деди у. — Бирпас ўтириб, мен ҳам уйга кетаман.

Хозиргидай эсимда, соат кечки ўн бирдан ошганда қаҳвахонадан чиқдим. Озгина юргандан кейин хиёбон ёнидан ўта бошладим. Атроф қоп-қоронғи. «Горсовет бўлмай ўл, — дедим ичимда. — Чироқ ўрнатиб қўйсанг хотининг талоқ бўладими! Нуқул мақтанишади: «Фалон жойда ГЭС ишга тушди, писмадон жойда ГРЭС ишга тушди». Шаҳарнинг эса ахволи бу!

...И-й-й! Анови стол ёнига ўтирганлар — ГДРлик немислар. Фақат шампан буюришади. Улар фақат бизнинг шампанни тан олади. Бошқа ҳеч нарсани тан олишмайди. Столга битта шампанни қўйволиб, эртаглабгача ҳам ўтиришаверади.

Ўтган йили ГДРлик иккита немис билан танишиб қолганман. Иккаласиям ёш. Эрхотин. Уйимиз ёнидан ўтаётиб, шамоллатиш учун хотиним дорга ёйиб қўйган айиқ терисига қўзлари тушиб қопти. Айиқни уч йил бурун Сухуми ГЭСи атрофидан отиб олган эдим. Ҳалиги немиснинг хотини — улар ўрисчани чала-чулла билишаркан — ҳовлига кириб, суриштира бошлапти: «Ниманинг териси бу?»

Кўшнилар уларни бизникига бошлаб киришди. Нимасини айтасиз, айифимнинг териси немис маржасига бенихоя ёкиб кетипти-да.

— Марҳамат, — дедим мен, — одатимизга биноан шуни сизга совға қиласман.

Суюниб кетиши. Эри менга ҳадя этиш учун билагидаги тилла соатини еча бошлаган эди, хайхайладим:

– Унақа қилманг. Модомики, бизникига кирибсизлар, мен сизларни меҳмон қилишим керак.

Хотиним дастурхон тузай бошлади. Мен музлаткичдан столга учта шампан олиб кўйдим. Меҳмондорчилик қилдик. Дарвоқе, хотиним терини ҳадя этиб юборганимни эштиб енгил тортди, лекин сир бой бермади.

– Бошимизга урамизми терини, – деди у. – Ўзига чанг тортади, тозалаб ултуролмайман... Яхшиси, палос оламиз.

Лўли-да хотиним, палос жинниси. Лекин мен меҳмонларга терини чин кўнгилдан совфа қилдим.

Чақчақлашиб ўтирибмиз. Ичамиз, тамадди қиласиз, яна ичамиз. Меҳмонларнинг кайфи оша бошлади. Бир маҳал меҳмон хотин ўрнидан туриб келиб, тиззамга ўтирволдию чўлпиллатиб ўпа кетди – ёқиб қолдим шекилли-да. Уларнинг одати шунаقا экан, мен билмасам. Эри бепарво ўтирипти, хотиним эса – хангуманг. Бир томони, улар меҳмон – бир нарса деёлмайди. Иккинчи томондан, эрини чет эллик аёл ўпиб ётипти. Шўрлик тамом бўлди – на кўзини уза олади, на қўлидан бир иш келади! Кулавериб ичакларим узилаёзди.

– Нега қараб турибсан, – дедим охири, – ўп сенам эрини!

Хуллас, роса яйрадик. Меҳмонлар чулдираб қолиши. Карасам, яна ичгилари бор, лекин столга бошқа шампан қўймадим. Товонларига қолмайин тағин, дедим-да – ГДР бўлгани билан, ҳарқалай, хорижликлар.

Улар кўзғалиши. Ҳалиги терини яхшилаб ўрадим. Немис маржа нуқул «Германиядан нима жўнатаильлик?» дейди. Хотиним қулоғимга абхазчалаб шивирлади:

– «Дрезден» қандилини сўранг. Ҳозир урф бўлган.  
– Жим! – дедим мен. – Ҳеч нарса керак эмас.

Күчага чиқдик. Такси тутиб, уларни ўзлари яша-ётган «Тбилиси» меҳмонхонасига эсон-омон элтиб қўйдим.

Анови немисларни қўриб, тағин гапдан чалғиб кетдим. И-й, ана! Айтдим-ку, улар фақат шампанни тан олади, деб. Официантка битта шампан қўйиб кетди. Бу ёфи – тонготар...

Хулласи калом, қаҳваҳонадан чиқиб, коронги хиёбон ёқалаб кетяпман. Соат ўн бирдан ўн беш-йигирма дақиқалар ўтган. Шу пайт орқамдан қандайдир машина қувиб етиб, таққа тўхтади. Унинг ичидан бирор «Адгур, чиқ машинага!» деб қичқирди.

Қарасам – оқ «Волга», лекин кимникилигини билмайман. Эҳтимол, ўртоқларимдир, дам олиш учун далаплага чиқиб кетишаётган бўлса, мени ҳам опкетмоқчи бўлишгандир. Оиламида кўнгилсизлик, ҳозир боролмайман, эшитган қулоққа яхшимас, дейиш учун машинага яқинлашдим. Қарасам – тамом нотаниш одамлар. Оббо! Дарров фаҳмладим – иш чатоқ, жанжалнинг иси келяпти. Лекин мен ҳам анои эмасман.

- Чиқ, – деди бир йигит орқа эшикни очиб.
- Нега чиқаман? Сизларни танимасам...

Шундай деб, олдинга юрдим – машинанинг рақамига қарамоқчи эдим. Ол-ла! Йўқ. Машинада рақам йўқ. Юрагим шув этиб кетди, аммо ўзимни йўқотмадим. Яшириб нима қиласман, ёнимда тўппонча бор. Тез-тез юриб йўлкага чиқволдим; йўлканинг нарёги чакалакзор, чап беришга қулагай. Эшитиб турибман – орқамдан келишяпти. Ана, тўхташди. Уч йигит йўлкага чиқдио бараварига ўқ уза бошлади. Ўн қадам наридан етти-саккиз марта ўқ узилди, шулардан иккитаси кўкрагимнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб кетди.

«Ўлдим», дедим. Қарасам, оёқда турибман, тез узоклаша бошладим; теварак-атроф қоронги, улар учта. Йўқ, душман билан бу ерда жанг қилиб бўлмайди, муюлишда телефон будкаси бор, темирдан. Ўша ерда жон сақлашим мумкин, қолаверса, мелисаҳона ҳам яқин, ўқ овозини эшитиб, чопиб келишади.

Ҳалигилар йиқилмаганимни кўриб, анграйиб қолишиди. Шундан фойдаланиб муюлишга қараб югурдим. Лекин улар яна эс-хушларини йиғиб олишиди. «Тўхта! Тўхта!» дея бақирганча тағин ота бошлиашди. Икки ўқ яна баданимни тешиб ўтди.

«Шошма, энагарлар, совет десантчиси отиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди сенларга!» дедим ичимда. Бу пайтда муюлишга етволган эдим, шартта тўппончани чиқардим. Қуролим борлигини кўриб, учаласи ҳам ерга ётвонди. Телефон будкасини пана килиб, душманни нишонга олмоқчи бўлсан... эвоҳ, қўлимни қўтаролмайман-да! Ўнг қўлим яраланган экан. Ала-мимдан йиғлаворай дедим.

Ана, баданимдан тўртта ўқни ўтказвортан ит эмган фаламислар рўпарамда ётипти, қани энди, қуролимни ишлатолсан! Нима қилиш керак? Фанимларимни саросимага солиш учун асфальтга уч марта ўқ узиб, яна қочишига тушдим. Иложим қанча? Ўз чамамда яна битта ўққа чидайман, у ёғига – ё раззок...

Қочганимни кўриб, яна қува бошлиашди. Ўқи тугади, деб ўйлаган бўлишса керак-да. Қочяпман, қувиб келишяпти. Лекин менда олдингидай тезлик йўқ. Ҳазил гапми – тўртта ўқ еганман. Улар яна бараварига пангиллатишиди. Тағин битта ўқ у ёғимдан кириб, бу ёғимдан чиқиб кетди. Худога шукр, дейман ичимда, мелисаҳонагача оз қолди. Бинога яқинлашганимда ичкаридан олтитача мелиса югуриб чиқиб, отишмага қулоқ сола бошлади. Кўрган одам, қувноқ бир таронани тингляяптими булар, дейиши аниқ эди. Ўқ овози чиқкан томонга югуриш қаёқда! Ана сизга совет мелисасининг аҳволи...

Мени кўришлари билан шартта ушладилар-да, тўппончани тортволиб, қўлимга кишан сола бошладилар.

– Нега қўлимга кишан соласизлар? – дея бақира бошладим. – Қочмайман. Анови муюлишда рақамсиз оқ «Волга» турипти. Ундан уч киши тушиб, мени ўлдирмоқчи бўлди!

Шу гапни айтиб бўлишим билан ҳалигилардан бири бурчакдан мўралаб қолди.

– Ана! Ана у! Ушланглар! – деб қичқирдим.

Қаёқда! Мелисалар – парвойи фалак. Бирдан мўралаган одамнинг ўзи муюлишдан чиқиб, биз томонга қараб юра бошлади. Ҳайратдан бақа бўлиб қолдим, лекин барибир яна бақирдим:

– Мени машинага чақирган шу! Энг кўп ўқ узган ҳам шу! Ушланглар!

Мелисалар қуршови баттар торайди, анови одам шошмасдан ёнимизга келди-да, худди Кеннедининг қотилидай, чўнтағидан тўппончани чиқазиб, оғзини кўлтиғимга тиради.

– Овозингни ўчирасанми, йўқми! – шундай дейиши билан қарсилаб ўқ ҳам узилди.

Энг қизиги, шу ўқ танамда қолган экан, бошқалари у ёғимдан кириб, бу ёғимдан чиқиб кетган эди. Қотилимга ҳеч ким тегмади. Шунда бир сирни англаандай бўлдим. Ҳа-а-а! Сотилган экан буларнинг бари!

...Узр, оғайнилар. Зинахоним, ҳў анови бурчакдаги стол ёнида ўтирган беш кишини кўряпсанми? Ўшаларга бешта шампан элтиб бер, бошлари оғриб турганга ўхшайди. Лекин ким жўнатганини айтма. Кеча кўпайтиворишган-да, ҳечқиси йўқ... Ўзимизнинг йигитлар...

Ҳа, нимага келувдим? Эсимга тушди. Пайқадим – ҳаммаси сотиб олинган. Мендан бошқа одам бўлганда олдинроқ сезарди. Мен ҳозир пайқадим. Ишонувчанманда!

Кейин мени навбатчи лейтенантнинг олдига олиб киришди. Қарасам, таниш йигит, қаҳвахонага минг марта кирган. Худо етқизди, дедим. Ишқилиб, буям сотилмаган бўлсин-да. Лекин ёнида бир майор ҳам турипти, кўзим тушгандаёқ турқи ёқмаган эди. Лейтенантга бўлган воқеани қўшмай-чатмай гапириб бердим. Унинг мен томонга оғаётганини сезган майор орага суқилди:

– Ёлғон! – деб бақирди у. – Сен мелиса ходимларига қурол билан ҳужум қилгансан, бу қилмишиңг учун жавоб берасан!

Ё парвардигор! Кишанли құлларим билан ёқамни йирудим – ҳамма ёғым билч-билч қон.

– Нима деяпсиз, ўртоқ майор? – дедим титраб-қақшаб. – Қурол билан ҳужум қилибман-у, бирорта ўқым ҳеч кимга тегманти-да, а? Ўзим олтита ўқ едим-ку!

Майор асабийлаша бошлади, чунки лейтенант менга хайрихохлик билан қараб турарди.

– Найрангбозлик қилма бу ерда! – Майор шундай деб, юзимга тарсаки тортиб юборди. Вой ибليس-эй! Күзимга қон түлди, чидаб туролмадим: яроқсиз ўнг қўлимни чапи билан кўтариб туриб кишан билан бошига шундоқ туширдимки, майор гуппа ағдарилиб, хушидан кетди. Ўшанда мени нега ўлдириб қўйишмади – билмайман. Йўқ, биламан – ўзи ўлади, дейишган. Эҳтимол, лейтенант халал бергандир – бир нарса дейишим қийин. Салдан кейин ўзимга келиб қарасам, машинада кетяпман, қўлимда кишан йўқ.

– Қаёққа олиб кетяпсизлар?

– Тинчланинг, – деди оқ ҳалат кийган бир йигит. – «Тез ёрдам» бу, касалхонага олиб кетяпмиз.

Оқ «Волга»даги анови фирибгарларнинг совунига кир ювган одам оқ ҳалатга ишонадими?

«Худо ҳофиз, Адтур, ҳаммаси сотилган, бу ёғига хушёр бўлиш керак!» деган гап ўтди кўнглимдан.

Ростдан ҳам касалхонага олиб келишди. Атрофимда дўхтирлар гирдикапалак, ким сотилган, ким сотилмаган – қаёқдан биламан! Аммо, душман ортидаги ҳақиқий десантчилардай, қатъий қарорга келдим: ўзимни бехуш кўрсатиб кузатаман, қулоқ соламан, вазиятни ўрганаман. Кўйинг-чи, рентген-ментген, аравачада у ёқдан-бу ёққа, гоҳ тепага, гоҳ пастга дегандай... Дўхтирлар ўлмаётганимга ҳайрон. Бири «Эрталабгача етмайди», деса, бирори «Балки тузалиб кетар», дейди. Менинг

миямда бошқа ўй: «Худо ҳофиз, энг муҳими – ҳушни йўқотмаслик...»

Дўхтирлар нима учун ўлмаётганимни муҳокама қила бошлишди. Шунда биринчи марта «қисилиш», «таранглашиш» деган атамаларни эшитдим.

«Ўқ юрак қисилган пайтда ўтган бўлиши керак» деган хуносага келишди улар.

Операция столига ётқизиши, дархол ўзимни ҳушига келган одамдай тутдим.

– Ўртоқ дўхтири, – дедим мўлтираб, – мен тўлиқ наркоз беришингизга рози эмасман.

– Ие, ие, – деди дўхтири, – ўзига кеп қопти-ку. Мен умуман наркоз бермоқчи эмасман – ўқ юзада, шундоқ кесиб олиб ташлайвераман.

– Унда яхши, бошланг.

Қисқаси, ўқни олиши, кесилган жойни боғлаб, палатага жўнатиши. Яна ўзимни ҳушдан кетгандай кўрсатдим. Сотилган дўхтирлар мени ўлади деб ўйлаётган бўлса, ўйлайверсин.

Олиб келиб, алоҳида палатага ётқизиб қўйиши. Ие, мен министрманми, нега алоҳида палатага ётқизишади? Бунда бир гап бор. Уйқуга кетганимда бир бало қилишади. Гувоҳларсиз. Яна кўзимни юмиб олдим.

Беш дақиқалардан кейин ёшгина ҳамшира кириб келди. Кўлтигимга ҳарорат ўлчагични тиқмоқчи. Кўзни очишга тўғри келади.

– Яхши қиз, – дедим овозимга мулойим тус бериб, – яқиндагина мана шу еримга тўппонча тиқишиган эди, балки етар?

– Э, шунақами, – деди ҳамшира, – бўлмаса, бу ёфингизга қўямиз.

– Йўқ, олдин ўзингизга қўйинг.

– Ие, нега энди? – Қиз астойдил ҳайрон бўлди. Ўзини маъсума қилиб кўрсатмоқчи. Лекин менинг талабим ҳам тўғри-да: сотилганми, сотилмаганми – билмасам.

– Гап шундаки, яхши қиз, – дедим жиддий оҳангда, – ўлчагич қўлтифимда портлаб кетса, уруғларим сизни тинч қўйишмайди, ярим умрингиз қамоқда ўтади!

– Нималар деяпсиз, ё тавба! Нега портлайди? Ҳозиргина қутичамдан олдим.

– Алмаштириб қўйган бўлишлари мумкин...

– Бўпти, олдин ўзимга қўяман.

– Лекин билиб қўйинг, – дея огоҳлантиридим уни, – портлаб кетсангиз, мен жавобгар эмасман.

Ҳамшира ўлчагични қўлтифига суқди, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиридик.

– Вой шўрлиг-эй, – деди у бир маҳал, – не қўйларга солишибди-я сизни? Жудаям гумонсирайди-ган бўлиб кетибсиз.

– Секин айтасизми! Рақамсиз оқ «Волга» ёнингга келиб тўхтаса, ундан уч каллакесар отилиб чиқиб бараварига сенга ўқ уза бошласа, мелисадан паноҳ излаб ўша ёққа югурсанг-у, аранг уларнинг олдига етиб борганингда қотил бамайлихотир сенга яқинлашиб, қўлтифингта тўппонча тираса, яна «Овозингни ўчирасанми, йўқми!» деб туриб тепкини босса, мелисалар эса миқ этмаса, ўзларининг одами-да – мен гумонсирамай ким гумонсирасин!

Ўн беш дақиқа сухбатлашдик. Мен атайин шошман япман. Модомики, улар ўз ишларига панжа орасидан қарашга ўрганган экан, демак, портлатгичлари ҳам кечикиб портлайди. Лекин қиздан хотиржам бўлдим. «Борйўфи ҳамшира бўлса, шуниям сотовладими!» дейишгандир-да. Қиз хароратимни ўлчаб, ҳанг-манг бўлиб қолди: ўттиз олтию олти. Шунаقا эканига шубҳам йўқ эди.

– Мана, энди ишондим, софдил, ҳалол қиз эканисиз, – дедим унга. – Айтинг-чи, нега мени худди министрдай алоҳида палатага ётқизиши? Менга оддий палата ҳам бўлаверарди.

– Ҳамма палата банд, – деб жавоб берди ҳамшира. – Сифмаганлари йўлакда ётипти.

— Ҳа, баракалла. Аҳвол шунақа экан, менга бундай шарафнинг нима кераги бор? Оддий барменман. Горкомнинг инструктори ёки горторгнинг инспектори бўлганимда бошқа гап эди.

— Бу палатада бир касал ётувди, — деди қиз. — Икки соат олдин ўлди. Бошқа одамни ётқизишга хали улгурганимиз йўқ.

— Ие, бу ерда ётганларнинг ҳаммаси ўладими?

— Йўқ, ахён-ахён.

Ахён-ахён эмиш! Барибир таъбим тирриқ бўлди.

— Илтимос, навбатчи дўхтирга айтинг, мени умумий палатага ўтказсин.

— Бўпти, айтаман, — деди ҳамшира, — лекин рухсат бермаслиги аниқ, хозир тунги соат уч — беморларни безовта қилиш мумкин эмас.

— Майли, бир сўраб кўринг.

Кейин уйим қаердалигини тушунтириб, эрталаб бироров кириб, хотинимни огоҳлантириб қўйишини илтимос қилдим. Тағин оёқни узатворсан, бехабар қолишимасин.

— Сизга жин ҳам урмайди, — деди ҳамшира. — Жонингиз темирдан экан, шунча жароҳатдан кейин ҳам ҳароратингиз ўзгармаса-я! Сизни олиб келганда қўп дўхтиrlар ўлади, дейишган эди.

— Сотилган оқ халатлиларнинг баъзилари хозир ҳам шу фикрда. Лекин сиз бор экансиз, улар ниятига етолмайди.

Қиз чиқиб кетди. Кўнглимни яна фулгула босди: агар навбатчи дўхтири ҳам сотиб олишган бўлса, у мени умумий палатага ўтказишга рухсат бермайди. Ортиқча гувоҳнинг нима кераги бор?

Майли, худо ҳофиз. Бирдан раҳматли катта бувим эсимга тушиб кетди. Уйимдагилар мендан хабар топмагунча жанозага жўнашмайди. Марҳумани чиқаришга на ойим, на хотиним, на сингилларим бормаса — қип-қизил шармандалик. Урф-одатни оёқости қилган бўламиз. Катта бувим бизсиз ҳам кўмилади, албатта. Аммо қариндош-уруғ, эл-юрт олдида иснодга қоламиз.

Хамшира қайтиб келиб, рухсат бермади, деди. Билүвдим. Энди ўзимни ҳеч кимдан шубхаланмаётгандай тутаман.

– Ҳа, майли, яхши қиз. Фақат эрталаб бизникига кириб ўтиш ёдингиздан чиқмасин.

– Ташвишланманг, – деди хамшира. – Албатта кираман, айтаман. Ўзим ўша томонда тураман.

– Энди ухласам бўлади. Ухлади, денг. Шунаقا денг.

– Яхши ётиб туриング. – Қиз шундай деб, чиқиб кетди.

Яхши ётиб туриинг, эмиш. Ҳозир энг муҳими – ухлаб қолмаслик. Кейин нима бўлди, денг? Чамаси ярим соатлардан сўнг эшик аста очилиб, палатага оқ халат кийган бир одам кирди. Битта-битта босиб тепамга келди; тикилганча қараб турипти, турипти, турипти. Нафасим ичимга тушиб кетган. Лекин ўнг оёғим зарбага тайёр. Сал бежо харакатни илғадимми, «каратэ» қивораман. Қарабсизки, биринчи гуруҳ ногирони бўп турипти-да. Ҳар ҳолда десантчиман. Бизни ҳам у-бу нарсага ўргатишган.

Йўқ, тегмади, дераза ёнига қўйилган стулга бориб ўтириди. Қотиброқ ухласин деяпти-да. Кейин бемалол... уколми, порошокми... ўзлари билишади. Салдан кейин кўз қиrimни ташласам, бошини буриб, яна тикилиб карайпти. Кейин бирдан ўрнидан турди-да, мен томон юра бошлади. Асабларим чидамади. Ўзимни нохос уйғониб кетган кишидай кўрсатиб:

– Тўхта! Ким келяпти?! – деб бақирдим.

– Ие, ёв-вош, ёв-вош, – дейди. Қизиқчи экан. – Секинроқ, касалларни уйғоворасиз. Нафасингиз тўхтаб колгандай туюлди, шунга...

– Нафасим тўхтагандан кейин ҳам бир кишига кучим етади! – дедим.

– Қалай, тузукмисиз?

– Нукул уйку босади, ҳайронман.

– Ухланг, ухланг, – деди у, – қон қўп кетганда шунаقا бўлади ўзи.

Кейин индамай чиқиб кетди. Ҳозир сира иложи йүқ, бемор вазиятни назорат қилиб турипти, дея кимгadir ҳисоб бермокчидир-да. Унга нима дейишган, билмайман, бир маҳал яна кириб келди, яна тикилиб турипти. Мен ҳам ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. У яна ҳалиги жойига бориб ўтириб, бошини дераза рафига қўйганча хуррак ота бошлади. Э-э, овора бўласан, менга бунақа нағманг ўтмайди. Faflatda қолдирмоқчи-да. Эрталабгача эринмай хуррак отиб чиқди.

Сахар пайти дераза орқасидан хотинимнинг овози эшитилди. Сапчиб турдим, оқ ҳалатли «қотил» ҳам шартта туриб, йўлимни тўёди:

– Ётинг, дарров жойингизга ётинг!

Бир тепиб бурчакка учирвордим. Кейин деразани лант очиб, хотинимга қичқирдим:

– Соппа-соғман! Бувимнинг маъракасига бораверинглар! Менинг номимдан ҳам қабрига бир сиким тупроқ ташланглар! Қаердалигимни ўртоқларимга айтиб қўйинглар! Қолганини кейин гаплашамиз!

Хотиним йиғлаб ётипти:

– Қидирмаган жойимиз қолмади. Ўликхоналарга ҳам бордик, мелисаҳоналарга қўнғироқ қилдик.

– Заб қўнғироқ қиласидиган жойни топибсанлар! – дедим. – Йўлга чиқаверинглар, ўртоқларимга хабар бериш ёддан кўтарилемасин!

Халиги киши ўзига келиб, мени дераза олдидан каравотга қараб тортқилай бошлади. Бу гал тарҳашлик қилмадим. Ўзим бориб ётдим.

– Қизиқ одам экансиз-ку, – дейди, – эрталабгача мижжак қокмай тепангизда ўтирсам-у, мукофотига тепки есам! Бу қанақаси?

– Узр, – дедим мен, – кўз юммай хуррак отадиган одамни шу чоққача кўрмаганман-да.

Икки соатлардан кейин оғайниларим келишди. Бир қучоқ гул, хачапури, товук-повуқ, яна алламбалолар кўтариб келишипти, худди томофимдан овқат

ўтадигандай. Бош дўхтири билан даволовчи дўхтирини ҳам ийдиришипти. Энди кўнглим тўқ – менга ҳеч ким тегмайди.

Эртасига яқин дўстларимдан бири гап топиб келди:

– Адгур, суриштиридим, тагига етдим. Сенга мелиса ходимларига қурол билан ҳужум қилган, деган айни тиркаб, отишга ҳукм чиқаришни мўлжаллашяпти. Лекин сен кўрқма – Мухусдан Москвагача барча дўстлар оёққа турғизилган. Энг олдин вактдан ютиш керак, бунинг учун сен касалхонада иложи борича кўпроқ ётишинг лозим. Бу ердан сени қамоққа олиб кетишолмайди. Ҳаммага, ҳароратим жойида, деб валақтайверма. Шу бугундан бошлаб ахволинг оғирлашган. Даволовчи дўхтирингни қўлга олдим. Касалхонадан қирқ беш кунсиз чиқазмайди. У ёёнини яна кўрамиз. Москвадаги ўртоқлар зўр адвокат ёллашди. Маҳаллийси тўғри келмайди – бари сотиб олинган.

Орадан кўп вақт ўтмай, дўстим касалхонага москвалик адвокатни бошлаб келди. Бўлган воқеани гапириб бердим.

– Парво қилманг, Адгурбек, – деди адвокат, – мелисангиз нима бўпти! Булардан каттароқларини ҳам пусурган бузоқдай қилиб қўйғанман. Аммо қурол олиб юрганингиз учун бир ярим йилга кесиласиз.

– Шуни миллий анъянага айлантирворса бўлмасмикан?

– Йўқ, бўлмайди, – деди адвокат. – Нима бўладиу нима бўлмайди – мижозларимга олдиндан айтиб кўяман, шунинг орқасидан нон ейман-да.

– Савдолашиб нима қиласан, – дея гапга қўшилди дўстим. – Отилиб кетгандан кўра бир ярим йил ётиб чиққанинг яхшимасми?

– Бошқа томони ҳам бор, – деди адвокат, – тартибни бузмасангиз, бир йил ўтирасиз, холос. Бундан ташкари, «Кариб танглиги» даврида Кубада хизмат қилганингиз, жанговар тайёргарлик аълочиси бўлганингиз ҳам бизнинг фойдамизга...

Вақт-соати етиб, касалхонадан чиқдим. Бир хафтадан кейин судим бўлиши керак. Олий суд билан алоқаси бор оғайним ҳовлиқиб кепқолди.

— Иш чатоқ, Адгурбек, — дейди, — эртага кундузи соат иккида шошилинч суд мажлисини ўтказишмоқчи, сенга маҳаллий адвокат тайинлашмоқчи.

— Маҳаллий адвокат? Нега энди? Мен раддия бераман бунақа судга!

— Йўқ, — деди ўртоғим, — улар айнан шуни кутиш япти. Агар раддия билдиранг, ўта хавфли жиноятчи сифатида хибсга олишади. Дўстларингдан айриш учун. Бинобарин, бундай қилакўрма, зудлик билан москвалик адвокатни чақириш керак, шу бугун кечаси етиб келсин. Олдин аэрофлотга қўнфироқ қил, Москвадан учадиган кечки рейсларни бекор қилишган, эшитишимча.

— Нима бало, улар аэрофлотни ҳам сотиб олганми?

— Унақамасдир. Дам олиш мавсуми тугаган-да, йўловчилар оз, шу сабабли бекор қилган бўлишлари ҳам мумкин.

Аэрофлотга қўнфироқ қилдим. Рост, кечки рейслар тўхтатилган. Ҳа, майли, Адлер билан гаплашиб кўрайчи.

— Парвозлар — жадвал бўйича. Самолёт кечаси келади Москвадан, — дейишиди у ердагилар.

Хайрият-э! Москвага, адвокатга қўнфироқ қилдим. Буюртмани ўртоғим берди, гўшакни мен ушлаб турдим: телефон идорасида ишлайдиганлар ҳам сотилганда.

— Яхши бўлди қўнфироқ қилганингиз, — деди адвокатим. — Ҳозироқ учаман, Адлерда кутиб олинглар.

Эртасига ҳаммаёқнинг титифини чиқаздик. Судья адвокатим шу ердалигини эшитиб, типирчилаб қолди. Ишимни маҳаллий адвокатга ошириб бўлишган экан, ўқиётганмиш. Ўртоқларим айтишди. Адвокатлар идорасига кирсам, кўзойнак таққан бир ипириски бошини кўттармай ўқиб ўтирипти.

– Тур-э! – дедим. – Қорангни кўрмайин! Учта институтни тугатган москвалик машхур адвокат менинг ишим билан икки ойдан бери шуғулланяпти, сен сотволган дипломинг билан бир-икки соатда ниманинг фаҳмига етардинг!

Қисқаси, дўстларим билан бирга соат иккida бошланадиган судни кутяпмиз. Адвокатим бўлса шаҳар айланиб юрипти, нега бунаقا қилади – хайронман. Оғайниларимдан бирининг машинаси хизматда. Гоҳ Олий судга, гоҳ прокуратурага, гоҳ горкомга боришиди. Нимадир бўлаётганини сезаман-у, нималигини аниқ билмайман. Наҳотки, фирибгарлар адвокатимни ҳам сотиб олишса? Суд бошланишига озгина қолганда, ҳартугул, пайдо бўп қолди.

– Адтурбек, ваъда – ваъда, – деди у, – сени кутқараман. Лекин биз уларни айблай олмаймиз, негаки орқаларида катта кучлар турипти. Ҳимояни бошқа йўлга буришга тўғри келади. Ўқ узган одамларни сен танимайсан, уқдингми? Бусиз ҳам судья сенга қарши, аммо мен уни дабдала қиласман.

Бундан чиқди, мелисаларнинг кўзи олдида «Овозвингни ўчирасанми, йўқми!» деб туриб қўлтиғимнинг тагидан дарча очмоқчи бўлган одамни мен танимаслигим керак. Бу ёфи қандоқ бўлди? Жиноятчи жазосиз қолаверадими? Жаҳлим чиқди. Лекин ўртоқларим кўплашиб ҳовуридан туширишди. Начора! Адвокатим нима деган бўлса, судда ўша гапни гапиравердим.

Суд жараёнида мени отувга ҳукм қиласликлари маълум бўлди, бироқ иблис судья, кайф ҳолда, безориларча қурол ишлатган деб, саккиз йилни мўлжаллаб турипти!

Хўш, халқ маслаҳатчилари кимлар дeng: бир аёл билан бир эркак. Эркаги «Бесамар меҳнат» артелида ишлармиш, қулоги гаранг. Аёл эса тикув фабрикасининг илфорларидан, икки оғиз ўрисчани бир-бирига қовуштиrolмайди. Шахримизда ўтган суд мажлислирининг ҳаммасида шу тикув фабрикасининг ишчила-

ри маслаҳатчи бўлган. Нимага айнан тикув фабрикасига ёпишиб олишган – билмайман. Ҳамма жойда бўлганидек, у ерда ҳам ўғирлик қилишади.

Бор умидим адвокатдан. Лекин бало экан! Аввало, тергов устидан кулди: нохолис ва саводсизларча олиб борилган, деди. Бунаقا фирибгарлик ҳатто Техасда ҳам топилмасмиш. Маълум бўлишича, терговчи менинг генералларгагина ярашадиган тўппончамни жиноят ишидан олиб ташлаб, уни қандайдир амалдорга совфа қилворипти. «Парабеллум»ни алмисокдан қолган аллақандай «Вальтер»га алмаштириб қўйипти. Мени танимайдиган одамлар олдида роса уялдим. Бунаقا «Вальтер»ни бизда қишлоқ коровули ҳам қўлига олмайди. Кейин гўё отишма жойидан топилган олтита бўш пистон ҳам намойиш қилинди. Демак, менга олтита ўқ текканини инкор этишолмайди. Аммо гапнинг нишабини шунга опкелишдики, гўё мен олтита ўқ узганман, улар ҳам менга олтита ўқ узишган. Адвокатим роса кулги қилди:

– Бу ёфи қизиқ бўлди-ку, – деди у, – отишмами бу ёки Пушкин билан Дантеснинг дуэлими?

Айбланувчи жиноятчиларни нишонга олмаган, мелисанни чақириш мақсадида осмонга қаратиб отган, деган гапни ҳам қўшиб қўйди.

– Қани, ўзларинг айтинглар, – дея давом этди у, – яқин ўтмишда десантчи бўлган, жанговар тайёргарлик аълочиси ҳисобланган, «Кариб танглиги» вақтида ўз ихтиёри билан Кубага борган шундоқ йигит... кутурган безорилардан бирортасини ҳам нишонга ололмаптида, а? Уларнинг шахсиятини холис тергов келгусида аниқласа керак...

Демак, гап химоянинг дастлабки режаси томон оғяпти.

– Мухтарам судьянинг сўзларига қараганда, бизнинг десантчиларимиз отишни билмайди! Халқ тинчлигини қўриқлашга даъват этилган шонли армиямизга тухмат эмасми бу?!

Прокурор ўрнидан туриб, «Судьянинг гапларида тухмат йўқ, кавказча талафзузи сабабли москвалик ҳамкасбимизга шундай туюлган», деди.

Адвокатим ўтирган жойидан жавоб қайтарди:

– Тухмат бор, буни қайд этиб қўйишни сўрайман!

Шундай қилиб, у ютиб чиқди. Айтгани бўлди.

Мени бир ярим йилга кесдилар, бир йил ўтиридим.

Дранд турмасига олиб боришган эди. Қарасам, назоратчи – бир ўртоғимнинг амакиси.

– Адгурбек, ҳаммасидан хабарим бор, – деди у, – биламан, сенда айб йўқ. Лекин қўлимдан нима келади, мен бир кичкина одамман...

– Раҳмат, Тенгиз амаки, – дедим, – хеч нарса кепрак эмас. Мендай одамга икки оғиз ширин сўз кифоя.

– Аммо бир масалада ёрдамим тегиши мумкин. Олдингга келадиганларга навбат ҳам, муддат ҳам йўқ.

– Раҳмат, Тенгиз амаки, яхшилигингизни унутмайман.

Ана шундай гап-сўзлардан кейин мени камерага элтиб қўйиб, ўзи изига қайтди.

У ёқ-бу ёкка аланглашга улгурмасимдан норгул бир йигит сўрисидан қичкириб қолди:

– Салом, Туршак! Кўпдан бери кутаман-а сени, Туршак!

Қарасам – нотаниш.

– Оғайнни, бирровга ўхшатяпсан. Мени исмим Адтур.

Ёнидан ўтиб, жойимга бориб ўтиридим.

– Йўқ, Туршаксан! – дейди шанғиллаб. – Ташқарида нима гаплар, Туршак?

Ё тавба! Ҳақорат қиляптими бу ё ростдан ҳам бирровга ўхшатяптими?

Ёнимда ўтирган одам энгashiб, қулогимга шивирлади:

– Эътибор берма – эси кирди-чиқди. Ҳаммага ўзича ном қўйиб олган.

– Эси кирди-чиқди бўлса, нега бу ерда ётипти, жиннихонага бормайдими?

— У — ҳам тентак, ҳам жиноятчи. Парво қилма, ҳаммага лақаб қўйган, дедим-ку.

Ўшанда туршак нималигини билмасдим.

— Туршак дегани нима ўзи? — деб сўрадим ҳалиги одамдан.

— Ўрикқоқи. Ўрта Осиёда бўлади.

Вой хумпар-эй! Туршак эмишман. Озғироқ бўлсам ҳам майли эди. Жиннилиги рост, шекилли. Ке, қўй, шунга ҳам сиқилиб ўтираманми? Олтита ўққа чидалган — Туршакка ҳам чидарман.

Шу алфозда ўн кундан бери яшаяпмиз. Камерада ёшгина, нимжонроқ бир йигит ҳам бор. Темир йўл мелиласида ишлаган экан. Қамалишининг тарихи бундай. Горький шаҳрига бир тоннача мандарин олиб кетаётган проводникларни қўлга туширипти. Мандаринни мусодара қипти, проводникларнинг устидан далолатнома ёзиб, уни Батумига, иш жойларига жўнатмоқчи бўпти. У ёш, тажрибасиз, проводниклар эса пиҳини ёрган одамлар.

— Бўлар иш бўлди, — дейишипти улар, — мандаринни мусодара қилдинг, етади. Акт ёзмай қўяқол. Фалончига икки минг сўм қолдириб кетамиз, шуни олиб, бошлифинг билан «арра» қилинглар.

— Унақаси кетмайди, — дейди бу, — менга садақангиз керак эмас, акт ёзаман.

Ўзини бозорга соляпти, деб ўйлашипти улар. Лекин бу ҳалол-пок йигит экан, далолатномани ёзиб, жўнатворипти.

Орадан бирмунча вақт ўтгач, ҳалиги проводниклар яна пайдо бўпқолишипти, иккаласи ҳам фирт масти, мелиса йигитга ёпиша кетишипти:

— Сен ярамас, пулни олишга олиб, бу ёғини расво қиссан, судга берамиз сени!

Ростдан ҳам судга беришипти. Маълум бўлишича, проводниклар ўша гапни бошлиқнинг олдига кириб ҳам айтишган. У кўнган. Эртасига бошлиқ йигитни чақириб, далолатномани сўраган, йигит, жўнатвордим, деган. Бошлиқ индамаган. Шундан кейин маълум муд-

дат ёпифлиқ қозон ёпифлигича турган. Сир судда очилған. Бошлиқ проводникларнинг бошлиғига кўнфириқ қилиб, – улар ҳар доим бир-бирини қўллайди-да, актни йиртиб ташланг, деган. Проводниклар қолдирган пулни чўнтакка урган. Батумидаги ҳалиги бошлиқ билан «арра» қилмоқчи бўлганми, йўқми – бу ёфи менга коронғи. Хуллас, у бошлиқ бу бошлиқдан ё ўз улушини ололмаган, ёки бўлмаса, нафси ҳакалак отиб, далолатномани проводникларга кўрсатган-да, улардан пул талаб қилган. Пулни олган ҳам. Проводникларга эса алам қилиб кетган. Улар бу ёқда қолдирган пулларини қайтариб олиш учун келса – пул йўқ. Мелиса йигитнинг бошлиғи елкасини қисиб, бемаъни ходимим актни ўзбошимчалик билан жўнатворипти, деб тураверган. Кейин проводниклар судга берган.

Бошлиқ ишни бости-бости қилворса бўларди, албатта. Аксига олиб, ўшанда Шеварднадзе порахўрликка қарши кураш бошлаган кезлар экан. Суду прокурорларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетганда ўшанда. Шунинг учун улар эски гуноҳларини хаспўшлаш, ўзларини ҳалолу пок кўрсатиш мақсадида, қўлга тушганларни арзимаган гуноҳи учун ҳам узоқ муддатларга кесиб юбораверган.

Бошлиқни ҳам, йигитни ҳам хибсга олиб, уларга саккиз йилдан берилади. Ноинсоф бошлиқ, пулни ходимим билан «арра» қилганмиз, дейди. Озроқ муддатга қамайди, деб ўйлаган-да ҳароми. Мен бир нарсага ҳайронман. Олий маълумотли судъялар, прокурорлар пулни олган одам икки дунёда ҳам далолатномани жўнатмаслигини наҳотки билмаса? Билади. Гап бошқа ёқда. Кўрқоқ олдин мушт қўтаради.

Мана, ўзимга ўхшаган бегуноҳ бир шўрлик, мелиса бўлишига қарамай, камерада ўтирипти. Анови тентак қачонлардир мелисада ишлагани учун шунга тирфалгани тирфалган. «Этик» деб лақаб қўйволган. Йигитга ичим ачийди – бекордан-бекорга ўтирипти. Уйида ёшгина хотини, бир ёшли боласи қолган. Ҳалиги жиноятчи бўлса бунга кун бермайди. Жаҳлим чиқса ҳам чидай-

ман. Мени олтита ўқ билан ўлдиришолмапти-ю, аммо асабларимни ишдан чиқазишпти.

Бир куни эрталаб, нимадан бошланганини ҳам сезмай қолибман, тентак маҳбус шўрлик болани бўғиб ётипти. Ҳар галгидай силкитиб-силкитиб қўйворади, деб ўйлабман-да. Карасам – мелиса йигитнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетяпти.

– Хой, нима қиляпсан! – дея бориб ажратади. – Кўйвор, ўлдириб қўясан-ку!

Тортаман-тортаман, қани ажратолсам! Ҳўкиздай бақувват экан. Роса уриндим – қўйвормайди. Йигитнинг юзи кўкариб кетган. Чидаёлмадим. Кейин... ияги остига десантчасига мушт солдим.

Гуппа афдарилди. Бориб сўримга ўтиридим. Ҳа, асабим ишдан чиққани рост. Тентак бўлса шу ётганча ётипти. Ҳавотирлана бошладим: ўлиб қолган бўлса-я! Худо кўрсатмасин – судъямга байрам бўпкетади-ку. Йўқ, ўлмагандир. Қаттиқ нокаут, холос.

Тахминим тўғри чиқди – ўн беш минутлардан кеинин аста бошини кўтариб, эмаклаганча сўрисига қараб кетди.

Шу ётганча кун бўйи турмади – тушлик ҳам қилмади, кечки овқатни ҳам емади. Девор томонга ўгирилганча қимир этмай ётаверди. Нафас олади, холос. Юрагимга яна фулгула тушди. Йиқилганда боши лат едимикан? Уни «эси кирди-чиқди» деган одам тағин қулоғимга шивирлади:

– Санчастга хабар бериш керак.  
– Шошмайлик, – дедим мен, – балки ўзига кеп-колар.

Санчастга хабар қилиш хавфли. Агар тентак нима бўлганини гапириб берса-ю, душманларим буни эшишиб қолса, мени ўлдириш эвазига озодликни ваъда қилишади унга. Албатта, озодлик қаёқда, лекин тентак – тентак-да, ишонади.

Энди шунисидан қўрқа бошладим. Олдинроқ юз бериши мумкин бўлган бошқа хатар ҳам бор: ўзини гўлликка солиб ётган бўлса, кечаси туриб бошимга

бир нарса билан тушириб қолиши мумкин. Яна худди хув касалхонадагидай, тун бўйи ухламаслигим керак. Қанака қисмат бу! Шундай бўлди – эрталабгача мижжа қоқмадим. Аҳён-аҳён бошимни кўтариб қараб кўяман – ётипти арслоннинг ўлигидай.

Фақат эрталаб ўрнидан турди. Аста мен томонга юра бошлади. Нима қилсан экан? Яккама-якка муштлашишдан кўрқмайман. Лекин ҳозир менга жанжалнинг кераги йўқ. Душманларим эшитиб қолишидан худо асрасин.

Рўпарамга келиб, бошини эгди:

- Туршаквой, қаттиқ урдинг-да, лекин.
- Ахир, сен хам уни ўлдириб қўйишингга сал қолди-ку. Билсанг, сени отилишдан асраб қолдим.
- Жинни экансан, Туршак (мен жинни эмишман!), мелисалар ўзингни аспаласопинга жўнатишига бир баҳя қопти-ку, бунинг ёнини олиб нима қиласан!
- Қизиқсан-а. Биз судья эмасмиз-ку, ахир. Со тилган фирибгарлар билан ҳалол одамларни фарқлай билиш керак. Бу мелиса ҳалоллиги учун саккиз йилни бўйнига илиб қўйишипти, ўлганинг устига тепгандай, сен уни бўғсанг...

Тентак ўйланиб қолди.

- Барибир қаттиқ урдинг, Туршак.
- Энди, оғайни, узр, – дедим, – асаб чатоқ, қизишиб кетибман.

Шундай қилиб, ярашволдик. Турмада фақат кучни тан олади, бошқа ҳеч нарсани тан олишмайди. Мўмин-қобилгина бўлиб юрдим. Ўша қуни манови тентак урганим учун эмас, хафа бўлганидан тескари қараб ётган экан. Вақт-соати келиб мени лагерга жўнатадиган бўлишиди. Яна назоратчи Тengиз амаки билан юзлашдим. Хайрлашаётганимда илтимосимни айтдим:

- Тengиз амаки, камерада илгари мелисада ишлаган бир йигит ётипти. Менга ўхшаган жабрдийда. Анови эсини еган ўлдириб қўймаса деб қўрқаман. Уни бошқа камерага ўтказсангиз яхши бўларди-да.

— Бўпти, Адгурбек, — дея дарров рози бўлди назоратчи. — Шу бугуноқ ўтказаман. Хотиржам бўл. Бу бизнинг хатомиз...

Қолган муддатни лагерда ўтказдим. Ха, дарвоқе, озодликка чиққанимдан кейин ҳалиги мелисанинг оиласини қидириб топдим. Менга уларнинг шикоят аризасига СССР прокуратурасидан келган жавобни кўрсатиши. Бош прокурор ёрдамчиларидан бири имзо чеккан. Ўша имзо миямга муҳрланиб қолган. Жавоб бундай: «Грузияда жиноятчиликка қарши қураш кампанияси давом этётгани сабабли ишни қайта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ эмас. Имзо». Мана, мамлакатдаги аҳвол, оғайнилар! Бир одам ноҳақ жабрланди. Қонун бўйича, унга бир ёки икки йил беришлари, ҳатто шартли жазо тайинланиши ҳам мумкин эди. Вақтида хабар қилмагани учун. У мелиса ходими сифатида, фалончи-фалончилар менга пора бермоқчи бўляпти, деб керакли жойни огоҳлантириши лозим эди. Тажрибасизлигидан шу ишни қилмаган. Хўш, энди додини кимга айтади: арши аълодаги Оллоҳ таологами?!

Хуллас, лагердаман. Хотинимдан хат келиб туради. Бир хатида, сенинг ўрнингда фалончи ишлайти, деб ёзипти. Ё алҳазар! Ахир, бу одам бир неча бор директоримнинг олдига келган, иккаласи роса пичирлашган эди-ку! Лекин мен қизиқмаганман. Бирорларнинг ишига аралашиб одатим йўқ. Мана, энди ҳаммасига тушундим.

Ўшанда, жон талашиб ётганим учунми, директорим мени кўргани касалхонага бирор марта ҳам келмаганига аҳамият бермаган эканман. Одатимизга хилоф! Кейин бошқа нарса ёдимга тушди: ишдан ярим соат барвақтроқ кетмоқчи бўлганимда уч йил олдинги гапни қўзғаб, мени ушлаб турди. Сотиб олинган анови мелисалар билан келишиб қўйган-да, қаёққа жўнатади! Балки улар ҳали оқ «Волга»нинг рақамини ечиб ултурмагандир? Ишдан ҳар кунги вақтда кетишум керак!

Ҳамма гапни фаҳмладим-у, чидағ юрибман. Фақат иккита одамда аламим бор. Бири — жоним эвазига

менинг ўрнимни биревга сотган директор, иккинчи - «Овозингни ўчирасанми, йўқми!» деб қичкирган ва сўнгги ўқни узган имонсиз одам.

Бир дақиқа, оғайнилар... Зинахоним, хў анови стол, оҳиридан учинчи. Нима ичишяпти, кўрмаяпман. Секин бориб разм сол. Агар конъяк бўлса - битта арман конъяги, вино бўлса - тўрт шиша вино. Ўша навидан. Баъзи официанткалар одам оғзига олмайдиган винони элтиб беради. Сен унақа эмассан, биламан. Менинг пуллимни қизғанма! Кераги йўқ! Дўстлар учун яшаймиз, меҳмон кутиш учун яшаймиз. Яна ниманинг илинжида яшаш мумкинлигини мен тасаввур ҳам қилолмайман...

Лекин иш пайтида, пештахта ёнида турганимда бир қултум ҳам ичмайман, биревга текинга гугурт ҳам бермайман. Одатим шунақа! Дам олганимда эса кайфсафони киндингигача етказаман.

Баъзилар уй жиҳозларини ҳар йили алмаштиради. Хитойлар тўғри айтади: жир битган-да!

Бир куни қўшним: «Юр, Адгурбек, уйимни бир кўриб қўй», - деб қолди. Кирдим. Энг катта хонанинг ўнг томони - ердан шифтгача китоб, чап томони ҳам ердан шифтгача китоб. Ўнгдаги китобларнинг муқоваси буткул қизил, чапдаги китобларнинг муқоваси буткул яшил.

- Ёпирай! - дедим ёқамни ушлаб. - Дохийнинг Кремлдаги кабинетига кириб қолдимми?

- Йўқ, - дейди қўшним, - зал бу. Ҳозир мода шунақа.

- Хой, чулчут, - дедим жаҳлим чиқиб, - шунча китобни нима қиласан? Ўқимасанг, алифни калтак дёлмасанг!..

Хафа бўлди. Тўғри гап туққанингга ёқмайди. Хотиним ҳам ўн йилдан бери қулоқ-миямни ейди: жиҳозларни янгилайлик, жиҳозларни алмаштирайлик!

- Ўчири! - дейман ҳар гал. - Уч хонали уйинг борми? Бор. Болаларинг тўқми? Тўқ. Мактабга қатнаяптими? Қатнаяпти. Уйингта тўртта одам келса, олдига қўядиган нарсанг борми? Бор. Каравотинг та-

года қошиқдай-қошиқдай беш-олтита пойабзалинг туриптими? Турипти. Отам урушда юрганида ойимнинг биттагина туфлиси бор эди. Устага берса, ишга калишда борарди. Мен буни унутармидим? Ҳеч қачон унутмайман. Мана энди товуқмиянг билан ўйлаб кўр: ойим киму сен ким?

Йўқ, мен янгиликка қарши эмасман. Лекин меъерида бўлсин-да. Бизда ҳам ҳамма нарса бор: газ плитаси дейсизми, ваннахона дейсизми... Тирикчиликка нима зарур бўлса, бор-да ишқилиб. Аммо дабдабанинг нима кераги бор? Кўз-кўз қилишнинг нима кераги бор? Кераги йўқ! Мен буни ҳазм қилолмайман. Майли, отамдан қолган жавон қандай турган бўлса, тураверсин. Отам замонида деворга осилган гилам осиглигича қолаверсин. Ош-нон сўраётгани йўқ-ку!

Бир танишим, исмини айтмайман, фалон пулга хотинига пўстин олиб берипти. Қалинлиги бир қарич. Хўш, йил-ён икки ой офтоб чараклаб турадиган юртимизда бунаقا пўстиннинг нима кераги бор? Март ойида ўша хотин пўстинини кийиб, дафн маросимига борипти. Кўз-кўз қилмоқчи бўлган-да! Иссиқдан димиқиб, хушидан кетипти. Қани, энди ўзларинг айтинглар: мотамсаролар бунга қарасинми, ўлликами? Ана сизга мақтанчоқликнинг оқибати! Хитойларнинг гапида жон бор: жир битган, ёғ босган бизни!

Яна ўтлаб кетдим-а... Хулласи калом, қамоқдан чиқдим, бир ҳафтача оғайниларим билан кайф-сафо қилиб юрдим, кейин улар билан бирга таксига ўтириб, мана шу қаҳвахонага келдик. Бир ўртоғимдан директорни чакириб чиқишини илтимос қилдим.

Директор истар-истамас ёнимизга келди.

– Табриклайман, – деди у, – худога шукр, қутулиб кепсан.

– Раҳмат, лекин сенда ишим бор.

– Қанақа иш?

– Таксига чиқ, – дедим эшикни очиб. – Черняв тоғига борамиз, ўша ерда гаплашамиз.

Ўзини орқага ташлай бошлади.

— Менга қара, — дедим, — қўп жилпанглама! Бор-масанг, нима қилишимни биласан-а?!

Тоққа етдик. Бир четга тортиб, бутун кирдикорларини айтиб бердим.

Бўйнига олмайди. Энг қизифи — кўзимга ҳам қарамайди.

— Сенга тегмайман, — дедим пировардида, — онанг бор, сингилларинг, болаларинг бор. Қора кийиб юриш масин. Уларда айб йўқ. Битта йўли шуки, менинг қоним эвазига ўрнимни эгаллаган анови одаминг билан бирга ариза ёзиб, ишдан бўшайсан! Мен баъзилар сингари қон тўкмасдан сенинг ўрнингни бошқа бирорвга сотаман. Жонингдан умидинг бўлса, шартим шу!

Хуллас, муаммони тинчгина ҳал қилдик. Директорни гумаштасига қўшиб қаҳвахонадан улоқтириб ташладим. Ўрнига дўстларимнинг тавсияси билан инсофли, бамаъни бир одамни олдик.

Мана, яна эски жойимда ишлаб юрибман. Сизларга ўхшаган йигитлар келади, қучоқлайди, табриклайди. Мен йўқлигимда қаҳвахонадан оёқ узиб кетишган экан.

Ҳаммаси жойида, лекин... анови «Овозингни ўчирасанми, йўқми!» деб қўлтиғимга ўқ узган одамни нима қиласай?

Кийналаман, изтироб чекаман. Аммо начора? Шахар кичкина, йилига уч-тўрт марта бир-биримизга дуч келамиз. Мени кўрса, танимагандай, йўлнинг нариги бетига ўтиб кетади. Уялганимдан мен ҳам ўзимни шундай тутаман. Қанча чидаш мумкин? Оилам, болачакамни ўйлайман. Уни ўлдириб, хув ота-боболаримиз қилганидай, ўрмонга бош олиб кетолмайман-ку! Шунга куяман, лекин ёниб адо ҳам бўлмайман.

Йил сайин у фирибгарнинг унвони ошиб кетяпти. Катта лейтенант эди, ҳозир — майор. Ишончим комилки, «Адгурнинг юраги иккита» деган гапни ўша тарқатган. Суиқасдни эплаёлмагани учун ўзини оқлаши керак-ку. Лекин менга қўшюрак деган мўъжизанинг кераги йўқ! Биттаю битта юрагим бор — ана шу зиркирайди фақат...

Хамқишлоқларини мажлисга судраб бориб, ажалга рўбарў қилгани юрагида армон бўлиб кетган амаким гўрида тинч ётганмикан? Қадрдоним Виктор барқ уриб турган ёшлигини, худди очилмаган парашютдай қабрга олиб кетди. Душманим эса айшини суриб, унвонлар олиб ётипти. Шунинг учун бўш вактларимда яхши одамларга талпинаман, қайфуни унутиш илинжида дўстларим билан чақчақлашиб, қайф-сафо қиласман, таниш-билишларни икки-уч шиша ичимлик билан сийлаб тураман.

Нимасини айтай, биз туғилмасимиданоқ хомталаш бўлган бу дунёда яна қайта туғилишни орзу қилишга арзидиган хеч нарсани кўрганим йўқ. Ўлат тарқалган заминни безаб турадиган бирдан-бир нарса – эркаклар ўртасидаги биродарлик, ана шунинг учун ичамиз! Бу оламда сотилмайдиган ва сотиб олинмайдиган нарса ҳам бўлиши керак-ку, ахир! Келинглар, ўша нарса учун қадаҳ кўтарайларик!

---

**Валентин РАСПУТИН**  
**рус ёзувчиси**  
**(1937-2015)**

---



**ФРАНЦУЗ ТИЛИ САБОҚЛАРИ**

**K**изиқ, нима учун худди ота-онамиз олдидаги-дек ўқитувчиларимиз олдида ҳам ўзимизни доим айбдор хис этамиз? Мактаб даврида рўй берган воқеаларни деб эмас, йўқ, кейинги ҳаёти-миз учун ҳам...

\* \* \*

Бешинчи синфга мен 1948 йили борганман. Яна ҳам аникроқ айтадиган бўлсам: қишлоғимизда факат бошлангич мактаб бор эди, ўқишни давом эттириш учун эса уйимиздан эллик чақиримча нарига – туман марказига бориш керак. Мен кетишимдан бир хафталар олдин онам туманга бориб, бир таниши билан гаплашиб келди – ўша аёлнинг уйида яшайдиган бўлдим. Августнинг сўнгги куни қишлоғимизда ягона «полуторка» машинасининг ҳайдовчиси Ваня амаки Подкаменная кўчасидаги мен яшашим лозим бўлган уй олдида юкларимни туширди ва кўрпа-тўшагим ўралган тугунни уйга олиб киришга қарашиб юборди. Хайрлашаётиб елкамга дўстона бир қоқиб қўйдию жўнаб қолди. Шундай қилиб, ўн бир ёшимда мустакил ҳаётга қадам қўйдим.

Хали очарчилик йиллари, биз эса оиласда уч фарзанд эдик. Мен онамнинг тўнғичи эдим. Баҳор ойла-

ри, айникса, иликузилди маҳали очлиқдан картошка муртаги, сули, жавдар донини ютган ва бунга синглимни ҳам мажбур қилган вақтларим бўлган. Биз гўёки қорнимизга уруғ экардик ва шу билан ўзимизни чалғитардик, ҳадеб обу овқат ҳақида ўйлайвермасдикда. Кейин ёз бўйи бамисоли шу эккан уруғимизни Ангаранинг чучук суви билан обдан сугорардик, аммо ҳосилдан ҳадеганда дарак бўлавермас ёки у жуда се-кин ўсаётганиданми, биз буни пайқамас эдик. Шунга қарамай, мен, бу уринишм чакки эмас, бир кун келиб албатта одамларга нафи тегади, биз эса тажрибасиз-лигимиз сабабли ниманидир нотўғри қилган бўлсак керак, деб ўйлар эдим.

Қандай қилиб онам мени туманга (туман марказини ҳамма қисқагина «туман» деб қўяқоларди) юборишга қарор қилган экан, ҳеч ақлимга сифмайди. Бошимизда отамиз йўқ, турмушимиз жуда абгор эди. Афтидан, онам обдан ўйлаб кўрган-у, бундан баттари бўлмаслигига кўзи етган. Мен яхши ўқирдим, мактабга ҳам жонжон деб борардим. Умуман олганда, қишлоқда энг саводли бола хисобланардим. Кампирларга келган хатларни ўқиб, жавоб ёзиб берардим, фарибина кутубхонамиздаги бор китобни аллақачон ўқиб чиқсан эдим. Кечкурунлари болаларга ўқиган китобларимдаги ҳар хил воқеаларни ўзимдан ҳам қўшиб-чатиб гапириб берардим. Айникса, облигация масаласида қишлоқ аҳли менга қаттиқ ишонарди. Уруш йиллари одамларнинг қўлида анча-мунча заём йиғилиб қолган, ютуқ жадваллари ҳам тез-тез ёълон қилинар, шунда ҳамма облигациясини қўтириб менинг олдимга келар эди. Уларнинг айтишича, менинг қўлим омад келтиармиш. Тўғри, ютуқ ҳам чиқиб турарди-ю, кўпинча бу арзимаган бир чақа-чуқа эди. Аммо ўша йиллари одамлар шунга ҳам хурсанд бўларди, тағин денг, кутилмаган бу омадга гўё мен сабабчи эдим. Беихтиёр бу хурсандчилик менга ҳам юқарди. Бошқа болалардан мени арзанда қилиб, ҳатто қорнимни тўйдириб ҳам туришарди. Бир гал Илья отага – асли зиқнароқ, хасис чолга тўрт юз

сўм ютуқ чиқиб қолди. Қизиқ устида у менга бир че-  
лак картошка бериб юборса денг – айни кўклам чофи  
буни нақд кўзимизга суртган эдик.

Айнан шу – облигация рақамларининг фарқига  
борганим учун ҳам одамлар онамга, «Ўғлинг зехн-  
фаросатли бола, сен уни албатта ўқитгин. Билимли  
одам ҳеч вақт хор бўлмайди», дер эди.

Шу гаплар ҳам туртки бўлдими, билмадим, хар  
қандай қийинчиликка қарамай онам мени туманга  
ўқишга юбориш ҳаракатига тушиб қолди. Шу чокқача  
қишлоғимиздан бирорта бола туманда ўқимаган, мен  
биринчиси эдим. Қолаверса, у ерда мен бечорагинани  
қандай синову машаққатлар кутаётганини ҳали тасав-  
вур ҳам қилолмас эдим-да.

Тумандаги мактабда ҳам яхши ўқий бошладим.  
Бошқа нима ҳам қиласдим – ўқигани келдим-ку бу  
ерга, шундан ўзга ташвишим бўлмаса! Яна денг, у  
вақтларда ҳали зиммамдаги вазифага ҳафсаласизлик  
билан қараёлмасдим. Агар бирор фандан тузукроқ тай-  
ёрланмаган бўлсан, мактабга бўйнимдан боғлагандек  
зўрға борарадим. Шунинг учун ҳам француз тилидан  
бошқа барча фандан баҳоларим «аъло» эди.

Француз тилини эса дуруст ўзлаштиrolмасдим.  
Мен сўзларни ва уларни кўллашни яхши эслаб қолар,  
тезда таржима ҳам қилар, имло коидаларига доир  
мураккабликларни-да осонгина енгиб ўтган эдим-у,  
талаффузга келганда, сочимдан то тирноғимгача асл  
ангаратлиқ әканим фош бўлиб қоларди. Ахир, биз то-  
монларда умри бино бўлиб бирорта одам чет тилида  
гапирмоқ тугул, ҳатто унинг борлигини билган бўлса,  
шунинг ўзи ҳам катта гап саналар эди-да. Мен фран-  
цуз тилида ўзимизнинг қишлоқча бидиллашга ўхшатиб  
жуда тез гапирар, бўлар-бўлмасга товушларнинг яр-  
мини ютиб юборар, иккинчи ярмини эса хирилдоқ  
овозда қалаштириб ташлар эдим. Буни кўриб француз  
тили муаллимамиз Лидия Михайловна умидсизликдан  
пешонаси тиришиб, кўзларини юмиб оларди. Албатта,  
бунақасига у биринчи марта дуч келиши. Ўқитувчим

кейин ундош товушлар бирикуви, бурун товушлари талаффузини қайта-қайта тушунтириб берарди-да, так-рорлашимни сўрарди. Мен эса баттар довдирав, тилим танглайимга ёпишиб қолгандек миқ этмай тураверар эдим. Барча уринишлар бесамар эди. Ҳаммасидан ёмо-ни эса уйга келганда билинарди, мактабда-ку беихти-ёр чалфийсан – болалар бир-бирини итариб-туртади, хоҳлайсанми-йўқми, улар билан ўйнайсан, чопиб-югу-расан, дарс пайтида – ўқыйсан, ёзасан, хуллас, доим нима биландир банд бўласан. Ёлгиз қолдим дегунча, соғинчдан жинни бўлаёзардим, уйимни, қишлоғимизни қўмсаб кетардим. Илгари бир кун ҳам уйдан узоқда юрмаган, табиийки, бегоналар орасида яшашга хали тайёр эмас эдим. Касал одамдан бешбаттар қийналар, изтироб чекар эдим. Фикру хаёлим, ягона истагим ҳам шу эди – тезроқ уйга кетсан! Сентябрь ойи-нинг охирларида онам келган эди, мени кўриб капа-лаги учиб кетди. Озиб чўп бўлиб қолган эмишман. Онамнинг олдида ўзимни базўр тутиб турдим, арз-ҳол қилмадим, йиғламадим, аммо у кетаётганида чи-даёлмадим – хўнгиллаганча машина ортидан югурдим. Машинанинг устида тик туриб кетаётган онам, қол, мени ҳам, ўзингни ҳам шарманда қилма, дегандек қўл силтади, лекин қани энди ўзимни тиёлсан! Шунда бир қарорга келди шекилли, онам машинани тўхтатди:

– Бўпти, лаш-лүшинги йифиштири, – деди буйрук оҳангига мен етиб боришим билан. – Ўқиб бўлдингиз, кетдик!

Дарҳол эсимни йиғиб олдим – изимга қайтдим.

Мен уйни соғинганимдангина эмас, қорним тўйиб овқат емаганимдан озиб кетган эдим. Куз кунлари Вания амаки туман яқинидаги фаллахонага буғдой та-шиб юрганида онам менга мунтазам, чамаси, ҳафтада бир марта ул-бул егулик юбориб турарди. Аммо шу ҳам менга кам эди. Онам асосан нон билан картошка жўннатарди. Аҳён-аҳёнда банкага творог солиб берво-рарди. Буни у бирордан нимагадир алмаштириб олган, албатта, чунки ўзимиз сигир бокмас эдик. Келган куни

күзимга бир дунё күринган нарсадан икки қун ўтмай хеч вақо қолмасди. Иттифоқо, онам юборган нон сирли равищаға ғойиб бўлаётганини сезиб қолдим. Атай қузата бошладим ҳам: ҳа, бугун бор-у, эртаси ўз-ўзидан йўқ бўлиб қоларди. Картопка ҳам шу тарзда камайиб бораради. Ким ўғирлайяпти, уч боласини зўрга боқаётган бақироқ Надя холамикан? Қизларидан бирортасими ёки кенжаси Федъкамикан – билмайман, уларни пойлаш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлагим ҳам келмасди. Онам укам ва синглимнинг лукмасидан кийиб менга юборса-ю, бунинг хузурини бошқалар қўрса – шуниси менга алам қиласарди. Қўлимдан нима ҳам келарди, тақдирга тан бериб юравердим, турган гапки, онам буни эшилса жуда хафа бўлади.

Бу ерда ҳаёт қишлоқдагидан фарқ қиласарди: қишлоқда доим, айниқса, куз кунлари албатта егулик бирор нима топилади, дейлик, боғда мева-чева, томорқада сабзавот бўлади, уларни йифиб-териш, ковлаб олиш мумкин. Ҳечкурса, Ангарага бориб балиқ, ўрмонда эса қуш овлаш мумкин. Бу ерда эса теваракатрофим гўё бўм-бўш эди: еттиёт одамлар, бегона жой, бегона томорқалар. Бир дарёчаси бор эди-ю, қачон қараманг, ўн қават тўр ташлаб қўйилган бўларди. Бор-йўқ балиғи сузиб олинган бўлса керак, ҳойнаҳой. Якшанба кунларининг бирида эртадан кечгача қармоқ ташлаб ўтириб, атиги уч дона чой қошиқдек келадиган тангабалиқ тутибман. Бу билан қорин тўйдириб бўлмаса. Қайтиб балиқ овлагани бормадим – вактимни бехуда сарфлаб нима қилдим! Кечкурунлари кўпинча ошхоналар олдида, нарх-навони билиш учун бозор оралаб айланиб юрар, кейин эса сўлагим оққанча икки қўлимни бурнимга тикиб уйга қайтар эдим. Надя холанинг ошхонасида доим чойдиш қайнаб турарди, доғ сувдан ичиб олиб ошқозонни алдардиму ухлагани ётардим. Эрталаб яна оч-наҳор мактабга чопардим. Шу тариқа то юқ машина келиб, Вания амаки эшик тақиллатадиган кунгача амал-тақал қилиб етардим. Очликдан силлам қуригани, боз устига, ҳар қанча тежаб-

тергамайин, озиқ-овқатим барибир кўпга етмаслигини билганим учун қорним ёрилгудек тўйиб олардим-да, икки-уч қундан кейин яна тишимнинг кирини сўриб юраверадим.

\* \* \*

Сентябрнинг охирларимида, бир қуни Федъка менга:

- «Чикка» ўйнагани юрагинг дов берадими, қўрқ-майсанми? – деб қолди.
- Нима у, «чикка» деганинг?
- Шунаقا бир ўйин бор-да, пул тикилади. Пулинг бўлса, юр, ўйнаймиз.
- Пулим йўқ-да.
- Мендаям йўқ. Майли, юр, ҳеч бўлмаса томоша қиласмиз. Кўрасан, зўр ўйин!

Федъка мени томорқа ортига бошлади. Икковлон тепалик ёқалаб кетдик, қуриган, хиди димоқни ёргудек уруғлари осилиб ётган қичитки ўт босган чангизор дўнгликдан ошгач, сакраб-сакраб эски ахлатепалардан ўтдик, шунда этакдаги текис, яйдоқ майдончада ғалавовур қилиб ўйнаётган бир тўп болага кўзим тушди. Биз уларнинг олдига тушиб бордик. Болалар бирдан ҳушёр тортди. Биттасидан бошқа ҳаммаси деярли мен тенги эди. Баланд бўйли, бақувват, олд сочлари тиккайган бу сариқ боланинг барчага сўзи ўтиши аён кўриниб туради. Эсладим, у еттинчи синфда ўқирди.

- Буни нимага етаклаб келдинг? – деди у Федъка-га қараб норози оҳангда.
- Бегона эмас, Вадик, қариндошимиз, – дея ўзини оқлай кетди Федъка.
- Бизникида яшайди.
- Ўйнайсанми? – деб сўради Вадик мендан.
- Пулим йўқ-да.
- Ундей бўлса, бизни бу ерда кўрганингни бирорвга гуллаб юрма.
- Э, шуниси етмай турувди! – дедим хафа бўлиб.

Болалар менга ортиқ эътибор қилмай, ўйинга берилиб кетиши. Бир чеккада ўтириб, уларни кузата бошладим. Ўйинда ҳамма иштирок этмасди: гоҳ олти, гоҳ етти бола ўйнарди, холос. Қолганлар томошабин эди, улар асосан Вадикка тарафгир. Унинг бу ерда тўпбоши эканини бошданоқ сезган эдим.

Ўйин унчалик мураккаб эмас экан. Ҳар бир ўйинчи ўн тиийндан тикади, «ғазна»дан икки метрлар наридаги йўғон чизиқ билан чегараланган майдончага танга пукка тарафи билан ташланади, кейин бошқа ёқдан, яъни ярми ерга қўмилган ва оёққа тиргак вазифасини ўтовчи харсанг олдида туриб юмaloқ тош – «шайба» иргитилади. Уни иложи борича чизиққа яқинроқ жойга, аммо чизиқдан чиқиб кетмаслигини кўзлаб отмоқ лозим. Ана шунда биринчи бўлиб «ғазна»ни бузиш имкони туғилади. Яна шу тош билан уриб танганинг чикка тарафини ўгириш керак, агар эплай олсанг – марра сеники, ўйнайверасан, йўқса – бошқа ўйинчига навбатни берасан. Энг муҳими, қўлингдаги тошни иргитганда унинг танга тўпи устига тушишини мўлжаллаш даркор, бирор танганинг чиккасини ўгира олсанг ҳам ҳеч қандай гап-сўзсиз ҳамма пул сеники бўлади. Ўйин эса қайта бошланади.

Вадик фирром экан. У тиргак тош ёнига ҳаммадан сўнг, ким кимдан кейин эканини кўриб олгачгина келарди. Табиийки, у ютиб чиқиши учун қаерга уриш кераклигини ҳам билволган бўларди. Лекин Вадикнинг фирром ўйнаётганини ҳамма билиб турса-да, ҳеч ким оғиз очишга ботинолмас эди. Тўғри, у ёмон ўйнамасди. Тиргак ёнига келганда тиззасини сал букиб олар, бир қўзини қисиб қўлидаги тошни мўлжалга тўғрилар эдиди, сўнг шошилмай қаддини ростларди – «шайба» ҳам гўё қўлидан сирғалиб чиқиб, айнан кўзлаган жойига бориб тушарди. У бошини кескин бир силкиб, қўзига тушиб турган сочини орқага ташларди-ю, бепарволик билан четта «чирт» этказиб тупуриб, гўёки иш ҳал бўлди, дегандек эринибгина, атай соллана-соллана босиб пул ётган жойга борарди. Агар чақа тўп бўлиб ую-

либ ётса, қаттиқ урар, тангалар жаранглаб кетар эди, сочилиб ётган бўлса, ҳар ёнга қапчиб кетмай, оҳиста чиккаси ўгирилиши учун «шайба»ни шунчаки теккизисб қўяқоларди. Бошқа ҳеч ким бундай қилолмасди. Болалар ўйлаб ҳам ўтирумай чўнтағидан яна танга чиқарар, пули йўқлар эса секингина томошибинлар қаторига қўшилар эди.

Пулим бўлганида мен ҳам ўйнай олардим, деб ўйладим. Қишлоқда биз ошиқ ўйнардик, бунда ҳам албатта зийраклик талаб этилади. Қолаверса, мен мерганликни оширадиган ҳар хил эрмаклар ўйлаб топишга ишқибоз эдим. Дейлик, бир тўп тош йифиб олардимда, қалтисроқ бир жойни мўлжал қилиб туриб, токи тўлиқ натижага эришмагунча, яъни ўну ўн бўлмагунча отаверардим. Тошни тепадан, елкам оша ёки пастдан мўлжалга тўғрилаб олиб иргитаверар эдим. Шунинг учун ҳам бу борада оз-моз маҳоратим ортган. Аммо ҳозир пул йўқ эди.

Пул бўлмагани учун ҳам онам менга нон жўнатар эди-да. Йўқса, нонни шу ердан ҳам сотиб олиш мумкинку. Колхозда пул нима қилсин! Шундай бўлса-да, онам икки марта конвертга беш сўмдан солиб юборибди, сут оласан деб. Ҳозирги пулда бу эллик тийин дегани. Унча кўп эмас-у, барибир пул-да. Бозордан бунга биттаси бир сўм турадиган ярим литрлик беш банка сут олиш мумкин эди. Камқонлигим сабабли туриб-туриб бирдан бошим айлана бошлар, бу ҳол тез-тез такрорлангани учун ҳам доим сут ичиб юришим керак эди.

Онам учинчи марта бешталик жўнатганида мен унга сут олмадим. Пулни майдаладиму ахлаттепага югурдим. Бу жой жуда билиб танланган эди ўзиям: қирадирлар ўртасидаги майдонча атрофдан кўзга ташланмасди. Агар бундай ўйин ўйнаётганимизни қишлоқда бирор одам кўриб қолса, бизни қувиб солар, миршаб ёки мактаб директорини чақираман, деб қўрқитган бўлар эди. Бу ерда эса бизга ҳеч ким халақит бермайди. Кейин, узоқ ҳам эмас, ўн дақиқалик йўл.

Биринчи мартасига тўқсон тийин, иккинчисида эса олтмиш тийин тикдим. Албатта, пулимга ачинардим, аммо ўйнаганим сайин қўлим анча келишиб бораётганини сезардим. У «шайба»ни тўғри йўналтириш учун керагича куч сарфлашга мослашди, кўзим хам тошнинг қаерга тушиб, қаергача думалаб боришини олдиндан чамалашга ўрганди. Кечқурунлари ҳеч ким қолмаганда майдончага қайтиб келар, харсанг тагидан Вадик яшириб кетган «шайба»ни олар ва чўнтағимдан чақа чиқариб, то қоронги тушгунча машқ қилар эдим. Бора-бора ўн марта тош отганда уч ёки тўрттасини аниқ мўлжалга туширадиган бўлдим.

Нихоят, мен ҳам ўйинда ютадиган кун келди.

Куз кунлари илиқ, ёғин-сочинсиз, октябрь ойи бўлишига қарамай битта кўйлакда юриш мумкин эди. Онда-сонда ёмғир ёғиб қоларди. Бу ҳам дайди шамол қаерлардандир тасодифан олиб келган ёмғир эди. Осмон ёз кунларидагидек кўм-қўк-у, аммо у қадар чексиз эмас, гўё аллақандай торайиб қолгандек туюларди. Күёш ҳам эрта ботарди. Адирлар устида эрталаблари хаво топ-тоза, мусаффо бўларди. Атрофда аччиқ, бошни айлантирувчи шувоқ ҳиди кезар, узоқ-узоқлардан ҳар хил товушлар аниқ эшитилар, учеб кетаётган қушларнинг чах-чахи қулоқни қоматга келтирас эди. Майдончамиизда ўт-ўлан сарғайган бўлса-да, ҳали буткул куриб битмаган, ўйинда иштирок этмаётган, тўғрироғи, ютқазиб қўйган болалар у ерда думалашиб ўйнаб ётар эди.

Хар куни мактабдан кейин тўғри шу ерга келишга одатланиб қолдим. Ўйинчилар тез-тез ўзгариб турар, эскилар ўрнини янгилар эгаллар эди. Фақат Вадик бирорта ҳам ўйинни қолдирмасди. Усиз ўйин ҳам бўлмас эди-да ўзи. Птаха деган хумкалла, сочи машинкада олинган калтабақай бир бола доим Вадикнинг ортидан соядек эргашиб юрарди. Мен шу вақтгача уни мактабда бирон мартаям кўрмаган эдим, олдинлатиб бўлсаям айтаверай, учинчи чорақда у қўққисдан бизнинг синфда пайдо бўлиб қолди. Бешинчи синфда

қолиб кетган ва бир нималарни баҳона қилиб январга қадар «таътил»да юрган экан. Ўйинда қўпинча Птаха ҳам ютарди, Вадикчалик эмасдир-у, лекин ҳарқалай зиён қўрмасди. Ҳойнаҳой, Вадикнинг шериги бўлгани учундир. Вадик ҳам бошқаларга билдирамайгина Птахага қарашиб турарди-да.

Майдончада гоҳо бизнинг синфдаги Тишкін – ховлиқма, кўзи ўйнаб турадиган, дарсларда қўл кўтариб ўтиришни яхши қўрадиган бола ҳам пайдо бўлиб коларди. У бир нимани билса-бilmasa қўл кўтараверар, ўқитувчи доскага чиқаргудек бўлса, мумтишлаб қолар эди.

– Нега қўл кўтардинг бўлмаса? – деб сўрарди ўқитувчи. Шунда у кичкинагина кўзларини пирпиратиб:

– Ҳозиргина эсимда эди, доскага чиққунча унугиб қўйдим, – дерди.

Мен Тишкін билан унчалик яқин эмас эдим. Тортинчоқлигим, камгаплигим, қишлоқиларга хос одамовилигим ва, энг аввало, бошқа нарсага ўрин қолдирмайдиган соғинч ҳисси, яъни уйни ниҳоятда қаттиқ қўмсаётганим сабаблими, ҳалигача синфдошлиримнинг ҳеч бири билан тузукроқ чиқишиб кетолмаган эдим. Болаларнинг ҳам мен билан иши йўқ эди. Доим ёлғиз юрардим. Қишлоқда, ўз уйимда эмаслигим учун ёлғизман-да, у ерда дўстларим кўп эди-ку, дея ўзимга-ўзим тасалли берардим. Лекин ўлгудек эзилиб юрганимдан ёлғизлигимни сезмас, буни ҳатто англаб ҳам етмас эдим.

Тишкін майдончада мени гўё қўрмас ёки қўрмаганга оларди. У дарровгина ютқазиб қўяр ва ғойиб бўлар, шу билан анчагача бедарак кетар эди.

Менинг эса ўйинда омадим чопиб қолди. Доим қўлим баланд келадиган, деярли ҳар куни ютадиган бўлдим. Менинг бу ўйинда ҳам хос коидаларим бор эди: биринчи бўлиш учун «шайба»ни майдон бўйлаб айлантирмаслик лозим; ўйинчи кўп бўлганда бу жуда мушкул – чизиққа қанча яқин келинса, уни босиб олиш ва охирида қолиб кетиш хавфи шунча орта-

ди. Тошни ирғитганда «ғазна» устига тушишини аниқ мүлжал қылмоқ керак. Мен шундай қилардим. Албатта, бу таваккалчилик эди, аммо әпчиллигим қўл келарди. Мен ўйинда кетма-кет уч-тўрт марта ютқазишм мумкин эди. Бироқ бешинчи мартасида «ғазна»ни албатта қўлга киритардим, ютқазганимни уч баробар қилиб қайтариб олардим. Кейин яна ютқазар ва яна ютиб олаверардим. Камдан-кам ҳоллардагина тош билан тангани уришимга тўғри келарди. Аммо бу борада ҳам менинг ўз усулим бор эди: агар Вадик танга ўзи томон юмалашини чамалаб урса, мен аксинча, зарб билан урадим – бу қўпол ҳаракат эди, албатта. Лекин шунда тош танганинг айланиб кетишига йўл қўймасди, танга бир сапчирдию оркаси билан ўгирилиб тушарди.

Шу тариқа чойчақали ҳам бўлиб қолдим. Бироқ кечгача майдончада юриб ўйинга берилиб кетишдан ўзимни тиярдим. Ҳар куни бир сўмдан ютиб олсам шу менга кифоя эди. Бир сўмни қўлга киритишим билан ўйинни ташлаб бозорга югурадим, бир банка сут со-тиб олиб (менинг бу пачоқ, қийшиқ, сийқаланиб кетган чақаларимни кўриб сутчи холалар жаврай-жаврай сут қуиб берарди) тушлик қилардиму дарс тайёрлагани ўтирардим. Ҳамон қорним тўйиб овқат емасдим-у, аммо сут ичиб турибман-ку, деган ўйининг ўзиёқ менга куч берар, очлигим унча эсимга келмас эди. Ҳатто энди бошим айланиши ҳам камайгандек туюларди.

Аввалига Вадик менинг ғалабаларимга чандон эътибор бермаган эди. Чунки бундан у ҳеч зиён кўрмасди, яъни унинг чўнтагидан бир тийин ҳам чиқмасди. Баъзан у: «Хой нўноклар, қандай уриш кераклигини мана бундан ўрганинглар», деб мени алқаб ҳам қўярди. Лекин, қўл ўтмай, ўйинни тез тарқ этаётганимни пайқаб қолди ва бир куни мени тўхтатиб:

- Нима, пулни олибоқ қочиш экан-да? Жа абжирсан-у! Кетмайсан, ўйнайсан, – деб қолди.
- Дарс тайёрлашим керак, Вадик, – деб баҳона қилдим.

– Дарс қиладиган одам бу ерга келмайди.

Птаха ҳам ялтоқилик билан гапга аралашди:

– Пул тикилганда шундай қилиш мумкин деб ким айтди сенга? Агар билсанг, бу қилмишинг учун боплаб таъзиiringни бериш керак. Тушундингми?

Шу-шу, Вадик сира ўзидан олдин «шайба»ни менга бермайдиган, тиргак тош олдига ҳам ҳаммадан кейин қўядиган бўлди. У мўлжални яхши оларди, мен эса «шайба» қўлимга тушмаёқ неча мартараб чўнтак ковлашимга тўғри келарди. Бироқ имкон туғилди дегунча ундан яхшироқ ўйнардим, тош ҳам гўё оҳанрабодек тўппа-тўғри бориб тўп бўлиб ётган танга устига тушарди. Мерганлигимга ўзим ҳам қойил қолардим. Буни сездирмаслик, бошқаларнинг эътиборини тортмай ўйнаш лозимлигига фаҳмим етмаганини қаранг. Содалик билан ҳар сафар аямай «фазна»ни мўлжалга ола-верибман. Ўз ишининг устаси бўлган, доим қўли баланд келадиган одам хеч қачон шафқат кўрмаслигини мен қайдан билибман дейсиз! Бундай вақтда шафқат кутиш ҳам, бирорта химоячи чиқиб қолар, деб хомтама бўлиш ҳам бефойда. Ҳамма сени маҳмадона деб билади, холос, айниқса, орқангдан келаётганларнинг сени кўрарга кўзи йўқ. Ўша кузда айнан шу нарса менга сабок бўлди.

Мен ўша гал ҳам мўлжални аниқ нишонга олган эдим. Чақаларни йиғиб олмоқчи бўлиб яқинлашганимда атрофга сочилиб ётган тангалардан бирини Вадик оёғи билан босиб турганини пайқадим. Колган тангалар пукка тарафи билан ётарди. Бундай ҳолларда одатан «фазна»га деб бақириш керак, негаки танга ўнг тарафи билан тушмаган бўлса, қайтадан уриш учун бир жойга тўпланади. Мен эса ҳар доимгидек омадимга ишониб, жар солиб ўтирамадим.

– «Фазна»га эмас! – дея эълон қилди Вадик.

Вадикнинг ёнига бордим-да, оёғи тагидаги тангани кўрмоқчи бўлиб уни сал туртган эдим, у мени силтаб ташлади. Дарҳол оёғи остидаги тангани олиб, менга чап тарафини кўрсатди. Аслида унинг чикка ётганини мен кўрган эдим. Акс ҳолда, Вадик ҳам бундай найранг қилмаган бўларди.

– Фирромлик қилма, – дедим. – Ўнг тарафи билан ётган эди, ўзим кўрдим-ку.

У бурнимнинг тагига муштумини тираб:

– Мана буни-чи, буни ҳам кўрганмисан? – деди.

Индаёлмай қолавердим. Сўзимда туриб олишдан маъни йўқ эди: жанжал чикқудек бўлса, хеч ким, бирор тирик жон, ҳатто шу атрофда ўралашиб юрган Тишкин ҳам ёнимни олмаслиги аниқ.

Вадикнинг ғазабнок қисилган кўзлари менга ўқдек қадалиб турарди. Энгашиб, яқинроқ ётган тангани секингина урдим, у ўнглангач, бошқасини урдим. «Барибир ҳаммаси ўзимга тегишли-ку», деб ўйлардим. Мўлжаллаб туриб тошни яна урмоқчи эдим – ултурмолмадим, орқадан кимдир тиззаси билан қаттиқ тепиб юборди. Ўзимни ўнглай олмай, ерга бошим билан тушдим. Гурра кулги кўтарилди.

Орқамда безбетларча тиржайиб Птаха турарди. Мен довдираганча:

– Бу нима қилганинг?! – дедим.

– Мен эканми, ким айтди сенга? – деди у талмовсираб. – Нима, ё туш-пуш кўрдингми?

– Қани, бер-чи бу ёққа! – Вадик «шайба»га қўл узатди, аммо мен уни бермадим.

Аlam кўркувдан устун келган эди, энди хеч кимдан чўчимасдим. Нега? Нима учун ахир? Мен уларга нима ёмонлик қилибман?

– Бер деяпман! – дея дўқ урди Вадик.

– Боя тангани ўгириб кўйдинг-ку! – дея қичқирдим мен ҳам. – Ўзим кўрдим, ўзим.

– Қани, яна бир марта қайтар-чи, – деди у яқинроқ келиб.

– Тангани ўгириб кўйдинг, – дедим мен энди босик овозда – ҳозир нима рўй беришини билиб турардим.

Биринчи бўлиб яна орқадан Птаха тушириб қолди, Вадикка бориб урилдим. У чамалаб ҳам ўтирумай, эпчиллик билан юзимга шундай калла урдики, ағанаб тушдим, бурнимдан тирқираб қон отилди. Базўр ўрнимдан турган эдим, тағин Птаха ташланиб қолди. Ҳалиям бўлса қочиб қутулиш имкони бор эди, аммо шу

тобда буни ўйламабман ҳам. Мен ўзимни деярли ҳимоя қиолмай Вадик билан Птаханинг ўртасида коптоқдек бориб-келардим. Шариллаб қон оқаётган бурнимни чангалағанча, алам устида баттар уларнинг жиғига тегиб, қайсарлик билан битта гапни такрорлардим:

– Тангани сен ўғирдинг! Ўғирдинг! Сен ўғирдинг!

Улар мени галма-галдан дўппосларди. Бир пайт кичкинагина-ю, аммо сержаҳл яна бирори оёқларимга тепиб қолса бўладими! Тепкидан оёғимнинг соғ жойи қолмади, кўкариб, моматалоқ бўлиб кетди-ёв. Мен жон-жаҳдим билан йиқилмасликка тиришардим. Шу ахволда буларнинг олдида яна йиқилиб тушиш ўлим билан баробар эди. Охир-оқибат мени ерга ётқизибгина тинчишиди.

– Жонинг борида бу ердан туёғингни шиқиллатиб қол! – деб амр қилди Вадик. – Бўл, бўл!

Мен ўрнимдан туриб, ҳиқиллаганча, ҳеч балони сезмай қолган бурнимни торта-торта тепалик томон судралиб кета бошладим.

– Чурқ этиб бирорвга оғиз очгудек бўлсанг, ўлдим деявер! – дея қичкириб қолди Вадик ортимдан.

Ин damp;адим. Аламдан бутун вужудим гўё жонсиз эди, қўл-оёқларим ҳам қотиб қолгандек караҳт. Ҳатто лабимни қимирлатишга ҳам мажолим йўқ. Тепаликка чиқиб олгачгина, чидаб туролмай, худди ақлдан озган-дек бор овозда қичқирдим:

– Тангани ўтириб қўйдинг! Ўғирди-инг! – Овозим бутун шаҳарчага эштилди-ёв.

Птаха ортимдан югуришга бир шайланди-ю, неғадир яна изига қайтди, чамаси, Вадик мени тинч қўйиш керак деган қарорга келиб, уни тўхтатган. Ҳиқиллаганча майдончани бир оз кузатиб турдим, у ерда ўйин қизғин эди. Кейин тепаликнинг бошқа томонидан айланиб, қоп-кора қичитки ўт билан қопланган сойликка тушдим-да, заранг чимзор устига ўзимни отдим. Аламимнинг зўридан ҳўнграб юбордим.

Ўша куни бу ёргу оламда мендан баҳтсизроқ кимса йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмасдек эди.

Эрталаб ойнада аксимни кўриб, рости, капалагим учиб кетди: бурун ўрнида шишган, қўпол бир бало, чап кўзимнинг таги кўкарган, чаккамда эса шилиниб, куюқ қон қотиб қолган чандиқ кўзга ташланарди. Шу ахволда мактабга қандай бораман энди – буни ҳатто тасаввур ҳам қилолмасдим. Аммо бориш керак, нима бўлмасин, барибир дарсни қолдиролмайман. Ахир, аслан бурундор одамлар ҳам бор-ку, шуларнинг олдида меники унча ваҳимали эмас. Агар кўзга ташланиб турадиган жойда бўлмаганида буни бирор ҳатто бурун ўрнида ҳам кўрмасди. Бироқ шилинган, кўкарган жойларни яширишнинг иложи йўқ – мендан сўровсиз шундок кўз-кўз бўлиб турибди-да, ахир.

Кўзимни кафтим билан тўғсанча лип этиб синфхонага кирдим, ўрнимга ўтирдиму бошимни эгиб олдим. Аксига олгандек, биринчи дарс француз тили эди. Синф раҳбари эмасми, Лидия Михайловна бошқа ўқитувчиларга нисбатан бизга кўпроқ эътибор берар, ундан хеч нимани яшириб бўлмас эди. Синфхонага кириб саломлашгач, ўтиришга изн беришдан аввал, гўё камчиликларимизни рўй-рост айтмоқчидек, ҳар бири-мизга синчилкаб қараб чиқиш одати бор эди. Юзимдаги тамғани-ку, яширишга ҳар қанча уринмайин, у шу заҳотиёқ кўрди, буни болаларнинг ҳаммаси мен томонга ўтирилганидан билдим.

– Мана, – деди Лидия Михайловна журнални очаркан, – бугун орамизда ярадорлар ҳам бор экан.

Болалар кулиб юборишиди. Лидия Михайловна яна менга тикилиб қаради. Унинг кўзи филайроқ эди ва гўё менга эмас, бошқа ёққа бокиб тургандек туюларди. Аммо бу вақтга келиб биз унинг қай тарафга қараётганини дурустгина фарқладиган бўлиб қолган эдик.

– Хўш, нима бўлди? – деб сўради у мендан.

– Йиқилиб тушдим, – дедим тўнғиллаб. Олдиндан бирор жўялироқ баҳона ҳам тўқиб қўймабман-а, қаранг.

- Аттанг, жуда ўсал тушибсан-ку. Кечами, бугун?
- Бугун. Йўқ, кеча кечаси, қоронфида.
- Хе, йиқилғанмиш! — дея шанғиллаб қолди бир вақт Тишкін хурсандлигидан әнтикиб. — Еттинчи синф-даги Вадикнинг иши бу. Улар пул тикиб ўйнайди. Буннингиз ўша Вадик билан тортишиб қолди, кейин роса таъзирини еди ўзиям. Йиқилдим дейди-я, тағин!

Бундай чақимчиликни асло кутмаган әдим, қотиб қолдим. Жинни бўлганми у ёки атай қилдими? Пул тикиб ўйнайдиганларнинг мактабда дарров ковушини тўғрилаб қўйишлари ҳеч гап әмас, ахир. Мана, сенга ўйин! Қўрққанимдан миямда ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди, каллам фувиллай бошлади: бўлди, бари тамом.

Ҳах, Тишкін-а! Билдик, қанақа экан бу Тишкін деганлари. Боплади-ку. Оққизмай-томизмай ҳаммасини айтди-қўйди-я, касофат!

— Сендан, Тишкін, мен бошқа нарсани сўрамоқчи әдим, — деди Лидия Михайловна бу гапларга унча ҳайрон бўлмагандек, ўша-ўша вазмин оҳангда. — Ўзинг бошлаб қолдинг, қани, энди доскага марҳамат, жавоб беришга тайёрмисан? — У ўзини йўқотиб, бирдан шалпайиб қолган Тишкін доска ёнига чиққунча кутиб турди-да, кейин менга қараб: — Сен дарсдан кейин қоласан, — деб қўйди.

Лидия Михайловна мени директор ҳузурига олиб киради деб жуда қўрқкан әдим. Бу дегани, у ерда кечажак машмашадан ташқари, директор эртага мактаб линейкасида ўртага чиқариб, нима учун бундай ярамас ишга қўл урганингни айтиб беришга мажбур этади. Директоримиз Василий Андреевич бирор бола айб иш килиб қўйса — у ойна синдириганми, муштлашганми ёки ҳожатхонада чекканми, бундан қатъи назар, айнан шу саволни берарди: «Бундай ярамас ишга сени нима мажбур этди?» Василий Андреевич қўлларини қўкрагида чалиштирганча гавдасини фоз тутиб, каттакатта қадамлар билан тизилишиб турган ўқувчилар олдидиа у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, эгнидаги тутма-

лари қадалган қаппайма қора френчи ундан олдинроқ харакатланаётгандек туюларди. «Жавоб бер, хүш, кутялмиз. Кара, бутун мактаб кутялти, бизга айтадиган гапинг бордир?» дея қистовга оларди у. Гунохкор ўзини оқламоқ учун бир нима деб фўлдирай бошласа, директор унинг гапини шартта бўлиб қўярди: «Сен саволга жавоб бер, ха, саволга. Қандай савол берилди?», «Мени нима мажбур қилдими?», «Худди шундай: нима мажбур этди? Гапир, қулоғимиз сенда».

Хуллас, бу сингари машмашалар кўпинча йиги-сиги билан тугар, шундагина директорнинг кўнгли жойига тушар ва ҳамма синф-синфига тарқалар эди. Юқори синф ўқувчиларига келганда вазият қийинроқ кечарди. Улар унча-мунчага йиғламасди-ю, аммо Василий Андреевичнинг саволига ҳам жавоб бермай, безрайиб тураверарди.

Бир гал ҳатто биринчи соат дарсимиз ўн дақиқача кечикиб бошланган, чунки директор тўққизинчи синф ўқувчисини узундан-узоқ сўроқ қилиб, тайинли бир гап ололмагач, охири уни хонасига олиб кириб кетган эди. Мен энди нима дейман унга? Ундан кўра, дарровгина паттамни қўлимга тутқазгандари яхши. Бу ҳақда ўйларканман, ана шунда уйга кетсан ҳам бўлади, деган фикр миямда ярқ этди. Аммо шу заҳотиёқ бошимдан қайноқ сув қуйилгандек бўлди: йўғ-э, уйга бундай шарманда бўлиб боргандан кўра...

Ўқиши ўзим ташлаб кетсан-ку, бошқа гап эди. Шунда ҳам мени бўшант бола экан-да, кўзлаган нијатига эришолмабди, дейишлари турган гап. Мактабда эса, ана кейин кўрасиз ахволни, ҳамма мендан ўзини тортиб юрадиган бўлади. Йўқ, буниси менга тўғри келмайди. Бу ерда-ку, хўп, чидарман, кўникарман, бироқ шу ахволда уйга боришим асло мумкин эмас. Дарсдан кейин йўлакда юрак ҳовучлаб Лидия Михайлловнани кутдим. У ўқитувчилар хонасидан чиқиб, бош қимтиб, синфга кир, дея имо қилди. Лидия Михайлловна одатдагидек ўз жойига ўтирди. Мен эса иложи борича ундан нарироқ – учинчи партага ўрнашмоқчи

бўлиб турган эдим, муаллима нақд пешонаси – биринчи партани кўрсатди, ўтиришим билан:

– Пулга ўйнаркансан, шу ростми? – деди. Унинг овози баралла янграб кетди. Ахир, бу ҳақда мактабда жуда секин, шивирлаб гапириш керак-ку! Мени баттар ваҳима босди.

Инкор қилишдан ҳеч бир маъни йўқ эди, негаки, Тишкун ипидан-игнасигача сотиб бўлган.

– Ҳа, рост, – дедим бўйнимни эгиб.

– Хўш, қалай бўляпти – ютъисанми ёки ютқазяпсанми?

Нима дейишни билмай, чайналиб қолдим.

– Қани, бор гапни бир бошдан айтиб бер-чи. Ҳойнахой, кўпроқ ютқазсанг керак, а?

– Ю...ютаман.

– Тузук, ҳарқалай ютаркансан-ку. Хўш, пулни нима қиласан кейин?

Мактабга энди келган вақтларим анчагача Лидия Михайловнанинг овозига қўниколмай юрдим, уни эшитдим дегунча довдираф қолардим. Бизда – қишлоқда нафасни ич-ичига тортиб гапирилади, шунинг учун хам овоз баралла чиқади. Лидия Михайловнанинг товуши эса қандайдир майин, бунинг устига, жуда бўғиқмий, астойдил қулоқ тутмасангиз эшитиш ҳам маҳол. Аммо бу ҳол унинг дармонсизлиги ёки нозиклигидан деб бўлмасди. Негаки, у баъзида фоят берилиб гапирап, ўшанда овози ҳам жаранглаб чиқар эди. Менга у гўё овозини баралла қўйиб юбормай, атайдан аяётгандек туюларди. Мен бор кучимни француз тилини ўрганишга сарфламоққа ҳам тайёр эдим; албатта, бегона бир тилга мослашгунча овозим қафасдаги қушнинг товушидек заифлашиб, гоҳо бўғилиб ҳам қоларди. Кейин яна аввалги ҳолига қайтишини, тикланишини кутишга тўғри келарди. Айни тобда, Лидия Михайловна менга савол берган бўлса-да, ўзи бошқа муҳим бир нарса ҳақида ўйлаб ўтирганга ўхшарди. Шундай бўлса ҳам унинг саволига жавоб беришдан бўйин товлашнинг ҳеч иложи йўқ эди.

– Хўш, гапирсанг-чи, ютиб олган пулингни нима қиласан? Конфет олиб ейсанми? Ёки китобми? Ё бирор нима сотиб олиш учун йиғяпсанми? Эҳтимол, анча-мунча йиғиб ҳам қўйгандирсан?

- Йўқ, кўп эмас, атиги бир сўмгина ютаман.
- Кейин ўйнамайсанми?
- Йўқ.
- Бир сўмгина-я? Нега бир сўм? Уни нима қиласан?
- Сут оламан.
- Сут?

Ақлли, озода-ораста, ҳар томонлама тўқис, кийимбоши ҳам ўзига ярашган, латофат бобида баркамол (мен буни сал-пал ҳис қиласдим) Лидия Михайловна рўпарамда ўтириби. Ундан тараалаётган хушбўй атир исини унинг нафаси деб туярдим, қолаверса, у қандайдир арифметика ёки тарих ўқитувчиси эмас, сирли-сехрли француз тили муаллимаси эди. Ахир, француз тилининг ўзи аллақандай эртакнамо тил, унинг бўлакча бир таровати борки, буни ҳамма ҳам мендек ҳис этавермаса керак. Кўзларига қарашга журъат қилолмаганимдек, муаллимамни алдашга ҳам ботинолмасдим. Умуман олганда, ёлғон гапириб нима қилдим?

Лидия Михайловна жимгина ўтириб, мени бошдан-ёёқ кузатарди ва мен унинг синчков нигоҳи қаршисида барча кўргиликларим, бемаъниликларим янада бўртиб, фош бўлиб турганини бутун борлиғим билан сезардим. Аҳволим томошага арзигулик эди: Лидия Михайловна-нинг рўпарасида нимжон, ёввойисифат, афт-ангари дабдала бир бола тиришибгина ўтириби. Ота-она бағрида эмас, қаровсиз бир нотавон экани аён кўриниб турибди – палапартиш кийинган, эгнида ювилаверганидан елкалари осилиб тушган, гавдасига лойикдек кўринсада, енги тирсагига келиб қолган эски камзул, отасининг галифесидан кичрайтириб тикилган кирчил оч яшил тусли, кечаги муштлашувдан қон изи қолган, доф-дудуф чалвор, устига-устак, почаси чориққа тикиб қўйилган. Лидия Михайловна пойабзалимга ачиниб қарашини ав-

валдан сезиб юрардим. Бутун синф бўйича биргина мен шунақа чориқ киярдим. Кейинги йил кузда бу оёқ кийимда мактабга бормайман, деб оёқ тираб туриб олганимдан сўнг онам бор-йўқ бойлигимиз ҳисобланган тикув машинасини сотиб, менга кирза этик олиб берди.

– Барibir ҳам пул тикиб ўйнаш яхши эмас, – деди ўйчанлик билан Лидия Михайловна. – Бошқа бир йўлини топсанг бўларди-ку, тўғрими?

Ишнинг бу тарзда осон кўчганига ишониб-ишонмай, ўйлаб ҳам ўтирумай, ваъда бериб юбордим:

– Топса бўлади.

Рости, бу гапни юрак-юракдан айтган эдим. Аммо доим ҳам берган ваъдамизнинг устидан чиқолмаймизку, шундай экан, қўлимиздан нима ҳам келарди!

Тўғрисини айтишим керакки, ўша кунлар жуда қийин ахволда эдим. Куз ёғин-сочиниз келгани учун колхозимиз фалла топшириш режасини эрта бажарган ва Вания амаки энди келмай қўйган эди. Уйда онам мени ўйлаб ўзини қўярга жой тополмай ўтирганини билардим, аммо бундан менга бирор наф бўлса экан. Вания амаки охирги марта келганида ташлаб кетган бир халта картошка шунчалик тез тугаб қолдики, нима бало, мол еб қўйдими, дейсиз. Яхшиямки, каллам ишлаб, вақтида ҳовлидаги ташландиқ омборга озроқ яшириб қўйганим, мана, хозир кунимга шу яраб турибди. Мактабдан қайтгач, худди ўғри мушукдек омборга лип этиб кираман-у, уч-тўртта картошкани чўнтағимга тикиб, кўча адодидаги тепаликка қараб чопаман. У ерда хеч кимнинг қўзи тушмайдиган хилватроқ бирор жойни топиб, олов ёқаман. Қорним доим оч бўлганидан ҳатто ухлаб ётганимда ҳам титраб-қақшаб, ошқозоним гулдираётганини сезар эдим.

Яна бирор ўйинчи болалар гурухини учратиб қоларман деган умидда қўшни маҳаллаларни сездирмайгина кузата бошлардим; харобазорларни кезардим, тепаликларга қараб кетаётган болаларнинг орқасидан борардим. Ҳаммаси бекор, мавсум охирлаган эди. Тез

орада октябрнинг изғиринли шамоли ҳам бошланди. Фақат ўзимизнинг майдончагина аввалгидек гавжум эди. Мен яқин-атрофда ўралашиб юрар, қуёш нурида «шайба»нинг ялтираб кўзга ташланишини, Вадикнинг кўлларини силкитиб ўйинбошилик қилишини, «разна» бошида уймалашиб турган таниш қиёфаларни кузатар эдим.

Охир-оқибат чидаёлмай бир куни уларнинг олдига тушиб бордим. Яна таҳқирланишимни билардим, аммо калтак еб хайдалганим ва бунга индамай кетавериш менга кўпроқ алам қиласарди. Борсам, Вадик билан Птаха қандай муносабатда бўлади, мен ўзимни тутиб тура оламанми – ана шу ўй ҳозир менга тинчлик бермасди. Очифи, мени бу ерга очлик етаклаб келган эди. Менга бир сўмгина керак эди – сутга эмас, энди нонга. Нон сотиб олиш учун шундан бошқа ҳеч бир чорам қолмаган эди.

Табиийки, боришим билан ўйин тўхтади, ҳамма менга қаради. Птаха бошига қулоқлари қайирмали шапка кийган, енги калта катақ-катақ кўйлагини шимидан чиқариб олган эди. Унинг энгил-боши қуйиб қўйгандек ўзига мос, ўзидек бегам, ўзидек дадил кўринарди. Вадик бежиримгина, шир-шир занжирли қалин курткада кеккайиб турарди. Бир чеккада пальто ва пахталиклар тўп бўлиб ўюлиб ётар, уларнинг устида беш-олти яшар бир болакай шамолдан жунжикиб ўтирас эди.

Биринчи бўлиб мени Птаха қарши олди:

– Нимага келдинг? Ё калтакни соғиниб қолдингми?

– Ўйнагани келдим, – дея иложи борича босиқлик билан жавоб қайтардим, Вадикка кўз киримни ташларканман.

– Нега энди биз билан ўйнаркансиз? – деди Птаха шалоқ сўкиниб. – Ким айтди буни сизга?

– Ҳеч ким...

– Хўш, Вадик, ҳозироқ таъзирини бериб қўямизми ёки озрок кутамизми?

– Нега бунга ёпишиб олдинг, Птаха? – деди Вадик кўзларини қисинқираб менга боқаркан. – Ўйнагани келибди, билдингми? Балки бу сену мендан ўн сўмдан ютиб олмоқчи бўлиб келгандир...

– Кошки ўн сўмингиз бўлса, сизнинг! – дедим мен ҳам тап тортмай.

– Вой-вой, керак бўлса, пулимиз ундан ҳам қўп – сен ҳатто тушингда ҳам кўрмагансан! Кўп вайсамагинда, Птаханинг жаҳли қўзғамай, борингни тика қол. Биласан, у жуда қизиқкон.

– Бир туширайми, Вадик?

– Қўй, майли, ўйнай қолсин. – Вадик болаларга кўз қисиб қўйди. – Ўйинни қийиб қўяди-ку, биз бунинг тирноғигаям арзимаймиз, шундайми?

Мен ҳам энди анча-мунчасини билиб қолган эмасманми, Вадикнинг бу химмати сабабини англаб турардим. Афтидан, бир хил, зерикарли ўйин жонига теккан, шу боис ҳам асабларини қитиқлаш ва чинакам лаззат туйиш учунгина у мени сафга қўшмоқчи эди. Лекин Вадикнинг иззат-нафсига тегишим биланоқ яна кўрадиганимни кўраман. У нимага тирфалишни билади, боз устига, ёнидаги Птаха ҳам уни гижгижлаб туради.

Мен иложи борича эҳтиёткорлик билан ўйнашга, «газна»га кўз олайтирмасликка қарор қилдим. Бошқа болалар каби бехосдан танга тўпига тегиб кетмай деб «шайба»ни секин айлантирардим. Тангаларни ҳам астагина бир-бир уриб чиқардим. Орқамдан Птаха келиб қолмасмикан, дея аланглаб жоним ҳалак эди. Ўйинга қайта қўшилган дастлабки кунларим мен бир сўм ютишга атай ҳаракат қилмадим. Менга йигирма-ўттиз тийин ҳам кифоя эди, бир бўлак нонга етса бўлгани, шунисига ҳам шукрлар қилар, шунисига ҳам жон дер эдим.

Аммо эртами-кечми рўй беришидан қўрқиб юрганим, барибири, рўй берди. Ўйинга қўшилганимнинг тўртинчи куни бир сўм ютиб олгач, кетаман деб турганимда яна дўппослаб қолишса бўладими! Тўғри, бу гал осонроқ кутулдим, бироқ асорати қолди: лабим шишиб, осилиб кетди. Мактабда уни тишлаб юришга

түгри келарди. Лекин яширишга ҳар қанча уринмайин, Лидия Михайловна разм солибоқ сезди. У мени атай доскага чиқариб, француз тилида матн ўқитди. Лабим ўн карра соғ бўлганида ҳам уни ўхшатиб ўқий олмаслигим аён-ку. Шундай экан, матнни қандай ўқиганимни айтмоққа ҳожат бормикан?

– Бас, бўлди-етар! – деди капалаги учган Лидия Михайловна худди инс-жинсни қувлагандек менга қўл силтаб. – Бу нима деган гап, ахир? Сен билан алоҳида шуғулланмасам бўлмайди, шекилли...

\* \* \*

Шу тариқа мен учун мушкул, азобли кунлар бошланди. Лидия Михайловна билан ёлғиз қолиб, талаф-фузига тил келишмайдиган, факат жазо учунгинами ўйлаб топилган сўзларни унинг ортидан такрорлайдиган фурсатни эрталабдан ҳадик-ла кутадиган бўлдим. Учта унлини биттагина чўзиқ товушга бирлаштиришнинг нима кераги бор ўзи? Масалан, «веаисоир» (кўп) сўзидағи «о» ҳарфини талаффуз қилгунча кишининг жони ҳиқилдоғига келади. Э, бу одамни таҳқирилаш эмасми? Товушни бурун орқали алламбало қилиб чийиллабми-ей талаффуз этиш шартмикан? Ахир, бурун инсонга бошқа нарса учун керак-ку! Ҳар нарсанинг ҳам чек-чегараси бор-да! Мен терлаб, бўғрикиб кетардим, Лидия Михайловна эса ҳеч аямай, тин ҳам бермай ўйрлик тилимни қавартиргани қавартирган. Нега энди факат мени? Мактабда француз тилини менчалик ҳам билмайдиган болалар қанча! Бироқ улар bemalol, ялло қилиб юрибди. Мен эса худди қарғиш теккандек, бошқалар учун ҳам бир ўзим азоб тортиб ўтирибман.

Буниси хали холва экан. Бир куни Лидия Михайловна иккинчи смена дарслари бошлангунча вақтимиз жуда кам, шунинг учун энди кечқурунлари уйимга келасан, деб қолса бўладими! У мактаб ёнидаги ўқитувчиларга ажратилган уйда яшар эди. Бу уйнинг

қолган каттароқ қисмида мактаб директорининг ўзи турарди.

Лидия Михайловнанинг уйига бўйнимдан судрагандек зўрға борардим. Шундоғам бўлар-бўлмас нарсага ўзини йўқотиб қўядиган, тортинчоқ бола эмасманми, аввал-бошда ўқитувчимнинг тоза-озода уйига қадам босганимда гўё жоним танамни тарк этар, нафас олишга ҳам қўрқардим. Менга ечин, хонага кир, деб бирма-бир айтиб туриш керак эди. У мени хатто ўзи ўтқазиб қўйиши ва гапни ҳам ичимдан сугуриб олиши даркор. Бу уринишларнинг ҳам француз тилини пухтароқ ўрганишимга ҳеч нафи бўлмади. Аммо шуниси ажабланарлики, ўқитувчимнинг уйида биз мактабдагидан (гўёки у ерда иккинчи смена халақит берарди) қўра камроқ дарс қиласардик. Яна денг, Лидия Михайловна уйида куйманиб юаркан, мени ҳар хил саволга тутар ёки ўзи ҳақида гапириб берар эди. Айтишича, мактабда у ҳам менга ўхшаб француз тилини яхши ўзлаштиромаган, кейин қасдма-қасдига айнан шу соҳани танлаб, ўзининг ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган. Албатта, бу гапларни Лидия Михайловна мен учунгина ўйлаб топган эди, бунга ақлим етиб турарди.

Хона бурчагига биқинганча унинг сўзларини тингларканман, қачон мени қўйиб юбораркан, дея тоқатим тоқ бўлиб кутардим. Хонада китоб жуда кўп эди, дераза тагидаги тумбочкада ўша вактларда ғоят ноёб саналган, мен учун эса нақд мўъжизанинг ўзи – каттакон, бежирим радиоприёмник турарди. Лидия Михайловна унга пластинка қўяр ва бийрон бир киши француз тили сабогини бошлар, хоҳлайманми-йўқми, буни тингламоққа мажбур эдим. Ўқитувчим одмигина хона-ки қўйлакда, оёғида юмшоқ кигиз пойабзал, хонада у ёқдан-бу ёкка бориб келарди. У менга яқинлашгудек бўлса, бир сапчиб тушардиму яна серрайиб қолардим. Лидия Михайловнанинг уйида ўтирганимга ҳали ҳам ишонолмас, бу ердаги ҳамма нарса мен учун кутилмаган ва ҳайратомуз туюлар эди. Хатто уйнинг ўзгача

бир ифори бор эдики, умрим бино бўлиб бундай ҳидни туймаган эдим. Мен бу ҳаётни бамисоли четдан кузатар ва ўзимдан, ночордан ночор ахволимдан уялиб, тор камзулимга баттар ўралиб олар эдим.

Менимча, ўша кезлар Лидия Михайловна йигирма беш ёшлар атрофида эди. Унинг хушрўй ва шу боисми суратдек жонсизроқ туюладиган чехрасини, филайни билинтирмаслик учун салгина қисилиб турадиган кўзларини, камдан-кам ҳоллардагини пайдо бўладиган нимтабассумини, калта кесилган қоп-қора соchlарини яхши эслайман. Аммо шунга қарамай, унинг юзида (мен кейинчалик қўп бор кузатган) ўқитувчилик касбига хос, ҳатто уларнинг табиатан майин ва кўнгилчанларида ҳам кўзга ташланадиган совуқ бир қатъиятдан асар ҳам йўқ эди. Лидия Михайловнанинг киёфасида алланечук хавотир, муғомбirona бир ҳайрат ҳам бор эдики, гўё ўзига ўзи «қизик, мен бу ерга қандай келиб қолдим, нима қилиб юрибман ўзи» дейётгандек туюларди. Эндиgi тахминимча, ўша вақтда у бир марта эрга тегиб чиқсан эди. Овозидан, енгил, лекин қатъият билан эркин қадам ташлашлари, умуман, ўзини тутишидан унинг анча тажрибали экани сезилиб турарди. Бундан ташқари, мен доим француз ёки испан тилини ўрганадиган қизлар ўз тенгдошлари, дейлик, рус ёки немис тилини ўрганадиганларига нисбатан анча илгари вояга етади, деб ўйлардим.

Машгулотни тутгатганимиздан кейин Лидия Михайловна мени овқатланишга таклиф қилганида қанчалик ўзимни йўқотиб, довдираб қолганимни ҳозир эсласам, уялиб кетаман. Очликдан қорним таталаб кетаётган бўлса-да, бундай вақтда иштаҳам ғиппа бўғилардиколарди. Лидия Михайловна билан бир дастурхонда ўтириш! Йўқ, асло! Ундан кўра эртагача француз тилини бошдан-оёқ ёдлаб чиққаним яхши, қайтиб шу уйга келмасам бўлгани. Мабодо, у билан овқатланган тақдиримда ҳам нон бўлаги томогимга тиқилиб қоларди, бу аниқ. Шу вақтгача мен Лидия Михайловна ҳам бизга ўхшаб оддий таомлардан тановул қилади деб

ўйламас эканман. Менга у бошқаларга ўхшамайдиган, шу қадар ҳайратомуз одам бўлиб туюлардики, унинг овқат ейишини тасаввур ҳам қилолмасдим.

Мен сапчиб туриб, қорним тўқ, емайман, дея фўлдираганча кўча эшик томон тисарилдим. Лидия Михайловна ажабланиб, ранжигандек тикилиб қолди, аммо ҳозир мени зўрлик билан ҳам тўхтатиб бўлмасди. Орқа-олдимга қарамай югуриб чиқиб кетдим. Бу ҳол бир неча бор такрорлангандан сўнг ҳафсаласи пир бўлган Лидия Михайловна ортиқ мени дастурхонга таклиф қилмай қўйди. Нихоят, эркин нафас ола бошладим.

Бир куни пастки қаватдаги ечиниш хонасида бир киши менга нимадир қолдириб кетганини айтишди. Албатта, колхозимиз ҳайдовчиси Вания амаки-да, бошқа ким ҳам бўларди! Уйда ҳеч ким йўқ, эшиклар қулф, менинг мактабдан қайтишимни кутишга вакти бўлмагани учун ҳойнаҳой шу ерга ташлаб кетгандир. Дарс тугагунча зўрға чида бўтиридим-у, кейин пастга қараб чопдим. Мактаб фарроши Вера хола бурчакда турган, одатда, почта орқали жўнатиладиган салмоқлигина оқ фанер қутига ишора қилди. Ҳайрон бўлдим: нега қутига солинган, онам егуликни оддий халтачада юборар эди-ку? Балки бу менга эмасdir? Аммо қутининг устига менинг исми шарифим ва ўқийдиган синфим ёзилган экан. Чамаси, бирорга адашиб кетмасин, дея буни Вания амаки шу ерда ўтириб ёзган. Нега энди онам қўққисдан озиқ-овқатни бунақа қутида юборадиган бўлиб қолди экан? Қаранг-а, маданиятли бўлиб кетибмиз-да!

Ичиди нимаси борлигини билмай туриб, уни уйга олиб кетишга сабрим етармиди! Картошка эмаслигини аниқ сезиб турибман. Нонми десам – қути кичкиналиқ қилади, бунинг устига нонни қутига солишга бало борми? Қолаверса, онам яқиндагина юборган эди, хали еб тутгаттанимча йўқ. У ҳолда бу нима экан? Шу ернинг ўзида, мактабдаёқ зина остига тушиб – у ерда болта борлигини олдиндан билардим – қутини очдим. Бу

ер қоронғи әди, чиқиб атрофга ўғринча алангладиму күлімдаги қутини яқынроқ токчага олиб бордим.

Очдиму анграйиб қолдим – оқ қофозга ўралган макарон. Қойил-ә! Бир текис терилган сариқ макарон ёруғда күзимга ярқ әтиб ташланди, ҳозир бундан ортиқ бойлик йўқ әди менга. Ҳа, энди тушундим нима учун онам буни қутыда юборганини: майдаланиб, синиб кетмасин, бешикаст етиб борсин деган-да. Секингина бир донасини сууриб олдим, ичига пулаб кўрдим ва оғзимдан сўлагим келиб шартта кисирлатиб чайнай бошладим. Кейин иккинчи, учинчисини чайнар эканман, қутини қаерга яширишни ўйлардим. Ахир, макаронни бекамнинг ташландиқ омборидаги очофат каламушларга ем қилиб қўёлмайман-да. Нима, онам охириги пулини сарфлаб, улар учун сотиб олибдими буни? Йўқ, макаронни ҳар жойга ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу қандайдир ҳемири картошка эмас, ахир!

Бирданига томогимга нимадир тикилиб қолди. Макарон... Ростдан ҳам онам қаердан олди экан буни? Қишлоғимизда макарон дегани умуман бўлмаган, бўлганида ҳам бунақа нарсани у ерда сотиб олиб бўпсиз! У ҳолда буни қандай тушуниш керак? Шошапиша, қизиқиш билан ва шунинг баробарида нимагадир умид ҳам қилиб макарон ўралган қофозни кўтариб қарадим, тагидан бир неча чақмоқ йирик-йирик оққанд ва икки бўлак гематоген чиқса денг! Бундан маълум бўладики, қутини онам юбормаган. Унда ким экан-а? Қопқоқни қайта кўздан кечирдим: ўзимнинг исми шарифим, синфим ёзилган, демак, менга аталган. Аммо фалати-да, жуда ҳам фалати.

Мен қутини қайта михлаб, дераза токчасида қолдирдим-да, ўзим иккинчи қаватга чиқдим. Ўқитувчилар хонасини қарасам, Лидия Михайловна кетиб қолган экан. Ҳечқиси йўқ, топамиз, қаерда яшшини биламиз-ку, борганимиз уйига. Ҳа, ҳали шунақами: дастурхонга ўтиришга унамадингми – уйингда бемалол ейсан дебсиз-да! Лекин бунақаси кетмайди. Бошқа ҳеч кимдан гумоним ҳам йўқ-да. Онам эмаслиги кундай

равшан: чунки у бу тансик нарсалар қаердан, қандай келганини албатта ёзиб, кути ичига солиб юборган бўларди.

Мен қўлимда кути билан ёнлаб эшикдан кириб борганимда, Лидия Михайловна ўзини ҳеч гапдан хабари йўқдек тутди. Рўпарасида полда турган кутига қараб, ҳайрон бўлган каби:

– Бу нима? Нимани қўтариб юрибсан? Нега бу ерга олиб келдинг? – деб сўради.

– Бу сизнинг ишингиз, – дедим овозим титраб, бўғилиб.

– Нима қипман мен? Нима деяпсан ўзи?

– Мактабга буни сиз юборгансиз. Биламан, сиз қилгансиз бу ишни.

Лидия Михайловнанинг қизариб кетганини, хижолат тортаётганини сездим. Ўшанда бир мартағина қўрқмай унинг қўзига тик қараган бўлсам керак. У ўқитувчимми ёки холаваччамми, шу тобда бунинг сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди менга. Ҳозир у эмас, мен савол берардим, яна денг француз тилида эмас, ҳеч қандай артикль-партиклсиз рус тилида. Қани, бир жавоб берсин-чи.

– Нега мендан кўряпсан буни?

– Негаки, бизнинг қишлоқда макарон-пакарон йўқ. Гематогенни-ку гапирмаса ҳам бўлади.

– Ростданми? Ҳечам бўлмайдими?! – У шунчалик тонг қолдики, беихтиёр ўзини фош этиб қўйди.

– Ҳечам бўлмайди. Билиб қилиш керак эди бу ишни.

Лидия Михайловна бирдан кулиб юборди. Мени кучмоқчи бўлган эди, ўзимни четга тортдим.

– Ҳа, тўғри айтасан, билиш керак экан. Шунисини ўйламабман-а, қара... – У хаёл суреб қолди. – Аммо буни мен қайдан билай, шаҳарлик бўлсам, ахир! Бизда бунақа нарсалар йўқ, дейсанми? Ҳўш, айт-чи, сизларда нималар бўлади ўзи?

– Нўхат бўлади. Шолғом.

– Нүхат... шолғом... Бизда, Кубанда эса, асосан, олма. Эх-хэ, хозир айни фарқ пишган пайти! Мен ўзи Кубанга кетмоқчи әдим, нима бўлиб бу ёқларга келиб қолганман-да. – Лидия Михайловна уҳ тортиб қўйди. – Кўп жаҳлинг чиқавермасин энди. Билсанг, сени ранжитиш ниятим йўқ эди, сирам. Шу савил макаронни дебчув тушишим тушимга кирибдими? Майли, энди ўйлаб иш қиласман. Буни эса олақолгин...

– Олмайман, – дедим қўрслик билан.

– Нега бундай ўжарсан-а? Очин-тўкин юрганингни биламан-ку. Мен ёлғизман, пулим бор, етарли. Хоҳлаган нарсамни сотиб олавераман, кейин – ёлғиз ўзимга ахир... Яна билсанг, камхўрроқман, семириб кетишидан қўрқаман-да.

– Мен хечам оч юрганим йўқ.

– Кел, мен билан тортишма, хаммасини биламан. Беканг билан гаплашган әдим. Макаронни әлтиб қайнатсанг, тотлигина бир нима пишириб есанг, бунинг нимаси ёмон, хўш? Умримда бир мартагина сенга ғамхўрлик қилсам қилибман-да. Сўз бераман, қайтиб сенга хеч нарса юбормайман. Буни эса ол, илтимос. Яхши ўқиши учун тўйиб овқатланишинг керак. Мактабда балогаям ақли етмайдиган ва эҳтимол, шундайлигича ўтиб кетадиган такасалтандлар қанча, ахир! Сен эса иқтидорли боласан, ўқишини ташламаслигинг керак.

Унинг овозидан бутун вужудим бўшашиб кетаётганини сездим – у мени бу нарсаларни олишга қўндиришидан қўрқардим. Лидия Михайловна ҳақ гапни айтаётганини англаб турсам-да, уни барибир ҳазм қилгим келмаётгани учун ҳам фифоним ошарди. Бош чайқай-чайқай бир балоларни гўлдираганча, югуриб хонадан чиқиб кетдим.

\* \* \*

Шу гаплардан кейин ҳам биз машғулотларимизни тўхтатмадик, мен ҳамон Лидия Михайловнанинига қатнардим. Афтидан, менга тил ўргатишга у энди

астойдил киришган эди. Француз тили бўлса – француз тили-да, деди шекилли. Натижаси ҳам тезда қўриниб қолди: бора-бора французча сўзларни хийла дуруст талафуз қила бошладим, энди улар оғир тошдек оёғимдан пастга тортмас, аксинча, жаранглаб қаерларгадир қанот қоқиб учарди гўё.

– Яхши, – дея мени руҳлантириб қўярди Лидия Михайловна. – Бу чорак бешга тортмайди-ю, аммо кейингисида албатта беш бўлади.

Анави кути хақида қайтиб гап бўлмади. Бироқ мен ҳар эҳтимолга қарши сергак эдим: Лидия Михайловна яна бир нималарни ўйлаб топмайди деб бўлармиди? Ўзимдан мисол: агар бирор ишнинг ҳеч уддасидан чиқавермасам, бор эътиборимни ўшангага қаратаман, шунчаки бефарқ ташлаб қўёлмайман. Лидия Михайловна мени мудом аллақандай умидворлик билан кутишиб тургандек туюлар, айни чоғда, одамовилигидан кулаётганга ҳам ўхшар эди – бундан баттар жахлим чиқарди. Аммо, таажжубки, бу ҳол ўзимни дадилроқ тутишимга ёрдам берарди. Мен энди бу ерда қадам босишига ҳам ийманиб турадиган аввалги ювош, нотавон бола эмас эдим. Аста-секин Лидия Михайловнага, унинг уйига ҳам қўнига бошладим. Албатта, ҳануз сал-пал тортинар, бурчакка бикиниб ўтирас, чоригимни стул тагига беркитишга уринар эдим. Лекин энди ўзимни хийла эркинроқ тутар, руҳий тушкунлигим ҳам босилган, ҳатто Лидия Михайловнага саволлар берар ва у билан баҳслашар ҳам эдим.

У мени дастурхонга ўтқазишга яна бир бор уриниб қўрди – фойдаси бўлмади. Мен ҳеч бўйин бермас, ўжарликда ўнтасидан ўтар эдим.

Биз энди уйдаги машғулотларни тўхтатсак ҳам бўларди. Асосийси, мен французчани ўзлаштиридим, тилим ҳам анча-мунча келишиб қолди. Мактабдаги машғулотлар орқали билимимни мукаммаллаштириб бораверишим мумкин, олдинда ҳали неча йил бор! Ҳаммасини бирданига бошдан-охир ўрганиб олсан, кейин нима иш қиласман? Аммо буни Лидия Михайловнага

айтишга журъатим етмасди. У биз ҳали шуғулланиши-  
миз керак деб хисоблар, шунга кўра француз тилини  
ўрганишдек мاشаққатли юмушни яна давом эттириш-  
га мажбур эдим. Дарвоқе, шуям машаққат эканми?  
Менда ўзим ҳам сезмаган, кутмаган ҳолда тилга нис-  
батан ҳавас уйғонган эди. Бўш қолдим дегунча, хеч  
кимнинг қистовисиз ҳам луғат титкилар, дарсликдаги  
ҳали ўтилмаган матнларга кўз югуртириб ўтирас эдим.  
Жазо мен учун энди ҳузур-ҳаловатга айланди, десам  
ҳам бўларди. Аммо ўр-ўжарлигим ҳалиям қолмаган  
эди: эришолмаган бўлсам – албатта эришаман, амин-  
манки, шу тилни мукаммал эгаллайман. Нима, менинг  
зувалам бошқа лойдан корилган эканми? Лидия Ми-  
хайловнаникига боришга тўғри келмагандаку... Ўзим,  
ха, ўзим ҳам...

Бир куни – макарон воқеасидан икки ҳафталар  
ўтиб Лидия Михайловна мендан:

– Хўш, энди пулга ўйнамаяпсанми? Ёки ҳалиям  
бирор хилватда йифилиб олиб ўйнаб турасизларми? –  
дeя сўраб қолди кулиб.

– Ҳозир ўйнаб бўларканми?! – дедим таажжуб  
аралаш дераза тарафга – оппоқ корга ишора қилиб.

– Ўзи қанақа ўйин эди шу? Қанақа ўйналади, а?

– Нима қиласиз? – дедим ҳушёр тортиб.

– Қизиқ-да. Бир вактлар болалигимизда биз ҳам  
шунга ўхшаш бир ўйин ўйнар эдик. Ўша эмасмикан,  
шуни билмоқчиман. Айт, айтиб берақол.

Гапириб бердим, аммо Вадик, Птаха ҳақида, ке-  
йин ўзимнинг ўйинда ишлатадиган майда хийлаларим  
тўғрисида оғиз очмадим, албатта.

– Йўқ, биз «пристенок» ўйнардик, – деди Лидия  
Михайловна бош чайқаб. – Шундай ўйинни биласанми?

– Билмайман.

– Мана, қара. – У енгилгина ўрнидан турди-да,  
сумкасидан бир нечта танга олди. Кейин девор тагида-  
ги стулни нари сурди. – Яқинроқ кел, қара, мен тан-  
гани деворга отаман, – дeя қўлидагини секин ирфитди,

танга жааранглаб айланиб полга тушди. – Энди эса сен урасан, – деди Лидия Михайловна иккинчи тангани қўлимга тутқазиб. – Аммо шунисига эътибор қилгинки, танганг иложи борича меникига яқин жойга тушсин. Орасини бир қўллаб ўлчаш ҳам, уларни олиш ҳам мумкин бўлсин. Ўйиннинг яна бир номи: ўлчов-ўлчов. Етказа олсанг – ютганинг. Қани, от-чи энди.

Отдим, танга қирраси билан полга тушиб, бурчакка юмалаб кетди.

– Ўхў-ў! – деди Лидия Михайловна қўл силтаб. – Узокқа тушди. Қани, сен бошла-чи. Ёдингда бўлсин, менинг тангам сеникига тегса, ҳатто қирраси тегиб кетса ҳам – мен икки карра ютган бўламан. Тушуняпсанми?

– Нимасини тушунмай?

– Ўйнаймизми?

Мен қулоқларимга ишонолмасдим:

– Нима, сиз билан ўйнайманми?

– Нима қипти?

– Сиз – ўқитувчисиз-ку!

– Ия, нима бўпти? Нима, ўқитувчи бошқача одами? Билсанг, ўқитувчи бўлиш, ўқитиш, фақат ўқитавериш баъзан жонга ҳам тегиб кетади. Бундай қилиш мумкин, ундан қилиш мумкин эмас, деб хаммавақт ўзингни тийиб туришинг керак... – Лидия Михайловна кўзларини фалати қисиб, ўйчанлик билан деразага тикилди. – Гоҳида ўқитувчи эканингни бирпастгина унутиш ҳам фойдали. Акс ҳолда, одам иси ёқмай қолади, бошқалар ҳам сен билан ўтирганда зерикади. Эҳтимол, ўқитувчи учун энг муҳими ўзини доим жиддий тутиш эмас, кимгadir ниманидир ўргата олишини англашдир. – У бир қўзғалиб олгач, бирдан хушнуд бўлиб кетди. – Болалигимда ўт-олов қиз эдим, отонам менинг дастимдан кўп азоб тортган. Ҳозир ҳам гоҳ-гоҳида сакраб-ирғишилагим, аллақаёқларга юргургим, ҳар қандай қолипу тартиб-коидаларни итқитиб ташлаб, хоҳлаган ишимни қилиб юргим келади. Мана шу ерда сакраган, ҳаккалаган вақтларим ҳам кўп бўлган. Агар

билсанг, одам узоқ яшаб эмас, болалиги билан хайрлашган қундан қарий бошларкан. Мен жон-жон деб ҳар куни сакраган бўлардим, аммо деворнинг у ёғида Василий Андреевич яшайди-да. У жуда жиддий одам. Бизнинг бу ерда ўйин ўйнаётганимизни у билмаслиги керак, тушундинг?

– Биз ўйнаётганимиз йўқ-ку. Сиз фақат ўйин коидасини кўрсатиб бердингиз, холос.

– Биз шунчаки, ёлғондакамига ўйнаймиз. Лекин барибир буни Василий Андреевичга сотиб қўймайсан, хўпми?

Ё тавба, дунёнинг ишларини қаранг! Кечагина пул тикиб ўйнаганим учун Лидия Михайловна мени директорнинг олдига олиб киради деб юрагим ёрилгудек бўлмаганмиди? Энди эса у мендан сотиб қўйма, деб илтимос қилиб ўтириби. Бу ёфи қандоқ бўлди? Билмайман, нимадан экан, атрофга аланг-жаланг қараб, кўзларим пирпираганча довдираб турардим.

– Хўш, ўйнаб қўрамизми? Ёқмаса – ўйнамаймиз.

– Майли, – дея иккиланиброк рози бўлдим мен.

– Сен бошла.

Тангаларни қўлга олдик. Лидия Михайловна бир вақтлар ростдан ҳам бу ўйинни ўйнаган экан – қўриниб турарди. Мен эса тангани деворга қай йўсинда – қирраси биланми ёки юзалабми, қандай баландликда, қаттиқроқми ва қачон отганим маъқул, дея энди-энди чамалаб кўраётган эдим. Отган тангаларим ўз-ўзидан четга учиб кетарди. Агар ҳисоблаб кўрилса, мен дастлабки дақиқалардаёқ анча-мунча пул ютқаздим ҳисоб – бу ўйинда ҳеч қанақа хийла-найранг ишлатиб бўлмасди-да. Ҳаммасидан бурун мен Лидия Михайловна билан ўйнаётганимдан қаттиқ хижолат чекар, қийналар ва шу сабабдан ўйинга ҳам тузук киришиб кетолмас эдим. Бунақаси ахир етти ухлаб тушимга кирмаган, хаёлимнинг кўчасидан ҳам ўтмаган эди-да. Мен ҳадеганда фикримни бир ерга жамлаёлмадим – осонми?! Аммо ўзимга келиб ўйинга жиддий киришганимда Лидия Михайловна шартта тўхтатиб:

— Э, бундай ўйнагандан маъни йўқ, — деб қолди қаддини ростлаб ва кўзини тўсиб тушган сочини сил-киб орқага ташлар экан. — Ўйнагандан кейин ростакамига ўйнаш керак. Бизники нима — худди уч яшар боланинг эрмагига ўхшайди.

— У холда пул тикиш керак бўлади, — дедим мен ботиниб-ботинмай.

— Бўлмасам-чи! Қўлимиздаги пул бўлмай нима? Пул тикиладиган ўйинни ўртага бошқа нарса қўйиб ўйнаб бўлмаса! Шуниси бир вақтнинг ўзида ҳам чатоқ, ҳам яхши. Биз энг кам пулга келишиб ўйнасан ҳам бўлаверади, қизиқиш ўйғонади-да ҳар холда.

Мен чурқ этмадим, нима қилиш, нима дейишга лол эдим.

— Наҳотки қўрқаётган бўлсанг? — деди Лидия Михайловна мени гижгижлагандек.

— Ҳечам-да! Ҳеч нарсадан қўрқмайман мен.

Чўнтағимда чақаларим бор эди. Қўлимдагини Лидия Михайловнага қайтариб бериб, ўзимникини олдим. Нима ҳам дердик, майли, Лидия Михайловна, сиз хоҳлагандек ростакамига бўлақолсин. Менга нима, мен бошламадим-ку, ахир. Аввалига Вадик ҳам мени на-зарга илмаган эди, кейин ўзига келиб, мушт кўтариб қолди-ку. Ўша ўйинни ўрганиб олган эдимми, демак, бунисини ҳам эпларман. Бу француз тили эмас, тезги-на ўзлаштириб олсам керак.

Фақат бир шартни қабул қилишимга тўғри келди — Лидия Михайловнанинг панжаси узун, шунинг учун ҳам тангалар орасидаги масофани у бош ва ўрта бармоғида, мен эса одатдагидек бош бармоғим ва жимжилогим билан ўлчайдиган бўлдик. Бу адолатли қарор эди ва мен дарров рози бўлдим.

Ўйинни қайтадан бошладик. Хонадан даҳлизга чиқиб олдик — у ер кенг-мўлгина, ёғоч девори бир текис, танга отгани ўнфай. Биз тангани отгач тиззалиб олар, полда эмаклаб юрар, бир-бири мизга туртинар, бармоқлаб масофани ўлчагандан кейин яна қаддимизни

ростлар эдик. Охирида Лидия Михайловна ҳисобни айтарди. Ўйин чофи у роса шовқин солар, чапак чалар, хуллас, ўзини ўқитувчи эмас, оддий қизалоқдек тутар эдики, бир-икки марта менинг ҳам завқим қўзиб бакирворгим келди. Асосан Лидия Михайловна ютарди, мен эса қўпроқ ютқазардим. Ана-мана дегунча саксон тийин бой бериб қўйибман. Бир амаллаб бу қарзни ўттизга туширган эдим, Лидия Михайловна тангасини узоқдан мўлжаллаб туриб отдию ҳисоб яна элликка чиқди. Мен хавотирга тушиб қолдим. Ҳисоб-китобни ўйин тугагач қиласиз, деб бошдан келишиб олган эдик. Агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, чўнтағимда бори ҳам етмаслиги аниқ. Бир сўмдан салгина қўпроқ пулим бор ўзи. Демак, шундан оширмаслик керак, акс ҳолда, шарманда бўламан! Бир вакт қарасам, Лидия Михайловна ютишга унча ҳаракат ҳам қилмаяпти. Тангалар орасидаги масофани у панжаларини охиригача ёзмай, бармоғини букиброк ўлчарди. Гўёки унинг бармоғи етолмаган тангага меники ҳеч чиранишсиз бемалол етса денг. Жаҳлим чиқиб кетди, сапчиб ўрнимдан турдим-да:

– Йўқ, бунақа бўлса ўйнамайман, – дедим. – Нега менга ютқазиб беряпсиз? Ҳақиқий ўйин эмас бу, фирромлик!

– Ростдан ҳам, унга қўлим етмади, – дея ўзини оқлай бошлади Лидия Михайловна. – Панжаларим қотиб қолганми-ей, ҳеч очилмайди.

– Очилади!

– Хўп, майли, ҳаракат қилиб кўраман.

Математикада қандайлигини билмайман-у, ҳаётда энг маъқули зид томонни ёқлаб туриб исбот қилиш экан. Эртаси куни Лидия Михайловна бармоғи тангага етиши учун билдиrmайгина уни берироқ суриб қўяётганини кўриб, анграйиб қолдим. Менга бир қараб олиб, бу найрангини яққол кўриб турганимни гўё сезмаётгандек ва яна ҳеч нарса бўлмагандек тангани суриб қўяверди.

– Нима қиляпсиз? – дедим аччиқланиб.

- Менми? Нима қипман?
- Нега тангани суриб қўйдингиз?
- Хечам-да, ўзи шу ерда ётган эди, — дея қандайдир беписандлик билан, анави Вадиқу Птахадан асло қолишмайдиган безбетона бир тарзда инкор қилди Лидия Михайловна.

Оббо! Ўқитувчи әмиш-а! Тангани суриб қўйганини ўз кўзим билан кўрдим-ку. Яна тегмадим, деб мени ишонтироқчи бўлади-я. Тағин, устимдан кулганичи! Нима, кўзи кўр деб ўйлајптими мени? Ёки ёш бола фаҳмлајптими? Француз тилини ўргатармишлар бу кишим! Кечагина атайин ютқазишга уринганини унудиб, яна хийла ишлатмасмикан бу, деган хавотирда унинг хатти-ҳаракатларини сергаклик билан кузатмоққа тушдим. Буни қаранг, Лидия Михайловна одамни лақиллатиб ўтиrsa-я!

Ўша кун биз ўн-ўн беш дақиқагина дарс қилдик, холос. Кейинги кунлари машғулотларимиз бундан ҳам қисқарди. Энди биз тамомила бошқа нарсага берилиб кетган эдик. Лидия Михайловна менга озроқ матн ўқитар, баъзи камчиликларимни айтиб, яна бир такрорлатиб кўўрар эди-да, сўнг чўзиб ўтирмай, ўйинга ўтиб қўяқолардик. Икки марта оз-оздан ютқазганимдан кейин мен ҳам юта бошладим. Бу ўйинни ҳам жуда тез ўрганиб, миридан-сиригача – қаерга, қандай уришни, тангани ўлчовга солмаслик учун нима килиш даркорлигини пухта билиб олган эдим.

Яна пулли бўлиб қолдим. Яна бозордан сут сотиб ола бошладим. Энди маҳсус идишчадаги яхлатилган сутдан олардим. Юзасидаги қаймоқни авайлабгина сидириб, эрий бошлаган бўлагини апил-тапил оғзимга солардим. Мазасидан бутун танам яйраб кетарди, кўзларимни юмб олардим. Кейин идишини тўнкариб, пичоқ билан ура-ура қолганини ҳам кўчирадим-да, эригунча кутиб, қора ноннинг устидан ичиб юборардим.

Ҳарқалай, бир амаллаб қуним ўтиб турарди. Яқин келажакда, яъни уруш асоратлари битгач, баҳтли хаётга эришувимиз ваъда қилинган эди.

Лидия Михайловнанинг қўлидан пул олаётиб жуда хижолат бўлардим. Лекин буни ҳалол ютиб олдим-ку, деган ўй ҳамиша менга таскин берарди. Келинг, ўйнайлик, деб мен таклиф қилмайман-ку, ташаббус доим Лидия Михайловнанинг ўзидан чиқади. Мен эса рад этишга журъат қилолмайман. Назаримда, ўйиндан у роса маза қиласрди: мени тортқилар, кулар, хуллас, жуда яйрар эди.

Оқибати нима бўлишини билганимизда-ку...

... Рўпарама-рўпара тиззалаб олганча ҳисоб устида талашаётган эдик. Сал олдин ҳам нимагадир тортишиб олган эдик ўзи.

– Тушунсанг-чи, ҳой хомкалла, – дея қўлларини пахса қилиб Лидия Михайловна менга гап уқтироқчи бўларди. – Сени алдаб нима қиласман? Ҳисобни мен чиқараман ахир, сен эмас, ҳар ҳолда, сендан яхширок билсам керак буни. Мен кетма-кет уч марта ютқаздим, ундан олдин «чикка» бўлган эди.

– Унисини қўйиб туринг.

– Нега қўяр эканман?

Бир-биримизга гал бермай бақир-чақир қилиб ётганимизда ҳайратангиз, аммо қатъий, жарангдор овоз эшитилди:

– Лидия Михайловна!

Қотиб қолдик – эшик олдида Василий Андреевич турарди.

– Лидия Михайловна, нима гап? Бу ерда нима бўляпти ўзи?

Лидия Михайловна секингина ўрнидан турди. Юзлари бўғриқиб, тўзғиб кетган сочини текислаган бўлди:

– Василий Андреевич, киришдан олдин эшикни тақиллатсангиз бўларди...

– Тақиллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади-да. Хўш, айтинг-чи, нима бўляпти бу ерда? Директор сифатида билишга ҳаққим бордир.

– Ўйин ўйнаётган эдик, – деди Лидия Михайловна хотиржамгина.

– Пулга ўйнаяпсизми? Шу билан-а?! – деди менга ишора қилиб Василий Андреевич. Қўрқанимдан бирон ерга беркиниб оларман дея эмаклаганча тўсиқ орқасига ўтиб кетдим. – Ўқувчингиз билан ўйнаяпсизми? Шунаقا шекилли?

– Ҳа, шунаقا.

– Биласизми... – Худди ҳаво етишмаётгандек директор бўғилиб қолди. – Тўғриси, ҳозир сизга нима дейишга ҳам ҳайронман. Бу – жиноят! Йўлдан озиш. Ёш болани ахлоқсизликка бошлаш дейдилар буни. Яна, яна... Йигирма йилдан бери мактабда ишлаб, ҳали бунақасига дуч келмаган эдим... – У таажжубдан қўлларини боши узра кўтарди.

\* \* \*

Уч кундан сўнг Лидия Михайловна жўнаб кетди. Кетишидан бир кун олдин, мактабдан қайтишимни кутиб турган экан, мени уйгача қузатиб келди.

– Юртимга – Кубанга бораман, – деди у хайрлашаётиб. – Тинч-хотиржам ўқийвергин, анави бемаъни воқеа учун ҳеч ким сенга фик этолмайди. Ҳаммасига мен сабабчи. Сен фақат ўқишини ўйла. – У сочимни бир тўзғитиб қўйди-да, кетди.

Шу-шу, қайтиб уни кўрмадим.

Киши кунлари эди, таътилдан сўнг мактабга менинг номимга почтадан бир қути келди. Мен яна зина остидан болтани олиб, уни очдиму бир текисда зич қилиб терилган макаронни кўрдим. Тагидан эса пахтага ўроғлиқ уч дона қизил олма чиқди.

Мен олмани расмдагина кўрган эдим, лекин ҳозир қўлимда ушлаб турган нарса олма эканини дарров билдим.

---

## МУНДАРИЖА

Хар бири – дурдона .....	3
<b>Оноре де БАЛЬЗАК.</b> Фойиб бўлган дурдона.	
Наим Каримов таржимаси .....	5
<b>Николай ГОГОЛЬ.</b> Бурун	
Фарҳод Файзий таржимаси .....	38
<b>Стефан ЦВЕЙГ.</b> Бир умрнинг заволи	
Низом Комил таржимаси.....	70
<b>Ясунари КАВАБАТА.</b> Ойнадаги ой	
Фахриёр таржимаси .....	93
<b>Жан-Поль САРТР.</b> Девор	
Иброҳим Faфуров таржимаси .....	105
<b>Дино БУЦЦАТИ.</b> Тақиқ	
Муртазо Қаршибой таржимаси .....	132
<b>Макс ФРИШ.</b> Бир ҳалокат ҳисоботи	
Шоҳсанам таржимаси .....	141
<b>Нодар ДУМБАДЗЕ.</b> Hellados	
Низом Комил таржимаси.....	161
<b>Габриэль Гарсиа МАРКЕС.</b> Атиргулнинг тикони	
Низом Комил таржимаси.....	182
<b>Фозил ИСКАНДАР.</b> Қўшюрак	
Низом Комил таржимаси.....	199
<b>Валентин РАСПУТИН.</b> Француз тили сабоқлари.	
Шоҳсанам таржимаси .....	231

*Адабий-бадиий нашр*

## **АТИРГУЛНИНГ ТИКОНИ**

Хикоялар

Мухаррир *Л. Игамова*

Рассом-дизайнер *P. Маликов*

Техник мұхаррир *Л. Хижсова, Т.Харитонова*

Кичик мұхаррирлар: *Д. Холматова, Г. Ералиева*

Мусаҳих *Д. Маҳмудова*

Компьютерда тайёрловчи *H. Ахмедова*

Нашриёт лицензияси AI № 158. 14.08.2009  
Босишига 2016 йил 9 сентябрда руҳсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Офсет қоғози. «Тайм» гарнитурасида оғсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 14,28. Нашр табоги 13,36.  
Адади 3000 нусха. Буюртма № 16-561.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

A 87      **Атиргулнинг тикони** (Матн) / тўпловчи  
С.Ёкубов. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ,  
2016. – 272 б.

ISBN 978-9943-28-690-0

**УЎК: 821-822(100)**  
**КБК 84(0)**